

З. МАМАТОВ, С. НАЖБИДДИНОВ

Аудит

ўқув қўлланма



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети

Маматов З.Т, Нажбиддинов С.Ў.

АУДИТ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус
таълим вазирлиги томонидан ўқув қўлланма
сифатида тавсия этилган

839002
ТР-11
кти... ...асзи 4/3

«Sano-Standart» нашриёти
Тошкент – 2014

УЎК: 336.717(075)

КБК: 65.053

М 23

Муаллифлар: Маматов З.Т., Нажбиддинов С.Ў.

Мухаррир: Абдумурод Тилавов, филология фанлари номзоди

Такризчилар: Б.А. Ҳасанов, и.ф.д., проф;

Ш. Илҳомов, и.ф.н., доц;

Р. Ж. Маматкулов.

Ушбу ўқув қўлланмада иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикасида тафтиш ва назоратнинг ислоҳ қилиниши, назорат тизимида аудитнинг объектив зарурлиги, унинг вужудга келиши, аудиторлик фаолиятнинг ҳуқуқий асослари, аудитнинг халқаро ва миллий стандартлари, аудит ўтказишда томонлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг масъулияtlари, аудиторлик текширишини ташкил қилиш, аудиторлик давлатларни йиғиш, аудиторлик ҳисобот ва хуносаларни шакллантириш ҳамда уларни ҳужжатларда расмийлаштириш масалалари ёритилган. Шунингдек, унда аудит фанининг умумназарий асослари, мазмун-моддияти, унни ташкил этиши ва ҳуқуқий-меъёрий тартибга солиш асослари, Ўзбекистонда рўй берадиган ўзгаришлар ёритиб берилган.

Кўлланма олий ўқув юртларининг иқтисодий соҳадаги талабалари, ўқитувчилари, аспирантлар, магистрантлар ҳамда аудит тизимида фаолият кўрсатадиган аудиторлар ва мутахассислар, иқтисодиёт йўналишидаги касб-ҳунар коллежи талабалари учун мўлжалланган.

Мазкур ўқув қўлланма Тошкент Давлат иқтисодиётуниверситети Илмий-устубий кенгашин томонидан нашрга тавсия этилган.

Аудит / Ўқув қўлланма, Муаллифлар:

Маматов З.Т., Нажбиддинов С.Ў. –Т.:
«Sano-Standart» нацириёти, 2014. – 264 б.

УЎК: 336.717(075)

КБК: 65.053

М 23

© Маматов З.Т., Нажбиддинов С.Ў.

© «Sano-standart» нацириёти, 2014

ISBN 978-9943-396-60-9

МУНДАРИЖА

Кириш	5
-------------	---

I БОБ. АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ: МОХИЯТИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

1.1. Аудитнинг моҳияти, мақсад ва вазифалари	8
1.2. Аудитнинг вужудга келиш тарихи.	
Ўзбекистонда аудит ва назорат	18
1.3. Ўзбекистонда аудитнинг ривожланиш босқичлари	30
1.4. Аудиторлик ташкилотларини ташкил этиши ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш	35
1.5. Ўзбекистон Республикасида ташқи аудитни ўтказишинг хусусиятлари	51
1.6. Ўзбекистон Республикасидаги корхоналарда ички аудит хизматини ташкил қилиш хусусиятлари	54
1.7. Аудитнинг шакллари.....	63

II БОБ. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ ВА АУДИТОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, ЖАВОБГАРЛИГИ, АУДИТОРЛИК СТАНДАРТЛАРИ, АУДИТНИНГ АХЛОҚИЙ МЕЪЁРЛАРИ

2.1. Аудит ўтказишда томонлар ўртасида вужудга келадиган ҳуқукий муносабатлар	73
2.2. Аудит ўтказишда аудиторлик ташкилоти ва хўжалик юритувчи субъектлар масъулияти	80
2.3. Аудиторлик фаолиятининг ҳалқаро ва миллий стандартлари	84
2.4. Ички аудиторлик стандартлари.....	94
2.5. Аудитнинг ахлоқий меъёрлари	97
2.6. Аудиторлик ташкилотининг професионал хизматлари	111

III БОБ. АУДИТОРЛИК ТЕКШИРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

3.1. Аудиторлик текшириш босқичлари.....	121
3.2. Аудиторлик ташкилотининг мижоз олдидағи мажбурият хати	125

3.3. Аудиторлик текширишга оид шартнома ва унинг моҳияти.....	130
3.4. Аудиторлик текшириш режаси ва дастури	142
3.5. Аудит иш сифатини назорат қилиш	156

IV БОБ. АУДИТОРЛИК РИСК ВА УНИНГ АУДИТОРЛИК ТАНЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ

4.1. Аудиторлик текширишда муҳимликни баҳолаш.....	162
4.2. Аудиторлик рисклари.....	166
4.3. Аудиторлик иш ҳужжатларини тузиш	177
4.4. Аудиторлик танлаш	184

V БОБ. АУДИТОРЛИК ДАЛИЛЛАР. УЛАРНИ ТЎПЛАШ ТАРТИБИ ВА АУДИТНИНГ ИШЧИ ҲУЖЖАТЛАРИДА РАСМИЙЛАШТИРИШ

5.1. Аудиторлик далиллар ва уларнинг турлари.....	199
5.2. Ички аудит натижаларидан фойдаланиш	218
5.3. Экспертлар иши натижаларидан фойдаланиш	221
5.4. Аудитор ёрдамчилари ишларининг натижаларидан фойдаланиш	223

VI БОБ. АУДИТОРЛИК ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИНИ ҲУЖЖАТЛАРДА РАСМИЙЛАШТИРИШ

6.1. Аудитни ҳужжатлаштиришнинг умумий қоидалари	226
6.2. Текширилаёттган объектнинг аудиторлик ҳисоботи	230
6.3. Аудиторнинг текшириш натижаларини баҳолаш	234
6.4. Аудиторлик холосаси, унинг мазмуни ва турлари	236
6.5. Ҳисобот тузилган санадан кейинги ҳодисалар	244
6.6. Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи	249
Адабиётлар рўйхати	257

Кириш

Мамлакатимизда иқтисодий назоратнинг асосий таркибий қисми ҳисобланган аудит бугунги кунда бозор иқтисодиёти ривожланишининг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Корхоналарнинг бухгалтерия ва молиявий ҳисботини мустакил текшириппинг ташкилий, услубий ва методологик усулларини ўзида жамлаган аудитни ўтказиш учун бу жараёнларни амалга ошира оладиган мутахассис етарли билимга эга бўлиши зарур. Бундай билимга нафақат текширувчи, балки текшириш ўтказилаётган иқтисодий субъект мутахассислари ҳам эга бўлиши лозим.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустакил ҳамда молиявий барқарор фаолият кўрсатишиларида уларни оқилона бошқариш, ҳисоб-китоб юритилишини бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш, аудитни тўғри ташкил қилиш, мавжуд моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишини ташкил этиш, натижада юқори фойда олиб, давлат бюджети олдидағи мажбуриятларини ўз вақтида бажариш захираларини ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ҳам Ўзбекистонда аудиторлик фаолияти, иқтисодиётнинг модернизациялашуви талаблари асосида ташкил этиш бугунги кундаги долзарб масалалардан саналади.

Аудиторлик фаолиятини амалга ошираётган мутахассис бухгалтерия ҳисоби, солик ҳисоби ва бошқарув ҳисоби, хўжалик фаолияти таҳлили, меҳнат ва фуқаролик ҳуқуқи ҳакида етарли тасаввурга эга бўлиши, бухгалтерия ҳисоби ва солиқка тортишда қўлланиладиган усулларни билиши, ҳисоб тизимининг келажакдаги ривожи ва анъаналари ҳакида аник тасаввурга эга бўлиши керак.

Шуни таъкидлаш лозимки, сўнгти йилларда мамлакатимизда аудиторлик фаолияти мазмунан ва моҳият жиҳатдан эркин иқтисодиётга мослав янг биланмоқда. Хусусан, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, аудитнинг миллий стандартлари ва бошқа тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

қабул қилиниб, амалда жорий этилмоқда. Натижада аудиторлик фаолиятини халқаро талаблар даражасида ташкил этиш имкониятлари яратилмоқда.

Аудиторлик ташкилотлари олдига хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик, шунингдек, ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини ошириш, хусусий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб килиш, субъектлар ўртасида ҳисоб-китобларни йўлга қўйиш ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш, бюджет билан солиқ ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоблашишларни ўз вақтида амалга ошириш юзасидан маслаҳатлар бериш ва бошқа малакали ҳизматлар кўрсатиш масаласини долзарб қилиб қўяди. Шуларни эътиборга олганда, аудиторлик ташкилот (аудитор)лар ҳизматига эҳтиёж ошмоқда. Жумладан, ҳозирги кунда аудиторлик ташкилотлари қуидаги малакавий ҳизматларни кўрсатиши Қонун билан белгилаб берилган: бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, қайта тиклаш ва юритиш; молиявий ҳисботни тузиш; бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисбот юритиш ва тузишни халқаро стандартларга ўтказиш; хўжалик юритувчи субъект молиявий-хўжалик фаолиятини таҳдил қилиш ва бошқа ҳизматлар кўрсатиш. Зоро, Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, “Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнини тегишли бозор инфратузилмаси, яъни аудиторлик ва бошқа тузилмаларни ривожлантирмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас”¹. Шу маънода «Аудит» фанига бўлган аҳамият ошиб бормоқда.

«Аудит» фанини ўқитишдан мақсад, талабаларга аудиторлик ташкилоти томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисботи ва бошқа молиявий ахборотларини тўғрилити ва қонун ҳужжатларига мослиги тўғрисида холис ва асосли фикрни шакллантириш учун зарур бўлган аудиторлик амалларини бажариш бўйича назарий билим беришдан иборат.

¹ Каримов И.А. Барча речя ва дастурларимиз Ватанимиз тараққистикини юксалтириш, қалқимиз фаровоглигини оширишга ҳизмат қиласди: 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-интисидор ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга багишланган ЎзР Вазирлар Мажхамасининг мажлисидағи ўқилган маъзуза. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

Ушбу ўкув қўлланмада Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тафтиш ва назоратни ислоҳ килиниши, назорат тизимида аудитнинг объектив зарурлиги, унинг вужудга келиши, аудиторлик фаолиятининг ҳуқукий асослари, аудитнинг миллий стандартлари, ташки ва ички аудитни ташкил этиш хусусиятлари, аудиторлик фаолиятини лицензиялаш масалалари, аудиторлик ташкилотларини рейтингини аниқлаш, аудиторлик риски ва уни аудиторлик танлаш билан боғлиқлиги, аудиторлик далилларни йиғиш ва уни ҳужжатларда расмийлаштирилиши, аудиторлик ҳисобот ва ҳулосани шакллантириш масалалари ёритилган.

Ўкув қўлланмада аудит фанининг умумназарий асослари, мазмун-моҳияти, уни ташкил этиш ва ҳуқукий-меъёрий тартибга солиш асослари, мамлакатимизда рўй берастган ўзгаришларни инобатга олиб ёритиб берилган.

І БОБ. АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ: МОҲИЯТИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

1.1. Аудитнинг моҳияти, мақсад ва вазифалари

Аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги конунининг 17-моддасида назарда тутилган профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади. Аудиторлик фаолияти аудиторлик ташкилоти томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия (мolia) ҳисоботини, бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларини, солик декларацияларини ва бошқа молиявий маҷбуриятларини ҳамда таълабларини мустақил текширишларини амалга оширадиган, шунингдек, бошқа профессионал хизмат кўрсатадиган тадбиркорлик фаолиятидир.

Аудитор – лотинча «аудит» – тингловчи, шогирд, издош сўзидан олинган бўлиб, корхонанинг маълум даврдаги молия хўжалик фаолиятининг аҳволини текширувчи шахсdir. Аудитор тафтишидан ўз моҳияти, ҳужжатларни текширишга ёндашуви, мижозлар билан ўзаро муносабати, текшириш натижалари юзасидан чиқарган хулюсалари ва бошқалар бўйича фарқ килади.

«Аудит» тушунчаси «стафтиш» ва «назорат» каби тушупчалардан анча кенгdir. Аудит молиявий кўрсаткичларнинг ишончлилигини таъминлабгина қолмай, яна шуниси ҳам муҳимки, харажатлардан оқилона фойдаланиш ва фойдани кўпайтириш мақсадида хўжалик фаолиятини яхшилаш юзасидан таклифларни ишлаб чиқишига имкон беради. Аудитни бизнеснинг ўзига хос экспертизаси сифатида таърифлаш мумкин.

Аудиторлик фаолияти текширишлар, турли хизматлар кўрсатишдан ташқари ҳисобни тиклашни, ҳисоб юритиш, солиқса тортиш ва бошқа масалалар бўйича маслаҳат бе-

ришни ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ аудитор – аудитор малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахсdir. Агар аудитор аудиторлик ташкилотининг штатида турган бўлса ёки аудиторлик ташкилоти у билан фукаролик-ҳукукий тусдаги шартнома тузган бўлса, у аудиторлик текшируви ўtkазишга жалб этилиши мумкин.

Аудиторнинг ёрдамчиси аудитор малака сертификатига эга бўлмаган ва аудиторлик ҳисоботида, аудиторлик хulosасида, аудиторнинг эксперт хulosасида ҳамда аудиторлик текширувини ўtkазиш билан боғлиқ бўлган бошқа расмий хужжатда имзо чекиши ҳукукига эга бўлмаган тарзда аудиторнинг топшириғига биноан аудиторлик текширувида иштирок этаётган жисмоний шахsdir. Аудитор ёрдамчисининг меҳнат шартлари қонун хужжатларида қайд этилган тартибда тузилган меҳнат шартномаси билан белгиланади. Аудиторлик текширувини амалга оширишда олинган маълумотларни ошкор этмаслик мажбурияти аудиторнинг ёрдамчисига нисбатан татбиқ этилади. Аудиторнинг ёрдамчиси сифатида ишлаган даври аудитор малака сертификатини олиш учун зарур бўладиган иш стажига қўшилади.

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган юридик шахsdir. Аудиторлик ташкилотлари ўз фаолиятини амалга оширишда мустакиллар. Аудиторлик ташкилотлари вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралари ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқарув органлари томонидан тузилиши мумкин эмас. Давлат хокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари, шунингдек, қонун хужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланадиган бошқа шахслар аудиторлик ташкилотларининг муассислари бўла олмайдилар.

Аудиторлик ташкилотлари очик турдаги акциядорлик жамияти қўринишидан ташқари, қонун хужжатларида назарда

тутилган исталган ташкилий-хуқуқий шаклда тузилиши ва ўз фаолиятини қуидаги мажбурий шартларга риоя этган ҳолда амалга ошириши мумкин:

аудиторлик ташкилоти устав капиталининг камидаги 51 фоизи бир ёки бир неча аудиторга тегишли бўлиши керак (чет эл аудиторлик ташкилотининг филиали ёки шўъба корхонаси тузилган ҳолат бундан мустасно); аудиторлик ташкилотининг штат бирлиги камидаги икки аудитордан иборат бўлиши керак;

аудиторлик ташкилотининг раҳбари фақат аудитор бўлиши лозим.

аудиторлик ташкилотининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган устав капитали мавжуд бўлиши ва мазкур устав капиталининг камидаги 50 фоизи пул маблағларидан қолган қисми эса аудиторлик фаолиятида бевосита ишлатиладиган мулклардан ташкил топиши шарт.

Аудиторлик ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидаги давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Адлия вазирлиги аудиторлик ташкилотларининг давлат реестрини юритади. Аудиторлик ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва аудиторлик ташкилотларининг давлат реестрини юритиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолиятини ўзларининг фуқаролик жавобгарлиги хусусидаги сугурта полиси мавжуд бўлган тақдирда аудиторлик хизмати кўрсатиш тўғрисидаги тузилган шартнома асосида амалга оширадилар.

Аудит назарияси ва амалиёти соҳасида таникли американлик мутахассис проф Ж. Робертсоннинг таъкидлашчича, аудит - тадбиркорлик рискини камайтиришга қаратилган фаолиятдир. Сўнгра у аудит молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар учун ахборот рискини мақбул даражагача камайтиришга кўмаклашади, леб хулоса чиқаради. Бу рискини таҳминан ҳисоблаб чиқиш ва яхши воқеалар эҳтимоллигини аниқлаш мумкин. Шу билан бир вактда компания (ташкилот) нинг

тадбиркорлик риски аудиторга бевосита таъсир қилмайди.

Аудит суд-бухгалтерия экспертизасидан ҳам фарқ қилишини айтиб ўтиш лозим. Бу фарқ шундан иборатки, аудит мустақил текшириш, суд-бухгалтерия экспертизаси эса суд органларининг қарорига мувофиқ ўтказилади. Суд-бухгалтерия экспертизасининг ўзига хос хусусияти унинг процессуал-ҳуқуқий шаклида намоён бўлади. Ҳуқуқий процессуал шакли амалга оширилган хўжалик муомалаларини таҳдил этиш давомида бухгалтерия ҳисоби соҳасида эксперт билимларини қўллашда далиллар манбани олишни таъминлайди. Жиной ёки фуқаролик иши борлиги ёки йўқлигидан қатъи назар аудит мавжуддир. Суд-бухгалтерия экспертизаси жиной ёки арбитраж ишисиз бўлиши мумкин эмас, чунки у процессуал-ҳуқуқий шаклдан иборат (экспертиза ушбу турининг ҳуқуқий томонидир).

Суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиши чогида аудитор эксперт – бухгалтер сифатида жалб этилиши мумкин. Эксперт мустақил процессуал шахс сифатида, бухгалтерия ҳисоби ва назорат соҳасида малакали мутахассис сифатида тадқиқот усулларини мустақил белгилайди.

Аудитнинг мақсади хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисботини ва бошқа молиявий ахборотларини ҳаққонийлиги тўғрисида холисона фикрини ифода этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ келишлигини аниқлашдан иборат.

Аудиторлик фаолияти мустақиллик, холислик, эркинлик, профессионал малакалилик ва махфийлик принциплари асосида амалга оширилади.

Аудиторнинг мустақиллиги. Аудитор мижознинг ташкилоти ва мансабдор шахсларидан барча жиҳатдан мустақил бўлиши лозим. Агарда мижоз ташкилотига боғлиқ бўлишга асосли шубҳалар бўлса, аудитор профессионал хизматлар кўрсатишдан воз кечади. Кўрсатилган профессионал хизматлар натижаларига кўра тузилган ҳulosада ёки бошқа бирон ҳужжатда аудитор онгли равишда ва ҳеч қандай изоҳларсиз

мижозга нисбатан ўзининг мустақиллигини маълум килади.

Холислик – аудитор адолатли бўлиши, айни пайтда эски қарашлар, нохолислик, манфаатлар тўқнашуви ва бошка омиллар унинг иши натижаларига таъсир кўрсатмаслиги керак. Аудиторнинг холислигига унинг хуносалари, тавсиялари ва якунлари учун талаб қилинадиган маълумотларнинг етарли ҳажми энг муддим асос ҳисобланади. Шу сабабли аудитор ўз фикр ва мулоҳазаларининг холислигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахслар билан мулоқотдан сақланади ёки ўзига ҳар қандай шаклда босим ўтказилишига йўл кўймаслигини кўрсатгани ҳолда уларни дарҳол тўхтатади.

Аудиторнинг профессионал малакалилиги mijozga zapur bўlgan aудиторлик хизmatlarinинг etarli daражадagi kасбий daражасини taъminlайди. Aудиторнинг kасбий bilimdonligi umumiy va maxsus olijy maъlumotga, attestasiya imtiyonlарини topshirganganligiga va buning tegishi dиплом va attestatlar bilan tasdiqlanganligiga, shunингдек, ushu йўналишдаги va kасbий daражадagi boшқа mutaxassislar bilan birga профессионал aудиторлик хизматларini kўrsatiш bўйича uzlucksiz amalij iш tажribasiga асосланади. Muайян профессионал хизматlar kўrsatiш mажбуriятini ўz zimmасига olар экан, aудитор ushu soҳada bилиmdon эканligiga iшончи komil bўliши, ўz mажбуriятларini ҳалол va юксак savияda bажариш учун зарурiy bилиm daражаси va kўnikmalariга эга bўliши, mijozga замонавий uslublarغا, энг сўнгти meъёриj ҳужжатларга асосланган aудитorlik хизматlari kўrsatiлишини kaфолatлаши kerak.

Махфийлик – aудитор buortmachi roziлигисиз профессионал хизматlari kўrsatiш пайтида oлинган maъlumotlarни, шу жумладан, тижорий сирларini oшкор etmasлиги kerak, amaldagi қонунчилik meъёрларида kўzda тутилган ҳолатlар бундан mustasno.

Ўзбекистонда aудиторлик фаолияти va aудитор kасbi ҳозирги kўринишида ҳозирги vaqtda мамлакатdаги iктисолий ўзгаришлар bilan boғлиқ ҳолда mustaқillikkа эришгандан сўнг pайдо bўldi.

Мустақил бухгалтер-аудитор касби ўтган асрда Европа акциядорлик жамииятларида пайдо бўлди. Бу акциядорлик жамиятининг ҳисоботига холис баҳо бериш, корхонанинг молиявий аҳволи тўғрисида ишончли маълумот олиш эҳтиёжи туфайли пайдо бўлди. Бу объектив маълумотларни фақат мустақил бўлган холис мутахассис бериши мумкин эди.

Бухгалтер-аудиторлар Буюк Британияда XIX асрнинг ўрталарида пайдо бўлганини таъкидлаш мумкин. 1862 йилда Англияда, Францияда 1867 йилда, АҚШда 1937 йилда мажбурий аудит тўғрисида қонун қабул қилинди.

Ҳозирги вактда жаҳондаги бозор иқтисодиётига асосланган барча мамлакатларда аудит жамоат институти ўзининг ҳуқуқий ва ташкилий инфратузилимаси билан мавжуд. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида аудит кўп тарқалмоқда. Россияда, Белорусда, Қозоғистон ва Украинада аудиторлик фаолияти тўғрисида қонун қабул қилинди.

Бухгалтер-аудитор хусусий фаолият билан шуғулланувчи адвокатлар, шифокорлар, каби эркин касб вакилидир. Бироқ Якка ҳолда ишлайдиган аудиторлар бозор иқтисодиётига асосланган ривожланган мамлакатларда ҳозирги вактда тобора кам учрамоқда. Россияда якка ҳолда ишлайдиган мустақил аудиторлар мавжуддир. Уларнинг кўпчиллии ихтисослашган ташкилотларда ишлашмоқда, чунки ташкилотларда муваффакиятли фаолият учун имконият алоҳида ишлаётган аудиторларга нисбатан кўпроқ.

Аудиторлик ишининг ривожланиши дунёдаги кўп мамлакатларда филиаллари ва ваколатлари бўлган йирик ҳалқаро компаниялар ва ташкилотлар тузилишига олиб келди.

Ҳозирги вактда дунёда «Катта тўртлик» деб аталган йирик компаниялар ва ташкилотлар мавжуд, булар: «Эрнет Энд Янг Интернэшил ЛТД», КПМГ (Клинвельд Пит Марвик Гердлер), «Делойт энд туш», «Прайсуптерхазкуперз» лардир. Аудиторлик компанияларининг хизмати жуда юқори баҳоланади. Чунончи, 2011 йилда дунёдаги энг йирик аудиторлик компанияси Прайсуптерхазкуперс аудиторлик компаниясининг йиллик даромади 29.2 млрд. долларни ташкил этди. 1.1.-жадвалда жаҳондаги тўртлик йирик аудиторлик-

консультатив компанияларининг 2010-2011 йиллардаги даромадлари түгрисида маълумотлар келтирилган.

1-жадвал

Жаҳондаги тўртлик йирик аудиторлик - консультатив компанияларининг тавсифи, 2010-2011 йиллар

	Йиллик даромад, млрд. \$		2011 й уртча ходим- лар сони, (миянг)	Офис- лари очилган мамла- катлар сони
	2010 й.	2011 й.		
PricewaterhouseCoopers	26,6	29,2	169,0	142
Deloitte Toosbe	26,6	28,8	182,0	142
Ernst & Yong	21,1	22,9	152,0	141
KPMG	20,6	22,7	137,8	126
Жами	94,9	103,6		

Аудиторлик фаолияти ривожланиши билан боғлиқ ҳолда аудиторлик кўрсатадиган хизмат турлари кўпайиб ҳажми ортиб бормоқда. Сўнги 25 йилда аудиторлик амаллари узлуксиз ривожланди. Аудиторлик тараккиётини уч босқичга ажратиш мумкин: тасдиқловчи босқич, тизимга қаратилган тадбиркорлик босқичи ва рискка асосланган босқич.

Аудиторнинг тасдиқловчи босқичи шуниси билан фарқланганки, аудитор-текшириш ўтказиш чоғида ҳар бир хўжалик операциясини текшириб, уни ҳақиқийлигини тасдиқлайди.

Аудит – тадбиркорлик фаолияти, яъни фойда олишга қаратилган фаолиятдир, шу сабабли аудиторлар текшириш сифатини пасайтирган ҳолда текширишга кетадиган вақтини имкони борича қисқартирадиган усуулларни қўллашлари керак.

Рискка асосланган аудит – аудитнинг шундай турики, текшириш корхонанинг иш шароитидан келиб чиқиб, асосан унинг фаолияти саралаб ўтказилади. Аудиторлик ишларини риск кучли бўлган жойларга қаратиб, риск кам соҳаларни текширишга сарфланадиган вақтини тежаш мумкин. Аудитор текширишга харажат нуқтаи назаридан энг самарали текширишни таъминлайди.

Аудиторлик фаолиятининг мақсади ва вазифаларини кўриб чиқайлик. Юкорида таъкидланганидек, аудитнинг асосий мақсади – аудит ўтказилаётган объект тўғрисида холисона, ҳақиқий, аниқ маълумот бериш. Аудиторлик – назоратнинг алоҳида, мустақил шаклидир. Аудиторлик хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботининг тўғрилиги, тўлалиги ва амалдаги қонунларга ҳамда бухгалтерия ҳисобини юритишга, молиявий ҳисобот тузиш учун қўйиладиган таалабларга мослигини аниклаш мақсадида бу молиявий ҳисоботни мустақил экспертиза ва таҳлил қилишдир. Асосий аудиторлик фаолияти юритишнинг ўзига хос хусусиятлари (талаблари) – текширишни ўтказиш чоғида мустақиллик, объективлик, маҳфийлик тамойиллари ҳисобланади.

Аудиторнинг профессионализми, ўз ишини яхши билиши, ҳалоллиги (виждонлилиги), статистика ва иктисодий таҳлил усулларидан фойдаланиш, аудиторлик текшириши маълумотлари бўйича оқилона қарор қабул қила олиш, мижозларга нисбатан хайриҳоҳлик ва холислик, аудитор текшириши натижалари бўйича тавсиялар ва хulosаларнинг оқибати учун аудиторнинг масъулияти, аудиторлик касби обрўсининг ортишига кўмаклашиш кабилар унинг асосий мақсадга эришишига ёрдам беради.

Юкорида санаб ўтилган хусусиятлар аудиторнинг касбий нормасини белгилаб беради.

Аудиторнинг мустакиллиги у давлат муассасасининг ходими эмаслиги, назорат тафтиш органларига бўйсунмаслиги ва уларнинг назорати остида ишламаслиги, аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига риоя қилиши, текширилаётган корхоналарда ҳеч қандай мулкий ёки шахсий манфаатлари йўқлиги билан боғлиқдир. Объективлик (холислик) аудиторнинг юкори профессионал тайёргарлиги, катта амалий тажрибаси, энг янги услубий, меъёрий-хуқуқий қўлланмаларни билиши билан таъминланади.

Маҳфийлик – аудиторлик фаолиятини амалга ошириш чоғида энг муҳим талабдир. Аудитор ўзи текшираётган объектиларнинг хўжалик фаолияти тўғрисида учинчи шахсга, ҳеч қандай органга маълумот бермаслиги керак. У ўз мижозларининг сирини очгани (эълон қилгани) учун қонунга мувофиқ

маънавий, агар шартномада кўзда тутилган бўлса моддий жа-
вобгар бўлади.

Аудиторда зарур профессионал малака бўлиши, у ўз би-
лим ва кўникмаларини узлусиз равишда ошириб бориши,
меъёрий хужжатларнинг талабларига риоя қилиши зарур.
Етарли профессионал билимга эга бўлмаган аудитор мижозга
хизмат кўрсатмаслиги лозим. Акс ҳолда у аудиторлик таш-
килотнинг обрўсига путур етказиши ёки жарима тўлап оқи-
батида катта моддий зарар кўриши мумкин.

Статистик ва икътисодий таҳлил усуулларидан фойдаланиб
ўтказилган текширишларни юқори савияда таҳлил қилишни
ташкил этиш, қарор қабул қилиш учун янада объектив ва
ишончли маълумотларни одиши мумконини беради.

Аудиторлик текширишда янги ахборот технологияларнинг
кўлланиши асосан аудиторлик фаолиятини такомиллашган
тарзда ташкил этишга ёрдам беради, аудиторлик ишлари-
нинг сифатини уни кисса вақтда амалга оширишни таъмин-
лайди. Текшириш натижалари бўйича аудитор ишини таш-
кил этишда ва бухгалтерия ҳисобини юритишда мижозга ёр-
дам берадиган зарур тўғри хulosалар чиқариши мумкин.

Аудиторнинг масъулияти текширилаётган корхонанинг
молиявий ҳисботлари тўғрисидаги ўз хulosаси учун жавоб
беришида намоён бўлади. Текширилаётган корхона раҳбари-
яти эса молиявий ҳисботнинг ҳақиқийлиги учун жавобгар
ҳисобланади.

Таснифий белгилари нуқтаи назаридан аудитни ташки ва
ички, мажбурий ва ташабbusли аудитта ажратиш мумкин
(1-чизма).


Ташки аудит хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия
ҳисоби ва молиявий ҳисботи тўғрилигига холисона баҳо
бериш мақсадида аудиторлик ташкилотлари билан тузилган
шартнома асосида ўтказилади.

Ички аудит корхоналарида раҳбарлар манфаатларини
кўзлаб текшириш ўтказиши ва молиявий хўжалик фаолиятини
баҳолашга доир мустақил фаолият юритилади. Ички
аудитдан мақсад ходимларга ўз вазифаларини самарали

859002

Gejmutiashvili Gjelica, makroypini ayurt Gjeliam. xincogiahan. Arapua ayuntin ytrkaanum kohyjia Gebocta myaccniciapn) kapopan qutian taurkini taurca taur66cyjia ayurt

Ayurt kopxona (taurkintor) pakgapnati (eki kopxona l-HEMMA. Ayuntopnir fadomintinini tachinhinu



Gakapnura epjam Gepmuimp. N-ayurt ayuntin Gebocta kopxo- haninti yntua nimurqitish mytaxaccniciap eki n-ayurt tigrpnicjia-jar- nap ambaria omppari. Ytreknicjia n-ayurt n-ayurt tigrpnicjia-jar- Hinsom taurgajaputa mybofink kopxona gatachcjarai artnigajai- qip mullinaputa onim Gjelica ynhri utartvija kamhjia nkkinti ceptifnikatini ayuntos 3appy (byhjaan gioldker ba ayuntopnir fadomintin ayuntos 6jelima 3appy) k-ayurt Gjeliam.

Ташаббусли аудитнинг асосий мақсади – мижоз билан шартнома асосида бухгалтерия хисобини юритишдаги, хисобот тузишдаги, соликларни ҳисоблашдаги камчиликларни аниқлаш ҳамда ҳисоб ва ҳисоботни ташкил қилишда унга ёрдам беришdir.

1.2. Аудитнинг вужудга келиш тарихи.

Ўзбекистонда аудит ва назорат

Жаҳонда биринчи марта аудит фаолият тури сифатида Англияда юзага келди. Аудитор термини у ерда илк бор 1299 йилдан бошлаб ишлатила бошланган. У даврда инглизларнинг катта ер згалари уларнинг номидан иш юритаётган кишиларнинг фаолиятини тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида иккинчи бир бетараф кишига мурожаат қилишган. Аудиторлик ташкилоти биринчи бор Венецияда 1581 йилда ташкил этилган ва у «CoLLegio Dei Rekonati»деб аталган. Бу ташкилот обрўсининг юқорилиги ва унга аъзо бўлишнинг кийинлиги билан ажralиб турган. Бу ташкилотга аъзо бўлиш учун ҳар бир номзод олти йил мобайнида тажрибали хисобчининг ёнида ишлаган ва тегйишли имтиҳонларни муваффакиятли топширган ҳамда ўз устозидан тавсиянома олган бўлиши лозим эди. Аудитнинг хуқуқий асослари Шотландияга, аникрок килиб айтилса унинг пойтахти Эдинбургта бориб тақалади. 1853 йилда у ерда расман Эдинбург аудиторлар институти ташкил килинган.

Саноатнинг ривожланиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажм ва турларининг кўпайиши, корхоналардаги ҳисоб-китоб қайдлари кўламини ортиши ва уларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш нуктаи назаридан тасдиқлаш заруриятини юзага келганилиги аудит тўғрисидаги конуннинг қабул қилинишига сабаб бўлди. 1844 йилда Буюк Британияда компаниялар тўғрисида қабул қилинган конунлар мажмуида биринчи бор ташкилотларнинг низомларида уларнинг ҳисоб китоблари ва ҳисобларини текшириб борувчи аудитор лавозимининг жорий қилиниши кўзда тутилган. 1845 йилда эса темир йўл ташкилотлари балансларини аудиторлик текширувидан ўtkазиш қонун билан мажбурий килиб бегилаб кўйилган. Аудиторлик текшируванинг мажбурий қилиб

күйилганилиги бундай хизматларга эхтиёжни кескин ортишига сабаб бўлди ва у анча даромадли соҳага айланди. Шу боис касб обрўсини сақлаш ва уни ривожлантириш борасида тегишли ишларни амалга ошириш ҳамда бу вазифани бажарадиган ташкилот тузишга эхтиёж туғилди. Улардан бири 1870 йили Буюк Британиядаги тузилиб, дастлаб «Инглиз бухгалтерлари институти» номи билан юритила бошланди. Кейинчалик эса 1880 йилдан бошлаб у «Инглиз ва Уэльс дипломли бухгалтерлар институти» номи билан юритила бошланди. 1885 йилда Лондонда «Аудиторлар ва бухгалтерлар жамияти» юзага келди. Бу жамиятлар мамлакат миқёсида бухгалтерия тамоилларини белгилаш ва ташкилотларни аудиторлик текширувидан ўтказиш билан шуғулланган. Амалдаги қонуниятга кўра Буюк Британиядаги барча корхона ва ташкилотлар юқорида тилга олинган жамият аъзолари томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилиши шарт килиб кўйилган. Бу жамият аъзолари мижозларга аудиторлик текширувларидан ташқари соликлар ва корхонани истиқболли йўналишларини белгилаш борасида ҳам маслаҳатлар беришган.

Европада аудиторлик текширувларини Буюк Британиядан кейин 1867 йилда Франция илк бор амалиётга жорий килди. Аудиторлик текширувларининг аҳамиятини тушунган мамлакатлар бирин-кетин уни ўз иктисадий фаолиятларига жорий кила бошладилар. Шунга кўра “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги конун Голландияда 1893 йилда, Германия ва АҚШда 1896 йилда ва Ҳиндистонда 1909 йилда қабул қилинди.

Россияда «аудит» сўзи Петр-І ҳукмронлик килган даврларда пайдо бўлган. У даврда «аудитор» сўзи ҳарбий терговчи маъносини англаттан. Биринчи марта бу сўз генерал Вейле томонидан 1698 йилда ҳарбий қўшинлар учун тузилган Низомда тилга олинган. Аудиторлар асосан ҳарбий қўшинларда фаолият кўрсатиб, низолар билан боғлик ҳолатларни ўрганиш ва улар тўғрисида хулоса бериш билан шуғулланганлар. Россияда аудиторлар институтини расман ташкил қилишга 1888, 1907-1912 ва 1929-1930 йилларда ҳаракат қилиб кўрилган. Лекин буларнинг барчаси ҳукукий асоснинг йўқлиги натижасида муваффакиятсизликка учради.

Аудиторлик ишининг ривожланишига 1929-1933 йилларда юз берган жаҳон иқтисодий инқирози сезиларли таъсир кўрсатди. Акционерлик жамиятлари ва корхоналарнинг оммавий инқирозга учраши уларнинг ҳисоботларини мустақил аудиторлар томонидан тасдиқлаш заруриятини туғдирди. Бунинг натижасида 1931 йилнинг ўзидаёқ Германияда ҳукумат карори билан ҳисоботи эълон қилиниши лозим бўлган корхоналарда аудиторлик текширувларини ўтказиш мажбурий қилиб қўйилди.

Аудиторлик ишининг янги боскичта кўтарилиши юз бериши мумкин бўлган хатоликлар ва конунбузарликларнинг олдини олиш учун ички аудитни ривожлантириш зарурлигини келтириб чиқарди. Шунга кўра Америка Кўшма Штатлари 1941 йилда ички аудиторлар институтини ташкил қилди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Аргентинада 1945 йилда, Бразилия ва Мексикада 1946 йилда, Италия, Гречия ва Нигерияда 1955 йилда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. 1948 йили Америка дипломли жамоатчи бухгалтерлар институти «Умумий тарзда қабул қилинган аудит стандартлари» ни тасдиқлади, ички аудиторлар институти эса «Ички аудиторларнинг мажбуриятлари» ни эълон қилди.

Европада аудит стандартларини яратиш устида ишлаш XX асрнинг 50 йилларида бошланди. Бу борадаги изланишларни олиб бориш учун 1951 йилнинг ноябрь ойида Парижда «Иктисол ва молия соҳасида тафтиш олиб борувчи эксперталарнинг Европа кенгаши» ташкил қилинди. Бу ташкилот ўз таъсир доирасига кирган 18та Европа мамлакатларининг 29 та ташкилотида кўлланилиши кўзда тутилган аудит стандартларини яратди.

Иктисолиёт, бизнес ва савдо соҳасида халқаро муносабатларнинг кучайиши, ўзга давлатлар иктисолиётига капитал сарфининг сезиларли тарзда ортиши, бир неча мамлакатлар иштирокида тузилган халқаро миллий корпорациялар таъсирининг кучайиши ва бунинг натижасида халқаро бухгалтерия ҳисобининг аҳамиятини ортиши ҳамда халқаро миқёсда хизмат кўрсатувчи аудиторлик ташкилотларининг пайдо бўлиши натижасида 1977 йили Халқаро бухгалтерлар федера-

цияси (IFAC) ташкил топди. Бу ўюшмага дастлаб 49 мамлакатдан 63 та ташкилот аъзо бўлиб кирган бўлса, ҳозирда унда 123 давлатдан 158 ташкилот аъзо бўлиб турибди.

Собиқ совет Иттифоқида бошланган қайта қуриш 80-йилларнинг ўрталарида чет эл сармоялари иштирокида тузилган кўшма корхоналарнинг юзага келишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида ҳам чет эл сармоячилари собиқ совет давлати томонини тегишли маълумотлар билан таъминлаб турувчи аудиторлик ташкилотига зарурат туғилди. Шунинг учун ҳукукий асос йуқлигига қарамай собиқ СССР Министрлар советининг қарори билан корхоналарда мажбурий аудиторлик текширувlarини амалга ошириш билан шуғулланувчи биринчи аудиторлик ташкилоти «ИНТЕРАУДИТ» ташкил топди.

Собиқ Иттифоқ давлатлари ичida Эстония Республикаси аудиторлик фаолиятини биринчилар қаторида амалиётга жорий қилди. Бу борада Эстония Республикасининг 1990 йил 19 февралдаги 33 сонли қарори билан «Эстония Республикасида аудиторлик фаолияти тўғрисида вақтингчалик Низом» қабул қилинди.

Ўзбекистон мустакилликса эришгандан бошлаб инсонпарвар демократик-ҳукукий давлатни барпо этиш бўйича ўзига хос ва мос тараққиёт моделини ишлаб чиқди. Бунла энг аввали, униш ҳукукий асосларни шакллантириш, ислоҳотларнинг қонуний базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш вазифасини амалга ошириш асосий мақсад қилинган бўлиб, давлат мулкига асосланган мулкчилик шаклини ислоҳ килиш асосида кўп укладли иқтисодиёт негизини шакллантириш масаласи устувор йўналиш сифатида белгилаб олинди.

Республикамизниң бозор муносабатларига ўтиши янги иқтисодий муносабатларни барпо этиш заруратини туғдирди. Шу боисдан ҳам бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ҳалқаро стандартлар талаби даражасида ташкил килиш талаб этилди. Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши, турли хил мулкчилик шаклларининг вужудга келиши ўз навбатида иқтисодий назорат-тафтиш таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлишини тақозо этди.


Маълумки Ўзбекистонда молиявий назорат бозор иқтисодининг муҳим элементларидан ҳисобланади. Мамлакатда давлат молиявий назоратини Президент девони ҳузуридаги Ҳисоб палатаси, Молия вазирлигининг назорат-тафтиш бошқармаси, Рақобатни ривожлантириш ва монополияга қарши курашиш Кўмитаси, Прокуратура ҳузуридаги Солиқлар ва валютага оид жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кўмитаси каби назорат органлари бевосита амалга оширадилар (2-чизма).

Давлат молиявий назорат тизими тегишли вазифа ва функцияларни бажаради. Унинг асосий вазифалари: давлат маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш; хукumat ижро органлари фаолияти; кредит маблағларини мақсадли ва қонуний ишлатилиши кабиларни назорат қилишдан иборатдир.

Давлат молиявий назоратининг асосий функцияларига эса: давлат маблағларини тўғри шакллантириш, уларнинг сақланиши ва мақсадли ишлатилишини текшириш; кредит ресурсларидан тўғри ва самарали фойдаланишини назорат қилиш; кредит муассасаларидан олинган маблағларни тўғри фойдаланишини текширишлар киради.

Республикамизда молиявий назорат ва унинг хўжалик юритувчи субъектларини бошқариш тизимидағи ўрнига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Назорат – бу бошқаришга доир вазифадир. Бошқаришнинг ҳар қандай тури назоратсиз бўлмайди. Айниқса капиталнинг ҳолатини жорий ва изчил назорат қилмай туриб, бухгалтерия ҳисобини текширмай ва таҳлил қилмай туриб капитални бошқаришни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Иқтисодий назоратни, шунингдек, унинг хўжалик юритувчи субъектларини бошқаришдаги ўрнини таҳлил этиш хўжалик субъекти эҳтиёжларини акс эттиради. Унинг айрим йўналишлари алоҳида, жумладан, иқтисодий билимларнинг фундаментал элементлари сифатида шаклланади.



2-чижма. Ўзбекистон Республикасидаги молиявий назорат тизими

Аудитнинг асосий мақсади хўжалик юритувчи субъектлар билан шартнома бўйича текшириш ўтказади. Текшириш жараёнида аудиторлик далиллар йигади ва бу далиллар асосида аудиторлик ҳисоботини тузади, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини аудиторлик холосаси орқали тасдиқлади ҳамда уни молиявий хўжалик фаолиятидаги йўл кўйилган камчиликларни бартараф қилиш, уни яхшилаш бўйича ўз тавсияларини беради.

Назорат хўжалик юритувчи субъектлардаги молия-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий аҳволини мунтазам аниқлашга, шу жумладан, хўжалик тизимидағи турли даражадаги хато ва камчиликларни аниқлашга ҳам имкон беради. Аудит билан тафтиш ўргасида (кўп кўрсаткичлар бўйича) муҳим тафовутлар мавжуд (1.1.-жадвал)

1.1-жадвал

Аудит ва тафтиш ўргасидаги тафовутлар

Фарқ қўйувчи белгилар	Аудит	Тафтиш
1	2	3
Мақсади	Хўжалик субъектининг бухгалтерия ҳисоботидаги алборотнинг ҳақиқийлигини аниқлаш. Молиявий ҳисоботининг ишончлилигини тасдиқлаш ва унга холоса бериш. Хўжалик фаолиятидаги ажралмас элементни сифатида камчиликларни аниқлаш, тугатиш, баҳолаш ва эътироф этиш	Амалга оширилган операцияларнинг конунийлигини, ходимлар томонидан ўтирилган йўклигини аниқлаш. Камчиликларни тугатиш учун ударни аниқлаш, тугатиш ва баҳолаш (оқибатларни тугатиш, оддини олиш учун), айборларни жазолаш
Хукукий	фуқаролик хукуки: хўжалик шартномалари, фуқаролик кодекси асосида	маъмурӣ хукук: конунлар, йўрикномалар, юкориёқи давлат органларининг бўйруги асосида
Томонлар ўргасидаги ўзаро муносабатларнинг асоси	тадбиркорлик (шу маънода томонларнинг тенг хукуклилиги асосланган) фаолияти	ижро (шу маънода томонларнинг хукуклари нотентлигига асосланган) фаолияти
Услубий	ўшаш, лекин мақсадлари, хукукий асослари, фаолият турлари ва амалий вазифалари турлича бўлгани учун турли мутаносибликда фойдаланилади	
Бошқарув	тенг ўйналишдаги ихтиёрий алоқалар: хизмат кўрсатиш, ёрдам бериш хўжалик субъектлари билан ҳамкорлик	юкоридаги алоқалар, маъмурӣ тайинлаш, мажбур килиш тартибида

Объектлари	Хўжалик субъектининг тўлов қобилиятига шутур етказадиган, молиявий аҳволини яхшилайдиган барча амаллар	амалдаги конунларни ва корхона (давлат) ҳисоб сиёсатини бузадиган ҳамма амаллар
Хизмат ҳақини тўлаш тартиби	Хўжалик субъектлари, буюртмачилар ёки унинг розилиги билан далолат бериш вазифасига муҳтож орган тўлайди	юқори бўғин ёки давлат органи томонидан қопланади
Амалий вазифаси	Хўжалик субъектлари активларини (инвесторлар, кредиторларни жалб қилиш асосида тўлов қобилиятини) мустаҳкамлап	Хўжалик тизими ўз активларини сақлаш, суистельмолга чек кўйиш, оддини олиш вазифаларини ҳал қиласди
Етарлилиги	харажатлар ва натижалар нисбатига қаратилган оқилона етарлилик қоидаси	имкони борича аниқлик ва айбордor шахсларни аниқлаш, шунингдек, зарар миқдорини аниқлаш
Натижалари	аудиторлик хуносаси хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисобини яхшилаш бўйича тавсиялар билан аудиторлик ҳисоботи тақдим этилади	тафтиш далолатномаси, ташкилий хуносалар, ундириш мажбурий кўрсатмалар ва уларнинг бажаришини текшириш

Ички ва ташқи (мустакил) аудит ўртасидаги фарқ

1.2-жадвал

Ички аудит	Ташқи аудит
Ушбу хўжалик тизимида ишлайдиган штатдаги ички аудиторлар, ҳисоб, назорат ва таҳдил мутахассислари томонидан бажарилади	Мустакил бўлган ва шартнома асосида далолат бериш вазифасини бажарадиган профессионал аудиторлар томонидан амалга оширилади
Асосий вазифаси – илк хўжалик тизими доирасида бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида маъмурият эҳтиёжини қондириш	Асосий вазифаси – ташқи фойдаланувчилар учун, акциядорлар ва инвесторлар, банклар, солик органлари ва бошقا буюртмачилар эҳтиёжи учун ўз фикрини ифода қилиш
Таъсирчанлик ва самарадорлик ТА ҳажмига, мазмунига ва характеристика бевосита таъсир қиласди	Ҳажми, мазмуни, характеристики, шунингдек, аудиторлик риски ички аудитнинг сифати ва таъсирига қараб белгиланади
Хўжалик муомалалари, ресурслардан фойдаланиш, ҳисоб-ҳисобот ва ички назоратнинг аҳволи белгилантан ҳисоб сиёсати ва умумий услубий қоидаларга мос келиши текширилади	Ташқи аудит кўламини ва мижознинг ҳисоб ва аҳборот маълумотларига дастлабки ишончлилигини аниқлаш учун ҳисоб ва ҳисоботнинг ҳолати, ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ва ички назорат тизими текширилади.
Ушбу хўжалик тизимида бажарилган ишнинг функционал ва линияли бошқариш муносабатларига қаратилгани.	Аудит ресурсларни тўғри аниқ гурӯхларга ажратади ва бир тусдаги операцияни кўллаб ҳисбот ва даромад манбаларининг энг муҳим жойларига қаратилади.

Ган амалларни бажаради	
Колгандаридан назорат усуллари ўжашп бўлиши мумкин, лекин уларнинг аудиторлар қўллайдиган нисбати турличадир	
Ички аудит активларнинг сақлашишини жорий таъминлаш, моддий жавобгарликни йўлга кўйиш ва ташкил этиш, камомадлар, растрат ва ўғирликлар бўйича карзларни аниқлаш ва тутагтиш билан бевосита боғлиқ	Фирибгарлик, ўғирлик фактлари аникланиси билан моддий жавобгарликни йўлга кўйилишини назорат қилиш ўртасидағи боғлиқлик бевосита эмас, тасодифидир, яъни, кўшиб ёзиш ва ахборотдаги бузилишлар, уларнинг оқибати бўлсагина бундай алоқа пайдо бўлади
Ички аудит ташкилий жиҳатдан тафтиш объектларидан мустакил бўлиши лозим, умуман улар шу хўжалик тизими раҳбарияти эктиёжини кондиришини ва ундан моддий манфаатдорлисиги оқлаши лозим	Ташки аудит факат ташкилий жиҳатдан эмас, моддий жиҳатдан ҳам мижоздан мустакил бўлиши лозим
Ички аудит ички назоратнинг бир кисми ва доимий бўлиши лозим	Ташки аудит асосан қонунда белгилаб кўйилган вақти билан йилда бир марта амалга оширилади.

Шунингдек, ички ва ташки аудит ўртасида ҳам маълум фарқлар мавжуд бўлиб, ички аудит корхона, ташкилот ёки муассасанинг ичида ташкил этилади. Ички аудитнинг асосий мақсади корхона раҳбарияти эктиёжлари учун фаолият кўрсатади (1.2.-жадвал).

Ўзбекистонда дастлаб аудиторлик ташкилотларининг деярли кўпгина аудиторлари собиқ тафтишчилар (масалан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги назорат-тафтиш бошқармаси), вазирликлар ва идораларнинг кўп сонли тафтишчилари хисобидан тўлдирилди. Шу сабабли дастлабки аудит анъанавий тафтиш нуксонларидан холи эмас эди. Шунинг натижасида аудиторлар кўпинча тафтиш вазифаларини бажариб келди. Ҳукукни муҳофаза қилиш органларининг топшириғига мувофиқ ўтказиладиган аудиторлик текширишлари тафтиш билан шуғулландилар.

Шуни ҳам назарда тутиш лозимки, кейинги пайтларда ҳукуматимизнинг аудитни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қарорларига мувофиқ аудит тубдан ўзгарди. Шу боис юкори малакали аудиторлар сони ҳам кўпайиб бор-

моқда. Улар аудиторлик хизмат бозорида ўз мавқеига эга. Улар компьютер тизимини қўллашда, ахборот тизими ёрдамида анча мураккаб, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳуқукий ҳужжатлар билан ишлашда юқори малака ва тажрибага эга эканликлари сезилиб туради. Республика изда замон талабларига жавоб берадиган малакали аудиторлар сони кўпайиб, бормоқда.

Халқаро амалиётда йирик аудиторлик компания (ташкилот)ларида алохида бўлинмалари мавжуд бўлиб, бири бухгалтерия ҳисобини юритиш масалалари бўйича, иккинчиси эса – соликни ҳисобга олиш билан боғлик масалалар бўйича маслаҳатлар беради, учинчиси эса – молиявий ҳисботларнинг ишончилигини текширади.

Бундай ҳолатлар Республика изда ҳозирги пайтда деярли амалда мавжуд эмас. Аудиторлик ташкилотларида бундай профессионал бўлинмаларнинг ташкил этилиши аудитнинг ривожланишига олиб келади.

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, бозор муносабатларига ўтгандан сўнг, турли мулкчилик шаксларига асосланган корхоналарнинг вужудга келиши муносабати билан уларни назорат килиш усули ҳам объектив равишда ўзгаришни тақозо этди. Давлат молиявий назорати республика издаги мавжуд хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий фаолиятини назорат қилишни қамраб ололмайди. Бундан ташқари, уларнинг молиявий хўжалик фаолиятига аралашуви мантиқан тўғри келмай қолди. Шу боисдан ҳам, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилишининг мустакил равишда амалга оширилиши объектив зарурат бўлиб қолди.

Аудитнинг моҳиятини, аҳамиятини ва вазифаларини таҳлил қилиш унинг жуда мураккаб, ижтимоий бетараф иктисадий восита эканини кўрсатмоқда. Ривожланган Фарб давлатларида аудитнинг жадал ривожланишини тахминан XIX асрда капитал ҷарфи жадаллашуви ва бу капиталнинг йирик саноат, кишлоқ хўжалиги ҳамда жаҳон савдосига мос келадиган шакли акциядорлик жамиятлари тез ривожланиши билан боғлик равишда бошланган. Бундай шароитда инве-

сторларнинг акциядорлик жамиятларининг маъмурияти билан муносабатлари тубдан ўзгарди.

Мамлакатимизда 1992 йил 9 декабрда биринчи марта меъёрий ҳужжатларда “аудит” сўзи тилга олини. Ўшандан кейин аудиторлик ташкилотларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолиятига доир меъёрий-хукукий ҳужжатлар қабул қилиш ишлари бошланди.

Хуллас, бу меъёрий ҳужжатларда Ўзбекистонда аудиторларни гувоҳлик бериш фаолиятига зарурат мавжудлиги ва буни факат аудиторлар бажариши мумкинлиги, белгилаб кўйилди. Ўзбекистонда аудитга талаб тобора ортиб, амалиётда кенг қўлланила бошлади, бу эса аудитни хукукий жиҳатдан тартибга солишни тақозо этди. Бу масала кейинчалик 2000 йил 26 майдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунда. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 365 сонли «Аудиторлик фаолиятини янада такомишлиштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги, ЎзР Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сон Қарорларида ва бошқа бир катор қонун ва меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топди.

Ўзбекистон аудитини ривожланган Гарб мамлакатлари аудити билан таққослаганда ҳали талабга жавоб беради, деб бўлмайди. Лекин Ўзбекистонда чинакам аудиторлик фаолиятининг қарор топиши, ислохотларининг бошқа кўплаб хайрли мақсадлари ҳам узоқ кутилган ижобий натижа беришига имконият яратилди.

“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунда белгилаб кўйилган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий мезонларини тасдиқлаш учун уларнинг молиявий ҳисоботлари мажбурий тарзда ҳар йили аудит текширишдан ўтиши керак Шунинг учун ҳам хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисбот аудитининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу қонунга мувофиқ эълон қилинадиган ҳисбот мустакил аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланиши шарт.

Аудиторлик фаолиятини давлат йўли билан тартибга солиш Молия вазирлиги зиммасига юклатилган. Вазирликнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубиёти бош бошқармасида

аудиторлик фаолиятини ташкил қилиш ва лицензиялаштириш бўлими аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ва аудиторлик ташкилотларига лицензия бериш вазифаларини амалга оширади ва унинг фаолиятини назорат қилиб боради.

Бухгалтерия ҳисоботини, бухгалтерия дастлабки ҳужжатларини ва бошка ҳужжатларни текшириш аудиторларнинг бевосита вазифасидир, бу ишлар айниқса мажбурий аудит бўйича бажарилиши шарт. Аудиторлик хизмати кўрсагиши аудиторлар ва корхоналар ўргасида ҳам, шунингдек, мижозлар ўргасида ҳам соғлом ракобат негизида бўлиши керак. Бу иш асосан ўзаро ихтиёрий алоқалар ва муносабатлар билан бажарилиши даркор.

Иктисадиётда бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида энг самарали истиқболли назорат турларидан бири мустақил назорат ҳисобланади. Мустақил назорат қилиш аудиторлар, аудиторлик ташкилотлари томонидан шартнома асосида амалга оширилади. Турли мулкчилик шаклига асосланган ҳўжалик юритувчи субъектларда уларнинг молиявий аҳволини холисони баҳолаш учун Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг вужудга келишини объектив заруратга айлантириди. Булар кўйидаги олимлардур:

- турли мулкчилик шаклларининг вужудга келиши, шунингдек, капиталнинг шаклланиши, инвесторлар синфинини пайдо бўлиши;
- молиявий ҳисбот ҳаққоний, ишончли ахборотга асосланниб ҳўжаликка оид қарорларни қабул қилиш;
- далолат бериш, яъни турли эмитентларнинг ҳисботлари тўғрилиги тўғрисида мутахассис сифатида ўз фикрини билдириш учун алоҳида маҳсус хулоса чиқариш;
- акциядорлик жамиятларининг маъмурияти (ижроия дирекцияси) мулкдорлар билан бевосита алоқа қилиш ва холисона ахборот бериш;
- ҳисбот тузувчи компаниялар маъмурияти ва уларнинг инвесторлари, шунингдек, бу ҳисботдан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг манфатлари ўргасидаги объектив фарқ;
- капитал ҳаракатининг замонавий шакли сифатида фонд бозорининг қарор топиши ва ривожланиши.

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисоби аудитнинг маълумотлар олиш базаси бўлиб ҳисобланади. Аудиторлар текшириш жараённида текширишнинг маҳсус услубларидан фойдаланиб, аудиторлик далилларини йигади, молиявий ҳисботнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилигини аудиторлик хуносалари билан тасдиқлади ҳамда ҳисоб маълумотларини тўғрилашга ўзларининг таклифларини беради.

1.3. Ўзбекистонда аудитнинг ривожланиш босқичлари

Ўзбекистонда аудиторлик фаолияти пайдо бўлганидан бошлаб унинг ривожланиш босқичларини уч босқичга бўлиш мумкин. Бу босқичлар:

- 1993-2000 йиллар
- 2001-2007 йиллар
- 2007 йилдан бошлаб ҳозирги даврларни ўз ичига олади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси мустақиликка эришганидан сўнг ривожланишнинг бозор иқтисодиёти йўлини танлади. Бозор муносабатлари шароитида корхоналар турли хил мулк шакллари вужудга келди. Иқтисодиёт соҳаларини асосий қисмини хусусий мулкчиликка асосланган корхоналар эгаллаб, ялпи ижтимоий маҳсулотни яратишда уларнинг ўрни орта борди. 2011 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг ялпи ижтимоий маҳсулотдаги улуши 54 фоизни ташкил этди. Ушбу корхоналарнинг ривожланишида аудиторлик ташкилотларининг ўрни бекиёсdir. Шу боис бу корхоналарнинг молиявий фаолиятини юкоридан туриб буйруқбозлик асосида тафтиш қилиш эмас, балки холисона текшириш ўтказиб унинг хўжалик фаолияти натижаларига баҳо беришни объектив зарурият қилиб қўйди ва бу муҳим аҳамиятга эгадир. Хўжалик юритувчи субъектларни текшириб, улар фаолияти натижаларига баҳо беришни мустақил, холис аудиторлик ташкилотлари бажариши мумкин. Шунинг учун 1992 йил 9 декабрда дастлаб Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун 5 та бўлим 18 та мoddадан

иборат бўлиб, аудиторларнинг тафтишчилардан фарки улар мустақил аудиторлик ташкилотлар номидан ҳаракат қиласидаган малака сертификатига эга бўлмаган мутахассислардан иборат эди. Уларнинг малакаларига ҳеч қандай талаблар мавжуд эмас эди, аудиторлар тафтишчиларнинг вазифаларини бажаардилар холос.

“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги конунни 2000 йилгача ташкил бўлган аудиторлар аудитор касб-кор рўйхатига киритиб қўйилган мутахассислар бўлиб, улар ҳеч қандай малака сертификатига эга эмасдилар. Аудиторлик ташкилотлари эса юридик ёки жисмоний шахс томонидан тузилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўз уставига кўра фаолият соҳаси аудиторлик хизматлари кўрсатишдан иборат бўлган корхоналар ҳисобланарди.

Дастлабки 1992 йилда қабул қилинган қонуннинг 2-моддасидаги 2-пунктда белгиланиб қўйилган бўлиб унга кўра, аудиторлик ташкилотлари нафақат жисмоний шахслар, балки юридик шахслар томонидан ҳам тузилиши назарда тутилган. Шу боис аудиторлик ташкилотларини ташкил килишнинг дастлабки вақтларида ташкилотларнинг аксарияти вазирлик, концерн, компаниилар сингари бошқарув идораларида ташкил этилди. Натижада аудиторлик хизмати бозоридаги асосий текшириш объектларини идоралар қошида очилган аудиторлик ташкилотлари субъектив равишда эгаллаб олди. Аудиторлик ташкилотларидаги аудиторлар сони илгари вазирликларда ишлаган тафтишчилар билан тўлдирилди. Бу аудиторлар аудиторлик текширишларини эмас, балки эскича тафтиш ишларини амалга оширас эдилар. Бунинг натижасида аудитнинг халқаро стандартларида белгилаб қўйилган мустақиллик, объективлик ва бошқа асосий тамойилларига зид келиб қолди. Шунинг билан биргаликда аудиторлик хизмати бозорида уларнинг рақобатлашув даражаси жуда паст бўлиб, бу ўз навбатида уларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди.

Ўзбекистонда 2000 йилларга келиб, аудиторлик фаолияти умуман талабга жавоб бермай қолди. Шу боис 2000 йил 26

майда янги таҳирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунда мустақил аудиторлик фаолиятини амалга оширишнинг ҳукукий асослари белгилаб берилди. Аудит соҳаси (хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш) ва унинг мақсади аниқлаб берилди. Қонунда ихтиёрий (ташаббусли) аудиторлик текширишдан ташқари мажбурий текширишлар ҳам белгилаб кўйилди. Янги таҳирдаги Қонунга мувофиқ аудиторлик ташкилотлари фақат жисмоний шахслар томонидан ташкил этилиши белгилаб кўйилиб, юридик шахслар томонидан ташкил этиш ёки уларнинг қошида ташкил қилиш қатъян ман қилинди. Шу боис Қонуннинг 2-1-моддасига Аудиторлик фаолиятининг асосий принциплари хусусида кўшимча киритилиб, аудиторлик фаолияти мустақиллик, холислик, эркинлик, профессионал малакалилик ва маҳфийлик тамойиллари асосида амалга оширилиши белгилаб кўйилди.

“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунга мувофиқ 2000 йил 22 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги 365-сонли қарори қабул қилиниб унда аудиторлик фаолиятни лицензиялаш тартиби белгилаб берилди. 1999 йилдан то ҳозирги кунгacha аудиторлик фаолиятининг 21та миллий стандарти ишлаб чиқилди. Қонунга тегишли кўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Буларнинг барчасини қабул қилиниши натижасида республикада аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур қонуний-ҳукукий база шакллантирилди, лицензиялар бериш тартиби тубдан ўзгартирилди ва эркинлаштирилди. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг сезиларли даражада ривожланишига сабаб бўлди.

Аммо 2007 йилга келиб мустақил Ўзбекистоннинг ривожланиш кўламига нисбатан қаралганда, иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида республика молия бозори тизимидағи аудиторлик фаолиятининг ҳолати тараба даражасида эмаслиги кўриниб қолди. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелда ПҚ-615-сон «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаш-

тириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жа-
вобгарликни ошириш тўғрисида»ги Қарори қабул қилиниб,
Ўзбекистон аудиторлик фаолиятининг ривожланишига доир
хуқукий асосларини белгилади бу эса мазкур соҳада туб бу-
рилишга олиб келди. Ушбу қарорда Ўзбекистон Республика-
си Молия вазирлиги зиммасига аудиторлик фаолиятини ли-
цензиялаш бўйича маҳсус ваколатли давлат органи сифатида
юқлатилган вазифаларни бажариши қониқарсиз деб баҳолан-
ди.

Қарорга мувофиқ «Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида»
Низом тасдиқланди. Бу Низомга асосан аудиторлик ташки-
лотлари Адлия вазирлигига қайта рўйхатдан ўтказиш ва
аудиторлик ташкилотлари аудиторлик ташкилотига ўзгарти-
риш зарурлиги белгилаб қўйилди. Уларнинг ташкил қилини-
ши янги тартибда, аудиторлик ташкилотларни 3 та тоифага
бўлинган ҳолда амалга оширилиши назарда тутилди. Ушбу
Низомга мувофик куйидагича ташкил этиш белгилаб қўйил-
ди:

1. Фақат ташаббускорлик асосида аудиторлик текшируви-
ни амалга оширувчи аудиторлик ташкилотлари энг кам ой-
лик иш ҳақининг 1500 баробари микдоридан кам бўлмаган
устав капиталига ва штатида камида 2 нафар аудиторга эга
бўлиши;

2. Устав капитали 500 млн. сўмдан кўпроқни ташкил этган
очиқ акциядорлик жамиятлари, банклар ва сугурта ташкилотла-
ридан ташқари хўжалик юритувчи субъектларда ташаббускор-
лик асосида ва мажбурий аудиторлик текширувларини амалга
oshiрувчи аудиторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг
3000 баробари микдоридан кам бўлмаган устав капиталига ва
штатида камида 4 нафар аудиторга, уларнинг биттаси халқаро
бухгалтер сертификатига эга бўлиши;

3. Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик тек-
ширувини ўтказувчи аудиторлик ташкилотлари энг кам ой-
лик иш ҳақининг 5000 баробари микдоридан кам бўлмаган
устав капиталига ва штатида камида 6 нафар аудиторга,

уларнинг иккитаси халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлиши шарт.

Устав капиталини шакллантиришда камидаги 50 фоизи пул маблағларидан, қолган қисми эса аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун бевосита тааллуқли бўлган мулклардан иборат бўлишилти белгилаб кўйилди.

Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар, иқтисодиётни ривожлантиришнинг модернизациялаш шароитига аудиторлик фаолиятини ҳам такомиллаштириб боришни объектив зарурият қилиб кўяди. Шу боис “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Конунга кўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилиб, бу соҳада катор меъёрий ҳужжатлар қабул килинди. Булар «Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида»ги, «Аудиторлик фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги, «Корхоналарда ички аудит хизмати тўғрисида»ги «Аудиторлик ташкилотлари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги, «Аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниклаш тўғрисида»ги Низомлари, аудиторлик фаолиятнинг катор стандартларида ўз аксини топди. Ушбу ҳужжатларда аудиторлик фаолиятининг амал қилиши ва унга кўйиладиган лицензия талаблари ва шартларини белгилаб кўйди. Мазкур меъёрий ҳужжатларнинг қабул килиниб амалиётда жорий этилиши аудиторлик фаолиятининг ривожланниб бориши куйидагиларда намоён бўлади:

- биринчидан, аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар хизматининг сифат жиҳатидан ривожланишига олиб келади;
- иккичидан, аудиторлик хизмати бозорида рақобат муҳитини юзага келтириб, мустакил ривожланиши учун имкониятлар яратади;
- учинчидан, аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар фаолияти натижаларига жавобгарлигини оширади:
- тўртинчидан, аудиторлар билим ва кўнижмаларининг ошишига уларнинг халқаро стандартлар талаблари даражасига яқинлашувига сабаб бўлади;
- бешинчидан, аудиторлик ташкилотлари раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини ва ишчанлик малакасини баҳо-

лаш, профессионаллик даражаси ҳамда жавобгарлигини мунтазам ошириб бориш каби масалаларни ҳал қиласи.

Хулоса килиб айтиш мумкинки, аудиторлик ташкилотларининг қабул қилинган Низом талаблари бўйича ташкил этилиши Ўзбекистонда аудиторлик ташкилотларининг ривожланишида туб бурилиш бўлди ҳамда аудитнинг халқаро стандартлари талабларига яқинлашувига олиб келади. Пировард натижада аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг қоникарли бўлишилигини таъминлайди ҳамда аудиторлик хизмат кўрсатишга оид ишларнинг сифати янада ошади.

1.4. Аудиторлик ташкилотларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш

Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ташкил этиш жаҳон амалиётида тўпланган тажриба ҳисобга олинган ҳолда шаклланмоқда. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун асосий қонун ҳужжатларидан бири ҳисобланади. Унда аудитнинг Молия – хўжалик фаолиятида унинг зарур тенг ҳукукли бир элементи сифатидаги ўрни белгилаб берилган. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакатимиз учун жуда муҳим, чунки молиявий назорат тарихида унинг бошқа турларидан давлат назорати устун турар эди. Айни шу қонуннинг қабул қилиниши республикада аудит қарор топганини тасдиқлади.

Аудиторлик ташкилотининг тавсифи ва мақоми ушбу қонунда белгилаб берилган. Аввало аудиторлик ташкилоти Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган ҳар қандай ташкилий – ҳукукий шаклда (очик турдаги акциядорлик жамияти шакли бундан мустасно) бўлиши мумкин. Аудиторлик ташкилотларининг кўпине масъулияти чекланган жамият шаклида экани аникланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сон Қарорига мувофиқ тасдиқланган “Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида”ги Низомга асосан аудиторлик ташкилотларини 2008 йил 1 январдан бошлаб ташкил қилиш янги тартибда амалга оширилди. Бу Низомга мувофиқ аутиторлик ташкилотларини қуйидагича ташкил этиш белгилаб қўйилди (3-чизма):

1. Фақат ташаббускорлик асосида аудиторлик текширувичи амалга оширувчи аудиторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг 1500 баробари миқдоридан кам бўлмаган устав капиталига ва штатида камида 2 нафар аудиторга эга бўлиши;

2. Устав капитали 500 млн. сўмдан кўпроқни ташкил этган очик акциядорлик жамиятлари, банклар ва сугурта ташкилотларидан ташкири хўжалик юритувчи субъектларда ташаббускорлик асосида ва мажбурий аудиторлик текширувларини амалга оширувчи аудиторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг 3000 баробари миқдоридан кам бўлмаган устав капиталига ва штатида камида 4 нафар аудиторга, уларнинг биттаси халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлиши;

3. Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувичи ўтказувчи аудиторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг 5000 баробари миқдоридан кам бўлмаган устав капиталига ва штатида камида 6 нафар аудиторга, уларнинг иккитаси халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлиши шарт.

Ушбу Низомга мувофиқ аудиторлик ташкилотига унинг штатидаги аудиторларнинг энг кам сонига нисбатан кўйилган талаби мазкур аудиторлик ташкилоти асосий иш жойи ҳисобланган аудиторлик штати аудиторларнинг белгиланган энг кам сони билан тўлиқ тўлдирилишини назарда тутади

Аудиторлик ташкилоти устав капиталининг камида эллик фоизи муассислар (иштирокчилар)нинг пул маблағларидан, қолган қисми эса аудиторлик ташкилоти фаолиятини амалга оширишда бевосита фойдаланиладиган моддий бойликлардан шакллантирилиши шарт. Аудиторлик ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.


Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик хизматини кўрсатиш тўғрисида тузилган шартнома асосида ўз фуқаролик масъулиятини сугурта килиш полисига эга бўлган тақдирда аудиторлик фаолиятини амалга ошириш хуқуқига эгадир. Конунга мувофиқ аудиторлик ташкилотлари битта хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик текширувичи уч йилдан ортиқ кетма-кет ўтказиш хуқуқига эга эмас.

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текшируванин үтказиши учун штатдаги аудиторлар ёки аудиторлик ташкилоти билан фукаролик-хуқукий характердаги шартнома тузган аудиторларни жалб этиши мумкин.

Хозирги вақтда аудиторлик ташкилотларининг ягона таснифи йўқ. Ташкилотларнинг асосий белгиларига қуйидагиларни киритиш мумкин: фаолият тавсифи (бажарадиган вазифалари), бажарадиган хизматнинг ҳажми.

Фаолият тавсифи (бажарадиган вазифалари) бўйича аудиторлик ташкилотлари универсал ва ихтиосослашган ташкилотларга ажратилиди.

Универсал аудиторлик ташкилотлари аудитнинг у ёки бутури (банк аудити, умумий аудит) билан шуғулланиш хуқуқини берадиган ўз лицензиясига эга бўлиши ҳамда аудиторлик текширишини ташкил қилиш; бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, тиклаш ва юритишга доир хизматлар, хўжалик – молия фаолиятини таҳлил этиш, молия, бошқарув ва солик ҳисоби масалалари юзасидан маслаҳат бериш, ўқитиш, компьютер ҳисоби; ўз фаолияти тури бўйича бошқа хизматлар каби ғоят хилма-хил ицилар билан шуғулланиши мумкин.



3-чизма. Ўзбекистонда Аудиторлык ташкилотларини ташкил этиш мезонлари

Ихтисослашган аудиторлык ташкилотлари маълум турдаги ишларни бажаради, масалан, факат аудиторлык текширишларини ўтказади ёки бухгалтерия ҳисобини тиклайди. Аудиторлык ташкилотлари конун бўйича аудиторлык фо-

лиятидан ташқари бирор тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмас.

Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси (БАМА) ҳамда Аудиторлар палатаси жамоат бирлашмалари томонидан тасдикланган Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳосини бериш бўйича Низом ишлаб чиқилган. Ҳар йили аудиторлик ташкилотларини рейтинггини аниқлаш ушбу Низом талабларига мувофик амалга оширилади. Аудиторлик ташкилотларининг миллий рейтинги асосига республика аудиторлик ташкилотлари фаолиятини тавсифловчи таққосланадиган миқдор ва сифат кўрсаткичлари кўйилган.

Ҳар бир алоҳида олинган коэффициент бўйича аудиторлик ташкилотларининг энг яхши кўрсаткичлари этalon деб ҳисобланади. Бошқа аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг натижалари бўйича олинган коэффициентлар ушбу этalon билан солиштирилади.

Рейтингда аудиторлик ташкилотлари ёки аудиторлик-консалтинг гурухларининг аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи бўлинмалари иштирок этадилар.

Аудиторлик ташкилотлари рейтинги лицензия турига боғлиқ ҳолда гурухлар бўйича ўтказилади:

- барча хўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик текширувларини амалга оширадиган аудиторлик ташкилотлари «A» индексини оладилар;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг, бундан устав капитали 500 млн сўмдан кўп бўлган ОАЖлар, банклар ва суғурта ташкилотлари мустасно, ташабbusли ва мажбурий аудиторлик текширувларини амалга оширадиган аудиторлик ташкилотлари «B» индексини оладилар;

- факат ташабbusли аудиторлик текширувларини амалга оширадиган аудиторлик ташкилотлари «C» индексини оладилар.

Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини баҳолаш мезонлары қуидаги параметрлар ва коэффициентларга гурӯхланади: (1.3. жадвал)

2010 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотларининг рейтинг кўрсаткичлари

1.3 - жадвал

Баҳо	Бади
A1	65 дан юкори
A2	55 дан 65гача
B1	45 дан 55 гача
D2	35 дан 45 гача
C1	25 дан 35 гача
C2	25 дан кам

Рейтинг баҳоси аудиторлик ташкилотларининг расман олинган ҳисоботлари (материаллари) асосида амалга оширилади. Унинг ҳисоб-китоби учун аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг энг муҳим кўрсаткичларидан фойдаланилади. Шунингдек, параметрнинг аҳамиятини белгилайдиган ҳар бир кўрсаткичлардан фойдаланилади (1.4. жадвал).

Аудиторлик ташкилотларининг 2010 йил натижаларига кўра рейтинг кўрсаткичлари

1.4 - жадвал

Аудиторлик ташкилоти номлари	Баҳо
ГРУППА N 1	
ООО «FTF-Audit»	A1
ООО «Holis Guruh (Grant Thornton)»	A1
ООО «Buxgalter-Audit»	A1
ООО «Tsiar-Finans»	A1
ООО «Marikon-Audit»	A1
ООО «Dok-Audit»	A1
ООО «Mak-Alyans-Audit»	A1
ЧАП «Audit»	A1
ООО «Impuls-Audit»	A1

Хозирги вақтда республикада кичик ва ўрта аудиторлик ташкилотлари ташкил этилмоқда. Мамлакатимизда аудит

ташкилотлари ривожланиши билан улар уюшмаларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига бирлашади. Бундай бирлашмаларнинг мақсади аудиторлик фаолиятини тақсимлашдир.

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг конуни мустакил аудиторлик фаолиятини амалга оширишнинг хукукий асосларини белгилаб беради. Аудит соҳаси (хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш) ва унинг мақсади аниклаб берилган. Конунда ихтиёрий (ташаббусли) аудиторлик текширишдан ташкириш ҳам келтирилган.

Конунга мувофиқ аудиторлик лицензиясига эга бўлган юридик шахслар – аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолияти билан шуғулланишта ҳақлидир.

Янги таҳрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги 2000 йил 26 майда кабул килинган қонунда аудиторлик фаолияти таркибига кирадиган иш турлари, аудиторлик ташкилотларининг хукуқлари ва бурчлари ҳамда уларнинг буюртмачилар билан ўзаро муносабатлари белгилаб берилган. Аудиторлик текшириш натижаларини, ҳисобот ва аудитор хуносасини расмийлаштириш коидалари келтирилган.

Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятининг иккита йўналиши бўйича алоҳида малака аттестатлари ва лицензиялар бўлиши назарда тутилган:

- умумий аудит (хўжалик юритувчи субъектлар бўйича аудит ўтказиш);
- банк аудити.

Ўзбекистон Республикасида аудиторлик ташкилотларини лицензиялаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон карори билан тасдиқланган «Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларига лицензия бериш тартиби тўғрисида» ги Низомга мувофиқ амалга оширилади. Ушбу Низомга асосан аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун маҳсус рухсатнома (лицензия) мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилади, аудиторлик ташкилотларининг касб хизматлари кўрсатишлари бундан мустасно. Аудиторлик фаолиятини лицензиялаш-

ни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги амалга оширади.

• Аудиторлик ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг лицензия олиш учун Молия вазирлигига қуидаги хужжатлар тақдим этилади:

а) таъсис ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилганилиги тўғрисида гувоҳнома;

б) штатдаги аудиторларнинг, шу жумладан бухгалтерлик ҳалқаро сертификатига эга бўлган аудиторларнинг, уларнинг қонунда белгиланган энг кам сонига мувофиқ бўлган штатдаги аудитор малака сертификатлари ҳамда бухгалтер ҳалқаро сертификатларининг тасдиқланган нусхалари;

в) меҳнат дафтарчаларининг нотариал тасдиқланган нусхалари ва асосий иш жойи бўйича штатдаги аудиторларни Низомда белгиланган штатдаги аудиторларнинг энг кам сонига тўғри келадиган микдорда ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқларнинг тасдиқланган нусхалари;

г) аудиторлик фаолиятини амалга ошириш максадида лицензиянинг тегишли тури учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган микдордаги устав капиталининг тўлиқ шакллантирилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

д) аризани кўриб чиқиш учун йигим тўланганлигини тасдиқловчи банкнинг тўлов ҳужжати.

Ушбу тақдим этилган ҳужжатларни Молия вазирлиги бир ой муддат ичida кўриб чиқиб қонунчилик талабларига мувофиқ келса аудиторлик ташкилотига лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қиласди. Шундан сўнг ташкилот аудиторлик фаолияти билан шугулланиш ҳукуқига эга бўлади. Шунинг билан биргаликда аудиторлик ташкилотига лицензия талабларини қўяди ва бу талаблар доирасида ўз фаолиятини амалга оширади. Лицензия талаблари қуидагилардан иборат:

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига, Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатлари талаб-

ларига риоя қилиш;

- лицензия олинаёттандың қонунчилиқда назарда тутилган миқдорда түлиқ шакллантирилған устав капиталига зә бўлиш;
- факат аудиторлик фаолиятини амалга ошириш;
- фуқаролик масъулиятини сугурта қилиш полисига зә бўлиш;
- аудитор томонидан аудиторлик фаолиятини факат битта аудиторлик ташкилотида амалга ошириш;
- штатда аудиторлар сонининг қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда бўлиши;
- лицензия турига мувофиқ штатдаги аудиторларда халқаро бухгалтер сертификатининг бўлиши;
- аудиторлик текшируви ўтказиш чоғида олинган ахборотнинг сир сакланишини таъминлаш;
- аудиторлик текширувлари ўтказиш бўйича шартнома мажбуриятларини ўз вактида ва сифатли бажариш;
- аудиторлик ташкилоти раҳбари лавозимига факат аудиторни тайинлаш;
- аудиторлик ташкилоти раҳбарининг уч йилда бир маротаба лицензияловчи органда аттестациядан ўтиши;
- аудиторлик фаолиятини амалга ошириш чоғида мустакилликни таъминлаш;
- ишончли аудиторлик ҳисоботи тузиш ва аудиторлик хуносаси бериш;
- аудиторлик ташкилотларида аудиторлар иш сифатининг ички стандартлари мавжудлиги;
- ўз почта манзили ўзгаргани тўғрисида 10 кун муддатда лицензияловчи органни хабардор қилиш;
- аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ярим йилда бир марта белгиланган шаклда лицензияловчи органга тақдим этиш, шунингдек, аудиторлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа ахборотларни лицензияловчи орган талаби бўйича тақдим этиш.

Молия вазирлиги лицензияловчи орган аудиторлик ташкилотлари томонидан лицензия шартномасида назарда ту-

тилган лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади. Унга риоя қилинишини текшириш ҳар уч йилда камидан бир марта амалга оширилади. Лицензия талабларини бузган аудиторлик ташкилотлари лицензиядан маҳрум бўлишлари мумкин.

Аудитор малака сертификатини олишга қўйиладиган талаблар

Аудитор малака сертификати жисмоний шахсга, башарти у аудиторлик ташкилоти штатида бўлса ёки у билан аудиторлик ташкилоти фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартнома тузган бўлса, аудиторлик текширувани амалга ошириш хуқукини беради.

Малака сертификатига эга бўлган ҳар бир аудитор малака сертификатини олгандан кейинги йилдан эътиборан ҳар бир йил мобайнида республика аудиторлар жамоат бирлашмаси билан келишишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган малака ошириш дастурлари бўйича 60 соатдан кам бўлмаган ҳажмда малака ошириш курсларини ўтиши шарт. Аудитор малака сертификати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан, агар даъвогар малака имтиҳонини муваффақиятли топширган бўлса, берилади.

Аудитор малака сертификатини олишга даъвогар қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олингандан олий иқтисодий маълумотга ёки хорижий давлатларнинг олий таълим муассасаларида олингандан ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги таълимга эквивалиент деб тан олингандан олий иқтисодий маълумотга эга бўлиш ва охирги ўн йил ичида камидан уч йиллик бухгалтерия хисоби, аудит, молиявий ёки солик назорати соҳасида ёхуд шу соҳаларда дарс бериш амалий иш стажига (шу жумладан ўриндошлик бўйича) эга бўлиш; ёки Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олингандан иқтисодий бўлмаган олий маълумот ёхуд хорижий давлатлар-

нинг таълим муассасаларида олинган ҳамда конун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги таълимга эквивалиент деб тан олинган иқтисодий бўлмаган олий маълумот билан охирги ўн йил ичида камидга 5 йил аудитор, бош бухгалтер, тафтишчи ёки солик инспектори сифатида иш стажига эга бўлиш, шу жумладан ўриндошлик бўйича; ёхуд Ўзбекистон Республикасида ёки хорижий давлатларда (конун ҳужжатларига мувофиқ ностирификациялаш ўтказилганлиги шарти билан) олинган иқтисод фанлари номзоди (доктори) илмий даражага эга бўлиш;

2) республика аудиторлар жамоат бирлашмаси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган таълим дастури асосида аудиторларни тайёрлаш марказларида маҳсус тайёргарликдан ўтилиши Сертификатланган бухгалтер-амалиётчи (CAP) ёки «Сертификатланган ҳалқаро профессионал бухгалтер (CIPA)» сертификатлаш доирасида профессионал бухгалтерларни ҳалқаро сертификатлаш дастури бўйича «Молиявий ҳисоб» фанини муваффакиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатнинг мавжуд бўлиши; «Сертификатланган бухгалтер-амалиётчи (CAP)» сертификатига ёки «Сертификатланган ҳалқаро профессионал бухгалтер (CIPA)» сертификатига ҳамда Ўзбекистон Республикаси худудида иқтисодий соҳаларда 5 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлган даъвогарларга аудиторларни тайёрлаш марказларида маҳсус тайёргарликдан ўтмасдан малака имтиҳонини топширишга рұхсат берилади.

Аудитор малака сертификатини олишга даъвогар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда малака имтиҳонини топширишга рұхсат бериш тўғрисида ариза (маҳсус шаклга биноан) топширади:

- 1) тўлдирилган анкета (маҳсус шаклга биноан);
- 2) маълумот тўғрисидаги диплом ёки иқтисод фанлари номзоди (доктори) илмий даражасини олганлик тўғрисидаги

дипломнинг ҳужжатни берган муассаса томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган ёки нотариал тасдиқланган кўчирма нусхаси; ёки маълумот ёки илмий даража тўғрисидаги хорижий ҳужжатнинг эквивалентлигини тан олиш тўғрисидаги ваколатли давлат органи гувоҳномасининг ҳужжатни берган муассаса томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган ёки нотариал тасдиқланган кўчирма нусхаси (хорижий таълим муассасаларида олинган олий маълумот ёки илмий даража тўғрисидаги дипломга эга бўлинганда);

3) меҳнат дафтарчасидан нотариал тасдиқланган кўчирма (ўриндошлик бўйича меҳнат стажи мавжуд бўлган тақдирда бу ҳақида меҳнат дафтарчасига қайд қилинган ҳолда);

4) иккита фотосурат (3 x 4);

5) аудиторларни тайёрлаш марказларида маҳсус таълим олинганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (ушбу ҳужжат, агар ўқиш тугатилган санадан бошлаб ҳужжатларни топшириш санасигача бир йилдан кўп бўлмаган вақт ўтган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади) ва «Сертификатланган бухгалтер-амалиётчи (CAP)» ёки «Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (CIPA)» сертификатлаш доирасида профессионал бухгалтерларни халқаро сертификатлаш дастури бўйича «Молиявий ҳисоб» фанини муваффакиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатнинг ушбу ҳужжатни берган муассаса томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган ёки нотариал тасдиқланган кўчирма нусхаси; ёки «Сертификатланган бухгалтер-амалиётчи (CAP)» ва «Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (CIPA)» сертификатларнинг ҳужжатни берган муассаса томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган ёки нотариал тасдиқланган кўчирма нусхаси;

6) малака сертификатини бериш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 баравари микдорида йигим тўланганлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи банк тўлов ҳужжати.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруғи билан малака имтиҳонларини топшириш бўйича маҳсус комиссия ташкил этилади. Комиссия таркибига молия вазирлиги, жамоат ташкилотлари олий таълим муассасалари ходим-

лари киритилиши мумкин. Имтиҳон комиссиясининг раиси этиб молия вазирининг муовини тайинланади.

Даъвогарлар гуруҳи (камида 10 киши ва кўпи билан 20 киши) учун малака имтиҳони икки босқичда ўтказилади:

- тест синови (ёзма шаклда 4 академик соат мобайнида, унинг натижаларига кўра даъвогарга ёзма-оғзаки имтиҳон топшириш учун ижозат берилади);

- имтиҳон билетлари бўйича ёзма-оғзаки имтиҳон (масалаларни ечиш ва оғзаки жавобга тайёрланиш учун 3 академик соат берилади).

Малака имтиҳонининг иккала босқичини бир кун давомида ўтказишга ижозат берилмайди. Тестлар, имтиҳон билетлари саволлари ва тўғри жавоб варианtlарини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Республика аудиторлар жамоат ташкилоти билан биргаликда Аудиторларни ўқитиш дастури асосида ишлаб чиқади.

Имтиҳон комиссияси раисининг имзоси қўйилмаган тест бланклари ва имтиҳон билетлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Тестлар ва имтиҳон билетларининг мазмуни қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда вакти-вакти билан қайта кўриб чиқилади. Тестга дастурнинг барча бўлимларини акс эттирадиган камида 75 савол киритилади. Тест натижаларини ижобий деб эътироф этиш учун асос бўлиб ҳисобланадиган тўғри жавоблар микдори имтиҳон тестларидағи мавжуд саволлар микдорининг камида 75 фоизини ташкил этиши керак. Тест натижалари салбий деб эътироф этилган тақдирда даъвогар ёзма-оғзаки имтиҳонни топширишга қўйилмайди, унга тақдим этган ҳужжатлари қайтариб берилади.

Имтиҳон билети тўрт кисмдан иборат, уларнинг ҳар бирида назарий қисм ва қуйидаги фанлар бўйича амалий вазифа мавжуд бўлади:

1-қисм. Молиявий ҳисоб.

2-қисм. Бонцарув ҳисоби, молиявий менежмент ва молиявий таҳлил.

3-қисм. Аудит.

4-кисм. Соликқа тортиш ва тадбиркорлик фаолиятини хукукий тартибга солиш.

Имтиҳон билети тўрт қисмининг ҳар бири бўйича жавоблар (шу жумладан масалани ечиш) беш балли тизим бўйича баҳоланади. Имтиҳон билети бўйича камида 15 балл олган даъвогарлар имтиҳонни муваффақиятли топширган ҳисобланади. Малака имтиҳони ўтказилаётганда қонунлар ва йўрикнома материалларидан, маълумот берувчи ва маҳсус адабиётлардан фойдаланиш, бошқа даъвогарлар билан гаплашиш ман қилинади. Ушбу талабларни бузган даъвогарлар аудиториядан чиқарилади ва малака имтиҳонини топширмаган деб ҳисобланади. Бегона шахслар ва кузатувчиларнинг малака имтиҳонида ҳозир бўлишларига ижозат берилмайди. Тест имтиҳонини ўтказишга ажратилған вақт тугагач, даъвогарлар тестлар ва уларга жавобларни имтиҳон комиссиясига топширишлари шарт.

Ушбу талабларни бузган даъвогарлар малака имтиҳонини топширмаган деб ҳисобланади. Малака имтиҳони натижаларини имтиҳон комиссияси у ўтказилгандан сўнг кўпи билан икки кунда эълон қиласди. Малака имтиҳони натижалари имтиҳон комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади ва малака имтиҳони ўтказилған санадан сўнг 3 кун ичida Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига топширилади. Малака имтиҳонини топширишга доир ёзма ишлар (тестлар, билетлар ва уларга жавоблар), шунингдек, имтиҳон комиссияларининг баённомалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига белгиланган тартибда сакланади. Малака имтиҳонини топширмаган даъвогар (аудитор)га тўланган йигим харажати қайтарилмайди. Малака имтиҳонини топширмаган даъвогар малака сертификатини олиш учун малака сертификатини бериш учун йигим тўлаши шарти билан белгиланган тартибда хужжатларни такроран топшириш хуқуқига эга.

Тижорат банкларида аудит ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 24 июндаги 403-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш тўғрисида»ги Низом-

га асосан амалга оширилади. Унга асосан Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги (янги таҳрир) қонунларига асосан тижорат банклари фаолияти ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банкларида аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатига эга бўлган аудиторлик ташкилотлари томонидан текширилиши белгилаб кўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг юқорида номи келтирилган қарорида лицензия бериш тартиби ва шунингдек уни бекор қилиш тартиби белгиланган. Ишда хатто ва нуқсонларга, эътиборсизликска йўл кўйган аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари учун жиддий жазо чоралари кўзда тутилган.

Аудиторлик ташкилотлари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш тартиби

Аудиторлик ташкилотлари раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини ва ишчанлик малакасини баҳолаш, професионаллик даражасини ҳамда жавобгарлигини мунтазам ошириб бориш, учун аттестация килинади. Уларни аттестациядан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007йил 1августдаги 73-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Аудиторлик ташкилотлари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги Низомга» мувофиқ амалга оширилади. Аттестация килишдан мақсад аудиторлик ташкилоти раҳбарининг профессионал қобилиятилик даражасини белгиланган талабларга мослигини; унинг ишини сифатли ташкил қилиш, шунингдек аудиторлик ташкилотини бошқариш қобилиятини ҳамда раҳбарлик касбий ахлоқ меъёrlа-рига риоя этишини таъминлаш мақсадида ўтказилиб борила-ди.

Аудиторлик ташкилоти раҳбарлари уч йилда бир марта аттестациядан ўтиши шарт. Аттестациядан ўтмаган раҳбар икки йил мобайнида аудиторлик ташкилоти раҳбари сифатида фаолият юритиш ҳукукига эга бўлмайди.

Аттестация Идоралараро аттестация комиссияси томони-

дан ўтказилади. Унинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ходимлари, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Ўзбекистон аудиторларининг республика жамоатчилик бирлашмалари вакилларида шаклантирилалди. Аттестация комиссиясининг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бўйруғи билан тасдиқланади. Низомга мувофиқ аттестация комиссияси камидаги аъзодан, шу жумладан, аттестация комиссияси раисидан ташкил топади.

Аттестациядан ўтаётган раҳбар аттестация комиссияси йигилишида сұхбат шаклида ўтказилади. Аттестация комиссияси аттестациядан ўтаётган раҳбарни таклиф этади ва у ҳакида кисқача маълумотни тинглайди.

Комиссия аъзолари аттестациядан ўтаётган раҳбарга конунчилик ҳужжатларини, Ўзбекистонда олиб борилаётган испоҳотларнинг умумиктисодий ва сиёсий жиҳатларини билиши бўйича, шунингдек бевосита лавозим мажбуриятларини бажариши юзасидан саволлар берадилар. Аттестациядан ўтказиласетган раҳбарнинг фаолигти аудиторлик ташкилоти олдида турган вазифаларнинг, лицензия талаблари ва шартларининг бажарилишини таъминлашда унинг шахсий хизматига боғлаган ҳолда, шунингдек лавозим мажбуриятларини бажариши баҳоланади.

Аттестациядан ўтаётган раҳбарнинг жавоблари асосида унинг иши натижалари ва ишбилармонлик фазилатларини мухокама килиб, комиссия куйидаги баҳолардан бирини беради:

- а) эгаллаб турган лавозимига лойик;
- б) эгаллаб турган лавозимига лойик эмас.

Агар аттестация комиссияси қарорига кўра раҳбар эгаллаган лавозимига лойик эмас деб тан олинса, ишчи орган бу ҳақда аудиторлик ташкилотига қарор кабул килинган кундан бошлаб ўн иш куни давомида ёзма шаклда хабарнома беради. Аудиторлик ташкилоти, хабарномани олгандан кейин бир ой давомида ишчи органга раҳбарнинг эгаллаган лавозимидан озод этилгани ҳакидаги буйруқнинг нусхасини тақдим этади.

Хулоса қилиб айтиш мүмкінки, аудиторлық ташкилоти раҳбарларини аттестациядан ўтказилиб турилиши уларни халқаро стандартлар талабида ривожланиши учун имкониятлар яратади.

1.5. Ўзбекистон Республикасида ташқи аудитни ўтказишининг хусусиятлари

Ҳозирги пайтда республикамиздаги аудиторлық ташкилотлари сони кўпайиб уларнинг таркиби сифат жиҳатдан ҳам ортиб бормоқда. Уларнинг сони 100дан ошиб кетди. 2008 йилга қадар аудиторлық ташкилотлари хаммаси бир хил тоифада бўлиб, уларнинг рейтинглари аниқланмас эди. Амалдаги Конунчилигимизга мувофиқ улар учта тоифага бўлинади:

1. Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлық текширувани ўтказувчи аудиторлық ташкилотлари.

2. Устав капитали 500 млн. сўмдан кўпроқни ташкил этган очик акциядорлик жамиятлари, банклар ва суғурга ташкилотларидан ташқари хўжалик юритувчи субъектларда ташаббускорлик асосида ва мажбурий аудиторлық текширувларини амалга оширувчи аудиторлық ташкилотлари.

3. Факат ташаббускорлик асосида аудиторлық текширувани амалга оширувчи аудиторлық ташкилотлари.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия Вазирлигининг 2007 йил 12 февралдаги 01/12-18/03, 20-сон қарори билан тасдиқланган устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлық ташкилотлари рўйхатига аудиторлық ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилган. Ушбу Низомга мувофиқ давлат улуши 50 фоиздан ошиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектларда аудит ўтказиш хукукини берадиган талаблар ўз ифодасини топган.

Мазкур Низом талабларида Аудиторлық ташкилотларини танлаш механизми, Танлашда иштирок этиш учун аудиторлық ташкилотларига кўйиладиган талаблар, Танлашида ишти-

рок этиш учун аудиторлик ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган хужжатлар таркиби белгилаб қўйилган.

Танлашда қатнашиш учун биринчи ва иккинчи тоифага кирувчи аудиторлик ташкилотлари ариза беришлари мумкин. Танлашида қатнашадиган аудиторлик ташкилотлари ҳар йили 1 февралдан 25 февралгача Давлат мулки қўмитасига Низомда белгиланган тсигипли хужжатларни тақдим этади.

Аудиторлик ташкилотларининг хужжатларини кўриб чиқиш учун Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги ходимларидан иборат таркибда ишчи гуруҳи тузилади. Ишчи гурухнинг таркиби ва иш регламенти Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади. Ишчи гурух ҳар йили 1 марта қадар аудиторлик ташкилотлари томонидан тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқади, Низомда белгиланган талабларга жавоб берувчи аудиторлик ташкилотларини аниқлайди ва ҳар йили Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлигининг кўшма қарори билан тасдиқланадиган рўйхатни тузади. Ҳар йили тасдиқланадиган аудиторлик ташкилотларининг рўйхати оммавий ахборот воситалари, шунингдек Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлигининг расмий интернет-сайтларида зълон қилинади.

Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортик бўлган корхоналарнинг бошқарув органлари аудиторлик ташкилотини танлаш асосида тасдиқланган рўйхатдан танлаб оладилар. Рўйхатга киритилмаган ёки рўйхатга киритилгандан кейин белгиланган талабларига номувофик бўлган аудиторлик ташкилотлари томонидан устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортик бўлган корхоналарда аудиторлик текширувларини ўтказишга йўл қўйилмайди.

Танлашда иштирок этиш учун аудиторлик ташкилотига қўйидаги талаблар қўйилади:

а) барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказиш ёки ташаббус тарздаги ва банклар, сугурта ташкилотлари ва очик акциядорлик жамиятларидан ташқари хўжалик юритувчи субъектларда мажбурий аудиторлик

текширувани ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиянинг мавжудлиги;

б) аудиторлик ташкилоти раҳбари ва штатдаги аудиторларда амалда бўлган аудиторлик сертификатларининг (ариза берилган пайтда) мавжудлиги;

в) аудиторлик фаолияти соҳасида камида 2 йиллик тажрибага эга бўлиши;

г) аудиторлик ташкилотида қимматли қоғозлар бозори соҳасида малакага эга бўлган камида битта мутахассиснинг мавжудлиги (малака мазкур ихтисослик бўйича маълумотга эга бўлиши ёки қимматли қоғозлар бозори мутахассиси малака аттестатининг мавжудлиги ёки ушбу соҳада иш тажрибасига эга бўлиши билан тасдиқланади);

д) фуқаролик жавобгарлиги сұғурта полисининг мавжудлиги;

е) Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2006 йил 21 августдаги 76-сонли буйруғи билан тасдиқланган 4-сонли аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти «Аудиторлик ташкилотларининг ички стандартларига қўйиладиган талаблар»га мувофик ички стандартларнинг мавжудлиги.

Танлашда иштирок этиш учун аудиторлик ташкилоти ишончли тасдиқланган холда Давлат мулки кўмитасига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) барча ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувани ўтказиш ёки ташаббус тарздаги ва банклар, сұғурта ташкилотлари ва очик акциядорлик жамиятларидан ташкиари ҳўжалик юритувчи субъектларда мажбурий аудиторлик текширувани ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиянинг нусхаси;

б) аудиторлик ташкилоти раҳбари ва штатдаги аудиторларнинг аудиторлик сертификатларининг нусхалари;

в) қимматли қоғозлар бозори соҳасида малакага эга эканлигини тасдиқловчи маълумоти тўғрисида диплом ёки қимматли қоғозлар бозори мутахассиси малака аттестати ёки меҳнат дафтарчасидан нусхалар;

- г) фукаролик жавобгарлиги сугурга полисининг нусхаси;
- д) аудиторлик ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланган ички стандартлар рўйхати.

Умуман аудиторлик ташкилотларининг ушбу тартибда танлаш механизми Ўзбекистондаги аудиторлик хизмати бозорида рақобат мухитини яхшилайди ҳамда уларни аудиторлик хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига олиб келади.

1.6. Ўзбекистон Республикасидаги корхоналарда ички аудит хизматини ташкил қилиш хусусиятлари

Ички аудит – корхона Кузатув кенгашининг қарори билан ташкил этиладиган корхонанинг ички аудитни амалга оширадиган таркибий бўлинмаси ҳисобланади. У корхона бошқарувининг ижро этувчи органи ва таркибий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатларига ва ички ҳужжатларга риоя килининшини, маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттирилишининг тўлиқлилитини текширади. Мониторинг олиб бориш йўли билан улар ишини доимий назорат килиб боради ва уларнинг фаолиятига баҳо беради,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорига мувофиқ “Корхоналарда ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сон қарорига мувофиқ активларининг баланс қиймати 1 млрд. сўмдан ортик бўлган корхоналарда ички аудитни ташкил этишга кўйиладиган ягона талабларни ҳамда унинг ишини ташкил этишнинг методологик асосларини белгилаб берди. Бундан тижорат банклари ва бюджет ташкилотлари мустаснадир.

Ички аудит хизмати раҳбарини ва унинг ходимларини лавозимга тайинлаш ва эгаллаб турган лавозимидан озод этиш, корхона кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширилади ҳамда уларга иш ҳақи миқдорини ва бошқа тў-

ловларни белгилайди. Ички аудит корхона кузатув кенгашига бевосита бўйсунади

Корхона ва ташкилотларда ички аудит ўзига хос вазифа ва функцияларни бажаради Куйидагилар ички аудит хизматининг асосий вазифалари бўлиб ҳисобланади:

– кузатув кенгашини ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари бўйича корхона фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш;

– ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан корхона бошқарув органларига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш.

Ички аудит хизматининг асосий функциялари бўлиб куйидагилар ҳисобланади:

– ҳар йили корхонанинг кузатувчи кенгаши томонидан тасдиқланадиган режага мувофиқ тегишли текширишлар ўтказиш йўли билан ички аудитни амалга ошириш (ҳар чоракда ва ҳисботот йили якунлари бўйича);

– тузиладиган ҳўжалик шартномаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказиш;

– бухгалтерия ҳисобини юритишда ва молиявий ҳисботни тузишда корхонанинг таркибий бўлинмаларига методик ёрдам бериш, уларга молия, солик, банк қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

– техник топширикларни ишлаб чиқиپда, ташки аудиторлик ташкилотларининг таклифларини баҳолашда ҳамда аудиторлик текширишларини ўтказиш учун ташки аудиторлик ташкилотини танлашда тавсияларни тайёрлашда корхонанинг кузатувчи кенгашига кўмаклашиб каби функцияларни бажаради.

Ички аудитни амалга ошириш давомида пайдо бўладиган масалалар бўйича корхонанинг ҳужжатларини (раҳбарнинг буйруқлари, фармойишлари, бошқарув органлари қарорлари, маълумотномалар, ҳисоб-китоблар, зарур ҳужжатларининг тасдиқланган нусхалари ва бошқа ҳужжатларни), корхона мансабдор ва масъул шахсларидан оғзаки ва ёзма тушунти-

ришлар олиш ҳуқуқига эгадир. Ички аудит текшириш ўтка-зиш жараёнида корхонанинг тегишли мутахассисларини жалб этиш мумкин.

Ички аудит молия ва статистика ҳисоботи кўрсаткичлари-нинг ишончлилигини текширади ва текшириш объектлари бўйича ҳисботлар тузади ҳамда уни амалга оширишда олинган ахборотнинг маҳфийлигига риоя қилади. Корхонага унинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан зарар етказилганидан далолат берувчи ҳолатлар аникланган тақдирда бу ҳақда дарҳол корхонанинг кузатув кенгашига хабар беради ва уни аудиторлик ҳисботида тегишли ёзувни қайд этади. Ички аудит активларни инвентаризациядан ўтказиша ва конунда белгиланган тартибда унинг ўз вактида амалга оширилишини назорат қилишда иштирок этади.

Корхона ва ташкилотларда ички аудитни ташкил қилиш ва уни амалга ошириш ички аудит тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширилади. Ички аудит хизматига қўйила-диган талаблар кўйидагилар ҳисобланади:

➤ ички аудит хизмати ходимлари охирги ўн йилнинг камида икки йилида бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия ёки солиқ назорати соҳасида амалий (шу жумладан, ўриндошлиқ бўйича) иш стажига эга бўлиши ва кўйидаги талаблардан биттасига жавоб бериши керак;

➤ аудиторнинг малака сертификатига эга бўлиш;

➤ Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари-да ёхуд Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги таълимга тенглиги зътироф этилган хорижий давлат таълим муассасасида олин-ган олий иктисодий маълумотта эга бўлиш.

Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби аудиторларнинг республика профессионал жамоатчилик бирлашмалари томонидан, Ўзбекистон Республикаси Молия ва-зирлиги билан келишган ҳолда белгиланади.

Ички аудит хизмати ходимларининг сони ички аудит мақсадларига самарали эришиш ва вазифаларини ҳал этиш учун старли бўлиши керак ҳамда корхонанинг кузатув кенгаши томонидан сертификацияланган икки нафардан кам бўлмаган ички аудитордан иборат этиб белгиланади. Ички аудит хизматига ички аудитор сертификатига эга бўлган унинг раҳбари бошчилик қилади. Ҳар йили ички аудит хизмати раҳбари ички аудит хизмати харажатларининг йиллик сметасини тузади ва уни тасдиқлаш учун корхонанинг кузатувчи кенгашига тақдим этади. Ички аудит хизмати ходимлари корхона кузатув кенгаши томонидан ҳар йили аттестациядан ўтказилиб турилади.

Ўтказилган ички аудит якунлари бўйича, ички аудит раҳбари томонидан имзоланадиган йиғма ҳисобот тузилади. Ҳисобот таркиби икки қисмдан иборат бўлади. Таҳлилий ва якуний қисмларни ўз ичига олади.

Ҳисоботнинг таҳлилий қисмида қуйидаги кўрсаткичлар акс эттирилади:

- 1) бизнес-режа бажарилишини текшириш натижалари унинг бажарилишининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари таҳлили;
 - 2) корпоратив бошқариш принципларига риоя қилинишини;
 - 3) бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобнинг ҳолатини;
 - 4) соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланишини;
 - 5) молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларига риоя этилишини;
 - 6) активларнинг ҳолатини;
- ички назоратнинг ҳолатини текшириш ва уларнинг мониторингини олиб бориш йўли билан факат ички аудит хизмати ходимлари томонидан амалга оширилади.

Ҳисоботнинг якуний қисмида корхонанинг ижро этувчи органи ва таркибий бўлинмалари фаолиятига, шунингдек,

ликвидлигига умумий баҳо беради. Аниқланган четга чиқишилар ва қонунни бузишларни бартараф этиш бўйича ички аудит хизматининг тавсияларини ҳамда корхонанинг молияхўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга, корпоратив бошқаришни такомиллаштиришга доир умумлаштирилган таклифларни ўз ичига олади.

Йиғма хисобот ички аудит якунлангандан кейин 10 кун мобайнида тугалланиши зарур ва ушбу ҳисоботлар бевосита корхонанинг кузатув кенгашига унинг кўриб чиқиши ва кейинчалик тасдиқлаши учун тақдим этилади. Ҳисоботлар нусхалари тасдиқлангандан кейин корхона ижро этувчи организга тақдим қилинади.

Корхонанинг ижро этувчи органи ички аудит натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўради. Ички аудит хизмати текшириш давомида аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш, шунингдек, умуман корхонанинг молияхўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва зарур даражада бажарилиши устидан назорат ўрнатиши керак.

Ички аудит хизмати ходимларига тақдим этилган ёки улар томонидан хизмат вазифаларининг бажарилиши муносабати билан уларга маълум бўлган корхонанинг сирини ташкил этадиган ахборотнинг маҳфийлигига риоя қиласи ва олинган ҳужжатларнинг сақланиши ва қайтарилишини таъминлайдилар. Улар аудиторлик текширишлари давомида аниқланган қонунни бузишларни бартараф этиш ва корхонанинг молияхўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирларга баҳо берилиши учун жавобгар хисобланадилар.

Корхонанинг кузатув кенгаси ҳар чоракда ички аудит хизматининг текширишлар натижалари тўғрисидаги ҳисоботини эшитади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва корхонанинг молияхўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўради.

Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби

Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 12.05.2012 й. N 2361сон билан рўйхатта олинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 02.04.2012 йилдаги №90 сон буйруғи билан “Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисида” Низомга мувофиқ амалга оширилади. Мазкур низомда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли «Устав фондидаги давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада хисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006 й., 42-сон, 417-модда) мувофиқ, ички аудитор сертификатини бериш, амал килишини узайтириш, тутатиш, бекор килиш, қайта расмийлаштириш ва дубликатини бериш қоидалари ва тартиблари белгилаб кўйилган.

Ички аудитор сертификати - ички аудит хизматида фоалият олиб бориш учун ички аудиторнинг профессионал маъласини тасдиқловчи хужжат хисобланади. Сертификат дъявогар томонидан малака имтиҳони муваффакиятли топширилган тақдирда, аудиторларнинг республика профессионал жамоат бирлашмалари томонидан беш йил муддатта берилади.

Ички аудитор сертификат олинган йилдан кейинги йилдан бошлаб ҳар йили малака ошириш курсларидан ўтиши шарт. Малака ошириш маҳсус таъсис этилган, Давлат тест маркази томонидан руҳсатномага эга бўлган нодавлат таълим муассасасаларида амалга оширилади.

Ўқув марказлари:

аудиторларнинг жамоат бирлашмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда

тасдиқланган ички аудиторларни тайёрлаш дастури (бундан кейинги ўринларда тайёрлов дастури деб юритилади) бўйича 80 соатли маҳсус ўкув курсларини ҳамда ички аудиторлар учун малака ошириш дастури бўйича 20 соатли курсларни ташкил этади;

сертификат бланкига сертификат эгасининг ҳар йили малака ошириш курсини ўтаганлигини тасдиқловчи ёзув кирилади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳар чоракда, кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмай сертификат эгасининг малака ошириш курсини ўтаганлиги тўғрисида ахборот тақдим этади.

Аудиторларнинг жамоат бирлашмалари:

– имтиҳон ўтказишни ташкил қиласи, шунингдек ўзларининг веб-сайтларига имтиҳон ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисидаги ахборотни жойлаштиради;

– тайёрлов дастури асосида тест саволларини ва жавоб варианtlарини тузади ҳамда уларни имтиҳон ўтказиш санасидан йигирма кун олдин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади;

– ўкув марказларида ўкув жараёни тайёрлов ва малака ошириш дастурлари асосида ташкил этилганлигини назорат қиласи;

– даъвогарларни имтиҳонга қўйиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласи;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига имтиҳон ўтказилган санадан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай имтиҳон натижалари бўйича даъвогарларга берилган сертификатлар тўғрисида ахборот тақдим этади.

Ички аудитор сертификатини олиш учун давогарга имтиҳон топшириш учун куйидаги малака талаблари қўйилади:

– олий иқтисодий маълумотта, шунингдек хорижий давлатнинг олий таълим муассасалари томонидан берилган ва қонун хужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги

олий таълимга эквивалент деб эътироф этилган олий иқтисодий маълумотга ҳамда олий таълим муассасасини тугаллаганидан сўнг охирги ўн йилнинг камида икки йилида бухгалтерия ҳисоби, аудит, солик маслаҳати, молия ёки солик назорати соҳасида ёхуд шу соҳаларда дарс бериш бўйича амалий иш стажига (шу жумладан, ўриндошлиқ бўйича) эга бўлиш;

иктисодий бўлмаган олий маълумотга, шунингдек хорижий давлатнинг олий таълим муассасалари томонидан берилган ва қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги олий таълимга эквивалент деб эътироф этилган иқтисодий бўлмаган олий маълумотга ҳамда олий таълим муассасасини тугаллаганидан сўнг охирги ўн йил ичida камида уч йиллик аудитор, аудитор ёрдамчиси, бухгалтер, ревизор, солик маслаҳатчиси, солик инспектори, ички аудитор хизмати ходими сифатида иш стажига (шу жумладан, ўриндошлиқ асосида) эга бўлиш;

– ўкув марказларида маҳсус тайёрлов курсини ўтаганлик.

Кўйидаги сертификатлардан бирига эга бўлган даъвогарларга маҳсус тайёрлов курсини ўтамаган бўлса ҳам имтиҳон топширишга рұксат берилади:

– аудиторнинг малака сертификати (ариза берилган санада мазкур сертификатнинг амал килиш муддати туташига 6 ойдан кўп вакт қолган бўлса);

– солик маслаҳатчиси малака сертификати;

– бухгалтер ҳалқаро сертификати (САР – Сертификатланган бухгалтер-амалиётчи, СИРА - Сертификатланган ҳалқаро профессионал бухгалтер ва бошқалар), бухгалтер ҳалқаро сертификати олинган йилдан кейинги йилдан бошлаб, хар йили малака оширганлигини тасдиқловчи гувоҳнома мавжуд бўлса.

Давогар ички аудитор сертификатини олиш учун ўрнатилган тартибда ариза тақдим этилади ва бу аризага кўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- белгиланган шаклга мувофиқ тўлдирилган анкета;
- паспорт нусхаси;
- олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал ёки уни берган олий таълим муассасаси томонидан тасдиқланган нусхаси;
- меҳнат дафтарчасидан нотариус ёки иш берувчи томонидан тасдиқланган кўчирма;
- иккита фотосурат (3 x 4 см ўлчамда);
- маҳсус тайёрлов курсини ўтаганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхаси ёки аудитор ёки солик маслаҳатчиси малака сертификатининг нусхаси ёхуд бухгалтер халқаро сертификатини олган йилдан кейинги йилдан бошлаб, бухгалтер халқаро сертификати эгасининг ҳар йили малака оширганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг ва бухгалтер халқаро сертификатининг нотариал ёки сертификат берган ташкилот томонидан тасдиқланган нусхаси;

аризани кўриб чиқиш учун энг кам иш ҳақининг бир баравари микдорида йигим тўләнганлиги тўғрисида банк тўлов ҳужжати. Маҳсус тайёрлов курсини тутатган санадан бошлаб ҳужжатларни топшириш санасигача бўлган вакт оралиғи бир йилдан кўп бўлмаганда гувоҳнома ҳақиқий ҳисобланади.

Аудиторларнинг жамоат бирлашмалари имтиҳон топширишга рұксат берилган даъвогарларга имтиҳон ўтказиладиган санадан камида ўн беш кун олдин имтиҳон ўтказиш санаси, вакти ва жойи тўғрисидаги хабарномани аудиторларнинг жамоат бирлашмалари веб-сайтларига жойлаштиради ҳамда даъвогарнинг анкетада кўрсатилган манзилига почта орқали ёки электрон хабар кўринишида юборади.

Даъвогарлар имтиҳон топширишга паспорти билан киритилади. Паспорти бўлмаган ёки имтиҳонга кечиккан даъвогарлар имтиҳонга келмаган деб ҳисобланади ҳамда имтиҳон топширишга рұксат берилган навбатдаги шахслар рўйхатига киритилади. Даъвогар аудиторларнинг жамоат бирлашмала-

рига хужжатларни топширган санадан бошлаб икки маротаба имтиҳон топширишга келмаган тақдирда, даъвогар томонидан тақдим қилингандар ҳужжатлар қайтариб юборилади. Ҳужжатлар Низомга асосан назарда тутилган тартибда қайта тақдим этилиши мумкин. Имтиҳон уч соат ичидаги ёзма шаклда тест ўтказиш йўли билан ўтказилади. Имтиҳон саволлари тайёрлов дастури бўйича тузиладиган 60 та тест саволидан иборат бўлади. Даъвогарга ҳар бир тўғри жавоб учун 1 балл, нотўғри жавоб учун ёки жавоб бўлмаса 0 балл қўйилади. Тест натижаларини ижобий деб тан олиш учун асос бўлиб ҳисобланадиган тўғри жавоблар миқдори имтиҳон тестларидаги мавжуд саволлар миқдорининг камида 75 фоизини ташкил этиши керак. Имтиҳон натижалари комиссия томонидан имтиҳон ўтказилгандан сўнг икки кун ичидаги эълон қилинади.

Имтиҳон натижалари комиссия баённомаси билан расмийлаштирилди ва аудиторларнинг жамоат бирлашмаларига топширилди. Сертификат имтиҳонда қатнашиш учун ариза топширилган аудиторларнинг жамоат бирлашмаси томонидан берилади. Сертификат имтиҳон комиссиясининг баённомалари олингандан сўнг ўн кун ичидаги расмийлаштирилди ва сертификат эгасига ёки нотариал тасдикланган ишончнома асосида бошқа шахсга ички аудиторлар реестрига имзо кўйдириш орқали берилади.

1.7. Аудитнинг шакллари

Мажбурий аудит ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар қонунда белгилаб қўйилган. Мазкур корхоналарда ҳар йили бир марта мажбурий аудиторлик текшируви ўтказишга мажбурдирлар (1.5-жадвал). Ташиббус аудити эса хўжалик юритувчи субъектларнинг қарори билан ўтказилади. Мамлакатимизда мажбурий аудит Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасига мувофиқ қўйидаги хўжалик юритувчи субъектлар мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилади:

- акциядорлик жамиятлари;

- банклар ва бошқа кредит ташкилотлари;
- сугурта ташкилотлари;
- инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар ҳамда уларнинг бошқарув компаниялари;
- манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари бўлмиш хайрия фондлари ва бошқа ижтимоий фондлар;
- маблағларининг ҳосил бўлиш манбалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан қилинадиган мажбурий ажратмалар бўлмиш бюджетдан ташқари фондлар;
- устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган хўжалик юритувчи субъектлар.

Мажбурий аудиторлик текширувининг буюртмачиси хўжалик юритувчи субъект бўлади. Аудиторлик ташкилотини танлаш хўжалик юритувчи субъект мулқдори, шунингдек қатнашчилари (акциядорлари)нинг умумий йиғилиши билан келишиб олинади.

Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиш хўжалик юритувчи субъектдан энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ундиришга, шунингдек, унинг раҳбарини қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Жариманинг тўланиши хўжалик юритувчи субъектни мажбурий аудиторлик текширувидан ўтишдан озод қилмайди.

Аудит айни акциядорлик жамиятлари учун айниқса дол зарбdir. У акциядорлик жамиятига умуман бир қанча ҳолларда зарур бўлади:

- йиллик бухгалтерия ҳисботи тўғрилигини тасдиқлаш учун;
- акциядорлик жамияти қимматли қоғозлари эмиссияси проспектига илова қилинадиган ҳужжатларни тасдиқлаш учун;
- акциядорлик жамияти қимматли қоғозлари бўйича йиллик ҳисботни тасдиқлаш учун;

- бошқа ҳолатларда.

Амалдаги қонувлар ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари бўйича Иктиносий субъектларни йиллик мажбурий аудиторлик текширишининг мезонлари

1.5 - жадвал

Иктиносий субъектларнинг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи кўйидаги мезонлар бўйича ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилади	
Мезонлар	Иктиносий субъектларнинг турлари
1. Иктиносий субъектнинг ташкилий – ҳукукий шакли	Ҳисобот йили охирида иштироқчилар миқдори борлигидан қатъий назар очик турдағи акциядорлик жамияти ташкилий-ҳукукий шаклидаги иктиносий субъектлар
2. Иктиносий субъект фаолияти тури	Банклар ва бошқа кредит муассасалари Сугурга ташкилотлари ва ўзаро сугурталаш жамиятлари Товар ва фонд биржалари Инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларниң маблагларини жамлаб турувчи бошқа фондлар, уларнинг бопшарув компаниялари; Шаклланиш манбалари юридик ва жисмоний шахслар иктиёрий бадаллари бўлмиш хайрия фондлари ва бошқа ижтимоий фондлар: Маблагларнинг ҳосил бўлиш манбалари қонун ҳуқуқитларида назарда туттилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан қилинадиган мажбурий ажратмалар бўлмиш бюджетдан ташқари фондлар: Устав фондида давлатта тегишли улуш бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар.
3. Иктиносий субъект Низом фондини шакллантириш манбалари	Низом капиталида (Низом жамғармасида) хорижий инвестицияларга тегишли улуш бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ йиллик йигилишга ҳисоботни тақдим этишдан олдин акциядорларнинг умумий йигилиши тайинлаган аудитор (фуқаро ва ташкилот) томонидан текширилган ва тасдиқланган бўлиши керак. Унга мувофиқ акциядорлик жамияти матбуотда ҳар йили:

- бухгалтерия баланси (1-шакл);
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл)ни эълон қилиши шарт.

Акциядорлик жамияти йиллик молиявий ҳисоботни тек-

шириш ва унинг тўғрилигини тасдиқлаш учун ушбу жамият ва унинг иштирокчилари билан мулкий манфаатлар билан боғлиқ бўлмаган профессионал аудиторни жалб этиш керак.

Бундан ташкири, аудиторлик текшириши (барча акциядорлик жамиятларида, жумладан ўз молиявий ҳисботларини эълон қилишга мажбур бўлмаган жамиятларда ҳам) ҳар қандай вактда 51 фоиз ва ундан ортикни ташкил қилувчи акциядорларнинг талаби билан амалга оширилади.

Акциядорлик жамиятининг фаолиятини аудиторлик текширишни ўтказиш тартиби қонунда ва жамият Низомида белгиланади. Акциядорлик жамиятлари ва аудиторлик ташкилотлари ҳамкорлигининг бошка асосий йўналиши акциядорлик жамияти қўшимча маблағларни (инвестицияларни) жалб этиш учун акцияларнинг янги (қўшимча, иккиласми) эмиссиясини чиқариш чоғида қимматли қоғозлар эмиссияси проспектига киритиладиган ахборотларни ва хужжатларни аудиторлик холосаси билан тасдиқлашдир.

Қимматли қоғозлар эмиссияси амали қуидаги босқичлардан иборат:

- эмитентнинг (акциядорлик жамияти) қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиши;
- эмитентнинг қимматли қоғозлар эмиссияси проспектини тайёрлаш ва тасдиқлаш;
- қимматли қоғозларни асослаш учун руйхатдан ўтказиш;
- таъсис хужжатларининг нотариал тасдикланган нусхалари;
- эмиссия проспекти;
- эмиссия проспектини нашр қилиш ва қимматли қоғозларга обуна тўғрисидаги хабарни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш (қимматли қоғозларни сотишга қўйишдан олдин матбуотда хабар қилиш ва қимматли қоғозлар рўйхатга олинмай туриб проспектни тарқатиш тақиқланади);
- қимматли қоғозларни жойлаштириш.

Қимматли қоғозлар чиқаришта қарор қабул қилган акциядорлик жамиятига асосан қимматли қоғозлар эмиссияси проспектини тайёрлаш ва тасдиқлаш босқичида аудиторлик

ташқилоги (аудитор) билан ҳамкорлик зарур бўлади.

Кимматли қоғозлар эмиссияси проспектига киритилиши лозим бўлган рақамлар, маълумотлар ва ҳужжатларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг йўрикномасида белгилаб кўйилган бўлиб, улар қўйидагилардир:

- Эмитент тўғрисидаги асосий маълумотлар;
- Эмитентнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумотлар;
- Кимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги хабар.

Эмитентнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумотлар бошка маълумотлардан ташқари қўйидагиларни ҳам ўз ичига олади:

- молиявий хўжалик фаолиятининг бухгалтерия баланси ва молиявий патижалар тўғрисидаги ҳисобот аудиторлик текшириши на аудиторлик хуносаси билан тасдиқланган бўлиши лозим;
- Кимматли қоғозлар чиқариш тўғрисида қарор чиқаришдан олдинги сўнгти чорак охиридаги ҳолатга доир бухгалтерия баланси, бу баланс ҳам аудиторлик текшириши ва хуносаси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Акциондорлик жамиятларининг аудиторлик ташкилотлари (аудиторлар) билан ҳамкорликнинг учинчи йўналиши иккинчисидан мантиқан келиб чиқади. Агар акциондорлик жамияти кимматли қоғозни чиқарған бўлса, у кимматли қоғозлар бўйича ҳисобот тузиши лозим.

Кимматли қоғозларнинг эмитентлари томонидан кимматли қоғозлар чиқариш якунлари тўғрисидаги ҳисоботларни ва кимматли қоғозлар бўйича йиллик ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Кимматли қоғозларнинг эмитентлари томонидан кимматли қоғозлар чиқариш якунлари тўғрисида ҳисобот тузиш ва тақдим этиш тартиби ва акциондорлик жамиятлари нинг кимматли қоғозлар бўйича йиллик ҳисобот тузиш ва тақдим этиш тартиби тўғрисида»ги йўрикномасида белгиланган.

Кимматли қоғозлар чиқариш якунлари тўғрисидаги ҳисобот

ботлар кимматли қоғозларни чиқарған акциядорлик жамияті-эмитент томонидан тузилади ва кимматли қоғозлар эмиссияси проспектини рўйхатта олган органга тақдим этилади. Бу хисоботлар кимматли қоғозларни жойлаштириш муддати давомида ва уларни жойлаштириш тугагандан сўнг ёки ушбу чиқарилган кимматли қоғозларни жойлаштириш тугагандан сўнг тақдим этилади. Кимматли қоғозларни чиқариш якунлари тўғрисидаги хисоботларни тақдим этиш муддатлари ушбу чиқарилган кимматли қоғозларнинг умумий номинал кийматига боғлиқ.

Акциядорлик жамиятларининг акция чиқариш якунлари тўғрисидаги хисоботларни тақдим этишда уларнинг тузилиш усулига – акциядорлик жамияти оддий тартибда тузилганига ёки давлат корхоналарни хусусийлаштириш натижасида ташкил этилганига караб, маълум тафовут бор.

Акциядорлик жамиятини таъсис этиш чоғида чиқарилган акцияларни жойлаштириш пайтида кимматли қоғозларни чиқариш якунлари тўғрисида шу акцияларни жойлаштириш муддати давомида хисобот тақдим қилинмайди.

Таъсис этилган акциядорлик жамиятлари (давлат корхоналарини хусусийлаштириш натижасида ташкил этилган акциядорлик жамиятларидан ташқари) улар фаолиятининг дастлабки календарь йили тугагандан сўнг рўйхатта олувчи органларга навбатдаги чорак (йиллик) бухгалтерия хисоботини тақдим этиш учун белгиланган муддатда жамиятни таъсис этиш чоғида акция чиқариш якунлари тўғрисида хисобот тақдим этишга мажбурдир.

Давлат корхоналарини хусусийлаштириш натижасида ташкил этилган акциядорлик жамиятлари дастлабки Низом капиталини кўнайтириш (ўзгартириш) тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолдагина рўйхатта олувчи органларга акциядорлик жамияти тузилиши чоғида чиқарилган акциялар якунлари тўғрисида хисобот тақдим этади. Бу хисобот навбатдаги чорак (йиллик) бухгалтерия хисоботини тақдим этиш учун белгиланган муддатда тақдим этилади. Кимматли қоғозларни чиқариш якунлари тўғрисидаги хисобот аудиторлик ташкилоти (аудитор) томонидан тасдиқланмайди.

Акциядорлик жамияти ҳар йили тайёрлаши лозим бўлган бошқа ҳужжат – қимматли қоғозлар бўйича йиллик ҳисобот аудиторлик ташкилоти хulosаси билан тасдиқланиши лозим. Унда қуидаги жумла бўлиши лозим: «Қимматли қоғозлар бўйича йиллик ҳисоботдаги молиявий ахборот бухгалтерия ҳисоби маълумотларига тўғри келади. Бухгалтерия ҳисоби амалдаги қоидаларга мувофиқ юритилмоқда».

Акциядорларнинг йиллик йигилиши ўтказилгандан сўнг бир ой давомида эмитент йиллик ҳисоботни матбаа нашрида эълон қилишга мажбур, ҳисоботда эмитент жамоатчилик эътиборига етказишни лозим топган маълумотлар, шунингдек, хоҳлаган одамлар қимматли қоғозлар бўйича йиллик ҳисоботнинг тўла матни билан танишиш усуслари ва жойи кўрсатилиши лозим.

Бундан ташқари, корхона раҳбариятининг бирор ташкилий қарори бухгалтерия (молия) ҳисоботига аудиторлик хulosasisiz амалга оширилмайдиган бўлса, бундай ҳолларда ўтказиладиган аудиторлик текширишини мажбурий деб ҳисоблаш мумкин.

Бундай текширишлар икки ҳолатда ўтказилади:

- иқтисодий субъект янги ташкил этилаётган тижорот банкининг акциядори (пайчиси) бўлишга ҳаракат қилганда шу иқтисодий обьект фаолияти йиллик ҳисоботига аудиторлик хulosasining зурурлиги банкининг Низом фондига қўшиладиган улушни тўлаш фоизига, шунингдек, сўнгти икки йил ичida юридик шахс қайта тузилганига (акциялаштирилганига, хусусийлаштирилганига ва бошқаларга) боғлиқ эмас;

- хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ўзининг асосий ва айланма фондларини ҳақиқатдан ҳам ишлаб чиқариш учун сарфлаганини аудиторлик текшириши билан тасдиқлаш зарур бўлганда.

Давлат органларининг топшириғи бўйича мажбурий аудит

Дастлабки тергов органлари, терговчи, прокурорнинг рух-

сати билан, прокурор, суд ва арбитраж суди Ўзбекистон Республикасининг процессуал қонунларига мувофиқ аудиторга ёки аудиторлик ташкилотига қўйидаги ҳолларда хўжалик юритувчи субъектда аудиторлик текшириши ўтказишни топшириши мумкин:

- жиноий иш қўзғатилган (олдин қўзғатилган жиноий иш қайтадан бошланган) бўлса;
- фуқаролик ишини текшириш учун қабул қилинган (қайтадан бошланган) бўлса;
- арбитраж суди ваколатига доир иш бўлса.

Бундай топшириқнинг мазмуни жиноий иш қўзғатиш (қайтадан бошлаш, фуқаролик ишини ёки арбитраж суди ваколатига кирадиган ишни қабул қилиш (қайтадан бошлаш) учун асос бўлиб хизмат қилган вазиятта мос бўлиши керак. Бундай топшириқ бўйича аудиторлик текширишини ўтказиш муддати аудитор (аудиторлик ташкилоти) билан тузилган шартномада белгиланади ва бу муддат одатда икки ойдан ошмаслиги керак.

Аудиторлик текшириши ўтказишга топширик берган давлат органлари уни ўтказиш учун тегишли шароит яратиши, шунингдек, зарур бўлган пайтда аудиторлар ва уларнинг оила аъзоларининг шахсий хавфсизлигини таъминлашлари лозим.

“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунда аудиторга қўйидаги ҳолларда аудиторлик текшириши ўтказиш тўғрисидаги топширикни рад этиш хукуки берилган:

- текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларга зарур хужжатлар тақдим этилмаганда;
- текшириш ўтказишни топширган давлат органлари аудитор ва унинг оила аъзоларига нисбатан хавф мавжуд бўлганда уларнинг хавфсизлигини таъминламаганда.

Аудиторнинг розилиги билан текшириш дастлабки тергов органи; прокурор, терговчи, суд ва арбитраж суди томонидан белгиланган тартибга мувофиқ олиб қўйилган (талаб килиб олинган) молиявий ҳисобот хужжатлари бўйича ўтказилиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъект аудиторлик ташкилоти иши учун текшириш буюртма қилувчи орган ҳисобидан ўтказилади.

Дастлабки тергов органи, прокурор, терговчи, суд ва арбитраж судининг топшириғи билан ўтказиладиган аудиторлик текшириши давомида олинган маълумотлар мазкур органларга тақдим этилади.

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви хўжалик юритувчи субъектнинг ёки бошқа аудиторлик текшируви буюртмачиларининг қарорига биноан, конун хужжатларида назарда тутилган тартибда ўтказилиши мумкин.

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувининг предмети, муддатлари ва бошқа шартлари аудиторлик текширувининг буюртмачиси билан аудиторлик ташкилоти ўртасида тузиладиган аудиторлик текширувни ўтказиш түғрисидаги шартномада белгилаб қўйилади.

Мавзунинг таянч иборалари:

Аудит, аудитор, назорат тизими, молиявий назорат, тафтиш, аудиторлик фаолият, аудиторлик ташкилоти, «катта тўртлик» аудиторлик компанияси, аудитнинг тадбиркорлик фаолияти, аудитда маҳфийлик, ташқи аудит, ички аудит, умумий аудит, банк аудити, аудиторлик фаолиятини лицензиялаш, аудиторнинг малака сертификати, аудиторлик стандартлари, мажбурий аудит, ташаббус тарзидаги аудит.

Савол ва топшириқлар:

1. «Аудит» тушунчасига таъриф беринг.
2. «Аудиторлик ташкилоти» тушунчасига таъриф беринг.
3. «Катта тўртлик» аудиторлик компанияларининг номларини келтиринг.
4. Аудиторлик фаолиятининг мақсади ва вазифалари нимадан иборат.
5. Аудитор ва аудиторлик ташкилотининг мустақиллигини тушунтириб беринг.
6. Аудитнинг тамойиллари нимадан иборат?

7. Ташқи ва ички аудитнинг фарқларини изоҳлаб беринг.
8. Аудитни вужудга келиши тарихи тўгрисида тушунча беринг.
9. Назорат тизимида аудиторлик фаолиятининг зарурлиги нимадан иборат?
10. Молиявий назоратнинг функциялариға нималар киради?
11. Аудит ва тафтиш ўртасидаги фарқни таснифлаб беринг.
12. Аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?
13. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини лицензиялаш тартиби қандай амалга оширилади? Малака сертификатига қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
14. Ўзбекистонда аудиторлик ташкилотларини ташкил этиши хусусиятлари, уларнинг тоифалари қандай?
15. Аудиторлик ташкилотлари раҳбарларини аттестациядан ўtkазishi тартиби қандай тартибда амалга оширилади?
16. Аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниqlаш тартиби тўгрисида тушунча беринг..
17. Устав капиталида давлат улуши 50% дан ортиқ бўлган ташкилотларда аудит ўтказишга қўйиладиган талаблар қандай амалга оширилади? Тақдим этиладиган ҳужжатларнинг рўйхатини айтинг.
18. Ўзбекистон Республикасида ички аудитни ташкил қилиш хусусиятлари нимадан иборат?
19. Мажбурий ва ташаббусли аудит ва улар ўртасидаги фарқларини таърифлаб беринг.
20. Давлат органларининг топшириқлари бўйича мажбурий аудит қандай амалга оширилади?

П БОБ. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ ВА АУДИТОРЛАРИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, ЖАВОБГАРЛИГИ, АУДИТОРЛИК СТАНДАРТЛАРИ, АУДИТИНГ АХЛОҚИЙ МЕЪЁРЛАРИ

2.1. Аудит ўтказишда томонлар ўртасида вужудга кела-

диган ҳуқукий муносабатлар

Аудит молиявий назоратнинг бир кисми ҳисобланади. Лекин молиявий назорат фақат унинг вазифаси ҳисобланмайди. Молиявий назорат вазифаларини давлат хизматининг бошқа органлари ҳам бажаради. Масалан, бюджеттга пул тушумини назорат килиш Давлат Солик қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳузуридан соликка оид жиноятчиликка қарши кураш департаментининг вазифасидир. Бюджет маблағларининг сарфланишини назорат қилиш Молия вазирлигининг назорат ва тафтиш бошқармасига топширилган, шунингдек, бюджетдан ташқари фондларнинг кенг тармок тизимига тегишли ҳўжалик тўловлари бўйича молиявий назорат шу бошқарма зиммасига юклатилган.

Давлат органлари ўз ваколатлари доирасида ҳаракат қилиши лозимлигини молиявий назорат мисолида кўриш мумкин. Юқорида санаб ўтилган хизматларнинг ҳар бири ҳар қандай ҳўжалик тизими молиявий фаолиятининг фақат ўзига тегишли соҳасини назорат қиласди. Аудиторлар бу хизматларнинг ўрнини боса олмайди, аудиторларнинг ўз вазифаси бўлиб, бу далолат беришдан иборат .

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунда аудитнинг иқтисодий-хуқукий асосларини, жумладан, текшириш чоғида томонларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари, уларнинг ўзаро жавобгарлиги масалаларини, шунингдек, аудит сифатини яхшилаш масалаларини такомиллаштиришини долзарб вазифага айлантириди. Аудит ўтказишда томонлар ўргасида вужудга келадиган ҳуқуклар ва бурчлар ўзига хос бўлиб улар долзарб масалалардир. Ҳақиқатан аудитни ўтказишда аудиторлар ва уларнинг мижозларининг ҳуқуқлари ва бурчларини амалга ошириш механизми амалда синаб кўрилиши, умуман ҳуқукий иқтисодиётни барпо этиш доирасида пухталаштирилиши зарур. Гап шундаки, аудиторлик хизмати кўрсатиш чоғида томонлар ўргасида вужудга келадиган ҳуқукий муносабатлар ҳўжалик юритувчи субъектларнинг қўпчилиги учун мураккабдир. Бу соҳада мамлакатимизда тажриба камлиги сабабли кўплаб муаммолар туғдириши табиийдир.

Аудиторлар кўп ҳолларда бу ҳуқукий муносабатларни пудрат шартномаси шартларидан иборат деб ҳисоблайдилар.

Ушбу хизматларга буюртмачи-хўжалик юритувчи субъект маъмурияти, акциядорлар ёки иштирокчилар (камдан-кам ҳолларда учинчى шахслар: банклар, хукукни муҳофаза ки-лиш органлари), шунингдек, бу хизматнинг ижрочиси – мустакил аудиторлик ташкилоти мавжуд: ижрочи маълум ҳақ эвазига буюртмачига хизмат кўрсатади, демак улар пудрат шартномасига хос барча ўзаро муносабатлар бор, деб хисоб-лайдилар, чунки аудитни амалга ошириш чогида мижоз билан аудиторлик ташкилотлари ўргасида вужудга келадиган муносабатлар пудрат шартномаси схемаси бўйича вужудга келадиган ҳукукий муносабатлардан тубдан фарқ қиласди. Бу кўшимча хизматлар (бизнес режалари тузиш, хисобни қайта тиклаш, тартибга солиш ва бошқалар)дир.

Аудитор (ижрочи) ўз мақомига кўра мижозини, яъни текширилаётган хўжалик юритувчи субъектни (буюртмачини) назорат қилиши лозим. Бу уларнинг ўзаро муносабатидаги энг муҳим жиҳатдир. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектга ўтказилган текшириш сифатини баҳолаш ҳукуки берилмаган (берилиши мумкин эмас). Шунинг ўзи аудиторлик хизмати кўрсатиш шартномасининг пудрат шартномасидан асосий фарқидир. Ўз-ўзидан равшанки, аудит ўтказишга шартнома билан пудрат (хизмат) шартномаси ўргасида фуқаролик ҳукукий кўринишидаги барча шартномалар каби ўхшашликлар бор. Лекин жиддий тафовутлар ҳам мавжуд. Шулардан бири ўтказилган текшириш сифатини баҳолаш ҳукукидир. Конунга мувофиқ бу ҳукук факат лицензиялайдиган органга, шунингдек, судга, арбитраж судига ва холис судгагина берилган. Бундай имконият аудит бўйича бажарилган ишларни қайта текширишни маҳсус ташкил этиш натижаларига кўра пайдо бўлади. Бу эса мустакил аудитнинг асосий шартларидан биридир.

Шу шарт туфайли аудиторлик хизмати кўрсатиш тўғрисидаги шартномага аудитор хулосасидаги фикрлардан қатъий назар мижоз ҳақ тўлапши шартлиги киритилади. Назорат ишлари бажарилгани ҳақидаги маълумот эса аудиторлик хулосасини мижозга топшириш билан тасдиқланади.

Аудиторлар (аудиторлик ташкилотлари)нинг хукуқ ва бурчлари масалаларида бир неча хукукий тамойилларга асосланиш лозим, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунда ана шу жихатлари белгилаб кўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 14.02.2001 йил 19-сон буйруғи билан тасдиқланган «Аудиторлик ташкилотининг қасбиға доир хизматлари» (90-сон) АФМСга аудиторлик хизматининг тамойиллари кўрсатилиган бўлиб, бу тамойиллар томонлар ўргасидаги хукукий муносабатлар билан боғлиқдир.

Эҳтиёткорлик тамойили. 90-сон АФМСнинг 6-бандида «Хўжалик юритувчи субъект (буюртмачи) кўрсатилиган қасбиға доир хизматлар нажижалари тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари бўйича ўз хulosаларини чиқаришта ҳақлидир» – деб белгилаб кўйилган.

Халқаро тажрибада аудитга ахборот рискини камайтириш жараёни деб қаралади. Улар аудитор молиявий ҳисоботнинг муглақ тўғрилигига кафолат бўла олмайди, деб ҳисоблайдилар. Аудитор ўз фаолияти жараёнида хўжалик юритувчи субъект маъмуриятига бу ҳисоботта муйян ўзгаргиришлар киритишни тавсия қилиб, ахборот риски даражасини имкони борича камайтиради, сўнгра вужудга келган вазиятга қараб аудиторлик хulosаси учун мос келадиган баёнини танлайди. Аудитор, мижоз ҳам, учинчи шахслар куттанидек, аудитни старлича пухта ўтказишга мажбур. Лекин бунда эҳтиёткорлик тамойилига таяниш лозим, яъни аудиторнинг ҳамма харакатларини мукаммаллик намунаси, деб бўлмайди. Текшириш шакли ва усули ёса энг аввало, аудиторнинг тажриба на малакасига, профессионал мулоҳаза юритиш қобилиятига боғлиқдир.

Бошқаларнинг хатти-харакатлари учун масъулият тамойили. Аудитор фаолиятининг миллий стандартида кўрсатилиган шахсий ва моддий мустақиллик тамойилларига риоя қилганда, текширувчига аудиторлик текширишида иштирок этишга мустақил ёки бошқа аудиторлик ташкилотларида ишлаётган аудиторларни, эксперталарни ва бошқа мута-

хассисларни шартнома асосида жалб этиш ҳуқуқи берилган. Бошқа ҳаракати учун масъулият тамойили шундан иборатки, бош аудитор аудит ишларининг бир қисми бажарилаётган хизматчининг ёки бошқа аудиторлик ташкилоти хизматчисининг нотўғри ҳаракатлари учун жавоб бериши мумкин.

Имтиёзли ахборот йўқлиги тамойили. Аудиторлар фаолиятининг асосий тамойилларидан бири текшириш чоғида олинган ахборотнинг маҳфийлигидир. Жаҳон тажрибасида аудиторлар ва уларнинг мижозлари ўртасида яширин мулоқот бўлишига баъзан рухсат этилади; лекин бундай ҳолларда ҳам ана шундай мулоқот пайтида уларга худди маҳфий сифатида қараш керак. Аммо, бу хусусда «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунда ва аудиторлик фаолиятининг ҳалқаро ва миллий стандартларида муҳим изоҳ берилган: аудиторлар амалдаги қонунларда кўзда тутилмаган бошқа ҳоллардагина шундай ҳуқуққа эгадирлар. Баъзи мамлакатларнинг қонунларida имтиёзли ахборот тамойилига асосланган қоидалар мавжуд. Масалан, АҚШда аудит ёпиқ ахборот бўлиши меъёри кўзда тутилган штатларда судда гувоҳ сифатида қатнашиши мумкин. Бироқ имтиёзли ахборот тамойили судларга нисбатан амал қилмайди. Ўзбекистонда имтиёзли ахборот тамойилининг йўқлигини “Аудиторлик фаолиятининг стандартлари”да алоҳида қайд қилиб қўйилса, айни муддао бўларди. Аммо, мазкур масалани Республикализм учун яна бир жиҳати бор: ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг топшириги билан ўтказиладиган аудиторлик текширишларида бу тамойил қандай тушунилади? Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг топширигига биноан аудиторлик текшириши чоғида олинган ҳар қандай ахборот ёпиқ бўлиши керак. Суд (арбитраж суди) ҳукм (ажрим) кучга киргунга қадар бундай ахборот фақат шу органларнинг рухсати билан улар лозим топган ҳажмда ошкор қилиниши мумкин.

Аудитни амалга оширишга шартнома томонларининг мақоми бир хил эмаслиги аввал бошданоқ текшириладиган хўжалик юритувчи субъектларнинг текширувчилар, яъни аудиторларнинг ҳуқуқларидан фарқ қиласиган ҳуқуқ ва бурчла-

рини күзда тутади. Бу текшириләтгән субъект раҳбарлар ва бошқа мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчларидир (2.1-жадвал).

Бу хусусда стандартларда аниқ ва батафсил ёзилган. Масалан, унда мижоз аудиторлик текширишини тұла ва ўз вактида үтказишга шароит яратып беріш бурчи аниқ таърифланмаган, шу сабабли уни турлича талқин қилиш мүмкін. Шу боис, аудиторлик хизмати учун тузиладиган шартномада бу коңда аниқ күрсатылса, мақсадға мувофиқ бўлади деб уйлаймиз.

2.1-жадвал

Текшириш чөғида аудиторлар (аудиторлик ташкилотлари)нинг ҳуқуқ ва бурчлари

Аудиторлик ташкилотлари

Хуқуклари

Бурчлари


<p>Аудиторлик текшириши шакли ва усулларини қуйидагилардан келиб чиқып мустакил белгилайди:</p> <ul style="list-style-type: none">- меъерий хужжатлар таркиби;- шартноманинг аниқ шартлари;- тергов органлари прокурор, терговчи, суд ва арбитраж суди топшириклари мазмуни;Хўжалик юритувчи субъектларда:- молия-хўжалик фаолият тўрисидаги хужжатларни;- тул маблаглари, кимматли қоғозлар, моддий бойликларни тұла ҳажмда текшириш. Пайдо бўлган саволлар юзасидан тушунтириш ва аудиторлик текшириши учун зарур кўшимча маълумот олиш;- ёзма мурожаат бўйича учинчи шахслардан аудиторлик текшириши учун зарур ахборотни, жумладан текшириши давлат органдарни ёрдамида олиш;- аудиторлик текширишга шартнома асосида мустакил аудиторлик ташкилотлари ишләтгандан аудиторларни, шунингдек, мутахассисларни (аудиторлик	<p>Конун талабларига оғишмай риоя килиш</p> <p>Куйидагиларни аудиторлик текшириши үтказишни топширган буюргачига ва давлат органдига дардhol хабар килиш:</p> <ul style="list-style-type: none">- Конундаги чеклаш сабабли, жумладан шу хўжалик юритувчи субъектда текшириш үтказишга имкон берадиган лицензия йўклиги сабабли шу хўжалик юритувчи субъектда аудиторлик текшириш үтказишида иштирок эта олмаслиги ҳақида;- иш ҳажми кўплитги ёки шартнома тузилгандан ёхуд топширик олингандан сўнг пайдо бўлган бошқа вазият туфайли текширища иштирок этишига кўшимча аудиторларни (мутахассисларни) жалб этиш зарурлиги тўғрисида;Аудиторлик текширишини сифатли үтказиш ва бошқа профессионал хизматлар кўрсатишАудиторлик текшириши чөғида олинган ва тузилган хужжатларнинг сакланнишини таъминлаш, уларнинг мазмуни
--	---

<p>Фаолияти профессионал кодексдаги қоидаларда күрсөтілген шахсий ва мөддий мустакиппелік қоидаларига амал жасып) жаңб этиш.</p> <p>Күйидеги ҳолларда аудиторлық текшириши үтказылған бол тортыш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - текширилаёттан хұжалик юритувчи субъект зарур ҳамсиятларни тәздим этмағанда - текшириши үтказишни топширган давлат органдары зарурат бүлгандан аудитор да уннан оиласи хавфсизлігін тағиминаламағанда 	<p>хұжалик юритувчи субъект зертаси (рахбары) розилигисиз оншор қылмаслық (конунда күзде тутилған ҳоллар бундан мустасно)</p>
	<p>Дастилабки тергов органдары, прокурор, терговчы, суд, арбитраж суди тошириги бүйінчә аудиторлық текширишиша олинған маълумотлар фактада шу органдардың рухсати билан да үлар мумкуннан деб қысметтегі қароры (арбитраж суди) құқым (қароры) күнчеге кирмесдан олдин зылон қылманиши мумкун.</p>

Лекин, хұжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишида ва молиявий ҳисоботини тузиш тартибини текшириш чөғида аникланған бузилишларни тезда бартараф килиш бурчи бошқача бўлиши мумкин. Гап шундаки, ҳозирги шароитда бухгалтерия ҳисоби аудиторлық текширишларининг кўп қисми ҳисбот солиқ инспекциясига топширилгандан кейин (масалан, бундай хизматларга ҳақ тўлаш учун эркин айланма маблағ бўлмаганлиги сабабли) амалга оширилади. Бундай ҳолларда аудитор аниклаган ноаниқлик ва хатоларни тезда бартараф этиш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Мамурият текшириш үтказилаёттан жорий йилнинг ҳисоб маълумотларигагина тузатиш киритиши мумкин.

2.2-жадвал

Текширилаёттан хұжалик юритувчи субъектларнинг хукуқ ва бурчлари



Аудиторлик ташкилотидан тўла ахборот олиш:

- аудиторлик текширувани ўтказиша доир конун талаблари тўғрисида томонларнинг хукук ва бурчлари тўғрисида

Аудитор хуносави мазмуни билан танишгандан сўнг аудиторлик ташкилотидан аудиторлик ташкилотининг эътирозлари ва хуносаларига ясос бўлиб хизмат киладиган меъёрий хужжатлар тўғрисидаги маълумотларни олиш

Аудиторлик текшириши ўз вақтида ва тўла ўтказилиши учун шаронит яратиш

Аудиторлик текширувани ўтказиш учун зарур бўлган барча хужжатларни таждим этиш

Аудиторнинг сўрови бўйича оғзаки ва ёзма шаклда тушунтириши ва изоҳлар бериш

Бухгалтерия хисобини юритиши низомига мувофиқ бухгалтерия молиявий хисботида текшириш чоғида аниқланган нуксонларни тезкорлик билан тутгатиш.

Аудиторлик текширишини ўтказиш чоғида аниқлаш лозим бўлган масалалар доирасини чеклаш максадида хар кандай ҳаракат қилиш тақиқланади

Амалиётда аудиторлик ташкилоти билан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида аудиторлик хизмати учун тузилган шартномаларда томонларнинг (аудиторлик ташкилотининг) жавобгарлик масалаларида муаммоларга дуч келинади. Бундай ҳолатларнинг вужудга келишининг энг асосий сабабларидан бири, шартнома тузишнинг хуқукий-меъёрий хужжатларда назарда тутилмаганлигиdir. Шунинг учун ҳам бу икки томон ўртасида ёки назорат органлари ўртасида баҳс-мунозараларга, айrim ҳолларда аудиторлик ташкилотлари томонидан жарима тўлаш ҳолатларига ҳам олиб келиши мумкин. Бундай вазият: биринчидан, шартноманинг жавобгарлиги кисмида соликлар ва бюджетга, бошқа мажбурий тўловлар бўйича хисоб-китобларга аудиторлик ташкилотининг тўлиқ жавобгарлигига юклатилиши кўрсатилиши мумкин. Аммо, конунчиликка мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий хисботнинг тайёрланиши ва ҳакқо-

нийлиги учун хұжалик юритуучи субъекттінгі раҳбарияти жағобғар ҳисобланади.

2.2. Аудит үтказылда аудиторлық ташқилоти ва хұжалик юритуучи субъекттар масъулияты

Хар қандай профессионал мутахассис каби аудитор әдам үз фволияттінгі ҳамма жиһатлары учун жағобғар бўлиши лозим. Масалан, аудиторлық ташқилоти молиявий ҳисоботни текшириш натижаси юзасидан ижобий ҳулоса бериб, үз мижози – хұжалик юритуучи субъекттінгі яқин ойларда бандрот бўлишини олдиндан кўра олмади. Ёки бошқа бир мисол, аудиторлық ташқилоти мижоз билан келишилган маълум муддатда йилнинг якуни бўйича ҳисобот тайёрлаш ва бу солиқлар ҳисоб-китоб бўйича мижозига ёрдам беришга киришиди, лекин бенарвонлиги туфайли келишилган муддатда мижозига бундай хизмат кўрсата олмади. Иккяла ҳам аудиторлық хизмати кўрсатувчи ташқилот йўл кўйган бенарвонлиги учун жағобғар бўлиши мумкин.

Ривожланган мамлакатларда аудиторлар мижошлар олдиғаи үз бурчларини тегишлича пухта бажармагани учун төттез жағобғарликка тортиладилар. Ўқорида келтирилган давлатларга мувофиқ солиқлар на бюджетдан ташқари фонdlарга тўловлар бўйича үз вактида на тўғри ҳисоб-китоб қилинганини тасдиқлашни аудитор ҳулосасининг якунлончи қисмига киритиш тўғрисидаги мижошлар илгимоси ҳамиша ҳам исосли эмас; бундай тасдиқлари солик хизмати учун ҳам, бошқа национар органлари учун ҳам ҳеч қандай юридик кучга таъ бўлмайди. Аммо, бюджет ва бюджетдан ташқари фонdlарга тўловларнинг үз вактида тўғри үтказилганини текшириш учун аудитор билан мижоз ўргасида янги шартнома тувилиши мумкин. Масалан, солик конунчилигига мувофиқлик бўйича аудитта ёки маслаҳат билан хизмат кўрсатишга шартнома бўлиши мумкин. Умуман вайтиш мумкинки, ҳозирги вактда аудитор (аудиторлық ташқилоти)нинг масъулияти куйидагича бўлиши мумкин:

- интижомий масъулият;

- мижозлар олдидаги тадбиркорлик масъулияти;
- учинчи шахслар олдидаги фүқаролик масъулияти;
- жиноий жавобгарлик.

Бу халқаро тажрибага тұла мос келишини таъкидлаш керак. Маълумки, мамлакатимизда бир неча назорат органлари мавжуд. Фақат, уларнинг шу йўналишда самаралироқ ишлashinga эришиш керак. Чунончи, ҳозирги аудиторлик хизматлари бозорида ахлоқ кодекси талабларини бузиш вазиятлари тез-тез содир бўлмоқда.

Аудитор ва унинг мижози иш юзасидан ҳамкорлик қилиб, тадбиркор сифатида ҳаракат қиласидар. Шу маънода уларнинг иқтисодий-хуқуқий майдони битта, иккаласи учун ҳам умумийдир, шу сабабли томонлардан бири ўз бурчини баражаса, иккала томон жавоб бериси керак.

Аудиторнинг мижоз олдидаги масъулияти (жавобгарлиги), бизнингча, қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- текширишни малакасиз ўтказгани учун жавобгарлик, текшириш ўтказишга кеттган харажатларни тұлаш билан ифодаланади. Бироқ текшириш ва қайта текширишнинг асосий хулосалари ўхшаса, мижоз томонидан асоссиз ҳаракатларга йўл қўймаслик учун қайта текшириш харажатлари мижоз зиммасига юкланди;
- аудитор томонидан берилган қонунга зид тавсияларнинг мижозга келтирган нохуш оқибатлари учун жавобгарлик;
- шартномада текширишнинг аниқ муддати кўрсатилган бўлса, текшириш ўз вақтида ўтказилмагани ва бу бузилиш ҳисобот топшириш муддати ўтиб кетишига ҳамда солиқ органлари томонидан тегишли жазо чораси қўлланганлиги учун жавобгарлик;
- agar аудитор тегишли шартнома асосида мижоз бухгалтерия ҳисобини ўзи юритаётган бўлса, мижоз маъмурияти томонидан орқага қайтиб даъво қилинган тақдирда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг ҳолати учун жавобгарлик;
- текшириш ўтказиш ёки маслаҳат бериси чоғида аудиторга маълум бўлган махфий ахборотни рухсатсиз ошкора

қилиш оқибатида мижозга етказилган зарар учун жавобгарлик.

Танлаб текшириш ўтказиш ёки қиска мұддатда маслаҳат бериш чөгіда аудитор ҳисоб өсөн көзінде көрініс берілгенде бирор хатога йўл қўйиши мумкин. Шунингдек, аудитор белгиламаслиги мумкин. Тажрибадан маълумки, аудиторнинг белпарвониқ қилгани ёки ғаразли мақсадда қилганини аниклаш қийин. Бу ҳолат факат ҳолис мутахассислар бажарган тақрорий текшириш билан аникланиши ва судда кўриб чиқиши натижасида исботланиши мумкин.

Бундай сабаблардан бальзиларини санаб ўтамиз ва таснифлаймиз:

1. Аудиторнинг эҳтиётсизлиги, белпарвониқи, совукқонлигиги:

а) текширувчилар малакаси етарли даражада эмаслиги туфайли жиддий хатолар ёки бузилишларни кўрмай ўтказиб юбориши;

б) текшириш учун танланган иш ҳажмининг камлиги, текширишни ташкил этиш усууларидағи хатолар, натижаларнинг фаолият мажмугига мос эмаслиги - норепрезантлилiği сабабли нотўғри холоса чиқариш.

2. Аудиторларнинг сүистеммоли, атайлаб қилган айби (масалан, текшириш натижаларини атайлаб бузиб кўрсатиш, атайлаб нотўғри аудиторлик холосаси бериш).

3. Мижознинг нотўғри ҳаракатлари. Масалан, мижоз тағонидан аудитор текшириши учун нотўғри, бузиб кўрсатилган ахборотнинг берилиши ёки тушумнинг, молиявий натижаларнинг ва бошқа ахборотларнинг яширилиши.

4. Мижознинг эҳтиётсизлиги, белпарвониқи, совукқонлиги, натижасида йўл қўйган хатоси масалан, аудиторнинг тавсиялари тўла ҳисобга олинмагани ва бу катта зарар келтиргани. Мижоз ва аудиторнинг атайлаб қилган ўзаро белпарвониқи (масалан, ички назоратнинг бўшлиги ҳақида аудитор томонидан огоҳлантирилган, лекин уни мустаҳкамлаш учун те-

гишли чора кўрилмаган, натижада катта зарар кўрилган).

5. Мижознинг ва аудиторнинг айбини аниқлаб бўлмаслиги (жумладан, текшириш шаклларига, усулларрига кўйиладиган бошқа талабларга амал қилган, стандартларга риоя қилган ҳолда текширишнинг танлаб ўтказилиши оқибатида хатоларнинг аниқланмай қолиши).

- Аудиторнинг ҳаракати натижасида зарар кўрган томонлар унга мулкий даъво қилишга ҳақлидир. Яна бир савол туғилади: агар аудитор ўз бурчини ҳалол бажарса, стандартларга тўла риоя қилса, текширишни сифатсиз ўтказилган деб ҳисоблаш мумкинми? Тажрибанинг кўрсатишича, жуда йирик, нуфузли ташкилотлар ҳам стандартларга тўла амал қилмаслиги мумкин.

- Аудитор ва у текшираётган мижоз-хўжалик юритувчи субъектнинг ўзаро тадбиркорлик масъулияти муаммосини тадқиқ этиш шундай хulosага олиб келадики, шундай рисклар мавжудки, улар нокулай вазиятда салбий натижага ва noctor аҳволга тушишига олиб келади.

- Мижозларнинг иқтисодий қурби йўқлиги аудитнинг ишончсизлиги билан боғланиши мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган вазиятларга батафсил тўхталайлик. Агар бундай қўшилиш (мослик) ҳеч қандай шубҳа уйғотмаса, бунда мижознинг ҳам, аудиторнинг ҳам айби бор. Мижознинг тадбиркорлик қурби йўқ бўлса, (масалан, аудитор навбатда текширган субъект банкрот бўлса, аммо аудитор хulosасида йил бошида унинг ҳисоботи ишончлилиги тўғрисида сўзсиз ижобий фикр билдирилган бўлса) янада мураккаб вазият вужудга келади. Бундай хulosса ишларнинг ҳақиқий аҳволига ва аудит натижаларига мос бўлиши ҳам мумкин, лекин вазиятнинг ўзгариши, маъмурият ва ундан ходимларнинг баланс топширилган пайтдан кейинги камчиликлари хўжалик юритувчи субъектни банкротликка олиб келиши мумкин.

- Умуман мижознинг аудитор билан ўзаро муносабатлали масъулияти қуидагилардан иборат:

- мажбурий аудиторлик текширишдан бўйин товлаш учун жавобгарлик – бу қонун бўйича хўжалик юритувчи субъект-

нинг раҳбарига нисбатан ҳам, субъектнинг ўзига нисбатан ҳам амал қиладиган ва қўлланиладиган жавобгарликнинг бир жиҳатидир;

– акциядорлик жамияти маъмуриятининг акциядорлар умумий йиғилишининг текшириш учун аниқ бир аудиторлик ташкилотини тасдиқлаган карорини бажармаганлиги учун жавобгарлиги;

– текшириш ўтказишда учун зарур шарт-шароит яратиб бериш учун жавобгарлик (хужжатларни, ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш, ходимлардан тушунтириш олишга имкон бериш ва бошқалар);

– текшириш учун тақдим этилган ахборотнинг (шу жумладан, реализация қилинган махсулот, олинган даромад ҳажмига доир ахборотнинг) тўлалиги ва ишончлилиги учун жавобгарлик;

– солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни яширгани, камайтиргани, ўз вақтида ҳисобламагани ва ўтказмагани учун жавобгарлик;

– текшириладиган ташкилот раҳбарининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботнинг ҳолати учун жавобгарлиги ва бошқалар.

Аудиторларнинг учинчи шахслар олдидаги масъулияти масалалари. Баъзан факат мижозлар эмас, учинчи шахслар хulosада акс эттирилган корхона молиявий ҳолати хусусидаги адашишлар натижасида ўзларига ўтказилган заарни қоплаш тўғрисидаги талаб билан аудиторлик ташкилотига мулкий даъво килиши мумкин.

2.3. Аудиторлик фаолиятининг ҳалқаро ва миллий стандартлари

Аудитнинг ҳалқаро стандартлари Бухгалтерлар ҳалқаро Федерацияси (IFAC) томонидан 2009 йилда янги таҳрирда 36 стандарт ишлаб чиқилди ва 2009 йил 15 декабрдан кучга кирди. (2.3.-жадвал) Бухгалтерларнинг ҳалқаро Федерацияси (БХФ)га 1977 йилда асос солинган. Ташкилотнинг асосий мақсади жамоат манфаатлари йўлида хизмат қилиш, ҳалқаро масштабдаги стандартларни ишлаб чиқиб, бутун жаҳон иқтисодиёти ривожланишига ўз ҳиссасини кўшишдан иборат.

Бухгалтерларнинг халқаро Федерациясига 123 мамлакатлардан 158 миллий бухгалтерлик жамоат ташкилотлари аъзо бўлиб, 2,5 млндан ортиқ бухгалтерларни бирлаштиради. БХФ (IFAC)нинг Бош офиси АҚШнинг Нью Йорк шаҳрида жойлашган бўлиб, Канаданинг Торонто, Австралиянинг Мельбурн шаҳарларида бўлимлари фаолият кўрсатади.

Янгиланган ва қайта ишланган халқаро аудиторлик стандартларининг олдинги амал қилган аудитнинг халқаро стандартларидан фарқи шундаки, улар аудиторлик фаолиятида ишлатиладиган барча терминларнинг тавсифи билан ифода қилинган ҳамда аниқлик даражаси билан ажralиб туради. Аудитнинг халқаро стандартларидан фойдаланиш ҳар қайси давлатларда аудиторлик фаолиятининг ривожланишига ва унинг такомиллашувига ижобий тасирини кўрсатади. Турли мамлакатлар амалиётида халқаро аудиторлик стандартларидан фойдаланиш турличадир. Айрим мамлакатлар халқаро стандартларни ўз миллий стандартларини ишлаб чиқишида асос қилиб оладилар. Бундай мамлакатлар қаторига Австралия, Бразилия, Ҳиндистон, Нидерландия, Россия ва Ўзбекистон каби мамлакатлар киради. Бошқа мамлакатлар эса ўз миллий стандартларини ишлаб чиқмайдилар халқаро аудит стандартларига ўз миллий аудиторлик стандартлари сифатида амал қилинади. Бундай мамлакат қаторига Кипр, Малайзия, Нигерия, Фиджи, Шри-Ланка, Қозогистон каби мамлакатлар киради. Ўзларининг миллий стандартларига эга бўлган ривожланган мамлакатларда, чунончли, АҚШ, Канада, Буюк Британия, Ирландияда аудитнинг халқаро стандартлари уларнинг жамоат ташкилотлари томонидан маълумот учун қабул қилинади. Ҳар бир давлатда аудиторлик стандартларининг амал қилиши улар иқтисодиётининг ривожланишидаги аҳамияти ниҳоятда юқоридир. Стандарт талабларига амал қилиниши аудиторлик текширишларни юқори даражада сифатли амалга оширилишини, аудиторлик фаолияти амалиётига юқори янги илмий ютуқларнинг жорий қилиншини таминлайди: Аудиторлик стандартлари бу барча аудиторлар (аудиторлик ташкилотлари) ўз профессионал фаоли-

яти жараёнида амал қилиниши лозим бўлган ягона базавий қоидалардир.

Аудитнинг халқаро стандартлари

2.3- жадвал

т/р	АХС	Номлари
	200-299	Умумий тамойиллари ва жавобгарлик
1	200	Мустақил аудиторнинг ва аудит халқаро стандартларига асосан аудит ўтказишининг умумий мақсадлари
2	210	Аудит бўйича битим шартларига келишиш
3	220	Молиявий ҳисобот аудитининг сифат назорати
4	230	Аудитни хужжатлаштириш
5	240	Молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш чоғидаги фирибгарлик бўйича аудиторнинг жавобгарлиги
6	250	Молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш чотида конун ва мөърий-хукукий хужжатларни ҳисобга олиш
7	260	Бошқариш ваколати берилган шахслар билан ахборот алмашуви
8	265	Субъектнинг бошқариш ваколати берилган шахслари ва раҳбарларига ички назорат тизимидағи ҳато ва камчиликлар хакида ахборот берниш
	300-499	Рискларни баҳолаш ва баҳоланган рискларга нисбатан аудиторнинг ҳаракати
9	300	Молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш
10	315	Субъект ва унинг мухитини билиш асосида мухим хатодарнинг мавжудлиги рискини идентификация килиш ҳамда баҳолаш
11	320	Аудитни режалаштириш ва уни ўтказища мухимлилик
12	330	Баҳоланган рискларга нисбатан аудиторнинг ҳаракати
13	402	Хизмат кўрсатувчи ташқилотлар ҳизматидан фойдаланувчи субъектларда аудит ўтказиши жижатлари
14	450	Аудит ўтказиш чоғидаги аниқланган хатоларни баҳолаш
	500-599	Аудиторлик далиллар
15	500	Аудиторлик далиллар
16	501	Аудиторлик далиллар-муайян моддаларини мухокама килиш
17	505	Ташки тасдиқлаш
18	510	Аудит бўйича дастлабки келишув-бошлангич сальдо (қолдик)
19	520	Таҳлилий амаллар
20	530	Аудиторлик таълаш
21	540	Ҳаққоний кийматнинг ҳисоб баҳолари ва тегишли ёритишларни инобатта олган ҳолда ҳисоб баҳоларининг аудити
22	550	Ўзаро боғлиқ томонлар
23	560	Кейинги ҳодисалар
24	570	Фаолият узлуксизлиги тўгрисидаги тахминлар
25	580	Ёзма равиша тақдим этиш
	600-699	Бошқа шахсларнинг ишларидан фойдаланиш
26	600	Махсус масалалар гурӯхлар молиявий ҳисоботи аудити

		(алоҳида компонентлар аудиторларининг ишини инобатта олган ҳолда)
27	610	Ички аудитор ишларидан фойдаланиш
28	620	Аудиторларнинг жалб қилинган эксперт ишларидан фойдаланиши
	700-799	Аудиторлик ҳулоса ва ҳисоботлар
29	700	Молиявий ҳисобот бўйича фикр ифодаланини шакслантириши ва уни тақдим қилиш
30	705	Мустакил аудиторнинг ҳисоботи (хулоаси)даги фикрини модификацияси
31	706	Мустакил аудиторнинг ҳисоботи (хулоаси)да эътибор талаб қиласиган тушунтиришларга оид бўлиmlар (параграфлар) ва бошқа масалалар ҳақидаги бўлиmlар
32	710	Тақослама ахборот, маълумотлар ва тақослама молиявий ҳисобот
33	720	Аудит қилинган молиявий ҳисобот хужжатларидағи бошқа маълумотлар учун аудиторнинг жавобгарлиги
	800-899	Махсус мақсадларга мўлжалланган стандартлар
34	800	Махсус масалалар – махсус мақсадларга мўлжалланган масалалар бўйича тайёрланган молиявий ҳисобот аудити
35	805	Махсус масалалар – алоҳида олинган молиявий ҳисобот ва счёtlар ёки молиявий ҳисобот моддалари махсус элементларининг аудити
36	810	Умумлаштирилган молиявий ҳисоботга оид аудиторлик ҳисобот (хулоаси)ни тақдим этиш бўйича битим

Аудиторлик фаолияти стандартлар (коидалар) билан меърий жиҳатдан тартибга солинади. Стандартнинг асосий вазифаси аудитнинг молия – хўжалик фаолиятининг барча субъектлари ва аввало орбитраж (ҳакамлик) суди томонидан бир хил талкин қилинадиган меъёрини белгилашдир.

Аудит стандартлари тўрт турга бўлинали: умумий тизим стандартлари; ташкилий-технологик стандартлар, ҳисобот стандартлари; аудитнинг турлари (умумий аудит ва банк аудити) учун махсус стандартлар.

Стандартларни амалга ошириш учун зарур бўладиган хужжатларда стандартларнинг кўлланишига, стандартлар асосида аудиторлик фаолиятини ташкил этишга доир маълумотлар бўлиши лозим.

Бир томондан аудиторлик ташкилотлари, иккинчи томондан мижозлар (текширилаётган ташкилотлар) муносабатлари шартнома асосида, Ўзбекистон Республикаси қонуларига мувофиқ ташкил этилади.

Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида аудиторлик стандартларига риоя қилиш аудит сифатининг маълум даражасини ва унинг натижалари ишончли бўлишини кафолатлади.

Аудиторлик стандартлари аудиторлар тайёрлаш учун мўлжалланган барча дастурларнинг ва аудиторлик фаолияти билан шугулланиш ҳукуқи учун «Аудит» бўлими бўйича малака имтиҳонлари дастурларининг асосидир.

Шунингдек, аудиторлик дастурлари судда аудитни ўтказиш сифатини исботлаш учун асос ҳамдир ва аудитор стандартдан қанча чекинганига қараб, аудиторнинг жавобгарлиги даражаси аникланади. Ўз фаолиятида бирор стандартдан чекинишга йўл қўйган аудитор бунинг сабабини тушунтириб беришта тайёр бўлиши лозим.

Аудиторлик стандартларининг аҳамияти шундаки, улар:

- о стандартларга риоя қилиш аудиторлик текшириши юқори сифатли бўлишини таъминлайди;
- о аудиторлик амалиётига янги илмий ютуқларни жорий этишга кўмаклашади;
- о аник вазиятларда аудиторнинг қандай ҳаракат қилишини белгилаб беради. Барча стандартларнинг тузилиши бирхил бўлиб, куйидаги бўлимлари мавжуд:

1. Умумий қоидалар.

2. Стандартда фойдаланиладиган асосий тушунчалар ва таърифлар.

3. Стандартнинг мөҳияти.

4. Амалий иловалар.

Умумий қоидалар бўлимлари қўйдагича акс эттирилади:

- ушбу стандартни ишлаб чиқиш максади ва зарурати;
- стандартлаш объекти;
- стандартни қўллаш соҳаси;
- бошқа стандартлар билан ўзаро боғлиқлиги

«Стандартда фойдаланиладиган асосий тушунчалар ва таърифлар» бўлимларида асосий атамалар ва уларнинг кис-кача тавсифи келтирилади.

**«Стандартнинг моҳияти» бўлимларида тавсифлашни та-
лаб қиласидан муаммо баён қилинади, у таҳлил этилади ва
ҳал килиш усули келтирилади.**

Стандартда ҳам бошқа меъёрий ҳужжатлар каби стандарт-
нинг рақами, ишга туширилган вакти, уни ишлаб чиқишидан
кўзланган мақсад; стандартнинг қўлланиш соҳаси; муаммо
таҳлили; муаммони ҳал этишининг мумкин бўлган амаллари
бўлиши лозим.

**Меъёрий ҳужжат ва қўлланиш мажбурий бўлган аудитор-
лик стандартларидан ташқари аудиторлик ташкилотларида
ўз ички аудиторлик стандартлари ишлаб чиқилиши мумкин.**

Одатда аудиторлик ташкилотининг етакчи мутахассисла-
ри томонидан аудитнинг миллий стандартлари асосида иш-
лаб чиқилган ички аудиторлик стандартларидан улар ўз фао-
лиятларида аниқ аудиторлик амалларини бажаришда фойда-
ланилади. Бундай ички аудиторлик стандартларини аудитор-
лик ташкилоти қаттиқ сир саклайди, чунки энг кам ризк би-
лан ва энг кам вакт сарфлаб аудиторлик текширишини ўтка-
зишга имкон берадиган текшириш усулини «ноу-хау» деб
билиади.

**Аудиторлик ташкилоти ходимларини қонунлардаги ва
профессионал стандартлардаги ўзгаришлар билан таништи-
риш; аудиторлик текширишларининг дастурларини ишлаб
чиқиш ва уларни ташкилотнинг етакчи мутахассислари ва
раҳбарлари йигилишларида тасдиқлаш; аниқ бир мижозда
текшириш ишларини бажариш учун аудиторлар ва мутахас-
сислар гурухини тузиш; текшириш натижаларини мухокама
килиш тартибини, ҳужжатларни саклашни ташкил этиш
кабиларни ички аудиторлик стандартлари қаторига киритиш
мумкин.**

Халқаро даражадаги профессионал талабларни ишлаб
чиқиш билан бир неча ташкилот шуғулланмоқда. Бухгалтер-
ларнинг халқаро Федерацияси шулар жумласидандир. Маз-
кур ташкилот доимий автоном кўмита ҳуқуқи би-
лан ишлаётган аудиторлик амалиёти бўйича халқаро кўмита
аудиторлик стандартларини яратиш билан шуғулланмоқда.

Халқаро аудит стандартларини ишлаб чиқиш зарурияти аввало дунёда юз бераётган иқтисодий ҳаётни интеграциялашдан келиб чиқмоқда.

Бошқа барча ташкилотлар каби аудиторлик ташкилотлари ҳам жаҳоншумул тус олиб, йирик халқаро гурӯхларга айланмоқда. Демак, аудитни халқаро миқёсда бир хил қилиш зарурияти пайдо бўлди. Дунёдаги йирик аудиторлик ташкилотлари орасида тўртта энг йирик аудиторлик компаниялари (уларни “Катта тўртлик” дейишади) мавжуд. Улар Делойт энд туш, КПМГ, Эрнест энд Янг ҳамда Прайсуотерхаус компанияларидир. Ўзбекистонда уларнинг ваколатхоналари мавжуд.

Аудит соҳасидаги муаммолар бутун дунёда деярли бир хилдир, шу сабабли айрим мамлакатларнинг профессионал аудиторлик ташкилотлари бу муаммоларни ҳал қилиш усулларини ишлаб чиқар экан, аввало бошқа профессионал ташкилотларда бу муаммоларни ҳал қилиш варианtlарини ўрганадилар.

Мамлакатимизда аудиторлик хизмати бозорининг ривожланиши Ўзбекистоннинг ўзига хос ҳусусияти ҳамда халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда аудит стандартларини ишлаб чиқиш заруриятига олиб келди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубиёти Бошқармаси мутахассислари аудиторлик фаoliyati соҳасидаги миллий аудиторлик стандартларини барпо этиш ишига бошчилик қилмоқда.

Аудиторлик стандарти бўйича халқаро қўмита томонидан яратилган 36 стандартлар базасида 21 та аудитнинг миллий стандартлари ишлаб чиқилиб фойдаланишга тавсия этилди. Ҳозирги вақтда бу стандартларнинг лойиҳалари иқтисодий нашрларда эълон қилинди ва муҳокамадан ўтди (2.4 жадвал).

Аудиторлик стандартлари учта асосий турни ўз ичига олади:

1. Аудитнинг умумий стандартлари;
2. Аудитнинг ишчи стандартлари;

3. Ҳисобот стандартлари.

Кўйидағилар умумий стандартлардир:

- 1.1. ЎзР 3-сон АМС «Аудитни режалаштириш»;
- 1.2. ЎзР 5-сон АМС «Аудитор иши сифатини назорат килиш»;
- 1.3. ЎзР 6-сон АМС «Аудитни хужатлаштириш»;
- 1.4. ЎзР 11-сон АМС «Компьютерда ишланган маълумотлар (КИМ) нинг аудити».

Ушбу турдаги стандартларда аудитнинг асосий қоидалари, унинг мақсадлари ва ҳажмини, шунингдек, аудиторлик фаолияти билан шуғуланишини хоҳловчиларнинг билим ва маракасига талабларни белгилаган.

2.4 - жадвал

Ўзбекистонда қабул қилинган аудиторлик стандартлари

АФМС рагами	Номлари	Адтия вазирлигида рўйхатта олинган	Молия вазирлигида тасдиқланган
03-АФМС	Аудитни режалаштириш	837-сон, 10.11.1999 йил	54-сон, 14.07.1999 йил
04-АФМС	Аудиторлик ташкилотларининг ички стандартларга амал килиш талаблари	1624-сон, 25.09.2006 йил	76-сон, 21.08.2006 йил
05-АФМС	Аудитор иши сифатини назорат килиш	811-сон, 03.09.1999 йил	62-сон 04.08.1999 йил
06-АФМС	Аудитни хужатлаштириш	812-сон, 03.09.1999 йил	61-сон, 04.08.1999 йил
09-АФМС	Мухимлик ва аудиторлик риски	813-сон, 03.09.1999 йил	63-сон, 04.08.1999 йил
10-АФМС	Молия ҳисоботи таркибида бошқа маълумотлар	822-сон, 23.09.1999 йил	75-сон, 09.09.1999 йил
11-АФМС	Компьютерда ишланган маълумотлар (КИМ)нинг аудити	823-сон, 23.09.1999 йил	76-сон, 09.09.1999 йил
12-АФМС	Аудиторлик текшириш жараённада бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимиши баҳодаш	1673-сон, 12.04.2007 йил	108-сон, 29.12.2006 йил
13-АФМС	Тахлилий тадбирлар	814-сон, 03.09.1999 йил	64-сон, 04.08.1999 йил
14-	Аудиторлик танланш	815-сон,	59-сон

АФМС		03.09.1999 йил	27.07.1999 йил
16-АФМС	Эксперт ишидан фойдаланиш	816-сон, 30.09.1999 йил.	60-сон, 27.07.1999 йил
24-АФМС	Молиявий хисоботда фарқлар аниқланганда аудиторлик ташкилотининг ҳаракати	1045-сон, 30.06.2001 йил	49-сон, 31.05.2001 йил
25-АФМС	Аудиторлик текшируви ўтказишида норматив ҳукукий ҳужжатларга риоша этилишини текшириш	14-сон, 27.01.2003 йил	1223-сон, 28.02.2003 йил
31-АФМС	Хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан танишув	48-сон, 31.05.2001 йил	1043-сон, 21.06.2001 йил
50-АФМС	Аудиторлик далиллари	1128-сон, 18.04.2002 йил	48-сон, 03.04.2002 йил
55-АФМС	Ўзаро боғлиқ шахслар ўртасидаги битимлар бўйича аудиторлик далилларини олиш тавомийлари	1224-сон, 03.03.2003 йил	15-сон, 27.01.2003 йил
56-АФМС	Молиявий хисобот тузилган санадан кейинги ходисалар	1236-сон, 09.04.2003 йил	54-сон, 09.04.2003 йил
60-АФМС	Бошқа аудитор иши натижаларидан фойдаланиш	1221-сон, 20.02.2003 йил	16-сон, 27.01.2003 йил
70-АФМС	Аудиторлик хисоботи ва молиявий хисобот тўғрисидаги аудиторлик ҳулосаси	20-сон, 14.03.2001 йил	1016-сон 10.03.2001 йил
80-АФМС	Махсус савонлиқ текшириш натижалари бўйича аудитор хисоботи	1220-сон, 19.02.2003 йил	13-сон 27.01.2003 йил
90-АФМС	Аудиторлик ташкилотларининг касбга доир хизматлари	1017-сон, 10.03.2001 йил	19-сон 14.02.2001

Аудитнинг ишчи стандартлари қўйидагилардир:

- 2.1. ЎзР 04-сон АФМС «Аудиторлик ташкилотларининг ичкি стандартларга амал қилиш талаблари»;
- 2.2. ЎзР 12-сон АФМС «Аудиторлик текшириш жараёнида бухгалтерия хисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш»;
- 2.3. ЎзР 13-сон АМС «Таҳлилий тадбирлар»;

- 2.4. ЎзР 14-сон АМС «Аудиторлик танлаш»;
 - 2.5. ЎзР 16-сон АМС «Эксперт ишидан фойдаланиш»;
 - 2.6. ЎзР 25-сон АФМС «Аудиторлик текшируви ўтказишида норматив-хукукий хужожатларга риоя этилишини текшириш»;
 - 2.7. ЎзР 31-сон АФМС «Хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан танишув»;
 - 2.8. ЎзР 50-сон АФМС «Аудиторлик далиллари»;
 - 2.9. ЎзР 55-сон АФМС «Ўзаро боғлиқ шахслар ўртасидаги битимлар бўйича аудиторлик далилларини олиш тамойиллари»;
- ЎзР 60-сон АФИС «Бошқа аудитор натижаларидан фойдаланиш»
- 2.10. ЎзР 90-сон АФМС «Аудиторлик ташкилотларининг касбга доир хизматлари».

Ишчи стандартларини ишлаб чиқиш узоқ давом этадиган жараён бўлиб, халқаро стандартларни ҳам, мамлакатимиздаги аудиторлик тажрибасини ҳам пухта ўрганишни талаб қиласди.

Ҳисобот стандартларига қўйидағилар киради.

- 3.1. ЎзР 10-сон АМС «Молия ҳисоботи таркибидаги бошқа маълумотлар»;
- 3.2. ЎзР 56-сон АФМС «Молиявий ҳисобот тузилган санадан кейинги ҳодисалар»;
- 3.3. ЎзР 60-сон АФМС «Бошқа аудитор иши натижаларидан фойдаланиш»;
- 3.4. ЎзР 70-сон АФМА «Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси»;
- 3.5. ЎзР 80-сон АФМС «Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи».

Ҳар бир аудиторлик ташкилоти Ўзбекистон Республикасининг аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўзининг ички стандартларини ишлаб чиқишилари мажбурийдир (1-илова).

Аудитнинг услубиятининг турли масалалари бўйича миллий стандартлари йўқлиги пайтида, аудиторлар ўз ишларида халқаро стандартларга амал қилиши мақсаддга мувофиқдир, халқаро стандартлар бўлмаса ёки уларни қўллаш мумкин бўлма-

са ўз профессионал тажрибасига асосланиб иш тутишлари лозим.

2.4. Ички аудиторлик стандартлари

Ички аудиторлик стандартлари икки гурухга бўлиниади:

1. Профессионал аудиторлик жамоат бирлашмаларидағи ички аудиторлик стандартлари
2. Аудиторлик ташкилотларининг ички аудиторлик стандартлари.

Стандартларнинг биринчи гурухини профессионал аудиторлик жамоат бирлашмалари Ўзбекистон аудиторлар палатаси Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациялари ишлаб чиқадилар. Аудиторлик ташкилотининг ички стандартлари деганда, аудиторлик хизматларини ташкил қилишни амалга оширишни ва уни расмийлаштириш учун талаб қилинадиган аниқ ва батафсил белгилаб кўйилган тартиб қоидаларни ўзида мужассамлаштирган ҳужжатлар тўплами тушунилади. Бу ҳужжатлар аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланиб аудиторлик хизматини амалий самардорлигини ҳамда аудиторлик фаолиятнинг миллий стандартларига мослигини таъминлаши лозим. Аудиторлик ташкилотининг ички стандартларини амалда кўлланилиши қуйидаги ларга имконият яратиб беради:

- аудитнинг миллий стандартлари талабига риоя қилиш;
- аудиторлик текширишдаги кўп меҳнат талаб қилинадиган ишларни қискартиради;
- аудитор ёрдамчилари ёки ёрдамчи аудитор ишларидан фойдаланиш имкониятларини яратади;
- аудиторлик хизматлар бозорида бажариладиган ишлар ҳажмини оширишга ёрдам беради.

Ички стандартлардан фойдаланиш аудиторлик текширишни ўтказишда ёки аудитни касбга доир бошқа хизматларни бажаришда ходимларга ягона таянч талабларни кўйишида ўз ифодасини топади.

Ички аудиторлик стандартларини қуйидаги блокларда иш-

лаб чиқиши максадга мувофиқ бўлади:

1. Ташкилот структураси бўйича ташкилот технологияси бажариладиган функциялари ва бошқа унинг амал қилиш хусусиятлари бўйича;
2. Аудитнинг миллий стандартларида ёки бошқа коидаларидаги тўлдирувчи ва аниқловчи стандартлари бўйича;
3. Бухгалтерия ҳисобининг бўлимлари ёки счёtlари бўйича, аудиторлик текшириш услубиёти бўйича;
4. Аудитнинг бошқа касбга доир хизматларини ташкил қилиши бўйича.

Стандартларнинг биринчи блокида аудиторлик ташкилотининг ташкилий-иктисодий жиҳатларини белгилаб берувчи стандартлар, ходимларнинг хуқуқ ва бурчлари меҳнат хақи режалаштиришни ташкил қилиш, иш турлари бўйича хизмат шартномаларини тузиш каби масалаларни ўз ичига олади.

Стандартларнинг иккинчи блоки аудитнинг миллий стандартлари ва бошқа профессионал жамоат бирлашмалари чиқарган стандартлар ёки коидаларни тўлдирувчи ёки аниқлаштирувчи стандартлар киради.

Ушбу стандартларда қуидаги жиҳатлар ўз ифодасини топади;

- аудиторнинг жавобгарлиги;
- аудитни режалаштириш;
- хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимини ўрганиш ва уни баҳолаш;
- аудиторлик далиллар йиғиш;
- учинчи шахс малумотларидан фойдаланиш;
- аудиторлик хulosаларни тузиш тартиби;
- маҳсус ички стандартлар.

Махсус ички стандартлар аудит ўтказишда алоҳида хусусиятга эга бўлган, кредит ташкилотлари, биржалар, бюджетдан ташқари фонdlар, инвестиция институтлари каби ташкилот ва муассасаларда аудит ўтказиш билан боғлиқ.

Стандартларнинг учинчи блоки бухгалтерия ҳисобининг алоҳида бўлимлари ёки счёtlари бўйича аудиторлик текшириш ўтказишга мўжалланган бўлади. Ушбу стандартлар тек-

ширишнинг аниқ услубиёти, аудиторлик амаллар, ишчи жадваллар, классификаторлар, кўлланмаларни ўз ичига олади. Ушбу услубиёт эндигина ишни бошлаган ёш аудиторга, ёрдамчи аудиторга иш жараёнида жиддий хатоларга йўл қўй-масликнинг олдини олишга ёрдам беради.

Стандартларнинг тўртинчи блоки аудиторлик ташкилотида аудитнинг касбга доир профессионал хизматларни бажаришга оид ишларни амалга ошириш учун тузилади. Ушбу стандартларга бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, ҳисоб ишларини қайта тиклаш, бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш каби амаллар киради.

Аудитнинг ички стандартлари қуйидаги талабларга жавоб берishi керак:

1. Мақсадга мувофиқлик.
2. Ички стандартларни ишлаб чиқища унинг амалий аҳамиятини, долзарблигини ва устуворлигини ҳисобга олиш керак бўлади.
3. Зид бўлмаслик. Стандартлар бошқа стандартлар билан ўзаро боғланган ва мувофиқликни таминлаши лозим.
4. Тўлиқ ва батафсил бўлиши. Ички стандартлар тадқиқ этилаётган мuaоммоларга доир масалаларни тўлиқ қамраб олиши ва улар батафсил ёритилиши керак.
5. Терминга оид базанинг умумийлиги. Барча стандартлар ва ҳужжатларда терминларнинг ишлатилиши бир хил бўлишлиги таъминланиши зарур.

Аудитнинг ички стандартларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий қилиш масаласи сермашақкат ва узоқ вақтни талаб қиласидиган истиқболли жараён ҳисобланади. Аудитнинг ички стандартларини тузиш бўйича таклифлар ва уларнинг қисқача мазмуни АФМСнинг 04-“Аудитнинг ички стандартларига қўйиладиган талаблар” номли миллий стандартида белгилаб қўйилган.

Аудитнинг ички стандартлари аудиторлик ташкилотининг ташкилий тақсимловчи ҳужжатлари ва ички назорат тизими-нинг бир қисми ҳисобланади. Ички стандартлар тартиб рақами, кучга кириш санаси, номи ва мақсади, амал қилиш

сфераси каби реквизитлар бўлиши шарт.

Ички стандартларнинг мавжудлиги ва унинг услубиётини узлуксиз тақомиллаштириб бориш аудиторлик ташкилоти фаолиятининг профессионаллик кўрсаткичи ҳисобланади. Ички стандартлар аудиторлик ташкилотининг интеллектуал мулки, унинг "ноу-хай"си ҳисобланади. Ташкилотнинг ходимлари аудитнинг ички стандартларини сир саклантири ундан фақат ташкилотнинг ички фаолияти учунгина фойдаланишлари зарур.

2.5. Аудитнинг ахлоқий меъёрлари

Этика – бу иенсон ёки бирон-бир ижтимоий ёки профессионал турух ахлоқий хатти-ҳаракатлари тизимиdir. Қадимдан врачлар этикаси каби тушунча маълум. Аудитор ҳам ўзига хос шифокордир. Фақат унинг хайрли таъсири иенсонга эмас, корхонага (ташкилотга) йўналиширилган. Аудиторлик фаолиятининг этик қондадарини тўргта асосий тамойил орқали ифодалани мумкин, булар: мустақилик, асослилик, ҳалоитик ва холислик. Профессионал ташкилотлар томонидан аудиторлар касбий этикаси кодекслари нийоятда синчковлик билан ва багифсиз ишлаб чиқишиди ва бунда улар хатти-ҳаракатининг барча холатлари ва жиҳатларини ҳисобга олишга ҳаракат қилинади.

Аудиторлик касбий фаолиятининг мақсади аудиторлик хизматларини кўрсатиш орқали даромад олишдан иборат. Бунга тўргта асосий талабга риоя қилиниши орқали зришини мумкин:

Ишонччилик. Жамиятда фойдаланилаётган маълумотлар ишонччилигига ва уларни олишнинг синаилган усулуарига эҳтиёж кузатилмоқда.

Касбий маҳорат. Жамият, буюргачилар, иш берувчилар ва бошқа манфаатдор шахслар номидан аудиторни аудиторлик хизматларини кўрсатиш соҳасида ўз касбининг устаси, леб билади.

Хизматлар сифати. Аудиторлар томонидан кўрсатиладиган барча хизматлар умумқабул қилинган стандартлар талабларига мувофиқ бажарилиши кафолатланган бўлиши керак.

Ишонч. Хизматлар истеъмолчиси аудитор касбий этика тамоиллари ва у кўрсатаётган хизматга мос бўлган қонунчилик меъёрларини бузмаслигига ишончи комил бўлиши керак.

Аудитор касбий фаолияти этикаси қуидаги муайян тамоилларга риоя қилинишини тақозо этади:

Ҳалоллик – аудитор ўзининг касбий мажбуриятларини бажаришда ҳалол бўлиши керак.

Холислик – аудитор адолатли бўлиши, айни пайтда эски қарашлар, нохолислик, манфаатлар тўқнашуви ва бошқа омиллар унинг иши натижаларига таъсир кўрсатмаслиги керак.

Касбий маҳорат – аудитор касбий хизматларни кўрсатища эътиборли, билимли, тиришқоқ бўлиши, касбий билим ва кўникумаларини муттасил ривожлантириши ва уларни амалиётда, қонунчиликда ва иш услублари бўйича замонавий ишланмаларга асосланган пухта ва професионал хизматлар олишини кафолатладиган даражада саклай билиши зарур.

Хизмат кўрсатишга розилик берар экан, аудитор ушбу хизматларини кўрсатиш учун касбий билим ва кўникумалари етарли эканлигига ишончи комил бўлиши лозим, акс ҳолда уларни бажаришдан бош тортиши зарур.

Махфийлик – аудитор буюргачи розилигисиз професионал хизматларни кўрсатиш пайтида олинган маълумотларни, шу жумладан, тижорат сирларини ошкор этмаслиги керак, амалдаги қонунчилик меъёрларида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Касбий ҳатти-ҳаракатлар – аудитор касбининг обрўсига штурм етказадиган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлардан саклангани ҳолда ўзини унинг нуфузига мос равища тутиши керак. Касбининг обрўсига зарар етказадиган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлардан сакланиш мажбурияти ижтимоий професионал тапкилотлардан этик тавсияларни ишлаб чиқишида аудиторларнинг аудиторлик хизматлари буюргачилари, учинчи

томонлар, бошқа аудиторлар, ходимлар, иш берувчилар ва кенг жамоатчилик олдидағи масъулиятининг күриб чикилишини тақозо этади.

Касбий стандартлар – аудитор профессионал хизматтарини профессионал стандартларга мувофиқ бажариши зарур.

Аудиторлар, ўзларининг касбий малакалари ва ваколаттаридан фойдаланған ҳолда буюртмачи ва иш берувчиларнинг талабларини бажариши керак. Айни пайтда улар профессионал стандартлар талабларига мос бўлиши зарур.

Аудиторлар этикаси кодексида мустақил аудиторларнинг касбий хатти-харакатларининг ахлоқий месъёрлари умумлаштирилган, аудиторлар ҳамжамияти ўз мухитидан мустаҳкамлайдиган ҳамда уларни бўлажак бузилишлар ва таҳлидлардан ҳимоялашга тайёр ахлоқий, маънавий қадриятлар белгиланган. Умуминсоний ва профессионал этика месъёрларига риоя қилиш аудиторлик ташкилотининг ҳар бир аудитори, раҳбари ва ходими учун зарурый мажбурият ва юксак бурч хисобланади. Бу аудиторларнинг юксак маънавий фазилатлари ва профессионал масъулияти билан кафолатланади, ижтимоий фикр нуқтаи назаридан аудитор касбига нисбатан ҳурмат ва ишончни қўллаб-кувватлаш зарурлиги билан изоҳланади. Касбий хатти-харакат этик месъёрларини бузувчилар бутун аудиторлар ҳамжамиятияга ҳурматсизлик кўрсагиб, унга маънавий ва моддий зарар етказади. Умуман аудиторлар ҳамжамияти ва ҳар бир аудитор айрим аудиторларнинг ахлоққа зид хатти-харакатларини коралайди ҳамда уларни ўз мухитидан чиқариб юбориш, малака аттестатидан маҳрум қилиш ва аудиторлик фаолиятини юритиш бўйича лицензиядан маҳрум қилишгacha бўлган жазони талаб қилишади. Ўз ҳамкаслари томонидан касбий хатти-харакат этикасини бузганлиги учун танқид қилингандан ҳар бир аудитор кўзда тутилган месъёрлардан йўл кўйилгандан четлашишни холис равища ошкора текширилишини талаб қилиш ҳукуқига эга.

Муайян тартиб бузувчи талабига кўра текшириш маҳфий тарзда ўтказилиши мумкин.

**Ўзбекистон аудитори этика кодексида кўзда тутилган та-
лабларини кўриб чиқайлик.**

Аудиторга хос алоҳида хусусият унимиг жамият олдидағи
бурчини чуқур тушуниши билан изоҳланади.

Ўз касби тақозоси билан аудитор ҳукумат, кредиторлар,
иш берувчилар, ёлланма ходимлар, инвесторлар, ишбилиар-
мон ва молиявий давралар ва бошқа субъектлар, яъни барча
фаолият турларининг тартибли амал қилишини таъминлаш
учун аудиторларнинг холислиги ва ҳалоллиги талаб қили-
надиган шахслар билан ҳамкорлик қиласди. Бу эса аудитор
касбига жамият олдидағи масъулиятни юклайди.

Ижтимоий манфаат аудитор фаолияти йўналтирилган
ижтимоий фаровонлик деб белгиланади.

Хусусий буюртмачи эҳтиёжларини кондириш – аудитор-
нинг ягона вазифаси эмас. Аудиторлик стандартлари энг ав-
вало ижтимоий манфаат билан, масалан, қўйидагилар билан
белгиланади:

- мустакил аудиторлар қарз ёки акциядорлик сармоясини
олиш учун кўшимча асос сифатида молия органларига
тақдим килинадиган молиявий ҳисоботларнинг яхлитлиги ва
самарадорлигига риоя қилинишига кўмаклашади;
- молиявий менежерлар ташкилотларда турли бошқарув
функцияларини бажаради ва ташкилот ресурсларидан сама-
рали фойдаланишга ёрдам беради;
- ички аудиторлар муассислар учун ички молиявий ахбо-
рот тизими ишончлилигини оширувчи таъсирчан ички назо-
рат тизими мавжудлигини кафолатлади;
- солиққа оид тажрибалар солиққа тортиш тизимига бўл-
ган ишончни, унинг самарадорлигини ва тўғри кўлланили-
шини таъминланига кўмаклашади;
- бошқарув масалалари бўйича маслаҳатчилар жамият
олдида оқилона бошқарув қарорлари қабул қилиниши учун
масъул ҳисобланади.

Ушбу тамойилларга аудиторлар томонидан жамиятга маҳ-
фийлик ва сифат даражасига риоя қилинишини қатъий кафо-
латлаган ҳолда ўзининг ноёб хизматларини тақдим этиш ор-

кали амал қилиш мүмкін.

Аудиторлық касби вакиллари энг юқори сифатли хизматтар күрсатилиши, бундай даражаны таъминлашта қаратылған этик талабларга мувофиқ бўлишидан ниҳоятда манфаатдор.

Умумқабул қилинган ахлоқий меъёрлар ва тамойилларга риоя қилиш. Аудиторлар ўз хатти-харакатлари ва қарорларида умуминсоний ахлоқий қоидалар ва ахлоқий меъёрларга риоя қиласди, виждан амрига кўра яшайди ва ишлайди. Ўз хатти-харакатларида умуминсоний қоидаларга амал қиласди: «ўзингга нисбатан нимани раво кўрмасанг, бошқаларга ҳам шуни кильмасликка интил». Умумий ахлоқий қоидалар ва меъёрларга риоя қилиш, хатти-харакат ва қарорларда ҳалол ва адолатли бўлиш, хулоса ва мулоҳазаларда мустақиллик ва холислик, адолатсизликка, ахлоқий, маънавий ва ҳуқукий меъёрлар бузилишларига нисбатан муросасизлик – булар аудиторларнинг асосий қоидасидир.

Ижтимоий манфаатларга риоя қилиш. Ташки аудитор ҳар доим биргина буюртмачи манфаати учун эмас, жамият ва барча бухгалтерия хисоботларидан фойдаланувчилар манфаатлари йўлида ҳаракат қиласди. Ҳокимиятнинг солик, суд ва бошқа органларида, шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда мижоз манфаатларини ҳимоя қилас экан, аудитор ҳимоя қилинаётган манфаатлар қонуний ва асосли тарзда юзага келганлигига ишончи комил бўлиши керак. Аудитор мижозининг ҳимоя қилинаётган манфаатлари қонунчиликка ёки адолатга зид равишда вужудга келганлигига ишонч ҳосил қилиши билан, уларни ҳимоялашдан воз кечади.

Аудиторнинг холислиги. Аудитор хуросалари, тавсиялари ва якунлари учун талаб қилинадиган маълумотларнинг етарли ҳажми энг мухим асос хисобланади. Айни пайтда, аудиторлар ҳар қандай касбий хизматларни кўрсатган ҳолда барча вужудга келаётган ҳолатлар ва реал фактларни холис равишида кўриб чиқади ҳамда шахсий ноҳолислик, ақидалар ёки ташқаридан кўрсатиладиган босим фикрларининг холислиги ва аниқлигига

таъсир кўрсатишига йўл қўймайди. Аудиторларнинг хатти-харакатлари, уларнинг қарорлари ва хulosалари бошқа шахслар мулоҳазалари ва кўрсатмаларига боғлиқ бўлмайди. Шу сабабли аудитор ўз фибр ва мулоҳазаларининг холислигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахслар билан мулокотдан сақланади ёки ўзига ҳар қандай шаклда босим ўтказилишига йўл қўймаслигини кўрсаттани ҳолда уларни дархол тўхтатади.

Аудиторнинг эътиборлилиги. Касбий хизматларни кўрсатишида аудитор ўз мажбуриятларига юқори даражада жиддий ва эътиборли муносабатда бўлади, тасдиқланган аудиторлик стандартларига риоя қиласди, ўз фаолиятини режалаштиради, кўл остидаги мутахассисларни назорат қиласди ва текширади.

Аудиторнинг мустақиллиги. Мижознинг ташкилоти ва мансабдор шахсларидан барча жиҳатдан мустақил бўла олишига асосли шубҳалар бўлса, аудитор профессионал хизматлар кўрсатишдан воз кечади. Кўрсатилган профессионал хизматлар натижаларига кўра тузилган хulosада ёки бошқа бирон ҳужжатда аудитор онгли равишда ва хеч қандай изоҳларсиз мижозга нисбатан ўзининг мустақиллигини маълум қиласди.

Аудиторнинг мустақиллигига зарар етказиши мумкин бўлган ёки унинг амалда мустақил эканлигига шубҳа уйғотадиган кўплаб ҳолатлар мавжуд. Бунга мижоз ташкилоти билан олиб борилиши мумкин бўлган ёки олиб борилаётган суд (ҳакамлик) ишлари, аудиторнинг ҳар қандай шаклда мижоз ишларига молиявий аралашуви, аудиторнинг мижоздан молиявий ва мулкий жиҳатдан қарамлиги (бошқа ташкилотларга сармоя киритишга биргаликда иштирок этиш, кредитлаш (банк кредитлашидан ташқари) ва ҳ.к.), мижоз ташкилотида қариндошлари, ташкилот ходимлари, асосий ва шўъба ташкилотлар орқали молиявий иштирок этиш (молиявий қарамлик) ва ҳ.к. мисол бўла олади.

Этика кодексининг бузилишига мижоз ташкилоти директорлари ва юқори бошқарув ходимлари билан қариндошлик ёки шахсий дўстона алокалари, шунингдек, мижоз ташкило-

тининг ҳаддан зиёд меҳмондўстлиги, ундан жиддий тарзда пасайтирилган нархларда товарлар ва хизматлар сотиб олиниши сабаб бўлиши мумкин. Аудиторнинг мижоз ташкилоти бошқарув органларида, унинг асосий ва шўъба корхоналари-даги иштироки, аудиторлик ташкилотлари раҳбарининг ўзларининг молиявий манфаатлари бор ташкилотларда мижознинг молиявий қўйилмалари борасидаги тавсиялари ва маслаҳатлари салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Аудитор аввал мижоз ташкилотида ёки унинг бошқарувчи ташкилотида ишлагани, аудиторни мижоз ташкилотидаги раҳбарлик лавозимига ёки бошқа лавозимга тайинлаш тўғрисидаги таклифни қабул қиласигани тўғрисидаги фактлар ҳам кодекснинг бузилишини билдиради.

Санаб ўтилган рўйхатга кўра профессионал аудиторлик хизматлари бажарилган даврда салбий ҳолатлар юзага келган бўлса, сақланиб қолган ёки туталланмаган бўлса мустақиллик бузилган, деб хисобланади.

Аудиторлик ташкилоти мустақиллигига зарар етказиши ёки унинг ҳақиқий мустақиллигига шубҳа уйғотиши мумкин бўлган асосий ҳолатлар қуидагилардан иборат:

- аудиторлик ташкилоти молиявий-саноат гурӯҳида, кредит ташкилотлари гурӯҳида ёки холдингда иштирок этса ва ушбу молиявий-саноат гурӯхига кирувчи ташкилотларга ёки банк гурӯхига кирувчи ташкилотларга профессионал аудиторлик хизматларини кўрсатса (холдинг);

- аудиторлик ташкилоти собиқ ёки амалдаги вазирлик (қўмита) негизида, собиқ ёки фаолият юритаётган ташкилотнинг тўғридан тўғри ёки билвосита иштирокида ташкил қилинган бўлиб, илгари ёки ҳозирги пайтда ушбу вазирликка (қўмитага) бўйсунувчи ташкилотларга хизматлар кўрсатса;

- аудиторлик ташкилоти банклар, сугурта компаниялари ёки инвестиция институтларининг тўғридан-тўғри ёки билвосита иштирокида вужудга келган ҳамда акциялари аудиторлик ташкилоти хизмат кўрсатиши зарур бўлган даврда юқорида санаб ўтилган тузилмалар уларга эгалик қиласиган, харид қилинган ва харид қилинаётган ҳолларда.

Аудитор мижоз топширигига кўра бошқа хизматларни

кўрсатган ҳолларда (маслаҳат бериш, ҳисобот тузиш, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳ.к.), улар аудиторнинг мустақиллиги зарар етказмаслигини назорат қилиш керак. Аудитор мустақиллиги унинг маслаҳатлари ташкилотни бошқариш хизматларига айланмаган тақдирда таъминланади, аудитор мулоҳазаларига таъсир кўрсатувчи ҳеч қандай сабаб ва ҳолатлар мавжуд эмас; бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузишга жалб қилинадиган ходимлар мижоз ташкилотининг аудиторлик текширувига жалб қилинмайди; бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобдорлигини юритиш учун масъулият мижоз ташкилотига юкланди.

Аудиторнинг касбий билимдонлиги. Аудиторлар мижозга зарур бўлган аудиторлик хизматларининг етарли даражадаги касбий даражасини таъминлади. Аудиторнинг касбий билимдонлиги умумий ва маҳсус олий маълумотга, аттестация имтиҳонларини топширганлигига ва бунинг тегишли диплом ва аттестлар билан тасдиқланганлигига, шунингдек, ушбу йўналишдаги ва касбий даражадаги бошқа мутахассислар билан бирга профессионал аудиторлик хизматларини кўрсатиш бўйича узлуксиз амалий иш тажрибасига асосланади. Муайян профессионал хизматлар кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олар экан, аудитор ушбу соҳада билимдон эканлигига ишончи комил бўлиши, ўз мажбуриятларини ҳалол ва юксак савиядга бажариш учун зарурй билим даражаси ва кўникмаларига эга бўлиши, мижозга замонавий услугубларга, энг сўнгти меъёрий ҳужжатларга асосланган аудиторлик хизматлари кўрсатилишини кафолатлаши керак.

Аудитор ўз ваколати чегарасидан ташқарига чикувчи, шунингдек, малака аттестатига мос келмайдиган профессионал хизматлар кўрсатишдан сақланиши керак. Аудиторлик ташкилоти муйян масалаларни ҳал қилишда ёрдам кўрсатиш учун билимли мутахассисларни жалб этади.

Аудитор бухгалтерия ҳисоби, соликқа тортиш, молиявий фаолият ва фуқаролик ҳуқуки, аудитни ташкил этиш ва усууллари, қонунчилик, бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятининг Ўзбекистондаги ва ҳалқаро меъёрлари соҳасидаги билимларини доимо янгилаб боради. Аудиторлик ташкилоти ўз хизматчиларининг камида 60 ўкув соати ҳажми-

даги йиллик ўқувини ташкил этади ва бунда профессионал аудиторлик фаолиятида вужудга келадиган янги мөъёрлар ва қоидалар бўйича билимлари ҳар йили назорат қилинади.

Аудитор ўзининг касбий фаолиятини ташкилий жиҳатдан аудиторлик ташкилотига бирлаштирилган мутахассислар жамоасида амалга оширади.

Профессионал хизматлар бажарилишининг сифатини таъминлаш учун аудитор Ўзбекистон Русубликаси ва халқаро аудиторлик стандартларига қатъян амал қиласди.

Мижозларнинг маҳфий маълумотлари. Аудитор профессионал хизматлар кўрсатиш жараёнида мижозларнинг ишлари тўғрисидаги олинган маҳфий маълумотларни вакт жиҳатидан чегараланмаган ҳолда, бевосита улар билан мулоқот давом этиши ёки тўхтатилишидан қатъий назар, қатъян сир саклайди. У профессионал хизматлар кўрсатиш жараёнида ўзига маъгум бўлган маҳфий маълумотлардан мижоз манфаатларига зид равища ўз манфаати, ҳар кандай учинчи томон манфаати йўлида фойдаланмайди.

Мижозларнинг маҳфий маълумотларини ошкор этиш бу мижоз рухсати билан ёки қонунчилик ҳужжатлари ёки суд органлари қарори билан кўзда тутилган ҳолларда мазкур ҳол таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча томонлар манфаатларини ҳисобга олиб, ошкор этилганда профессионал этикани бузиш, деб ҳисобланмайди. Аудитор мижозларнинг раҳбарлари ёки ваколатли вакиллари томонидан ўтказилаётган расмий сурништирув ёки хусусий текширув жараёнида ўзининг профессионал манфаатларини химоя қилиш мақсадида ёки мижоз қасддан ва ноконуний равища аудиторни профессионал мөъёрларга зид хатти-харакатларига жалб қилган тақдирда маҳфий маълумотларни ошкор этиши унинг айби бўлиб ҳисобланмайди.

Аудитор ўз ёрдамчилари ва ташкилотнинг барча ходимлари томонидан маҳфий маълумотларнинг сир сакланиши учун жавобгар ҳисобланади.

Солик муносабатлари. Аудитор соликка тортишга оид қонунчиликка барча жиҳатлари бўйича қатъий амал қиласди. У ўз даромадларини соликдан яширмайди ҳамда ўз манфаатлари ёки бошқа шахслар манфаатлари йўлида ҳам со-

лиққа оид қонунчилікка зид иш тутмайды.

Солиққа торғыш бүйіча профессионал хизматлар күрсатында аудитор міжоз манбааттарини күзлады. Бунда у солиққа оид қонунчилікке қатый амал қиласы, міжознинг солиқ тұлаш ва солиқ хизматчиларини алдаш мақсадида сохташтириш ишларига күмаклашмайды.

Мажбурий аудит жараёнида солиқ қонунчилігіні бузиш фактлари, хисоб-китоблардаги ва солиқ тұлашда йўл қўйилган хатоларга оид аникланган фактлар бүйіча аудитор ёзма равишда міжоз маъмуриятіга ва акциядорлик (хўжалик юритувчи) жамиятининг тафтиш комиссиясига хабар қиласы ҳамда бунинг оқибатлари тўғрисида огоҳлантиради ва йўл қўйилган нуқсон ва хатоларни тузатиш йўлларини кўрсатади.

Аудитор міжозга солиққа торғыш соҳасидаги тавсиялар ва маслаҳатларни фақат ёзма равишда тақдим этади. Айни пайтда у міжозни ўзининг тавсиялари солиқ органлари билан муаммолари ҳал қилмаслигини тушунтиради, уни солиқ декларациялари ва бошқа солиқ хисботларини тузиш бүйіча жавобгарлик ўзининг зиммасида эканлиги тўғрисида огоҳлантиради.

Профессионал хизматлар учун ҳақ тұлаш. Аудиторнинг профессионал хизматлари учун ҳақ тұлаш кўрсатилган хизматлар ҳажми ва сифатидан келиб чиқиб тұланган ҳолда профессионал этикага жавоб беради, деб ҳисобланади. У кўрсатилаётган хизматлар мұраккаблигига, аудитор малакаси, тажрибаси, касбий обрўси ва масъулияти даражасига боғлик бўлади.

Аудитор томонидан ундирилладиган профессионал хизматлар ҳақи муайян натижага эришиш билан белгиланмайди ёки хизматлар ҳажми, сифати ва мұраккаблигидан ташқари бошқа ҳолатларга боғлиқ бўлмайди.

Аудитор профессионал хизматлари учун ҳақни белгиланган хисоб-китоблар меъёрларидан ташқари нақд пул шаклида олмайди. У міжозларга эга бўлиш ёки ўтказиш ёки бирон бир шахсга учинчى томон хизматларининг ўтказилиши учун тўловлар ва воситачилик ҳақини олишдан сакланади.

Аудитор олдиндан күрсатыладиган хизматлари нархини маълум қилишга мажбур бўлмагани ҳолда мижоз билан ўзининг профессионал хизматлари ҳақини тўлаш шартлари ва тартибини олдиндан келишиб олади ва ёзма равишда мустаҳкамлайди. У битта мижоз тўлайдиган ҳақ аудитор кўрсатадиган профессионал хизматлар учун оладиган йиллик тушимининг ҳаммасини ёки бир қисмини ташкил этишдек шубҳали вазиятга йўл қўя олмайди.

Аудиторлар ўргасидаги муносабатлар. Аудит соҳаси вакиллари бошқа ташкилотлардаги ҳамкасларига хайриҳоҳ муносабатда бўлишади, уларнинг фаолиятини асоссиз танқид килишдан ва ҳамкасларига заарар етказиши мумкин бўлган бошқа онгли хатти-ҳаракатлардан сакланишади. Мижоз томонидан аудиторлик ташкилотини янгилаш бўйича нотўғри хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди.

Аудиторлик ташкилоти ўз манфаати йўлида ва хўжалик юритувчи шахснинг розилиги билан профессионал хизматлар кўрсатиш учун бошқа аудиторлар ва мутахассисларни таклиф этади. Жалб килинган мутахассислар билан ишчанлик ва хушмуомалалик билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилади. Таклиф килинган аудиторлар (мутахассислар) мижоз вакиллари билан асосий аудиторларнинг ишбилармонлик ва касбий хусусиятларини мухокама килмайди, ўзларини таклиф этган ҳамкасларига нисбатан ниҳоятда тўғри муносабатда бўлади.

Ходимларнинг аудиторлик ташкилотлари билан муносабатлари. Аудиторлик ташкилоти ходими бўлишга розилик берган аттестациядан ўтган аудиторлар унга тўғри муносабатда бўлади, бугун фаолияти билан ташкилот нуфузининг ошишига ва янада ривожланишига кўмаклашади, ташкилот раҳбарлари ва бошқа ходимлари, мижозларнинг раҳбарлари ва ходимлари билан хайриҳоҳлик алоқаларини ўрнатади. Ходимларнинг ва аудиторлик ташкилотларининг муносабатлари касбий мажбуриятларни бажариш учун масъулияттга, содиклик ва холисликка, аудиторлик хизматлари кўр-

сатилишини, уларнинг касбий мөдиятини доимо такомиллаштиришга асосланади.

Аудиторлик ташкилоти касбий фаолият усулларини ишлаб чиқади, меъёрий ҳужжатларни умумлаштирали, улар билан ўз ходимларини таъминлайди, ҳар доим уларнинг касбий билими ва унинг сифатини оширип тўғрисида қайгуради. Ўз навбатида, аудиторлик ташкилотида ишлайдиган аудиторлар, ўз фаолиятини сидқидилдан бажаради, касбий малакасини такомиллаштириб боради, мижозларга йўлланадиган ҳужжатларнинг мазмунига эҳтиёткорона ва мулоҳазали муносабатда бўлади, улар билан муносабатда касбий месъёрларга ва ташкилот манфаатларига амал қиласди.

Тез-тез аудиторлик ташкилотини ўзгартиралиган ёки уйдан тўсатдан кетиб, бу билан ташкилотга маълум зарар етказадиган аттестациядан ўтган аудитор касбий ўтигага пугур етказади. Бошқа аудиторлик ташкилотига ўтган аудиторлар, ўзларининг собиқ раҳбарлари ва ҳамкасларини муҳокама килишдан ёки мақташдан, бирон бир ходим билан аввалги ташкилотдаги ишни ташкил этиш ва иш услулларини муҳокама қилишдан сақланишади. Улар у билан меҳнат муносабатлари тугалланган аудиторлик ташкилотига оид ўзлари биладиган махфий маълумотларни ва ҳужжатлар мазмунини ошкор қилмайдилар. Ташкилотдан кетар экан, унинг собиқ ходими ўзидағи барча ҳужжатларни ва бошқа профессионал маълумотларни вижданан ва тўла ҳажмла унга тоширади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбарлари ва ходимлари учинчи шахслар билан ўзларининг собиқ ходимларига хос касбий ва шахсий хислатларини муҳокама килишдан сақланишади, ушбу собиқ ходимлар ўз хатти-ҳаракатлари билан касбига ва ташкилотнинг қонуний манфаатларига жиддий зарар етказган ҳолатлар бундан мустасно. Аудитор ишга жойлашаётган аудиторлик ташкилоти раҳбари сўровига кўра аввалги аудиторлик ташкилоти раҳбари аудиторнинг касбий ва шахсий хусусиятларини кўрсатгани ҳолда ёзма тавсия бериши мум-

кин.

Оммавий маълумот ва реклама. Улар оммавий ахборот воситаларида, аудиторларнинг маҳсус нашрларида, манзиллар ва телефон маълумотномаларида, аудиторлар, раҳбарлар ва аудиторлик ташкилоти ходимларининг оммавий чиқишиларида ва бошқа нашрларида акс эттирилиши мумкин. Рекламани чоп этиш жойи ва даврийлиги, реклама зълонининг ҳажми ва безатилиши бўйича чекловлар мавжуд эмас.

Аудиторларнинг касб этикасига зид бўлган реклама ва нашрларга йўл қўйилмайди. Яъни уларда: асоссиз мақтаниш ва ўз маңфаати учун бошқа аудиторлар билан қиёслаш; профессионал касбнинг маълум соҳасида мутахассис эканлигига оид асоссиз даъво; мижозлар ва бошқа учинчи шахсларнинг аудиторни ва у кўрсатадиган хизматларнинг профессионал хусусиятларини мақтоворчи тавсиялари, айникса, мижозларга профессионал аудиторлик хизматларининг натижалари макбул бўлишига асоссиз ишонч уйғотувчи тўғридан-тўғри дастак ёки ишора бўлишига йўл қўйилмайди.

Рекламада мижозга оид маҳфий маълумотларни ошкор килиш ёки уни сохта нуқтаи назардан ифодалаш. Яъни суд, солик ва бошқа давлат органларини чалғитиш ёки уларга тазийк ўтказиш мақсадини кўзловчи маълумотлар бўлмаслиги керак.

Аудиторлар натижалари умуммаълумот учун чоп этилиши кўзда тутилган турли қиёсий тадқиқотларда ва рейтингларда иштирок этишдан ёки ўзлари учун мақбул бўлган маълумотларни чоп этувчи журналистлар хизматига ҳақ тўлашдан сақланишади.

Аудиторнинг касбий фаолиятига мос келмайдиган хатти-ҳаракати. Аудитор асосий касбий амалиёти билан биргаликда ўзининг холислиги ва мустақиллигига, умумманфаат устуворлигига риоя қилиши, умуман касб обрўсига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган фаолият билан шугулланмаслиги зарур. Бундай хатти-

ҳаракатга профессионал аудиторлик хизматлари кўрсатилиши билан бир пайтда йўл кўйилмайди. Аудитор томонидан бир пайтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ қасбий хизмат ва топшириқларнинг бажарилиши ҳам унинг қасбий мажбуриятлари билан бирга олиб борилмайдиган ҳаракат сифатида кўриб чиқилади.

Қонунчилик томонидан фаолият юритаётган аудиторларга тақиқланган бирон бир фаолият тури билан шуғулланиш қонунга ва қасбий этика меъёрларига зид бўлган, йўл кўйилиши мумкин бўлмаган ҳаракат ҳисобланади.

Бошқа давлатлардаги аудиторлик хизматлари. Аудитор ўз давлатидами ёки бошқа давлатдами профессионал хизмат кўрсатишидан қатъий назар, хатти-ҳаракатларининг ахлоқий меъёрлари ўзгаришсиз қолади.

Бошқа давлатларда кўрсатиладиган қасбий хизматларнинг сифатини таъминлаш учун аудитор ўзи профессионал фаолият юритаётган давлатда амал қилувчи ҳалқаро аудиторлик стандартларини ва қоидаларини билиши ва уларни ўз фаолиятида қўллаши керак:

Бошқа давлатда қасбий хизмат кўрсатгани ҳолда аудитор куйидаги қоидаларга риоя қиласди:

- агарда аудитор фаолият юритаётган давлатда профессионал хатти-ҳаракат меъёрлари Ўзбекистон аудиторлари этика кодексида кўзда тутилган қоидаларга нисбатан бўшрок бўлса, у ўз кодексига амал қиласди;

- агарда ушбу меъёрлар янада қатъий бўлса, у ўзи ишлайтган ва яшаётган мамлакат қонунчилигига риоя қиласди.

Аудиторлар профессионал хатти-ҳаракатларининг ҳалқаро ахлоқий меъёрлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Агарда ушбу меъёрлар аудитор ишлайдиган мамлакат талабларидан юкори бўлса, аудитор ҳалқаро меъёрларга амал қиласди.

Аудитор этика кодекси билан белгиланадиган қасбий хатти-ҳаракатлар қоидалари Бухгалтерларнинг ҳалқаро Федерацияси (IFAC) томонидан ишлаб чиқилган ҳалқаро этика меъёрларига асосланган.

2.6. Аудиторлик ташкилотининг профессионал хизматлари

“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги конунга мувофиқ аудиторлик фаолияти ўз ичига иккита компонентни қамраб олади: аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувlarини ўтказиш ва профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги хизматлар. тушунилади. Ушбу конуннинг 17-моддасида аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматларининг турлари белгилаб қўйилган.

Аудиторлик ташкилотларини профессионал хизматларини тартибга солиш, учун 90-сонли АФМС “Аудиторлик ташкилотларини профессионал хизматлари” номли миллий стандартига мувофиқ амалга оширилади.

Профессионал хизматлар аудиторлик ташкилоти билан ушбу хизматлар буюртмачиси ўргасида тузиладиган касбга доир хизматлар кўрсатиш шартномаси асосида кўрсатилади. Шартномани бажараётганда аудитор хўжалик юритувчи субъект (буюртмачи) ва зарурат бўлганда исталган учинчи томонлар билан келишидган амалларни бажаради ва кўрсатилган профессионал хизматлар натижалари тўғрисида асосланган хуносалар билан ҳисобот тақдим этади.

Мазкур миллий стандартда профессионал хизматларининг рўйхати келтирилган, булар қўйидагиларда ўз аксини топган:

- а) бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, тиклаш ва юритиш автоматлаштириш (компьютерлаштириш)
- б) молиявий ҳисобот тузиш;
- в) миллий молиявий ҳисоботни бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига ўтказиш;
- г) хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг таҳлили:

д) бухгалтерия ҳисоби, солик солиш, режалаштириш, менежмент ва молиявий-хўжалик фаолиятининг бошқа масалалари бўйича консалтинг:

е) соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисобитоблар ва декларациялар тузиш:

ж) аудиторлик фаолияти билан боғлиқ соҳада тадқиқотлар, семинарлар, анҷуманлар, ишланмалар ўтказиш бухгалтерия ҳисоби, аудит, молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили ва солик солиши бўйича белгиланган тартибда ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий материаллар тайёрлаш ва бошқалар

Шуни назарда тутиш лозимки, аудиторлик ташкилотлари мазкур стандартнинг рўйхатида келтирилган ва бандларида кўрсатилган хизматларни бажарган бўлса қонуннинг 16-моддасига мувофиқ ўша давр учун аудиторлик текшириш ўтказишга ҳақли эмаслар.

Аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматларнинг бажарилиши ижрочилардан аудит, бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил, солик солиши, хўжалик ҳукуки соҳаларида касбий маҳоратни талаб этади. Аудитнинг профессионал хизматлари уларнинг мазмунига кўра хатти-ҳаракат хизматлари, назорат хизматлари ва ахборот хизматларига бўлиниди.

Хатти-ҳаракат хизматлари – бу ҳужжатларни тузиш бўйича хизматлар бўлиб, уларнинг таркибига аввал хўжалик юритувчи субъект томонидан тузилмаган ва шартномада белгиланган амаллар киради. Уларга, масалан, бухгалтерия ҳисобини тиклаш ва юритиш, ҳисоботларни тузиш кабилар киради. Назорат қилиш ҳужжатларни аудиторлик ташкилоти томонидан хўжалик юритувчи субъект билан келишилган мезонлар асосида текширишга йўналтирилади. Буларга жумладан, ташаббусли аудит, ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузилишини назорат қилиш, соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобланиши ва тўланишини назорат қилиш, хўжалик юритувчи субъекти бухгалтерия ходимларини ва аудиторлик ташкилоти ходимларини тест синовидан ўтказиш киради. Ахборот хизматлари дейилганда турли масалалар бўйича оғзаки ва ёзма маслаҳатларнинг тайёрланиши, ўқувлар, семинарлар “давра сұхбатлари” ўтказилиши, ахборот хизматини кўрсатиш, услубий тавсияларни чоп этиш ва ҳ.к.лар тушунилади.

Айрим профессионал аудиторлик хизматлари мөхиятини күриб чыксаң.

Хисобни юритиш. “Бухгалтерия ҳисоби түғрисида”ги қонунга күра бухгалтерия хизматига эга бўлмаган ташкилотда бухгалтерия ҳисоби шартномавий асосда ихтисослаштирилган ташкилот ёки тегишли мутахассис томонидан амалга оширилиши мумкин. Аудиторлик ташкилотлари ихтисослаштирилган ташкилотлар вазифасини муваффақиятли бажаришга қодир. Бу турдаги хизматлар учун ягона чеклов бундай ҳолларда аудиторлик ташкилоти (хусусий аудитор) ҳисоб юритаётган корхона ҳисботларининг ишончлилиги түғрисида хулоса бериш мумкин эмаслик билан боғлиқ.

Ҳисобни юритиш учун аудиторлик ташкилоти мижозлар учун ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқади, бухгалтерия ҳисоби секторлари учун иш режасини, ҳисоблар рўйхатини тузади, таҳлилий ҳисоблар ва регистрлар таркибини лойиҳалайди, ҳисоб юритиш шаклини тавсия қиласди. Аудиторлик ташкилоти ходимлари, корхона шартномани тузиш пайтида зарур ташкилий техникага (компьютер, алоқа воситалари) эга бўлмаса, техник воситалар комплекси бўйича мақбул мижозни танлаш бўйича тавсиялар бериши, дастурий таъминотни танлаш, ўрнатиш ва созлашни амалга ошириши, маълумотлар базасини тўлдириш ишларини бажариши мумкин.

Мижоз истагига кўра аудиторлик ташкилоти ходимлари бевосита буюртмачи оғисида ишлайди, у эса ўз зиммасига зарур ускуналар билан таъминлаш, аудитор иш жойини ташкил этиш ва ҳ.к.ларни ўз зиммасига олади. Агарда мижоз ташкилий жиҳозларни харид қилиш учун етарли маблағга эга бўлмаса ёки уни сотиб олишни мақсадга мувофиқ деб билмаса, ўз оғисида аудиторлик ташкилоти ходимлари фаолияти учун шарт-шароитга эга бўлмаса, у ўз зиммасига фақат бирламчи ҳужжатларни ўз вактида етказиб бериш мажбуриятини олиши мумкин. Барча қолган вазифаларни – бирламчи ҳужжатларни аудиторлик ташкилотига етказиб бериш, ҳужжатлар бутлигини таъминлаш, ҳужжатларга дастурий таъми-

нот ёрдамида ишлов бериш, таҳлилий ва синтетик ҳисоб юритиш регистрларини олиб бориш, мижозга бирламчи хужжатларни ва тузилган бухгалтерия ҳисобининг регистрларини мижозга етказиб бериш ва бошқа вазифаларни аудиторлик ташкилоти ўз зиммасига олади.

Ҳисоб унинг барча турлари ва иштирокчилари бўйича ҳамда унинг алоҳида иштирокчилари ёки бўлимлари бўйича (энг мураккаб ёки меҳнаттабаб бўлган), масалан, иш ҳаки бўйича ҳисоб-китоблар, моддий бойликларнинг ҳаракати (буортмачи марказий офицердан олисда жойлашган омборхоналарга эга бўлган тақдирда бундай хизмат тури талаб қилиниши мумкин).

Буортмачи корхонанинг бухгалтерия хизмати йўклиги туфайли унинг ҳисботни тузиш, солик декларацияларини тўлдириш, бухгалтерия ҳисботлари ва солик декларацияларини солик инспекциясида ва бошқа муассасаларда ҳимоя қилиш ишларини топшириш мумкин бўлган малакали ходими йўқ. Шу сабабли мижоз шартномага молиявий ҳисботни тузиш, бухгалтерия ҳисботлари ва солик декларацияларини солик инспекциясида ҳимоя қилиш ва бошқа турдаги хизматларни шартномага киритади.

Бухгалтерия ҳисобини тиклаш. Бу хизмат тури бир мартали характерга эга. Унинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун буортмачи томонидан барча бирламчи ва бошқа хужжатларнинг ўз вақтида тақдим килиниши, шунингдек, персонал компьютерларда ҳисобни тиклаш бўйича бутун ишлар комплексини бажаришта кодир бўлган дастурий таъминотдан фойдаланиш керак бўлади. Дастурий таъминотдан фойдаланиш даврнинг муайян босқичларида ҳисоб ечимларининг оқилона турларини ўрнатиш имконини беради.

Ҳисоб юритишни тиклаш – бирмунча мураккаб жараён. Шу сабабли уни амалга ошириш услубиёти ҳар бир алоҳида мижозда аудиторлик ташкилотининг энг малакали мутахассислари томонидан ишлаб чикилади.

Молиявий ҳисботни тузиш. Ишларнинг бу тури аудиторлик ташкилоти томонидан бухгалтерия регистрларини юритиш иши ёки унинг натижаси ёхуд буортмачи томони-

дан берилган бухгалтерия регистрлари бўйича ҳисобот тузилётган даврда аудиторлик ташкилотининг мустақил иш тури бўлиши мумкин. Хизматларнинг бу турида, шунингдек, ҳар бир алоҳида мижоз учун зарур бўлган бюджетдан ташқари ижтимоий давлат фондлари учун ҳисоботлар тузилишини назарда тутади.

Солик инспекциясида молиявий ҳисоботнинг ҳимояланиши. Солик инспекциясига ҳисоботларни топшириш – мутахассисдан тегишли малакани ва вақт сарфини талаб этувчи жараён. Солик инспекциясида бухгалтерия (молия) ҳисоботи статистика органларига белгиланган статистик ҳисобот шакллари, шунингдек, бюджетдан ташқари давлат жамғармаларига ҳисоботлар топширилгани тўғрисидаги қайдларсиз қабул қилинмагани туфайли солик инспекциясида ҳисоботларни ҳимоялаш даставвал барча давлат ижтимоий бюджетдан ташқари жамғармаларда ҳисоботларнинг ҳимояланганилиги ва статистика органларига статистик ҳисоботларнинг топширилганлигини назарда тутади. Хизматларнинг бу тури аввалгиси билан зич боғлик бўлиб, бунда ҳисоботлар олдиндан мазкур аудиторлик ташкилоти томонидан тузилган тақдирда амалга оширилади. Ҳисоботларнинг муваффакиятли топширилиши ва ҳимояси аудиторлик ташкилотининг ҳисобот тузиш бўйича сифатли ишидан далолат беради, унинг нуфузини оширади ва бу мижознинг аудиторлик ташкилоти ҳамкорлигига якунланган тус беради, айни пайтда келгусида биргаликда ҳамкорлик қилиш гарови ҳисобланади.

Амалдаги ҳисоб юритиш тизимини такомиллаштириш (модернизациялаш). Аудиторлик хизматининг ушбу тури мижозда амал қилиувчи бухгалтерия ҳисоби тизими билан танишувни тақозо этади. Аудитор қўлланиладиган ҳисоб юритиш тизимининг асослилиги, уни амалга ошириш бўйича қабул қилинган ҳисоб ечимларининг асослилигини ўрганади. Шунга мувофиқ уёни модернизациялаш (заруратга кўра) тавсия қилинади. Бу турдаги хизматлардан, одатда, қонунчиликдаги ўзгаришлар туфайли ишончсизликни ҳис қиласидиган

корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ва малакали бухгалтерлар фойдаланади. Бу ҳолда аудиторлик ташкилоти ходимлари ҳисоб юритиш ишлари ташкилий жиҳатларини батафсил ўргангач ҳисоб юритишнинг мукаммалроқ бўлган шаклига ўтишни тақлиф килиши, уни автоматлаптириш тизимини танлаши, илғор ва ҳали кенг таркалмаган ҳисоб юритиш усулларини жорий этиши мумкин.

Бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш. Хизматнинг бу турiga чора-тадбирлар мажмуи, энг аввало узоқ муддатли ҳисоб юритиш сиёсатини аниклаш, бухгалтерия ҳисоби шаклини танлаш, техник воситалар комплексини танлаш, бухгалтерия хизмати таркибини шакллантириш, бухгалтерия ходимлари учун ҳужжат айланиши жадвалини ва лавозим йўрикномасини ишлаб чиқиш киради. Ушбу чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида буюртмачида бухгалтерия ҳисобининг оқилона тизимини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Бу турдаги хизматнинг ўзи бир марталик характерга эга, шу сабабли алоҳида аудиторлик ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган бухгалтерияга оид (молиявий, бошқарув, соликқа оид) ҳисоб юритишнинг намунавий технологиясига янги ташкил топаётган корхоналарда талаб катта.

Иқтисодий ва молиявий таҳлилни амалга ошириши. Кейинги пайтларда бу турдаги хизматга талаб жиддий равишда кучайди. Бунинг сабаби шундаки, янги иқтисодий шарт-шароитларда етарли вақт давомида хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг молиявий аҳволини аниклаб олишга, маҳсулотларнинг (ишлар, хизматларнинг) кайси турлари даромад ёки харажат келтираёттанини билишга ва бошқа максадга интилади. Айрим корхоналар (кўпинча ҳозирги пайтда акциядорлик жамиятларига айлантирилган собиқ давлат корхоналари) ночор аҳволга тушиб қолган ва банкротлик ёкасида турибди. Аксарият корхоналарда мутахассислари бозор иқтисодиёти шароитида молиявий аҳволни таҳлил килиш усулларидан хабардор эмас, бизнес режа тузиш тажрибасига

эга эмас.

Маслаҳат хизматлари. Бу хизмат турини аник таърифлаш ниҳоятда мушкул. Бу турдаги хизматларга солиқ солиши ва солиқ қонунчилигини бузганлиги учун жарима чоралари міндері белгілініши ва ҳисобланиши түғрилиги масалалары бүйіча тушунтиришларни бажариш, бирламчи ҳисоб юритиш, хұжалик шартномалари (контракталарга) мос бўлган ҳисоб қарорлари бүйіча тавсиялар киради.

Хозирги пайтда назоратнинг кейинги шакли бўлган аудитга эмас, балки назоратнинг дастлабки ва жорий (тезкор) турларига (масалан, бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиши масалалари бүйіча маслаҳат бериш) талаб кучайган. Бу каби хизмат турларига талабнинг ўсиши ҳисобот топширилишидан аввал ва йиллик ҳисобот топширилиши билан боғлиқлиги кузатилган. Гап шундаки, аудиторлар томонидан йиллик балансларнинг текширилиши натижаларига кўра олдини олиш мумкин бўлган жиддий нұқсонлар аниқланади. Аммо бунинг учун аудиторни олдиндан, ҳисобот топширилишидан аввал таклиф қилиш керак. Бу ҳолда ҳисоб юритишда танланган ҳисоб юритиш сиёсатидан четлашувга йўл қўймаслик, соликларни тўғри ҳисоблаш мумкин.

Корхоналар (муассасалар, ташкилотлар) бухгалтерия ходимларининг малакасини ошириш. Шу мақсадда мутахассис аудиторлар томонидан маъruzалар курси, амалий машғулотлар, “давра сұхбатлари” ўтказилиши кўзда тутилган. Айни пайтда аудиторлик ташкилотлари томонидан давлат солиқ инспекцияси, ЎзР молия вазирлигининг етакчи мутахассислари ва республиканинг етакчи олий ўқув юртларининг ўқитувчилари ва ходимлари жалб қилинади. Бухгалтерия ходимларини ўқитиш билан боғлиқ хизматлардан фарқли равишида бундай хизмат турлари семинарлар иштирокчиларида муайян малака бўлишини талаб қиласади. Ташкилотчи аудиторлар семинарлар ва курслар иштирокчилари эътиборини муайян даврда фуқаролик, солиқ қонунчилиги ва

бошқа конунчиліктердің салыр бүлгелерінде оның мәсьерий ұжымдар бүйінчи шаралар беріледі, хисоб юритиш нарыксарлар түшінілгенде жаңы күйнөуден кейін деңгээлдердің тәжірибелі квалифицированные семинаристар жаңоб береді.

Бухгалтерия қадимларының үйітіші. Бұл тұрағын хизметшілердің тиңбұяқчыларда бухгалтерия хисоби ва соңғы соңғы соһасында маңаусыз билімдегі зерттеу бүлшілік тәсілдердің. У бухгалтерия хисобиниң юритішінде жаңы күйнөуден кейін деңгээлдердің тәжірибелі квалифицированные семинаристар жаңоб береді.

Маңылум дәнгри аудиторлық тәжірибелі ходимлардың корхона бухгалтерия мен учун хисоб юритішінде жаңошыда участка сидан болып, бөшін бухгалтер на мөнніний директорлардың ходимлар штаттарының тәжірибелідердің. Тәжірибелі асесен шебілармен тік сифатларында жаңоб амандаттауда. Бухгалтерияның бұлғасын жаңошының психологиялық мөселешүйекшілікке тәжірибелі учун аудиторлық тәжірибелердің мұтахас-сан психологияларының тәжірибелідердің. Бұл тұрағын хизмет күйнегендегінде бухгалтерлердің тәжірибелідердің үйітіш (бөшіліктердің курсы), ходимларни персонал комітектерлердің бухгалтерия хисобиниң юритішінде жаңоб береді.

Уәзубий құыштыманияның өткізу. Бұлай құыштымашылар бухгалтерия хисоби, соңғы соңғы, тәжірибелі аудит бүйінча өткізу көзінде. Ходимлардың үшінде түрлі оғындардан мактау бүйінчай үәзубий, үкүн на оммабой жағдайларда шешілдік мұағылыми жаңомендердің мәтбаса базасында оғын Айрик аудиторлық тәжірибелі ходимдердің күргендерінде. Оданда құдурда (шахарда, ишкөндіде) маңаусыз жағдайларда бүлгелердің өткізу көзінде үшінде тәжірибелі аудиторлардың тәжірибелі жаңоб береді.

Аудиторлық тәжірибелердің мәжбүрларынан құыштымашылардың оғындарынан түшінін тәжірибелі жаңоб береді. Бұның масалан, маңылум дәнгрий национальдық обуна бүлшілдердің тәжірибелі жаңоб береді.

лик ташкилотларида адабиётларни чоп этиш масалалари йўлга кўйилган.

Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш. Бу аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг истиқболли йўналишларидан бири. Ҳисоб юритишни автоматлаштириш энг аввало бозорда мавжуд бўлган дастурий маҳсулотлардан ҳисоб юритишни автоматлаштириш бўйича амалий дастурлар тўпламини танлаш ва уни мижоз фаолиятининг ўзига хос жиҳатларига мослаштириши тақозо этади. Навбатдаги босқич – ҳисоб юритишни автоматлаштириш бўйича амалий дастурларни ишлаб чиқиши ёки ишлаб чиқишида интирок этиш. Одатда, автоматлаштириш тизимини танлаш, жорий этиш бўйича хизматлар ходимларни компьютерда ишлашга ўргатиш, бухгалтерия ҳисобини йўлга кўйиш хусусан, техник воситалар комплексини танлаш билан боғлиқ бўлади.

Биз аудиторлик ташкилотининг профессионал хизматларига доир бўлган асосий, кўп учрайдиган турларини кўриб чиқдик. Келтирилган характеристика бундай ишларнинг амалга оширилиши аудиторлик ташкилотлари учун ҳам, хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳам фойдали ва мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда.

Мавзунинг таянч иборалари:

Аудит иш сифати, аудиторнинг мустақиллиги, аудиторлик маслаҳатлар, аудитор ва аудиторлик ташкилотининг ҳуқуқлари, аудиторлик бурч, ёхтиёткорлик тамоили, масъулият тамоили, имтиёзли аҳборот тамоили.

Савол ва топшириқлар:

- 1. Аудит ўтказишда томонлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар нималардан иборат?*
- 2. Томонлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ қандай тамоилилар мавжуд?*
- 3. Текшириш чогида аудиторлар ва аудиторлик ташки-*

лотларининг ҳуқуқ ва бурчлари нималардан иборат?

4. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг ҳуқуқ ва бурчлари нималардан иборат?

5. Аудит ўтказишда аудиторлик ташкилоти ва хўжалик юритувчи субъектлар масъулияти ва уларнинг турларини айтинг.

6. Аудитнинг ҳалқаро стандартлари, уларнинг моҳияти, аҳамияти, нимада?

7. Аудит мислий стандартларининг моҳияти деганда нимани тушунасиз? Аудиторлик стандартларининг асосий гуруҳлари тўғрисида тушунча беринг.

8. Ички аудиторлик стандартлари, уларнинг моҳияти ва аҳамияти нимадан иборат?

9. Аудитнинг ахлоқий меъёрлари, уларнинг тамойиллари деганда нимани тушунасиз?

10. Аудиторлик ташкилотлариңинг профессионал хизматлари, уларнинг турлари ва моҳиятини тушунтириб беринг.

III БОБ. АУДИТОРЛИК ТЕКШИРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

3.1 Аудиторлик текшириш босқичлары

Аудиторлик текшириш куйидаги асосий босқичларга бўлинади:

Режалаштириш босқичи. Ушбу босқич куйидаги аудиторлик амалларини ўз ичига олади:

- текшириш ҳажмини аниқлаш;
- аудит ўтказиш учун розилик ҳакидаги мажбурият хати ни тузиш;
- аудиторлик текширишга оид шартнома тузиш;
- корхонанинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини ўрганиш;
- аудиторлик текширишнинг умумий режасини тузиш;
- аудитнинг дастурини тузиш;
- ички назорат тизимини тестлаш;
- ички назорат тизимини тестлаш натижасида аудиторлик танлаш миқдорини аниқлаш;
- ички назорат тизимини қониқарли ёки қониқарсиз тестлаш натижаларига кўра аниқ дастурини тузиш каби пардир.
- аудиторлик текширишни ўтказиш босқичи. Бу босқичда куйидаги аудиторлик амаллари бажарилади:
 - дастурда белгиланган бухгалтерия ҳисоби ҳисоблари бўйича обороти ва сальдосини текшириш;
 - аудиторлик амалларни бажариш натижасида аудитнинг ички ҳужжатларини расмийлаштириш;
 - текшириш чоғида йигилган аудиторлик далиллар.
 - аудиторлик текшириш натижаларини умумлаштириш босқичи. Мазкур босқичда:
 - аудит дастури бўйича текшириш тўлиқ бажарилишини баҳолаш;
 - текширишда амиқланган хато ва камчиликларни муҳимлигини баҳолаш;
 - текшириш амалга оширилган корхона раҳбариятига аудит натижалари бўйича ёзма маълумот тузиш;

- текшириш натижаларини текширилаётган корхонанинг раҳбарияти билан муҳокама қилиш;
- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботига киритиладиган ўзгаришларнинг мақсадга мувофиқлиги;

1. Аудиторлик ҳисботда кўрсатилган хато ва камчиликларни бартараф қилгандан сўнг мижоз ташкилотга бериладиган ёзма маълумотни охирги варианти, каби амалларни ўз ичига олади.

2. Молиявий ҳисботни ишончлилиги тўғрисида аудитор ва аудиторлик ташкилотнинг хуносасини шакллантириш босқичи. Ушбу босқичда аудиторлик хуноса берилади, бухгалтерия ҳисоби ва тизимини яхшилаш ва такомиллаштириш бўйича тавсияларни шакллантиради. Мижоз ташкилот раҳбарияти билан аудиторлик текшириш натижаларини ва тавсияларини нечоғлиқ бажарилишини муҳокама қиласидар. Аудиторлик текширишни барча босқичларида “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуннӣ, аудитнинг миллий стандартлари талаблари ва шартларига риоя қилинган ҳолда қўйидаги принциплар асосида амалга оширадилар.

Аудиторлик текшириш ҳажмини аниқлаш бажариладиган ишларни характеристи ва кўлами тўғрисида аудиторнинг касбий фикр – мулоҳазаси аудиторлик текширишнинг предмети ҳисобланади ва бу аудитнинг мақсадига эришишда зарурдир. Бу кўп ҳолларда текшириш шартларига қараб ҳал этилади. Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текшириши ҳажмини аниқлашда одатда аудиторлик фаолиятни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларига, аудиторлик хизматига доир шартноманинг мазмуни, мижоз ташкилотнинг фаолияти тўғрисида олинган маълумотлар ва унинг фаолияти хусусиятлари каби ҳолатлардан келиб чиқади.

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик амаллар ўтказишни турлари сони ва изчилиги тўғрисида нафақат мустакил қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга балки уни бажарилишига ҳам масъулдир.

3. Аудит ўтказишда аудитни режалаштириш, аудиторлик далилларни йиғиш, бошқа мутахассислар ишларидан фойдаланиш, хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти билан алоқада бўлиш, аудитни ҳужжатлаштириш, маълумотларни умумлаштириш, молиявий ҳисоботни ишончлилиги тўғрисидаги хуносани шакллантириш кабилар асосий тадбирлардан ҳисобланади.

Текшириладиган обьектнинг фаолиятини ўрганиш асосида алоҳида аудиторлик амаллар бажарилади ва текшириш режаси тузилади. Режалаштиришнинг асосий максади самарали ва иқтисодий асосланган текширишни оқилона ташкил килиш ҳисобланади. Режалаштириш босқичида одатда аудитнинг стратегия ва тактикаси, унинг ўтказиш вақти аниқланади, аудитнинг умумий режаси ва дастури ишлаб чиқилади.

Аудиторлик ташкилоти барча ишларни бажаришда мижоз ташкилот фаолиятини максимал имконият даражада ўрганиб чиқади.

Аудиторлик текширишга четдан бошқа мутахассисларни фуқаролик ҳуқукий шартнома асосида жалб қилиш мумкин, хусусан аудитор ёрдамчи аудиторлари, эксперtlар, ички аудиторлар ва бошқа аудиторлик ташкилотларининг аудиторларини аудиторлик текшириш жараёнида жалб қилиш мумкин. Аудиторлик ташкилоти фаолиятига баҳо беришда ўтказилган аудиторлик амалларини уларнинг таснифий белгилари ва хусусиятлари, шунингдек, бошқа ишончли аудиторлик далилларни олиш имкониятларидан қай даражада фойдаланганлиги билан ҳам белгиланади. Аммо бошқа мутахассисларнинг ишларидан фойдаланиш аудиторлик ташкилотини берган хуносасининг ишончлилигига бўлган жавобгарликдан озод этмайди.

Аудиторлик текширишнинг асосий жараёнлари, аудиторлик хуноса тайёрлаш учун аҳамиятта эга бўлган мухим натижалар, шунингдек, аудитни сифатли ўтказишга доир аудиторлик амаллар ҳужжатли расмийлаштириб борилади.

Аудитнинг ишчи хужжатлари етарли даражада тўлиқ ва ишончли бўлиши зарур, акс ҳолда хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботига берилган хulosани ишончлилигини тамилламаслиги мумкин. Текширилаётган обьектда аудит жараёнини расмийлаштириш аудитнинг б-сонли «Аудитни хужжатлаштириш» миллий стандарти талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Аудиторлик ташкилот томонидан текшириш натижасида олинган маълумотлар умумлаштирилиб текширилаётган хўжалик юритувчи субъектни молиявий ҳисоботига хулоса беришга асос бўла олади. Аудиторлар буни амалга оширишда аудиторлик фаолиятига тегишли меъёрий хужжатлар талабларини инобатга оладилар. Аудиторлик хулоса меъёрий хужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ молиявий ҳисоботни ишончлилик даражасини аниқ ифодалаши шарт.

“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунга мувофиқ аудиторлик хулосанинг шакллари республикамида бошқа мамлакатлар, чунончи Россия Федерацияси аудит стандартларидаги хулоса шаклларидан фарқли равишда икки хил тузилади. Ижобий ва салбий аудиторлик хулосалари. Ижобий аудиторлик хулоаси молиявий ҳисббот кўрсаткичларини унинг молиявий аҳволини маълум санага ҳаққоний акс эттирилишини ва у амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари қонун хужжатлари талабларига мувофиқлигини ифодалайди.

Салбий хулоса эса хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисботи унинг молиявий аҳволини малум бир санага ҳаққоний акс эттириласлигини кўрсатади.

Хулоса беришдан бош тортиш биздаги стандартга мувофиқ хулосанинг шаклларига кирмайди. Хулоса тайёрлаш ва аудитор ўз фикрини ифода қилиш учун аудиторлик далиллар етарли бўлмаса ёки тегишли хужжатлар тақдим этилмаса аудиторлик ташкилоти унинг молиявий ҳисботига мустақил холисона хулоса беришдан бош тортади.

3.2. Аудиторлик ташкилотининг мижоз олдидаги мажбурият хати

Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги конунига мувофик мажбурий аудиторлик текширишга тортиладиган хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик ташкилотини ўзи мустакил равишда танлаши мумкин. Аудиторлик ташкилотлари ўзларини интернет, матбуот ва бошқа оммавий аҳборот воситаларида реклама қилиш орқали аудиторлик хизматга оид таклифларини берадилар. Мижоз аниқ бир аудиторлик ташкилотини танлаб унга аудиторлик хизмат кўрсатишга доир хат-таклифнома юборади.

Хатда корхонанинг тўла номи, унинг асосий тавсифи (давлат рўйхатидан ўтган вакти, раками, таъсисчилар сони, юридик манзили, устав капиталининг миқдори, фаолият тури, ташкилот ва ўзининг аудиторлари тўғрисида кисқача маълумот, хизмат кўрсатилган мижоз ташкилотлари, аудиторлик текширишнинг муддатлари, аудиторлик хизмат учун тўланадиган ҳак миқдори, шартлари ва бошқа маълумотлар) кўрсатилиши лозим.

Аудиторлик ташкилоти оферта (аудит ўтказиш тўғрисида таклиф килинган мактуб)ни олгач унга жавоб қилиши лозим. Офертада шартноманинг мухим шартлари назарда тутилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-моддаси офертага бағишлиланган бўлиб, унинг мазмуни куйидагича баён қилинади: Бир ёки бир неча муайян шахсга юборилган, етарли даражада аниқ бўлган ва таклифни киритган шахснинг ўзини таклиф йўлланган ва уни қабул қиласиган шахс билан шартнома тузган деб ҳисоблаш ниятини ифода этадиган таклиф оферта ҳисобланади. Офертада шартноманинг мухим шартлари ифода килинган бўлиши керак. Оферта йўллаган шахсни қабул қиласиган шахс билан уни олган пайтдан бошлаб боғлайди. Халқаро аудиторлик амалиётида бундай жавобни «Аудиторнинг мижоз олдидаги мажбурият хати» деб аташади.

Худди шундай аудиторлик стандарти бизнинг мамлакатимиздаги аудиторлик фаолияти амалиётида «Аудит ўтказишга

розилик тўғрисида мажбурият хат» ҳозирги кунда деярли қўлланилгани йўқ. Мажбурият хати аудиторлик ташкилотининг мижоз тақлиф этган шартларга розилигини ҳамда уз олдига қўйилган аудит ўтказиш вазифасини, мижоз олдидаги масъулият даражасини тушунгандигини тасдиқлайдиган ҳужжатни ифода киласди.

Айни пайтда хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти аудиторлик текширишининг мақсади, вазифаларини ҳамиша аник-равшан тушунмайди, шунингдек, корхонанинг бошқа ходимларидан текшириш учун талаб қилинадиган ҳужжатларга доир масъулият даражасини тасаввур қилмайди. Аудиторликни текшириш босқичида ҳал қилиб бўлмайдиган мажароли масалаларни текшириш ўтказишга шартнома тузишдан олдин мижозга тушунтириш зарур.

Аудиторлик ташкилоти томонидан текширишдан олдин уз мижозига юборган мажбурият хати аудиторлик текширишнинг якунловчи босқичида – мижознинг ҳисоботи ишончлилиги тўғрисида аудиторнинг сўнгти фикрини шакллантириш ва аудиторлик хulosасини тузиш, шунинг билан биргаликда мижоз раҳбариятининг ҳисоботига тузатиш киритиш ёки киритмаслик мақсадида бир тўхтамга келиш чоғида англашимовчиликка йўл қўймаслик учун ёрдам беради.

Куйидагилар хатнинг асосий мазмунини ташкил этади:

* аудит обьектлари баёни (бухгалтерия ҳисоби, ички назорат тизими, молиявий ҳисобот каби текшириш обьектлари);

* аудит чегараларини билиш (риоя қилинадиган амалдаги мөтёрий ҳужжатлар, конунлар ва аудиторнинг тавсиялари билан бирга);

* аудиторлик хулоса турларининг рўйхати, унинг таркиби, таърифи;

* мижоз ички назорат тизимининг мукаммал бўлмаганда бухгалтерия ҳисобидаги муҳим ноаникликлар ва хатоларни канчалик аниқланиш даражаси;

* аудиторлик текшириш учун аҳамиятли барча ҳисобитоблар, тегишли ҳужжатлар ва ахборотлардан тўсқинликсиз фойдаланишни таъминлаш;

* текширилаётган хўжалик юритувчи субъект ходимларининг аудиторлик текширишда бевосита ёрдамини таъминлаш;

* аудиторнинг тижорат сирини саклаш мажбурияти.

Аудиторнинг мижоз олдидағи мажбурият хатини тузиш юзасидан қатъий тавсиялар йўқ, хат мазмуни эса энг аввало мижознинг эҳтиёжлари, унинг молиявий аҳволи, аудитор билан мижоз ўртасидаги ўзаро ишонч даражаси билан белгиланади. Лекин уларни ичидан қуидагиларни мажбурий деб ҳисоблаш мумкин:

– бухгалтерия ҳисобини, ички назорат тизимини аудиторлик текширилишининг максади тўғрисида;

– текшириш учун тақдим этилган молиявий ҳисоботни ҳаққонийлиги учун хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг масъулияти ҳакида;

– текшириш чоғида аудитор фойдаланадиган қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳакида;

– аудитор бажарган ишларининг натижалари юзасидан ҳисоботининг шакли тўғрисида;

– аудит чоғида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботида айрим хатоларни аниклаш мумкинлиги тўғрисида.

Аудитор ўз ҳохиши бўйича хат матнига аудит ўтказишнинг қиска режасини, хўжалик юритувчи субъектларнинг ходимлари ва раҳбарларидан ёзма ва оғзаки шаклда зарур тушунтириш бериш тўғрисидаги илтимосни, текшириш чоғида кутилмаган қўшимча ишлар пайдо бўлганда аудитор хизмати учун қўшимча ҳак тўлаш шартларини, мижоз аудиторлик ташкилотидан мажбурият хат олганини тасдиқлаши тўғрисидаги илтимосни кўшиши мумкин.

Хат матнига аудиторлик ташкилоти ишда фойдаланиш учун олдинги аудиторлик текшириши натижаларини, солик хизмати органлари ва бошқа назорат органларининг текшириш далолатномаларини аудиторга тақдим этиш тўғрисидаги илтимосни киритиш мақсаддага мувофиқдир.

Одатда мажбурият хати мижозга фақат дастлабки аудиторлик текшириш олдидан юборилади. Такрорий аудит ўт-

казиладиган бўлса аудиторлик ташкилотининг мижоз олди-даги мажбурият хати фақат қуидаги ҳолларда юборилади:

* мижоз раҳбарияти ёки ходимлари аудит объектларини, аудит кўламини, аудиторлик ташкилоти хизмат кўрсатишда ёки текшириш ўтказишида чекловлар мавжудлигини, тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисобот ва бошқа ҳужжатлар учун ўз масъулияти даражасини тушунмаганда;

* аудиторлик текширишнинг муддатлари, тўланадиган ҳақ миқдори ва бошқа шартлари қайта кўриб чиқилганда ёки ўзгартирилганда;

* Мижоз раҳбарияти таркибида, масъул ходимлар таркибида ўзгариш бўлганда;

* текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг фаолијати турида ва фаолият кўламида муҳим ўзгариш бўлганда, шунингдек, тегишли қонунларга, меъёрий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилганда.

Аудит ўтказишига розилик тўғрисида мажбурият хати намунаси

**Корхона бошқаруви кенгашига,
корхона директорига ёки Акционерларга
(юқори раҳбарият вакилига).**

Корхонангизнинг молиявий ҳисоботини аудиторлик текшириш ўтказиши тўғрисидаги таклифингизни қабул қиласиз. Амалдаги қоидаларга ва аудит меъёрларига мувофиқ молиявий ҳисобот ва унинг шакллари, бухгалтерия ҳисоби регистлари ва айрим бошлангич ҳужжатлар ўрганилиши лозим.

Биз аудитни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, жумладан, «Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, меъёрий ҳужжатлар ва қоидаларга, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолияти миллий стандартлари талабларига мувофиқ ўтказамиз.

Аудитнинг мақсади – корхонанинг 2011 йил молиявий ҳисоботида келтирилган ҳисоб кўрсаткичлари ва молиявий

Ҳисоботнинг тўлиқлиги ва тўғрилиги даражасини баҳолашдан иборат. Ўз ҳуросаларимизни асослаш учун биз ҳисоб ахборотининг тўврилиги ва етарлилигини текширишда тест амаларидан ҳам фойдаланамиз ва уларни амалга ошириш чоғида корхонангиз мутахассисларининг иштирокига умид қиласиз.

Тестларнинг танилаб ўтказилиши ва бошқа чекланишлар туфайли айрим хатолар ва ноаниқликлар бўлиши мумкин. Биз уларни мумкин қадар камайтиришга ҳаракат қиласиз, лекин ҳуросаларнинг мутлоқ аниқлигига кафолат бера олмаймиз. Ҳисоб ва ҳисоботда белгиланган тартибдан барча четга чиқишлар ҳамда хатолар ва товламачилик фактлар тўғрисида сизга алоҳида хатда маълум қилинади.

Молиявий ҳисоботни тузиш, жумладан ҳисобнинг дастлабки маълумотлари тегишилича акс эттирилиши учун, бухгалтерия ёзувлари ва ички назоратнинг бир хилтигини таъминлаш, молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги учун раҳбариятнинг жавобгарлигини сизга эслатиб ўтамиш. Биз корхона раҳбариятидан аудит учун тақдим этилган ахборотнинг тўғрилиги ва тўлалигини ёзма равишда тасдиқлашини сўраймиз. Сизнинг ходимларингиз билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга ва бизнинг ихтиёrimизга аудиторлик текширишини ўтказиш учун зарур бўлган ҳар қандай ёзувлар, ҳужжатлар ва бошқа ахборотларни ўз муддатида беришшига умид қиласиз.

Бизнинг гонараримиз ишнинг бажарилишига ва аудит ўтказиш учун талаб қилинадиган вақтга ва бевосита жорий ҳаражатларга қараб аниқланади.

Айрим иш турларини ҳаки аудиторлар ва уларнинг ёрдамчиларининг масъулияти даражасига, тажрибасига ва мала-ка даражасига мувофиқ ўзгариши мумкин.

Ушбу хатнинг нусхасини Сиздан молиявий ҳисобот аудитига мувофиқлигини кўрсатиб, имзолаб, қайтаришингизни сўраймиз.

**Аудиторлик
ташкилоти раҳбари
вақти, шаҳри**

имзоси

3.3. Аудиторлик текширишга оид шартнома ва унинг мөдияти

Аудиторлик хизмати кўрсатиш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган ҳукукий муносабатлар бошқа фуқаролик – ҳукукий шартномалар, хусусан, пудрат шартномасига оид ҳукукий муносабатлардан жiddий фарқ килади. Шунинг учун ҳам аудиторлик хизматга оид шартнома бошқа шартномаларга нисбатан ўз хусусияти билан фарқ килади. Мижоз билан аудиторлик ташкилот ўртасидаги аудиторлик хизматга доир ўзаро муносабатлар имзоланган шартномага мувофиқ тартибга солинади. Аудиторлик текшириш давлат органларининг топшириги билан ўtkазилаётган ҳолларда ҳам шартнома билан тартибга солинади.

Шартномада кўрсатилган шартларнинг бажарилиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосланади. Кодекснинг шартномага оид айрим моддалари императив (мажбурий), бошқалари диспозитив тусдадир. Императив меъёрларга хўжалик юритувчи субъектлар томонидан риоя қилинmasлиги мумкин эмас, бу эса уларга Фуқаролик кодексида қандай айтилган бўлса, худди шундай амал қилинишини билдиради, бошқача бўлиши мумкин эмас. Диспозитив тусдаги меъёрлар эса шартномада бошқа меъёр кўзда тутилмаган ҳолларда ҳам амал килади. Бу агар шартномада маълум жавобгарлик кўзда тутилган бўлса, фақат шартномада кўрсатилган масъулият тушунилишини билдиради. Фуқаролик кодекси меъёрининг бундай амал қилиши аудиторлик текширув ўтказиш учун шартноманинг шакли ва мазмунини ишлаб чиқишида ва аудиторлар ва аудиторлик ташкилотининг мижоз олдидаги масъулиятини белгилашда катта ахамиятта эга бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида шартнома мажбуриятлари тизимига ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси киритилган ва бу масала 38-бобда баён қилинган.

Аудиторлик текшириши ўтказиш тўғрисидаги шартномага аудиторлик ташкилот раҳбарияти буюртмачига ишни давом эттириб, буюртмачига зарур натижага эришиш – ижобий ёки салбий аудиторлик хulosаси чиқариш имконияти йўклигини

асослаб берувчи хужжатни тақдим үтгүнің калар аудиторлик ташкилоти бажартган ишлар қийматини аниклайдиган мезонини бир банд сифатыда киритиш мақсадта мұвоғиғидір. Одатда шундай мақсадлар учун аудиторлик ташкилотининг ҳар бир ходимигі соатбай ҳақ белгиланаади.

Тушунмөвчилік бўлмаслиги учун индик бир мижоңда аудиторлик текшириши үткөлини режасини (дастурини) туиш боқсичида текширувчилар гурухи таркибини тушиб чиқиб, буюртмачи билан келишиб олиниш таңсия қилиш мумкин. Бироқ корхоналарда кириш учун рухсатнома тизими йўлга кўйилган бўлса, текширувчилар гурухининг қайси възолари (одатда улар йирик саноат ва тижорат корхоналари) качон ва қанча вакът бўлганини аниқлаши Аммо текшириши учун хужжатларни мижоңдан аудиторлик ташкилоти олиб, текширишини ўз оғисида амалга ошираса, қандай бўлади? Тўплантган материалларни ишлап билан ходимлар бевосита аудиторлик ташкилотида шугуулашётгани ва уларнинг ишнага ҳақ тўлаши лозим бўлган мижоз уларни ҳатто кўрмаган бўлса, бу ходимларнинг иш вактини қандай ҳисобга олиш мумкин? Шартноманинг иш натижасига эришиб бўлмайдиган ҳолат оқибатини аниқлашга бағишиланган бандига илова қилиналигидан маҳсус баённомада буларнинг ҳаммасини назарда туғиши зарур.

Буюртмачи ўнга кўрсатилган хизматлар ҳакини ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида кўрсатилган муддатларда ви тартибда тўлаши шарт. Ижрочи ўзи айблор бўлмагани ҳолда хизматни бажаря олмаган тақдирда, буюртмачи ижрочига унинг ҳаражжатларини тўлашин шарт, бунда ижрочининг хизмат (хизматлар) кўрсатишдан озод қилининши муносабати билан олган ёки олиши мумкин бўлган фойдаси чегириб қолинади. Буюртмачининг айби билан хизматни бажарниш мумкин бўлмай қолган тақдирда, алар қонун хужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хизматлар баҳоси бутунлай тўланиши керак.

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини буғанлик учун ижрочининг жавобгарлиги. Ижрочи ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини умуман ёки тегисили даражада ба-

жармаган ҳолларда у келтирилган зарарни буюргачига батамом тўлаши шарт, лекин бу тўлов шартномада назарда тутилган хизматлар баҳосининг икки бараваридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш вақтида ижрочи мажбуриятини умуман ёки тегишли даражада бажармаган ҳолларда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида ушбу модданинг биринчи кисмида кўрсатилгандан кучайтирилган жавобгарлик назарда тутилиши мумкин.

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилиш. Буюргачи хизматларнинг белгиланган баҳосини батамом тўлаш шарти билан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома ижро чининг айбли ҳаракатлари туфайли бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно. Ижрочи шартнома бекор қилиниши туфайли буюргачига етказилган зарарнинг ҳаммасини тўлаш шарти билантина ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома буюргачининг айби билан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини ҳукукий жиҳатдан тартибга солиш. Пуллик хизмат кўрсатишга шартнома тузиш ва уни ижро этиш чоғида пайдо бўладиган бошка барча масалалар бўйича, Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексига асосланиб, агар улар мажбурий ҳукуқнинг умумий қисмига қарама-қарши бўлмаса, пудрат тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилиши мумкин.

Пуллик хизмат кўрсатиш шартномасининг бошка шартномалардан яна бир фарқи уни бир томонлама бекор қилиш тартибидир. Ўзбекистон Республикаси Фукородик кодексида белгиланган бу меъёrlар императив тусдадир. Фуқаролик кодексининг 357-моддасига мувофиқ шартнома тузилган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб колади. Тарафлар ўзлари тузган шартноманинг шартларини уларнинг шартнома тузишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишга ҳақлидирлар. Конунда ёки шартномада шартноманинг

амал қилиш муддати тугаши тарафларнинг шартнома бўйича мажбуриятлари бекор бўлишига олиб келади, деб белгиланиши мумкин. Бундай шарт ёзиб кўйилмаган шартнома тарафлар мажбуриятни бажаришининг шартномада белгилаб кўйилган охирги муддатигача амал қиласди, деб хисобланади. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод қilmайди.

Фуқаролик кодексининг 354-моддасига мувофиқ шартноманинг шартлари тарафларнинг хоҳиши билан белгиланади, тегишли шартнинг мазмуни қонун хужжатларида кўрсатиб кўйилган ҳоллар бундан мустасно. Шартноманинг шарти тарафлар келишувида бошқача тартиб белгилаб кўйилмаганилиги туфайли кўлланиладиган норма (диспозитив норма) да назарда тутилган ҳолларда тарафлар ўзаро келишиб, унинг кўлланишини бекор қилишлари ёки унда назарда тутилганидан бошқача шартни белгилашлари мумкин. Бундай келишув бўлмаганда шартноманинг шарти диспозитив норма билан белгиланади. Агар шартнома шартлари тарафлар ёки диспозитив норма билан белгилаб кўйилган бўлмаса, тегишли шартлар тарафлар ўртасидаги муносабатларга нисбатан кўлланилиши мумкин бўлган тартиб асосида белгиланади.

Уларнинг ичida куйидагиларни энг муҳимлари деб хисоблаш мумкин:

1. Шартномага доир ишларнинг ўз вақтида бажарилиши;
 2. Ҳужжатларнинг сақланиши;
 3. Ишни бажариш чоғида буюртмачининг хукуклари;
 4. Буюртмачининг кўмаги;
 5. Ахборотнинг маҳфийлиги;
 6. Бажарилган ишнинг сифати учун аудиторлик ташкилотининг масъулияти;
 7. Буюртмачининг аудиторлик ташкилоти бажарган ишини қабул қилиб олиши;
 8. Иш сифати;
- 1. Шартнома бўйича ишларнинг ўз вақтида бажарилиши.** Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 635-моддасига мувофиқ, шартномада ишни бошлаш ва тутгаллаш муддатлари кўрсатилади. Томонларнинг келишувига

мувофик шартномада ишнинг айрим босқичларини тугаллаш муддатлари (оралиқ муддатлари) кўзда тутилиши мумкин. Конунда, бошқа ҳукуқий ҳужжатларда, шартномада ўзгача тартиб белгиланмаган бўлса, ижрочи ишни бошлиш ва тугаллаш муддатларни ҳам, шунингдек оралиқ муддатларни бузганлик учун жавобгар бўлади. Шу тарика шартномада ишни бажариш муддатларини шунингдек, уларни ўзгартириш тартибини белгилаб қўйишни лозим бўлади. Бу жуда муҳим, чунки аудиторнинг самарали иши текшириш учун тақдим этиладиган ҳисоботнинг тўқислиги ва сифатига тўла боғлиқдир. Агар шартномада ишни бошланинг аник муддати белгилаб қўйилган бўлиб, шу вақтгача мижоз ҳисоботи тузилмаган бўлган гақдирда ҳам аудитор текширишни бошлишга мажбурдир. Бундай ҳолатларда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини тузишга ёрдамлашини мумкин.

Шуни эътиборга олиб, шартномада ишни бошлиш ва тугаллашнинг «ўзгарувчи» муддатларини кўзда тутиш мумкин. Масалан, аудитор текшириш уч ҳафта давом этишини билади, унга текшириш учун тўлиқ жамланган ва бухгаитерия ҳисоботи топширилган пайтни ишни бошлиш муддати деб ҳисоблаш мумкин. Шартнома бўйича ишни тугаллаш муддати ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофик буюртмачининг текшириш учун ижрочи (аудитор ташкилоти)га ҳужжатларни тақдим этиши борасида ўз мажбуриятини бузиганда ижрочи ишни бошламасликка ҳақолидир. Бундай ҳолатда шарти шартномада бошка ҳолатлар кўзда тутилмаган бўлса, аудиторлик ташкилоти шартномани бажариндан бош тортишга ва зараларни қоплашни талаб қилишга ҳақолидир.

2. Ҳужжатларнинг сақланиши. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодеси, бошка конунлар ва шартномада ўзга нарса кўзда тутилмаган бўлса, ҳужжатларнинг сақланиши учун масъулият уни текшириш учун тақдим этган томон-

га тушади. Бироқ мижознинг ҳужжатлари ундан олиб кўйилиб, текшириш аудиторлик ташкилотининг хизмат хоналарида ўтказилаётган бўлса, текшириш учун берилган ҳужжатларни сақлаш учун масъулиятни аудиторлик ташкилоти ўз зиммасига олиши керак. Аудитор бажарган ишларнинг натижаси тасодифан унга зарар етиши хавфи иш натижаси буюртмачига топширилгунга қадар ижрочи (аудиторлик ташкилоти) зиммасида бўлади. Қонунга мувофиқ аудитор олинган ҳужжатларни ҳам, аудиторлик текшириш чоғида тузилган ҳужжатларни ҳам сақлашга мажбурдир.

3. Ишни бажариш чоғида буюртмачининг ҳукуқлари. Текширилаётган корхонанинг раҳбарлари аудиторлар текшириш учун қандай ҳужжатларни талаб қилаётганини, текширувчилар қаҷон келиб, қаҷон қайтаётганини кузатиб турадилар, текшириш қандай ўтаётганини дикқат билан кузатиб турадилар, маслаҳат берадилар ва ўз мулоҳазаларини айтадилар.

Аудитнинг миллий стандартларига кўра аудитор текшириш шакли ва усулларини мустақил белгилайди ва буюртмачи исталган вактда ижрочи фаолиятига аралашмай, унинг ишни қандай бажараётганини ва сифатини текширишига ҳақлидир.

Агар ижрочи хизмат кўрсатиш шартномасини бажариши а ўз вақтида киришмаса ёки ишни муддатида бажариш хавфи остида қоладиган даражада секин ишласа, буюртмачи шартномани ижро этишдан бош тортиши ва зарарни қоплашни талаб килишга ҳақлидир.

Агар ишни бажариши вақтида у тегишлича бажарилмаслиги аён бўлганда ҳам буюртмачи аудиторлик ташкилотига камчиликларни тутатиш учун мақбул муддат беришга ва буларни тайин этилган муддатда бу талабни бажармаса, ижрочининг хизматидан воз кечишга ёки ишни ижрочи номидан бошқа аудиторлик ташкилотига топширишга, шунингдек, кўрган зарарни қоплашни талаб килишга ҳақлидир.

4. Буюртмачининг ёрдами. Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунга мувофиқ (12-модда) текширилаётган хўжа-

лик юритувчи субъектнинг раҳбарлари ёки ўзга мансабдор шахслари аудиторга (аудиторлик ташкилотига) аудиторлик текширишни ўз вақтида ва тўла ўтказиш учун шароит яратиб беришга мажбурдир.

Буюртмачи бу мажбуриятни бажармаган тақдирда аудиторлик ташкилоти етказилган зарарни, жумладан бекор туриш оқибатидаги қўшимча чиқимларни ҳам тўлашни, ишни бажариш муддатини бошқа вақтга кўчиришни, ёхуд шартномада кўрсатилган хизмат қийматини оширишни талаб қилишга ҳақлидир. Бу меъёр ҳам диспозитив ҳисобланади.

Аудитор аудиторлик текшириш ўтказиш чоғида хўжалик юритувчи субъект мутахасисларининг ёрдамига таянади. Шу тариқа, агар аудиторлик ташкилоти буюртмачи томонидан фаол ёрдам кўрсатишига умид қиласа, бундай ёрдамнинг қандай шаклда бўлишини ва муддатларини шартномада назарда тутиш зарур.

5. Томонлар олган ахборотнинг маҳфийлиги. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 654-моддасига мувофиқ тарафларнинг ахбороти маҳфий бўлишилиги назарда тутилган. Агар бир тараф пудрат шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажарганлиги туфайли иккинчи тарафдан янги ечимлар ва техникавий билимлар, жумладан ҳукукий муҳофаза қилинмайдиган ечим ва билимлар, шунингдек, тижорат сири деб ҳисобланиши мумкин бўлган маълумотлар олса, у бу маълумотларни иккинчи тарафнинг розилигисиз учинчи шахсларга маълум қилишга ҳақли эмас. Бундай ахборотдан фойдаланиш тартиби ва шартлари тарафларнинг келишуви билан белгиланади. Шунга асосан аудиторлик ташкилоти билан хўжалик юритувчи субъект ўртасида тузиладиган аудиторлик хизматга доир шартномада олинган маълумотлар маҳфийлиги мажбурий тартибда белгилаб қўйилади. Ахборот маҳфийлигини бузган томонга тўла жавобгарлик юкланади, шу жумладан ундан кўрилган зарарни ҳам тўлаши лозим бўлади.

Аудиторлик фаолиятининг этик меъёрлари текширишни амалга ошириш жараёнида аудиторга маълум бўлган барча

ахборотнинг (факат янги ечимлар ва техник билимларни эмас) маҳфийлиги тўла, сўзсиз риоя қилинишни кўзда тутади, чунки аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунга мувофиқ аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари аудиторни текшириши давомида олинган ва ўзлари тузган ҳужжатларнинг маҳфий сакланишларини таъминлашга ва хўжалик юрувчи субъект мулкдоринг (раҳбарининг) розилигисиз уларнинг мазмунини сир саклашга мажбурдирлар. Қонунга мувофиқ, бу мажбуриятни бузганлик учун аудиторлик ташкилотининг аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни Молия вазирлиги томонидан бекор қилиши мумкин.

6. Бажарилган ишнинг сифати учун аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги. Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 647-моддасига мувофиқ аудиторлик ташкилоти бажарилган ишнинг натижасига жавобгар ҳисобланади. Унга кўра аудиторлик ташкилоти бажарган иш шартномада белгиланган шартларга, шартлар бўлмаганида ёки тўлик бўлмаганида эса, одатда тегишли қонун ва меёрий талабларга мос келиши керак. Агар қонун ҳужжатларида пурдат шартномаси бўйича бажариладиган ишга қўйиладиган мажбурий талаблар назарда тутилган бўлса, тадбиркор сифатида иш олиб бораётган аудиторлик ташкилот ишни бундай мажбурий талабларга амал қилган ҳолда бажариши шарт.

Аудиторлик ташкилоти аудитор текширишини шартномадан иш натижасини ёмонлаштирадиган даражада чекиниб бажарган бўлса, буюртмачи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 647-моддасига мувофиқ нуқсонларни муддатида текингта бартараф этишни ёки иш учун белгиланган ҳақни ўзунга мувофиқ даражада камайтиришни, ёхуд нуқсонларни бартараф этишга ўз ҳаражатларини қоплашни (агар қонунда ёки шартномада ўзга ҳол кўзда тутилмаган бўлса) талаб қилиши мумкин. Чунончи, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, аудиторлик текшириши малакасиз ўтказилиб, давлатга ёки хўжалик юритувчи субъектга зарар етказилган бўлса, лицензия берган органнинг даъвосига биноан суд ёки арбитраж судининг қарори билан

аудиторлик ташкилотидан ундириб олиниши мумкин:

- * кўрилган зарап тўла ҳажмда;
- * текшириш ўтказиш учун кетган харажатлар миқдорида.

Шартнома айни шунга нимани «текширишни малакасиз ўтказиш» деб ҳисобланиши, эҳтимолки, зарарнинг қандай миқдорини жиддий деб ҳисоблаш, қандайини бундай ҳисобламаслик хусусида буюртмачи билан ягона фикрни ишлаб чиқишига қаратилиши лозим. Шунингдек, айрим аудиторлик ташкилотларининг турли йўллар билан – масалан, шартнома бўйича ишларнинг умумий қиймати ёрдамида аудиторлик ташкилотининг масъулияти чегарасини белгилаб қўйиш йўли билан ўз масъулияти доирасини камайтиришга уринишларининг олдини олиш лозим. Чунончи, кўп аудиторлик ташкилоти ўзларининг мижоздан моддий мустақиллигини ошириш мақсадида шартномани аудиторлик текширишини ўтказиш босқичларига бўладилар. Шартномани икки босқичга ажратиш кўпроқ учрайди:

- 1 босқич: мижознинг молиявий ҳисботини текшириш;
- 2 босқич: аудиторлик хулосасини тузиш, ёзиш ва мижозга тақдим этиш.

Шартнома бўйича ишларни бажариш вақти режасида ҳар бир босқичдаги иш қийматининг шартнома бўйича барча ишлар умумий қийматига нисбатан фоизи қўйилади. Аудиторлик ташкилоти қўйидаги ҳолларда айни шу йўл билан ўзининг хавф рисқдан холи қилишга уринади:

* агар аудитор режалаштириш босқичидаёқ ўзига топширилган ҳужжатларга қараб ёки бошқа сабабларга кўра ижобий хулоса бериш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмаслигини тахмин қилса, у ҳолда текшириши учун ҳақ тўлашнинг энг юкори фоизи белгиланади, хулоса бериш учун эса ҳақ тўлаш фоизи камрок белгиланади.

* агар аудиторлик ташкилоти мижоз ҳар қандай хулосага рози бўлишини ва шундай хулоса беришини олдиндан билса, у ҳолда аудиторлик ташкилоти ишнинг камчиликлар аникланishi мумкин бўлган қисмининг қийматини пасайтиришга

уринади. Ишнинг бу кисми эса, табиийки, ҳисоботни текширишнинг ўзидир.

Шартнома бўйича масъулият чегараси камчилик аниқланган кисмининг чегарасигина эмас, балки шартнома бўйича барча ишларнинг умумий кийматидир. Шу сабабли аудиторлик текширишини малакасиз ўтказилгани тақдирда молиявий йўкотиш рискини камайгириш мақсадида шартномани боскичларга ажратишнинг маъноси йўқ.

7. Буюртмачининг аудиторлик ташкилоти бажарган ишни қабул қилиб олиши. Аудиторлик холосаси – бу аудиторнинг ўзига текшириш учун топширилган мижознинг расмий ҳисоботининг сифати тўғрисидаги фикридир. Агар бу фикр бўлса, ишни қабул қилиб олиш тўғрисида қандай гап бўлиши мумкин? Аммо бу фикр текшириш амалларининг бутун бир мажмуасига асосланган. Мижоз уларнинг тўлалигини ва пухталигини текшириши, сўнгра қабул қилиши ёки қабул килмаслиги мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фукарорлик кодекси 646-моддасига мувофик, буюртмачи шартномада кўзда тугилган муддатда ва тартибда, аудиторнинг иштироқида бажарилган иш натижаларини мухокама қилишга ва қабул қилиб олишга мажбурдир. Шартномада иш натижасининг ёмонлаштирадиган даражада чекиниш ёки ишда бошқа нуксонлар аниқланса, мижоз бу ҳакида дарҳол аудиторлик ташкилотига хабар қилиши лозим. Буюртмачи бажарилган ишни (унинг натижасини) шартномада назарда тугилган муддатда ва тартибда аудиторлик ташкилоти иштироқида кўриб чикиши ва қабул қилиши, иш натижасини ёмонлаштирадиган даражада шартномадан чекиниш ёки бошқа камчиликлар аниқланган тақдирда эса, бу тўғрида аудиторлик ташкилотига дарҳол маълум қилиши шарт.

Ишни қабул қилиш вақтида унинг камчиликларини аниқлаган буюртмачи бу камчиликлар ёхуд уларни тузатиш тўғрисида кейинчалик талаб қўйиш мумкинлиги далолатнома ёки қабул қилишни тасдиқловчи бошқа хужожатда кўрсатилган холлардагина уларни важ қилиб келтиришга ҳақли.

Буюртмачи ишни текширмасдан қабул қилған бўлса, уни қабул қилишнинг оддий усулида аникланиши мумкин бўлган камчиликлар (очик кўриниб турган камчиликлар)ни далил қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Буюртмачи иш қабул қилиб олинганидан сўнг унда шартномадан чекинишлар ёки ишни қабул қилишнинг оддий усулида аникланиши мумкин бўлмаган бошқа хил камчиликлар (яширик камчиликлар)ни, шу жумладан, аудиторлик ташкилотининг қасдан яширган камчиликларини аникласа, улар аникланганидан сўнг ўн кунлик муддат ичидаги бу тўғрида аудиторлик ташкилотига хабар қилиши шарт.

Буюртмачи билан аудиторлик ташкилоти ўртасида бажарилган ишнинг камчиликлари ёки уларнинг сабаблари юзасидан низо келиб чиқдан тақдирда, истаган тарафнинг талаби бўйича экспертиза тайинланиши керак. Экспертиза ўтказиш харажатлари буюртмачи зиммасида бўлади, экспертиза аудиторлик шартномаси бузилмаганлигини ёки буюртмачининг ҳаракатлари билан аникланган камчиликлар ўртасида сабабий боғланиш йўқлигини аниқлаган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолларда экспертиза харажатларини экспертиза ўтказиши талаб қилған тараф, агар экспертиза тарафларнинг ўзаро келишуви билан тайинланган бўлса, иккала тараф тенг миқдорда тўлайди. Бундай ҳолатда агар буюртмачи кейинчалик аникланган камчиликларни пеш қилишни хоҳласа, у дарҳол далолатнома ёки иш қабул қилиб олинганини тасдиқловчи бошқа ҳужжат тузиши лозим.

Томонларнинг келишувига мувофиқ ижрочи ўз кучи билан барча камчиликларни тутатиш мажбуриятини олишини истисно этмайди. Аммо бу ҳолатда юкорида айтилган келишувга мувофик текширувлар кимнинг ҳисобидан бажарилишини белгилаб бериши керак. Агар буюртмачи шартномадан қабул қилишнинг оддий усулида аникланиши мумкин бўлмаган чекинишни аникласа, ижроига мақбул муддатда хабар қилишга мажбурдир. Одатда бундай яширик камчиликлар корхонани солик инспекцияси томонидан текширилганда аникланади.

Аудиторлик хизматига доир бажарилган иш «Аудиторлик

хизматини қабул қилиш ва топшириш» далолатномасига мувофик буюртмачи томонидан қабул килинади. Ушбу далолатномада ишни қабул қилиш вақтида агарда, ишда айрим камчиликлар ёки нуксонлар мавжуд бўлган тақдирда қабул килувчининг дъяволари ёзилади ёки аксинча, ҳеч қандай камчиликлар эътироф этилмаганда эса эътиroz ёзилмайди. Далолатнома иккала томонларнинг имзолари ва муҳри кўйилади.

8. Иш сифати. Маълумки, аудиторлик текширишининг сифатига уни режалаштириш чоғида замин яратилади. Аудиторлик ташкилоти бажарган иш сифатида шартнома шартларига мос бўлиши лозим, шартнома шартлари бўлмаса ёки бу шартлар тўла бўлмаса – шу турдаги ишларга кўйиладиган талабларга мос бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 647-моддасига мувофик аудиторлик ташкилоти бажарган иш шартноманинг шартларига, шартлар бўлмаганида ёки тўлик бўлмаганида эса, одатда тегишли турдаги ишларга кўйиладиган талабларга мос келиши керак. Агар конун хужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бажарилган иш натижаси шартномада кўрсатилган муддат бўйича буюртмачига топшириш керак.

Агар конунда, бошқа хукукий ҳужоатларда ёки улар белгилаган тартибда аудиторлик хизматини бажаришга мажбурий талаблар кўзда тутилган бўлса, у ҳолда аудитор (аудиторлик ташкилоти) бу мажбурий талабларга риоя қилиб, ишни бажаришга мажбурдир. Шу сабабли пуллик аудиторлик хизмати кўрсатиш тўғрисидаги шартномада аудиторлик текшириши «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунга мувофик ўтказилишини кўрсатиш, шунингдек, аудитор ўз фаолиятида фойдаланадиган аудиторлик стандартларини сабаб ўтиш лозим бўлади.

Аудиторлик хизмати кўрсатиш тўғрисидаги шартномада кимга хизмат қилиш, хизмат кўрсатиш жойи, тўланадиган ҳақ миқдори ва тўлаш тартиби, томонларнинг масъулияти кўрсатилади. Шартнома шартлари ва мазмуни Ўзбекистон

Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни талабларига зид бўлмаслиги лозим.

3.4. Аудиторлик текшириш режаси ва дастури

Аудиторлик текширишни режалаштириш аудиторлик 3-сонли миллый стандартига мувофиқ тартибга солинади. Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи аудитни режалаштириш пайтида аудиторлик ташкилотлари томонидан кўлланиладиган месъёрларни белгилаш аудитнинг мақсади ҳисобланади.

Режалаштириш аудит ўтказишнинг бошлангич босқичи ҳисобланиб, аудит ўтказишнинг кутилаётган ҳажми, жадваллари ва муддатларини кўрсатган ҳолда аудиторлик ташкилоти томонидан аудитнинг умумий режасини ишлаб чиқишдан, шунингдек, аудиторлик ташкилоти томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи тўғрисида холис ва асосли фикри шакллантирилиши учун зарур бўлган аудитни амалга ошириш ҳажми, турлари ва изчиллигини белгилайдиган аудиторлик дастурини ишлаб чиқишдан иборат бўлади.

Аудитни режалаштириш чоғида аудиторлик ташкилоти аудитни ўтказишнинг кўйидаги умумий қоидаларига мувофиқ ўтказиши керак, яъни:

- * режалаштиришнинг комплекслилиги;
- * режалаштиришнинг узлуксизлиги;
- * режалаштиришнинг мақбуллиги.

Аудитни режалаштиришнинг комплекслилиги қоидаси бирламчи режалаштиришдан бошлаб аудитнинг умумий режаси ва дастурини тузишга қадар режалаштириш барча босқичларининг ўзаро боғланган ва уйгун бўлиши таъминланишини тақозо этади.

Аудитни режалаштиришнинг узлуксизлиги қоидаси аудиторлар гурухига ўзаро боғланган топширикларни белгилаш ва режалаштириш босқичларини муддатлар ҳамда хўжалик юритувчи турдош субъектлар (алоҳида балансга ажратилиган таркибий бўлинмалар, филиаллар, ваколатхоналар, шульба жамиятлар) бўйича балансда ўз ифодасини топади. Аудит

узоқ вақт даврига режалаштирилганда хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик кузатуви бир йил давомида амалга оширилса, аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолиятидаги ўзгаришларни ва оралик аудиторлик текширувлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда аудитни ўтказиш режа дастурларига ўз вактида тузатишларни киритиши керак бўлади.

Аудитни режалаштиришнинг мақбуллиги коидаси шундан иборатки, режалаштириш жараёнида аудиторлик ташкилоти ўзи белгилаган мезонлар асосида аудит умумий режаси ва дастурининг мақбул вариантини танлаш имконияти учун режалаштиришнинг вариантларигини таъминлаши керак.

Аудитни режалаштириш пайтида аудиторлик ташкилоти куйидаги асосий босқичларни ажратиши керак:

1. Аудитни дастлабки режалаштириш;
2. Аудитнинг умумий режасини тайёрлаш ва тузиш;
3. Аудит дастурини тайёрлаш ва тузиш

Аудитни дастлабки режалаштириш мазмуни. Аудитни самарали режалаштириш учун аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти билан аудитни ўтказиш билан боғлик асосий ташкилий масалаларни келишиб олиши керак. Дастлабки режалаштириш босқичида аудитор хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолияти билан танишиши ва куйидагилар тўғрисида аҳборотга эга бўлиши шарт:

1. Хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатадиган, умуман, мамлакат (минтака)даги ва иқтисодий вазиятни ва унинг тармок хусусиятларини акс эттирадиган ташки омиллар ҳақидаги;

2. Хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатадиган, унинг индивидуал хусусиятлари билан боғланган ички омиллар ҳақидаги;

Аудитор текшириши чогида куйидагилар билан ҳам танишиши керак:

а) хўжалик юритувчи субъектнинг ташкилий-бошқарув тузилиши;

б) ишлаб чиқариш фаолияти турлари ва ишлаб чиқарилаштган маҳсулот номенклатураси;

- в) капитал таркиби ва акциялар курси (хўжалик юритувчи субъект акциялари котировкаланиши керак бўлган ҳолда);
 - г) маҳсулот ишлаб чиқаришнинг чекланиши хусусиятлари;
 - д) рентабеллик даражаси;
 - е) хўжалик юритувчи субъектнинг асосий харидорлари ва таъминотчилари;
 - ж) ташкилот тасарруфидаги қоладиган фойдани тақсимлаш тартиби;
 - з) шуъба ташкилотларнинг мавжудлиги;
 - и) хўжалик юритувчи субъект томонидан ташкил этилган ички назорат тизими;
 - к) ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни шакллантириш қоидалари.

Аудитор учун қуйидагилар хўжалик юритувчи субъект тўғрисида ахборот олиш учун манба ҳисобланиши керак:

- * Хўжалик юритувчи субъект устави;
- * Хўжалик юритувчи субъектни рўйхатга олиш тўғрисидағи ҳужжатлар;
- * Кузатув ёки ижроия органлари акциядорлар йигилишларининг ёхуд хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа шу сингари бошқарув органлари мажлислари баённомалари.
- * Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатини ва унга ўзгартиришлар киритишни тартибга солувчи ҳужжатлар;
- * Бухгалтерия ҳисботлари;
- * Статистика ҳисботлари;
- * Хўжалик юритувчи субъект фаолиятини режалаштириш ҳужжатлари (режалар, сметалар, лойиҳалар);
- * Хўжалик юритувчи субъектнинг контрактлари, шартномалари, битимлари;
- * Ички аудиторлик ҳисботлари;
- * Аудитнинг ички стандартлари;
- * Солиқ текширувлари материаллари;
- * Суд даъволари материаллари;

* Хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш ва ташкилий тузилишларини тартибга соладиган ҳужжатлар, унинг филиаллари ва шуъба жамиятлари рўйхати;

* Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти ва ижрои ходимлари билан сұхбатлардан олинган маълумотлар;

* Хўжалик юритувчи субъектни, унинг асосий участкалари, омборларини инвентаризация қилишдан олинган ахборот.

Дастлабки режалаштириш босқичида аудиторлик ташкилоти аудитни ўтказиш имкониятини баҳолайди. Агар аудиторлик ташкилоти аудитни ўтказишни мумкин деб ҳисобласа, у аудитни ўтказиш учун штатни шакллантиришга ўтади. Аудиторлар гуруҳига кирадиган мутахассислар таркибини режалаштириш пайтида аудиторлик ташкилоти қўйидагиларни ҳисобга олиши шарт:

* Аудитнинг ҳар бир босқичи: тайёргарлик, асосий ва якунлаш босқичи, иш вақти бюджетини;

* Гуруҳ ишининг таҳмин қилинаётган муддатларини;

* Гуруҳнинг микдорий таркибини;

* Гуруҳ аъзоларининг мансаб даражасини;

* Гуруҳ ходимларининг ворислигини;

* Гуруҳ аъзоларининг малака даражасини.

Аудит умумий режаси ва дастурини тайёрлаш. Аудитнинг умумий режаси ва дастурини ишлаб чиқишига киришаркан, аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъект тўғрисидаги дастлабки билимларга, шунингдек, ўтказилган таҳлилий жараёнларнинг натижаларига асосланиши керак. Таҳлилий жараёнларни ўтказиш ёрдамида аудиторлик ташкилоти аудит учун аҳамиятли бўлган соҳаларни аниқлаши керак. Таҳлилий жараёнларнинг мураккаблиги, ҳажми ва ўтказиш муддатларини аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботи маълумотларининг ҳажми ва мураккаблигига қараб ўзgartириши керак бўлади.

Аудит умумий режаси ва дастурини тайёрлаш жараённида аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъектда амал

қилинаётган ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолайди ва ички назорат тизими рискини (назорат рискини) баҳолашни амалга оширади. Агар ички назорат тизими нотўғри ахборот пайдо бўлгани тўғрисида ўз вақтида огохлантирса, шунингдек, нотўғри ахборотни аникласа, уни самарадор деб ҳисоблаш мумкин. Ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳоларкан, аудиторлик ташкилоти аудиторлик исбот-далилларининг етарли микдорини тўплаши шарт. Агар аудиторлик ташкилоти молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги хусусида етарли даражада ишонч ҳосил қилиш учун ички назорат тизимига ва бухгалтерия ҳисоби тизимига асосланишга қарор қиласа, у бўлгуси аудит ҳажмини тегишли тарзда тузатиши керак бўлади.

Аудит умумий режаси ва дастурини тайёрлаш пайтида аудиторлик ташкилоти молиявий ҳисоботни ишончли деб ҳисоблаш имконини берадиган муҳимлик ва аудиторлик рискининг унинг учун мақбул даражасини белгилашни керак.

Аудиторлик рискини режалаштиаркан, аудиторлик ташкилоти, ҳўжалик юритувчи субъект аудитидан қатъи назар, ушбу ҳисбботга хос бўлган молиявий ҳисбботнинг ажралмас риски ва назорат рискини белгилайди. Белгиланган рисклар ва муҳимлик даражаси ёрдамида аудиторлик ташкилоти аудит учун аҳамиятли соҳаларни аниклади ва зарур аудиторлик жараёнларни режалаштиради. Аудит жараёнида режалаштириш пайтида белгиланган аудиторлик риски ва муҳимлик даражасининг ўзгаришига таъсир кўрсатадиган ҳолатлар юзага келиши мумкин.

Аудитнинг умумий режаси ва дастурини тузаркан, аудиторлик ташкилоти ҳисоб ахборотига ишлов бериш даражасини инобатта олиши керак, бу ҳам аудиторлик ташкилотига аудиторлик русум-коидаларининг ҳажми ва тусини аниқроқ белгилаш имконини беради. Аудиторлик ташкилоти, агар буни мақсадга мувофик деб ҳисобласа, текширилаётган хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти билан аудит умумий ре-

жаси ва дастурининг айрим қондаларини келишиб олиши мумкин. Бунда аудиторлик ташкилоти умумий режа ва дастурда акс эттирилган усулларни танлашда мустакил ҳисобланади, лекин ўз ишининг натижалари учун мазкур умумий режа ва мазкур дастурга мувофиқ тўлиқ масъулият ҳис этади.

Аудиторлик ташкилоти бажараётган ишларнинг натижаларини умумий режа ва дастурни тайёрлаш пайтида батафсил ҳужжатлаштириш керак, чунки мазкур натижалар аудитни режалаштириш учун асос ҳисобланади ва бутун аудит жараёни давомида ишлатилиши мумкин.

Умумий режа аудит дастурини амалга оширишда қўлланма бўлиб хизмат қилиши керак. Аудит жараёнида аудиторлик ташкилотида умумий режанинг айрим қондаларини қайта кўриш учун асослар пайдо бўлиши мумкин. Режага киритилаётган ўзгартишларни, шунингдес, ўзгартишлар сабабларини аудитор батафсил ҳужжатлаштириши керак. Умумий режада аудиторлик ташкилоти аудитни ўтказиш муддатларини назарда тутиши ва аудитни ўтказиш муддатларини, ҳисобот (хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига ёзма ахборот) ва аудиторлик хуносасини тузишни назарда тутиши шарт. Вакт сарфини режалаштириш жараёнида зудитор кунидагиларни ҳисобга олиши керак:

- * ҳақиқий харажатлар;
- * бундан олдинги даврда (такрорий аудит ўтказилган тақдирда) вакт сарфи ҳисоб-китоби ва унинг жорий ҳисоб-китоб билан алоқаси;

- * муҳимлик даражаси;

- * аудиторлик рискларининг амалга оширилган баҳолари.

Умумий режада аудиторлик ташкилоти дастлабки таҳлил натижалари асосида аудитни ўтказиш усулини белгилайди, ички назорат тизимишининг ишончлилигини, аудит рискларини баҳолайди. Танлаб аудит ўтказишга карор қилинган тақдирда аудитор 13-сонли «Аудиторлик танлаш» аудитнинг миллий стандартига мувофиқ шакллантиради.

Агар текширишни бир неча аудитор амалға ошираёттган бўлса, корхонанинг ўзига хос хусусияти, уни текшириш ҳажми ва мураккаблиги ҳар гал аудитни ўтказиш чоғида ҳар бир иш қачон ва қандай бажарилишини аниклаш, аудиторлар ўртасида вазифаларни тўғри тақсимлапі талаб қилинади.

Шу мақсадда аудиторлар бригадаси раҳбари текшириш дастурини тузади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

1. Аудит мақсади;
2. Корхонанинг асосий иш участкалари ва текширилиши лозим бўлган ҳисоб бўлимлари;
3. Текшириш тури (ялпи, танлаш, визуал ва бошқалар);
4. Бригада аъзоларига вазифаларнинг тақсимлапиши;
5. Текширишнинг тахминан қанча давом этиши ҳамда уни бошлапи ва тугаилаш муддатлари.

Аудит мақсадини белгилаш шунинг учун мухим аҳамиятга эга, у аудитор корхонага нима учун келганини ва ўтказиладиган текшириш қандай наф келтириши билан дарҳол мижозни таништиради. Шу сабабли аудит салбий фактларни тўплашни, обрўсини туширадиган материалларни тўплашни эмас, балки бухгалтерия умуман иктиносидий ишдаги камомадларни аниклаб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва келгусида бундай хатоларга йўл кўймаслик учун аниқ тақлифларни киритишни мақсад қилиб кўйишини батафсил кўрсатиши лозим бўлади.

Бу дарҳол мижоз билан етарли даражада ишончли муносабат ўрнатиш ва зарур ахборотдан фойдаланиш имконини беради.

* Сўнгра текшириш дастурида аудит давомида тадқиқ этиладиган иш участкалари кўрсатилади. Шу боис:

* корхонанинг молия-хўжалик фаолияти учун ва натижаларни шакллантириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ёнг мухим участкаларни белгилапи зарур. Бунда текшириш учун у ёки бу участка танланганини асослаб бериш ва бу участкалар бўйича текширип мълумотлари корхона фаоли-

ятига умумий баҳо бериш учун мухимлителлигини күрсатиш зарур;

* корхона молия-хўжалик ишларининг бошқа участкалари мухим ва фойдали бўлса ҳам, фаолият натижаларига ҳал қи́увчи таъсири ўтказмаслигини күрсатиш зарур.

Текширишнинг дастлабки кунлариданоқ аудиторлар ишнинг у ёки бу участкасидаги аҳвол тўғрисида етарли тўғри тасаввурга эга бўлиши ва ишнинг аҳволини бундан кейинги ўрганиш кун сайин камроқ янги фойдали ахборот келтириши сабабли аудиторлар текширишга энг кам вақт сарфлаб, асосланган аудиторлик холосаси чиқариш учун етарли зарур маълумотни олиш имконини берадиган ўртача вақтни топиши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга текшириладиган участкаларни нотўғри танлаш ва текшириш натижалари юзасидан нотўғри холоса чиқариш масъулияти тўла-тўқис аудиторлар зиммасига тушади. Аудиторлик риски турларидан бири ҳам худди шунда яширинган.

Касса, банк хужжатлари, бўнак ҳисоботлари, муассислар билан ҳисоблашишлар ялпи текширилади. Иш ҳақи, ишлаб чиқариш захиралари, ҳақ тўлаш бўйича дастлабки хужжатларга келсак, ҳисоботнинг бу бўлимлари бўйича гекшириш танлаб ўтказилиши мумкин.

Ўз навбатида, сақлаш ва ишлаб чиқаришда фойдаланиш устидан алоҳида назорат килинадиган материалларни танлаб олиб, қиймат ва тақчил материалларни ялпи текшириш мақсадга мувофиқдир. Агар текширишни аудиторлар бригадаси амалга ошираётган бўлса у ёки бу аудитор қайси участкаларни текшираётганини олдиндан аниқлаб олиш лозим. Бунда олдинги текширишлар чоғида тўпланган тажрибани ҳамда малакани ҳисобга олиш зарур бўлади.

Энди ишга кирган аудиторларга касса хужжатлари ва бўнак ҳисоботларни ялпи текширишни топшириш мақсадга мувофиқдир, шу билан бир вақтда таҳлилий қисмлари, кўник маси бор тажрибали мутахассислар ҳисобот ва бош китобни

ўрганишлари, уларнинг ҳисоб регистлари билан уйғулигини текширишлари, бухгалтерия ҳисобларида дастлабки ҳисоб маълумотлари ёзуви асосланганини аниқлашлари керак.

Табиийки, аудиторлик текширишининг дастури билан танишиш ва текшириш объектлари ҳамда босқичлари мазмунини келишиб олиш учун текширилаётган корхона раҳбарига топширилади.

Корхона раҳбарининг илтимосига биноан дастурга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Масалан, текширилаёттан хўжалик юритувчи субъектнинг тижорат банкининг таъсисчиси бўлиш нияти муносабати билан унинг молиявий аҳволи ва тўлов қобилияти тўғрисида аудиторлик хulosаси талаб килинади, ёки корхонанинг бирор хорижий шерик билан кўшма корхона барпо этиш ниятига мувофиқ, Ўзбекистон томонидан улушни баҳолаш зарурияти пайдо бўлади. Бундай ҳолларда аудиторлар зарур баҳолар кўрсатилган тегишли хulosани тайёрлаб беришлари мумкин. Аудиторлик текшириши дастурига корхона ички назоратнинг ташкил этилиши ва унинг самарадорлигини ҳисобга олиб, ўзгаришиш мумкин.

Агар моддий кийматликлар инвентаризацияси мунтазам ва ўз вактида, пухта ўтказилиб, инвентаризация натижалари бўйича дарҳол тегишли чоралар кўрилса, аудиторлик ишининг бир кисми қисқартирилиши мумкин. Бироқ юзлаб, минглаб номдаги моддий бойликларнинг инвентаризация рўйхатларидаги колдиқлар ҳакиқий мавжуд товарларга юз фоиз мос келса, бундай қўймаслик керак. Муболагасиз айтиш мумкинки, ҳакиқий инвентаризация ўтказилмаган бухгалтерия ходимлари инвентаризация ёзувларига дафтардаги қолдиқларни ёзиб қўйишган, ҳакиқатан мавжуд материаллар графасида эса, ҳисобланган маълумотларни такрорлаб, уни ўтказилган инвентаризация натижалари деб кўрсатишган. Аудиторлик текшириши дастури вижданан пухта тузилганига қарамай, унинг талаб қиласидаги меҳнат ҳажмига ва қанча давом этишига таъсир қиласидаги бир қанча омилларни ол-

диндан кўра билиш ва ҳисобга олиш мумкин эмас. Шу сабабли текшириш давомида ўёки бу ишларнинг мазмунига ва давомийлигига ўзгартириш киритишига тўғри келади.

Текшириш дастурини тузиш гурухга мутахассисларни танлаш ва пировард натижада ҳисботнинг ҳақиқийлиги тўғрисида асосланган холосани тайёрлаш учун мижоз-корхонанинг ўзига хос хусусиятлари ва тузилиши тўғрисидаги умумий ахборот зарур бўлади. Бунинг учун куйидагиларни аниклашга тўғри келади:

- * корхонанинг тармоқка хос хусусиятлари;
- * корхонанинг ташкилий тузилиши;
- * ишлаб чиқариш алоқалари (маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар);
- * молиявий алоқалар (бошқа корхоналарнинг устав капиталини шакллантиришига йўналтирилган маблағлар);
- * юридик мажбуриятлари (судда кўриш натижалари, солик инспекциясининг, бюджетдан ташқари фондларнинг даголатномалари)

1. Юкори раҳбарларнинг, ўрта бўғин бошқарув ходимларининг, ижрочиларнинг, ҳисоб юритиш билан боғлик бўлмаган корхона ходимларининг қизиктираётган масалалар тўғрисидаги фикрлари.

2. Асосий ишлаб чиқариш участкалари, цехлари, омборларни инвентаризация қилиш. Бу активлар мавжудлиги ва сақланишига ишонч ҳосил қилиш, ишлаб чиқариш жараёнини ва маҳсулотни юклаб жўнатиш тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради ва ҳоказо.

3. Ташқи ва ички ҳисботлар ҳамда зълон қилинган материаллар. Ташқи ҳисботларга тармоқ матбуоти ва газеталар; тармоқ бўйича таҳлилий ҳисботлар, асосий рақобатчилар ва тармоқнинг ўртача кўрсаткичларига қиёслаш кабилар киради.

Ички – ҳисботлар булар молиявий ҳисбот, директорлар кенгashi, бошқарув дирекция, акциядорлар мажлисларининг баённомалари, бошқарувларнинг ҳисботлари – сметалар, лойиҳалар; ички аудиторлар, консультантлар, юристларнинг

ҳисоботлари; ҳисоб сиёсати, солик инспекциясининг дало-латномалари киради.

Ишнинг шу босқичида аниқлаб олиш лозим бўлган энг муҳим масалалардан бири корхонанинг таркибини ва кичик корхоналар ва қарам корхоналар билан ўзаро муносабатларини, уларнинг ўртасидаги хўжалик операцияларини, асосий воситаларнинг сотилишини, қарз ва молиявий ёрдамни, ўза-ро қарзларни расмийлаштириши аниқлашдир.

Аудитор мижознинг тадбиркорлик фаолиятига таъсир ки-ладиган ички ва ташқи омилларни аниқлаши лозим.

Ташқи омилларга мақроиқтисодий ва тармоқ омиллари киради. Аммо фаолиятнинг пасайиши ёки ўсишини, божлар-нинг камайиши ёки кўпайишини (агар корхона ташки икти-садий фаолият билан шугулланса); соликقا тортишдаги ўз-гаришларни, хорижий бозорларга қарамликни, валюта курси-нинг ўзгаришини ташқи омиллар қаторига кўшиш мумкин. Тармоқ омиллари – бозорнинг текширилаётган корхона иш-лаб чиқараётган маҳсулотларга ўхшаш товарлар билан тўла-лиги; фаолиятнинг мавсумийлиги; нарх рақобати; тармоқда иш ҳақи даражаси; маълум касб ходимларининг етишмасли-ги ёки кўплигидир.

Ички омилларга қуидагилар киради:

- * молия-пул маблаги оқимлари тавсифи;
- * маблагни инвестициялаш сиёсати; фойда даражаси; асо-сий банк операциялари; учинчи шахсларнинг мажбуриятлари бўйича кафолатлар;
- * ходимлар–асосий ходимларнинг малакаси; тажрибаси; комплектлангани; хизматчиларни ишга олиш ва юкори кўта-риш сиёсати; кадрлар кўнимсизлиги;
- * фаолиятнинг асосий стратегияси – капиталашу даражаси бозорни кенгайтириш режаси;
- * хўжалик операциялари – таннарх омиллари, товар етка-зиз берувчиларга қарамлик, ишлаб чиқариш циклининг кан-ча давом этиши.

Аудиторлик текшириши одатда ҳамиша маълум муддат, ўртacha 2-4 ҳафта билан чекланган бўлади. Йирик ва ҳатто ўр-

тacha корхонада ҳам бундай муддатда молиявий–хўжалик фанийитини ялпи текширишга ҳамиша ҳам улгуриб бўлмайди. Лекин тўла ишонч билан бундай деб бўлмайди, чунки текшириш ҳажми аудиторлар сонига ва мутахассисларнинг маракасига боғлиқ.

Аудиторлар (аудиторлик ташкилоти) давлат органларининг топшириги билан ўтказилаётган текшириш икки ойдан ортиқ давом этмаслиги керак. Аммо бу катта муддат текширишни топширган органлар олдидағи алоҳида масъулият билан белгиланади.

Шу муносабат билан ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда текшириш стратегиясини ишлаб чикиш мухим аҳамиятта моликдир.

Текшириш стратегияси қўйидагиларни назарда тутади:

- * текшириш дастурини тузиш учун ахборат тўплаш;
- * тўпланган ахборатни ўрганиш;
- * аудиторлик рискини дастлабки баҳолаш;
- * ҳисоблар бўйича текширишнинг теранлиги, моҳияти ва қанча давом этишини аниклаш.

Текшириш стратегияси текшириш режаси сифатида расмийлаштирилади. Режа ёзма равишда тузилади.

Режа тузишнинг мақсади:

- * зарур тестларнинг ҳажми ва турини олдиндан белгилаш;
- * уларни бажариш учун қанча вақт ва меҳнат сарфларини баҳолаш;
- * текшириш бошланмасдан барча асосий масалалар бўйича мижоз билан ҳамжиҳатликка эришиш;
- * аудиторни бажариш ва уни мазкур мижозда сифатли ўтказиш асослилиги далилларига эга бўлиш.
- режалаштиришдан олдин қўйидаги босқичлар ўтади:
- режалаштиришдан олдинги тайёргарлик;
- корхона тўғрисида умумий маълумот олиш;
- ички назорат тизимини ва унинг самарасизлиги рискини баҳолаш;

Аудиторлик ташкилоти умумий режада ички аудит ролини, шунингдек, аудит ўтказиш жараённига эксперталарни

жалб этиш заруратини белгилайди. Аудит умумий режасининг намунавий мазмунни I-иловада келтирилган.

Аудит дастури аудит умумий режасини ривожлантириш ҳисобланади ва аудит режасини амалда рўёбга чиқариш учун зарур бўлган аудиторлик жараённи мазмунининг батафсил рўйхатини ўз ичига олади. Дастур аудитор ёрдамчи аудиторлари учун батафсил йўрикнома бўлиб хизмат қиласи ва бир вактнинг ўзида аудиторлик ташкилоти ва аудиторлик гурӯхининг раҳбарлари учун иш сифатини назорат қилишвозитаси ҳисобланади.

Аудитор аудит дастурини ҳужжатли расмийлашгириши, ҳар бир бажариладиган аудиторлик русум-коидасини рақам ёки код билан белгилаши керак, токи аудитор иш жараённида ўзининг иш ҳужжатларида уларга ҳавола қилиш имкониятига эга бўлсин. Аудиторлик дастурини назорат воситалари тестлари дастури кўринишида ва моҳиятига кўра аудиторлик русум-коидалари дастури кўринишида тузиш керак. Назорат воситалари тестлари дастури ички назорат ва ҳисоб тизими нинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни йигиш учун мўлжалланган ҳаракатлар мажмуидан иборат. Назорат воситалари тестларининг маҳсади шундан иборатки, улар хўжалик юритувчи субъект назорат воситаларининг жиддий камчиликларини аниклашда ёрдам беради.

Моҳиятига кўра аудиторлик русум-коидалари ўз ичига бухгалтерия ҳисобида счёtlар бўйича оборотлар ва сальдо тўғри акс эттирилганлигини батафсил текширишни ўз ичига олади. Моҳиятига кўра аудиторлик русум-коидалари дастури ана шундай аниқ батафсил текширишлар учун аудитор ҳаракатлари рўйхатдан иборат бўлади. Моҳиятига кўра русум-коидалар учун аудитор бухгалтерия ҳисобининг айни қандай бўлимларини текширишини белгилаши ва бухгалтерия ҳисобининг ҳар бир бўлими бўйича аудит дастурини тузиши керак бўлади.

Аудитни ўтказиш шартлари ва аудиторлик русум-коидалари натижаларининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда аудит дастури кайта кўриб чиқилиши мумкин бўлиб, бунда ўзгаришларнинг сабаблари ва натижалари ҳужжатлаштирилиши керак. Аудиторлик дастурининг ҳар бир бўлими бўйича аудиторнинг иш

хужжатларида расман акс эттирилган хulosалари аудиторлик ҳисоботи (хўжалик юритувчи субъект раҳбари ягина ёзма ахборот) ва аудиторлик хulosасини тузиш учун факт материали, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи тўғрисида аудиторнинг холис фикрини шакллантириш учун асос бўлиб ҳисобланади. Аудит дастурининг намуни мазмуни 2-иловада келтирилган. Аудитни режалаштириш жараённи тугаганидан сўнг аудит умумий режаси ва дастури ҳужжатнинг расмийлаштирилиши ва уларга белгиланган тартибда виза қўйилиши керак.

1-ИЛОВА

АУДИТНИНГ УМУМИЙ РЕЖАСИ

Текширилаётган ташкилот _____

Аудит даври _____

Киши-соатлар сони _____

Аудиторлик гурӯҳи раҳбари _____

Аудиторлик гурӯҳи таркиби _____

Режалаштирилаётган аудиторлик риски _____

Режалаштирилаётган муҳимлик даражаси _____

№	Режалаштирилаётган иш турлари	Ўтказиш даври	Бажарувчи	Изоҳлар

Аудиторлик хulosаларига имзо чекиш ҳукуқига эга бўлган аудиторлик ташкилоти раҳбари Аудиторлик гурӯҳи раҳбари.

2-ИЛОВА

АУДИТ ДАСТУРИ

Текширилаётган ташкилот _____

Аудит даври _____

Киши-соатлар сони _____

Аудиторлик гурӯҳи раҳбари _____

Аудиторлик гурӯҳи таркиби _____

Режалаштирилаётган аудиторлик риски _____

Режалаштирилаётган муҳимлик даражаси _____

№	Аудит булимлари буйича аудиторлик тадбирлари рўйхати	Ўтказиш даври	Бажарувчи	Аудиторнинг иш хужжатлари	Изоҳлар

Унинг номидан аудиторлик хulosаларига имзо чекиш ҳукуқига эга бўлган аудиторлик ташкилоти раҳбари

Аудиторлик гуруҳи раҳбари

3.5. Аудит иш сифатини назорат қилиши

Аудитор иши сифатини назорат қилиш 5-сонли аудиторлик фаолияти миллий стандартига мувофиқ тартибга солинади. Ушбу стандартга асосан аудит сифатини назорат қилиш ва аудитга турдош хизматларнинг кўрсатилиши чоғида аудит стандартларининг ва Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини тартибга солиб турувчи бошқа хил меъёрий ҳужжатлар талабларига рўйя этилишини текшириш учун фойдаланиладиган ташкилий чоралар, услублар ва жараёнлар тизимини ўз ичига олади. Ҳар бир аудиторлик ташкилоти иш сифати устидан назорат қилиш тамоиллари ва қоидаларини, шунингдек, улардан фойдаланиш жараёнларини ишлаб чиқиши ва кабул қилиши лозим. Бу эса аудитнинг ўтказилиши жараёнида текширишнинг умумбелгиланган стандартлари билан зиддиятларнинг юзага келмаслиги учун зарурдир.

Аудитор иши сифатини назорат қилиш бир неча шаклларда амалга оширилади:

1. Асосий аудитор томонидан ўз ёрдамчилари ишини назорат қилиш;
2. Аудиторлик ташкилоти томонидан аудитор ишини назорат қилиш;
3. Тацқи назорат.

Асосий аудитор аудитнинг ўтказилиши жараёнида аудитор ёрдамчилари томонидан бажарилаётган ишларни доимий равишда назорат қилиб боради. Ёрдамчи аудитор деганда асосий аудитордан касбий даражаси жиҳатидан фарқ қилув-

чи аудитор малака сертификатига эга бўлмаган ходимлар тушинилади. Ёрдамчи аудитордан фарқли ўлароқ, асосий аудитор аудитнинг бажарилиши учун тўлик жавобгар ҳисобланади.

Бажариладиган ишлар бўйича ёрдамчи аудиторлар маълум бир маънода уларнинг жавобгарлиги ва бажаришлари лозим бўлган жараёнларнинг мақсадлари, хўжалик юритувчи субъектнинг фаолигити ва аудиторлик жараёнларининг можияти, ўтказилиш вақти ва миқёсларига таъсир килиши мумкин бўлган ҳисобга оид аудиторлик муаммолари тўғрисида тегишли равишда хабардор килинган бўлишлари лозим.

Аудитор ишининг аудиторлик ташкилоти томонидан назорат қилиниши қўйидагилар воситасида амалга оширилади:

1. Мижоз олдида аудиторлик режасининг ва аудит ўтказиши дастурининг асосланганлигини мухокама қилиш ва текшириш;

2. Ташкилий-этик аудиторлик тамойилларига қатъяян риом этиш;

3. Асосий аудитор томонидан аудиторлик ҳулосаси бериб бўлинганидан кейин аудиторлик ташкилотининг бошқа аудитори томонидан ҳисботларнинг ишончлилигини мижоз учун бепул бўлган такрорий қайта текширишларни ўтказиш.

Маълум бир аудиторлик текширувларининг назорат қилиниши қўйидаги тушунчаларни ўз ичига олади:

1. Ваколатларни бериш:

- аудиторларнинг мустакилитги, касб маҳорати ва компетентлилигини таъминлаш;

- аудиторлар учун зарур ҳаракат эркинлигини таъминлаш;

- аудитнинг ёзма дастуридан фойдаланиш.

2. Кузатув:

- аудиторлар ишини жорий назорат қилишни таъминлаш;

- монанд ҳаракатларнинг қилиниши учун хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисобига оид муаммоли масалаларни билиш.

3. Текшириш:

- текширишнинг стандартларга мувофик бажарилиши,

хужжатларнинг стадионига, аудиторлик текширишин мақсадларига эриншилишни тъмнилеш учун аудиторлар томонидан амалга оширилган жами ишларнинг текширилшин.

Аудит сифатини умумий ниторат килиш қуйидай менгелар мажкулларни асосида амалга оширилаади:

1. Мустакиллик.

Коюда на жарайдилар барча даражалардаги хизмат кўрсатуичилар ўт мустакилликларини савжаб юзлиширига асоси ишончни тъмнилешни лотим. Ушбу ташабининг бажарилишини учун аудиторлик ташкилоти бир йилда бир маориби ўт мижитлари рўйхатини тарқатишни ўт хизматчиликдан мустакиллик тўрисидаги яризани ишонишларини ташаб қилиши мумкин.

2. Хизматчилик ташкириклар.

Коюда на жарайдилар маҳсус тайёрларлик ва тажрибали нишахолар томонидан бажарилишини асоси ишончни тъмнилаб беринши керак. Маткур ташабининг бажарилишини учун аудиторлик ташкилоти ишни ўт хизматчиликари учун тарур ташкирикларнинг сафандан аниқлаб олинини мумкин бўлгани ҳодида режијаштириб олиши керак бўлади.

3. Маслаҳатлар.

Коюда на жарайдилар аудиторлик ташкилотининг хизматчилиари бажарилишини ишга оид маслаҳатлар бўйича ишни хайдардор бўланган ва обрули шахслардан ёрдам олинишга интилишни мумкинлигига асоси ишончни тъмнилаб беринши лотим. Ушбу ташабининг бажарилишини йўлда аудиторлик ташкилоти аудит, бухгалтерия хисоби ва менингий хисоботларни юритиш, сомидка кортиш, маслаҳат хизматлари каби содалар бўйича аудиторлик ташкилотини экспертири сифатидаги мавзум бир шахсларни тайинланни мумкин.

4. Кумагуи:

Коюда на жарайдилар аудиторлик ташкилотининг жорий физолиги унци белгиланган сифат стадионларни жиоб беришингиз асосланган ишончни тъмнилаб беринши лотим. Аудиторлик ташкилотининг кузатув жарайдиларини белгиланиши учун жиоб бирининг шик мажбуриятларнинг ширтнома

асосида режалаштирилиши ва бажарилиши учун аудитни ўтказаётган хизматчиларнинг жавобгарлигидан фарқ қиласди. Ушбу кузатиш талабларнинг кондирилиши учун аудиторлик ташкилоти барча иш хужжатларини, ҳисоботларни талаб қилиши ва уларни тегишли назорат қилувчи ва техник ходимларга текшириш учун тақдим этиши мумкин.

5. Ишга ёллаш.

Қоида ва жараёнлар ишга ёлланадиган хизматчиларнинг малакали мутахассис эканликларига асосли ишончни таъминлаб бериши керак. Ушбу талабнинг бажарилиши учун аудиторлик ташкилоти энг кичик ҳажмлардаги малака талабларини белгилаб бериши мумкин (мисол учун, бухгалтерия ёзувларининг олиб борилишини коллежнинг, у ерда бухгалтерия ҳисоби бўйича таҳсил олган ва билим жиҳатдан ўргача ёки яхши бўлган битирувчиси ҳам бажаришлари мумкин).

6. Касбий даражанинг оширилиши.

Қоида ва жараёнлар аудиторлик ташкилоти хизматчиларининг улар томонидан ўз вазифаларининг бажарилиши учун зарур билимларга эга эканликлари тўғрисида асосли ишончни таъминлаб бериши керак. Ушбу талабнинг бажарилиши учун аудиторлик ташкилоти ўз малакасини ошириш истагидаги хизматчиларига касбга оид ўкишни давом эттиришлари учун шарт-шароитларни яратиб бериши ва ёрдам кўрсатиши мумкин.

7. Мижозлар мақбуллилиги ва улар билан муносабатларнинг давомийлиги.

Қоида ва жараёнлар аудиторлик ташкилоти раҳбарияти конун бузувчи хўжалик юритувчи субъект билан боғланиб қолмаслигига асосли ишончни таъминлаб бериши керак. Ушбу талабнинг бажарилиши учун аудиторлик ташкилоти бўлажак янги мижоз билан ҳамкорлик қилиб келаётган тафтишидан, банк ходимларидан, юристлар ва бошқа шахслардан маълумотлар олиши керак бўлади.

8. Назорат қилиш.

Қоида ва жараёнлар аудитор иши сифатини назорат қилиш самарали олиб борилаётганлиги тўғрисидаги асосли

ишончни таъминлаб бериши керак. Мазкур талабнинг бажарилиши учун ҳар бир хизматчи вазифаларининг тақсимланиши, ушбу вазифаларнинг бажарилиши билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа шерик ёки хизматчи томонидан амалга оширилиши керак бўлади. Маъмурй ишлар ва хизматчилар томонидан юритиладиган ишлар ҳам назорат асосида текшириб чиқилиши зарур.

Аудиторлик ташкилоти томонидан ҳужжатлар асосида назорат қилиш натижаларини тасдиқловчи тавсиянома берилади. ҳужжатлар шакли ва ҳажми аудиторлик ташкилоти ҳажмига, функционал бўлимлар сони, фаолият тузи ва бошқа омилларга боғлиқ.

9. Шерик ёки шериклар хўжалик юритувчи субъект ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда мазкур аудиторлик ташкилотида амал қилиб келаётган сифат устидан назорат қилиш тизими самарадорлиги учун жавобгар бўлишлари керак. Мақсад бундай назорат қилиш қоида ва жараёнлари, вазифаларнинг тақсимланиши ва хизматчиларга белгиланган қоида ва жараёнларнинг маълум қилиниши худди аввалгидек ўз мақсадига қанчалик жавоб бериши амалиётининг ўз вақтида аниқлаб олинишидан иборат.

Аудиторлик ташкилоти томонидан аудитор иши сифатини назорат қилиш қоида ва жараёнларининг белгиланиши чоғида у қўйидаги чораларни кўриши лозим:

1. Аудитор иши сифатини назорат қилиш қоида ва жараёнларнинг амалга оширилиши бўйича малакали хизматчилар ўргасида вазифаларни тақсимлаш;
2. Аудитор иши сифатини назорат қилиш қоида ва жараёнларни хизматчиларга етказиш;
3. Аудитор иши сифатини назорат қилиш тизими самарадорлигини қоида ва жараёнларнинг аввалгидагидек уларнинг кўлланиш усувлари ва хизматчиларга етказилиши амалиётига жавоб бериш-бермаслигини аниқлаш мақсадида текшириб кўриш.

Аудитор иши сифатини назорат қилиш қоида ва жараёнлари ёзма шаклда баён қилиниши шарт эмас. Улар хизматчи-

ларнинг ишга қабул қилиниши чоғида оғзаки равишда маълум қилиниши ва аудиторлик ташкилоти умумий йигилишида, бир йилда бир маротаба тақрорланиши мумкин. Шу билан биргаликда, аудиторлик ташкилотлари ўз қоида ва жараёнларини ҳужжатлар асосида мустаҳкамлаб боришилари тавсия этилади. Ҳужжатларнинг тури ва ҳажми энг аввало аудиторлик ташкилоти ҳажмига ва унинг фаолият тусига бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун савол ва топшириқлар:

1. *Аудиторлик текшириш босқичлари тўғрисида умумий тушунча беринг.*
2. *Аудиторлик текшириш қандай принциплар асосида амалга оширилади?*
3. *Аудиторлик ташкилотининг мижоз олдидағи мажбурият хатининг моҳияти ва мақсади нималардан иборат?*
4. *Аудиторлик текширишга оид шартнома, унинг моҳияти ва мақсадини айтиб беринг.*
5. *Аудиторлик текшириш режаси ва унинг мазмунини тарифлаб беринг.*
6. *Аудиторлик текшириш дастури ва унинг мазмунини нималардан иборат?*
7. *Аудит иши сифатини назорат қилиш ва унинг шакллари нималардан иборат?*

IV БОБ. АУДИТОРЛИК РИСК ВА УНИНГ АУДИТОРЛИК ТАНЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ

4.1. Аудиторлик текширишда муҳимликни баҳолаш

Аудитда “муҳимлик” тушунчаси. Хўжалик юритувчи субъект аудитини ўтказиш давомида муҳимлик даражасини баҳолаш масалалари бўйича аудиторлик ташкилотининг фолиятини белгилаш мақсадида ЎзР Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 4 августда 63-сон билан тасдиқланган 9-сонли «Муҳимлик ва аудиторлик риски» АФМС талаблари асосида амалга оширилади. Мазкур стандарт талаблари расмий аудиторлик хulosасини тайёрлашни назарда тутадиган барча аудиторлик ташкилотлари учун мажбурий талаблар ҳисобланади.

Аудитда хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисботининг ишончлилигига каттагина ҳажмда таъсир кўрсатадиган ҳолатлар муҳим ҳолатлар деб эътироф этилади. Барча муҳим муносабатларда молиявий ҳисботнинг ишончлилиги деганда молиявий ҳисбот кўрсаткичлари аниқлигининг шундай даражаси тушуниладики, бунда ушбу ҳисботнинг малакали фойдаланувчиси унинг асосида тўғри хulosалар чиқариш ва тўғри қарорлар қабул қилишга қодир бўлади. Ахборотнинг муҳимлилиги хусусияти уни ана шундай ахборотдан оқилона фойдаланувчининг қарорларига таъсир кўрсатишга қодирлигига намоён бўлади.

«Муҳимлик» тушунчаси деганда молиявий ҳисбот бузилишнинг энг юқори қиймати тушунилади, ундан бошлаб ана шу ҳисботнинг малакали фойдаланувчиси унинг асосида тўғри хulosалар чиқариш ва тўғри қарорлар қабул қилишга қодир бўлмай қолади. Муҳимлик даражасининг мутлақ қийматини аниқлашда аудитор хўжалик юритувчи субъектнинг аудит қилинадиган, молиявий ҳисботини ишончлилигини тавсифлайдиган энг муҳим кўрсаткичларни асос сифатида қабул қилиши керак.

Муҳимлилик – бу хато ҳажмнинг йўл қўйиш мумкин бўлган энг кўп микдори бўлиб, у ҳисобда кўрсатилиши мумкин

ва унга мұхим әмас, яғни ҳисоботдан фойдаланувчиларни адаштирумайды, деб қаралади.

Ҳисоботдаги айрим күрсаткичлар ва унга иловалардаги баъзи ахборотлар етарлича аниқ бўлмаслиги мумкин. Лекин шунга асослануб, ҳисобот умуман аниқ әмас ёки у ишларнинг ҳақиқий аҳволини акс эттирумайды, деган хулоса чиқариш мумкин әмас. Куйидагилар ноаниқликни келтириб чиқариши мумкин:

* ҳисоблашдаги хатолар (масалан, амортизация миқдорини ҳисоблашда йўл қўйилган арифметик хато, харидор ва буюртмачиларга бўлган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари миқдорининг нотўғри кўрсатилиши ва ҳ.к.);

* айрим бухгалтерия кўрсаткичларининг тахминийлиги, тахминий кўрсаткичларга: номоддий активлардан наф олиб фойдаланиш, ундириб бўлмайдиган дебиторлик қарzlари каби кўрсаткичларни киритиш мумкин.

Бу хатоларни аудитор аниқлаган бўлса, мижоз ҳисоботга тузатиш киритиши зарур, акс ҳолда ҳисобот аниқ бўлмайды.

Лекин ҳамма мижозлар дарҳол тузатиш киритмайды, баъзан бутунлай тузатиш киритilmайди.

Аудитор қўйидаги ҳолларда бухгалтерия ҳисботидаги ноаниқликларга йўл қўяди:

1) ноаниқлик арзимаган даражада бўлиб ҳисоботдан фойдаланувчилар қабул қиласидиган қарорга таъсир қилмаса;

2) кичик хатоларни аниқлаш ва тузатишга харажатлар беҳад кўп бўлса;

3) кичик хатоларни аниқлаш ва тузатишга сарфланадиган вақт бухгалтерия ҳисботи эълон қилинишини кечиктириб юборса.

Аудитор шу тариқа ҳисоблашдаги кўрсаткичларнинг хатолигига йўл қўяди, лекин айни пайтда бухгалтерия ҳисботи аниқ ва ишончли эканини исботлашга ҳаракат қиласи.

Ҳисоботдаги ноаниқлик мұхимлигини баҳолаш масаласида профессионал ташкилотларда ва айрим аудиторларда яқдил фикр йўқ. Уларнинг баъзилари мұхимликнинг аниқ миқдорий баҳоси зарур деб ҳисоблашса, бошқалари эса баҳо-

нинг қатъйлигини инобатга оладилар. Кўпинча кўрсаткичларнинг 5% гача оқишини арзимас микдор деб ҳисоблайдилар, 10% дан ортигини мухим деб биладилар. Бундан ташқари, мухимликни баҳолашда қўйидаги омиллар эътиборга олинади:

- * хатонинг мутлоқ қиймати;
- * хатонинг нисбий қиймати;
- * ҳисобот моддаси мазмуни;
- * аниқ шартлар;
- * ноаниклик;
- * жами хатолар.

Хатонинг мутлоқ қиймати бу баҳо моддийликнинг ягона мезони бўла олмайди, мисол учун 50 миллион сўм факат бир ҳолатда, масалан, у маҳсулотни сотишдан тушган 170 миллиард сўмнинг 0,3% ни ташкил қилганда мақбул ҳисобланishi мумкин, аммо бошқа ҳолатларда ҳаддан ташқари кўп ёки ҳаддан ташқари кам бўлиши мумкин.

Бошқа тарафдан, хатонинг ҳажми колган барча омилларга қарамай, мухим бўлиши мумкин. Ҳар қандай катта микдордаги пул, масалан, 100 млн. сўм бошқа вазиятларга қарамай моддий ҳисобланади.

Нисбий қиймат бу баҳо қандайдир база қийматига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланади. Шу билан бирга аудитор тажрибаси айнан шу база қийматини танлашда намоён бўлади ва нуқсонларни ҳисоблашни бошлаш нуктаси бўлади.

Масалан, 87.10 ёки 98.10 ҳисобларида эҳтимоли бўлган хатолар балансдаги фойда ёки соликка тортилгандан сўнг корхона тасарруфида коладиган фойда билан боғлиқ бўлади, ҳамда корхона фаолиятининг молиявий натижалари ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилади.

Баланс моддаларида мумкин бўлган хатолар баланснинг иккинчи ва учинчи бўлимларининг жорий активлари сифатида оралиқ кўрсаткичлар билан боғлиқ бўлади.

Ҳисобот моддасининг мазмуни бу сифат омили, лекин у мухимликни аниглаш чоғида мухим аҳамиятта эга. Айланма активлар (касса, олинадиган ҳисоблар, ишлаб чиқариш захи-

ралари) ҳисоблари бўйича хатонинг пайдо бўлиши имконияти келгуси давр харажатлари, асосий воситалар каби бошқа ҳисобларга нисбатан кўпроқ.

Айланма активлар билан боғлиқ ўғирликлар ёки сунистъемоллар ўзининг мутлок ёки нисбий ҳажми туфайли эмас, балки гайриқонунийлиги билан муҳимдир.

Яъни бу бухгалтерия ҳисоблари бўйича хатолар корхона нуқтаи назаридан умуман арзимас миқдорда бўлиши мумкин, лекин ҳисоблар бўйича таҳлил қилиш чогида муҳим бўлиши мумкин.

Аниқ шароитлар. Бу аудитор муҳимликни баҳолаш чоғида ҳисобот ким учун мўлжалланганини ҳисобга олиш лозим. Агар аудиторлик ҳолосаси акциялар эмиссиясини проспектига илова қилиш учун, банкларнинг кредит бўлимларига мўлжалланган бўлса, фойдаланувчиларнинг кенг доираси – акциядорлар учун мўлжалланган бўлса ёки текширилаётган корхонанинг раҳбари бухгалтерия ҳисоби масалаларига кўпроқ эътибор берадиган бўлса, у ҳолда аудитор пухтароқ текшириши ва муҳимликнинг янада қатъий мезонларига асосланиши лозим.

Ноаниқлик. Агар аудитор корхонанинг ўз фаолиятини давом эттириш имкониятини паст деб баҳоласа, яъни белгилangan мезонларга мувофиқ корхона тўлов қобилиятини йўқотган ёки яқин вақт ичида тўлов қобилиятини йўқотиш мумкин бўлса, аудитор бундай ҳолатда ҳам муҳимликнинг янада қатъий мезонларига асосланиши лозим бўлади.

Умумлаштирилган хато.

Аудитор маълум ва эҳтимол тутилган хатоларнинг умумий ҳажмини баҳолаши керак бўлади. Чунончи, ҳар бири 2 миллион сўмлик бешта хатони муҳим эмас деб қайтариш мумкин, аммо улардан ҳар бири баланс фойдани қўпайтирса, баланс фойдаси бўйича муҳим хато 10 миллион сўмни ташкил қиласи, у ҳолда юқоридаги бешта хатога муҳим эмас деб қарашга йўл кўйиб бўлмайди.

Аудиторлик текширишнинг зарур самарадорлигини тъминлаш учун муҳимликни режалаштириш босқичида баҳолайдилар.

Муҳимликни баҳолаш чоғида икки хил – индуктив ва дедуктив ёндашувдан фойдаланилади.

Индуктив ёндашув шундан иборатки, аввало ҳисобот ҳар бир моддасининг муҳимлиги аникланади, сўнгра умумий муҳимликни аниклаш учун алоҳида моддалар бўйича баҳолар қўшилади. Аммо бундай ёндашув эҳтиёткорлик билан қўлланиши лозим, чунки 10 миллион сўмга тенг хато дебиторлик қарзи учун муҳим бўлмаслиги мумкин, лекин баланс фойда учун муҳимдир.

Дедуктив ёндашув шундан иборатки, аввал йўл қўйиш мумкин бўлган хатонинг умумий миқдори аникланади, сўнгра ҳар бир бухгалтерия ҳисоби бўйича иш ҳажмини аниклаш мақсадида бу миқдор ҳисоботнинг моддаларига тақсимланади.

4.2. Аудиторлик рисклари

Аудиторлик текшириш натижалари бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти кўрсаткичларини ҳакқонийлигини тасдиқлаш нисбий ҳисобланади. Шунинг учун ҳам аудиторлик текширишда аудиторлик рисклари тушунчаси фойдаланилади.

Аудиторлик риски – аудитор томонидан субъектив равишда белгиланадиган, аудиторлик текшируви якунлари бўйича молиявий ҳисобот унинг ишончлилиги тасдиқланганидан кейин аникланмаган жиддий бузилишларни ўз ичига олиши мумкинлигини эътироф этиш ёки аслида бундай бузилишлар молиявий ҳисоботда бўлмаса-да, унда жиддий бузилишлар мавжудлигини эътироф этиш эҳтимолидир.

Аудиторлик риски ўз ичига учта таркибий бўлинмани олади:

1. Ажратиб бўлмайдиган риск;
2. Назорат риски;
3. Молиявий ҳисоботдаги хатолар ва бузилишларни топмаслик риски.

Аудитор аудиттін Үткеліш пайғыда аудиторлық рискинің оқиғонағынан кам дәражадағы насытырыш учун тарур өткізуарлардың күрінші керак.

Ажратыб бұлмайдыған риск. Ажратыб бұлмайдыған риск баланс екінші бухгалтерия мұомағаштары тоғасыннанға мәдени түсегі ғана бұлған мүмкін бұлған буынлишлардан иборат-дір. Ажратыб бұлмайдыған рискке бухгалтерия баланс екінші бухгалтерия мұомағаштары тоғасыннанға харектери таңсир күрсегін. Ажратыб бұлмайдыған рискин бағдарлама аудитор-шының міндетті функциялары, үниш тапкырнан түзілішине на корхонаны бошқарып таңсифнамаларынан болжаштығы ассоциациясы. Аудитор аудиттінде умумий режасынан таңберланаған пайғыда, үткеліштің маңыздылықтарынан, баланс мәдениетіне ғана мәдений хисобот күрсегіншілердің дөңгөлі ажратыб бұлмайдыған рискин бағдарлама аудитор Үткеліштің аудиторлық мәдениліктердің хам фойдаланынан мүмкін, бұлда у ана шу рискин бағдарлама шартынан таңсирледігандай Үткеліштің хам ғүрепшілігінде ишшінде хосын қояншы керак.

Ажратыб бұлмайдыған рискке құйылады омыртқар таңсир күрсегінде мүмкін:

1. Олдай хисоб-китобшыларға қарғандағы мұрақкаб хисоб-китобшылар мәдени жиһазтудан буынб күрсегінде охтимолшының китегі дәражасында ғана бұлашы.

2. Накоң шұлдар үткеліштің мүмкін.

Ниесаттан беркірор факт мәжлүмогашарынан иборат счётуарларға қарғандағы смета тақымыншарынан көліб чиққадын сұммашырдан иборат бұлған счётуар күнрок риск дәражасынни құншаға көттегіреді. Геокогенетик югурулар таҳиршыларни инчагыннаң ошириш сабабынан бұлғын, әр кандай анық мәдесулоттың жеке көргөн мәдесулотты аллантирын мүмкін. Түшкүншілік ҳолалда бұлған, близнесда анчагына міндетті мұнаффакиятештілікшілдер ғана старат бұлмайдыған оборот қапиталы билан таңсифлаудың тармок міндеттіненге рахбариятты мәлімдемей хисоботтін буыншығы бориши учун мәйнилік түгдірілді.

Назорат риски. Назорат риски хұжалик субъектіде мавжуд бұлаган на мүнисипалитеттің құллашыладыған бухгалтерия хисоби

тизими ва ички назорат тизими воситалари алоҳида олганда ёки жами ҳолатда жиддий бўлган бузилишларни аникламаслиги ва тузатмаслиги ва (ёки) бундан бузилишларнинг пайдо бўлишига тўсқинлик килмаслиги эҳтимолидан иборатdir. Назорат риски хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби тизими ва ички назорат тизими ишончлилиги дараҷасини тавсифлайди. Аудитор ўзининг касб малакасидан фойдаланиб, аудит давомида хўжалик юритувчи субъектнинг назорат тизими, назорат муҳити ва назоратнинг алоҳида воситаларини баҳолаши шарт. Назорат воситалари рискини баҳолаш учун аудитор назорат воситаларини тестлашни қўллаши керак.

Назорат воситаларини тестлаш куйидагилардан ташкил топади:

1. Молия-хўжалик операциялари ўтказишини акс эттирадиган ҳужжатларни текшириш ва шу муносабат билан назорат воситалари тегишли тарзда фаолият кўрсатишининг аудиторлик далил-исботларини олиш.
2. Бунинг тўғридан-тўғри ҳужжатли тасдигини олиш мумкин бўлмаган ҳолларда назорат воситалари фаолият кўрсатишининг аудиторлик далил-исботларини олиш мақсадида бухгалтерия муомалаларини расмийлаштириш устидан кузтишлар ва сўровлар.
3. Назорат воситалари иш қобилияти тўғрисидаги маълумотларни олиш учун бошқа аудиторлик русум-коидалари натижаларидан фойдаланиш.

Назорат рискини баҳолаш пайтида аудитор ўтган йиллар аудити материалларидан фойдаланиши мумкин, бирок бунда у олдинги йилда тегишли назорат воситалари учун килинган ушбу риск миқдорини баҳолашлар текширилаётган йил учун ҳам ҳаққоний эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак бўлади. Назорат рискини баҳолаш натижаларини аудитор аудитнинг умумий режасида акс эттириши керак.

Топмаслик риски. Топмаслик риски аудитор томонидан субъектив равишда белгиланадиган, аудитор текширув давомида қўлладиган аудиторлик русум-коидалари бухгалтерия

хисоби ва молиявий хисоботда ҳақиқатда мавжуд бўлган, алоҳида олганда ёки жами ҳолатда жиддий тусга эга бўлган хатолар ва бузилишларни топиш имконини бермаслиги эҳти-молидир. Топмаслик риски аудитор иш сифати кўрсаткичи бўлиб, аудитор малакаси ва аниқ аудиторлик текширувини ўтказиш хусусиятларига боғлиқдир. Аудитор ажратиб бўл-майдиган ва назорат рискларини баҳолаш асосида ўз ишида йўл қўйиладиган топмаслик рискини белгилаши ва топмас-лик рискини иложи борича камайтиришни ҳисобга олган ҳолда тегишли аудиторлик русум-коидаларини режалашти-риши шарт.

Топиш риски билан ажратиб бўлмайдиган ва назорат рискларининг комбинацияланган даражаси ўртасида тескари алоқа мавжуд:

- агар топмаслик ва назорат рисклари юкори бўлса, ауди-торлик риски мақбул бўладиган паст даражага қадар ауди-торлик рискини камайтириш учун етарлича паст бўлиши ке-рак.

- агар ажратиб бўлмайдиган ва назорат рисклари паст бўл-са, аудитор топмасликнинг анча юкори рискини белгилаши ва шу тарзда аудиторлик рискини мақбул бўладиган паст да-ражага камайтириши мумкин.

Муҳимлик билан аудиторлик риски ўртасидаги боғ-лиқлик. Аудитни режалаштириш пайтида аудитор қандай ҳаракатлар ва операциялар молиявий хисоботни жиддий бу-зишларга олиб келишини кўриб чиқади. Алоҳида бухгалте-рия хисобларидағи колдикларга доир муҳимликнинг ауди-торлик баҳоси аудиторга қандай масалалар ва қандай модда-ларни ҳал этиш, қандай танламадан фойдаланиш ва қандай таҳлилий русум-коидаларни амалга оширишни ҳал этишда ёрдам беради. Бу ҳол аудиторга умумий аудиторлик рискини мақбул бўладиган паст даражага камайтиришда ёрдам бера-ди.

Аудиторлик рискининг муҳимлик билан даражаси ўртаси-да тескари алоқа мавжуд: муҳимлик даражаси қанча юкори бўлса, аудиторлик риски шунчак паст бўлади ва аксинча. Агар аудиторлик русум-коидалари режалаштирилганидан

кейин аудитор муҳимликнинг мақбул даражаси пастлиги хусусида қарор қабул қилса, аудиторлик риски камаяди. Аудитор буни:

- имкони бўлган ерда назорат рискининг баҳоланаётган даражасини пасайтириш ва назоратнинг ўқурлаштирилган ёки қўшимча тестларини бажариш йўли билан пасайтирилган даражани кўллаб туриш;

- мустакил (асосий) русум-қоидалар характеристи, вақти ва даражасини модификациялаш (ўзгартириш) йўли билан топмаслик рискини камайтириш воситасида аниқлаштириши керак.

Бунда шуни назарда тутиш керакки, ажратиб бўлмайдиган риск қийматлари доимий бўлиб қолади ва улар умумий текшириш режасини тайёрлаш давомида ҳисобга олинмаган, объектив равишда мавжуд фактларни текшириш давомида аниқланган тақдирда ўзгариши мумкин.

Тадбиркорлик ва аудиторлик рисклари молиявий ҳисбот аудити билан бевосита боғлиқ. Тадбиркорлик риски шундан иборатки, аудитор (аудиторлик ташкилоти) тақдим этган аудиторлик ҳолосаси изъобий бўлишига қарамай, мижоз билан можаро туфайли муваффақиятсизликка учраши мумкин. Бу қуйидаги омилларга боғлиқ:

- * аудиторлик ташкилотининг рақобатбардошлигига;
- * аудиторга нисбатан суд орқали даъволарнинг эҳтимоллигига;
- * мижознинг молиявий аҳволига;
- * мижоз операцияларининг характеристига;
- * мижоз маъмурияти ва ҳисоб ходимларининг омилкорлигига;
- * аудит ўтказиш муддатларига ва ҳоказо.

Аудитор мижоз молиявий ҳисботини тўғри тузилганини ёзма ҳолосада акс эттиради. Аслида эса молиявий ҳисботда мухим хатолар бўлади.

Аудиторлик хатоси бир неча қисмлардан иборат бўлади. Унинг таркибини таҳлил қилиш учун аудиторлик хатосини қуйидаги соддлаштирилган дастлабки модел сифатида кўрсатамиз:

МАР=ИХР×НР×АР,

бунда **МАР** – мақбул аудиторлик риски (нисбий миқдор). Аудиторнинг аудит текшириши ниҳоясига етиб, ижобий аудиторлик хulosаси берилгандан сўнг молиявий ҳисоботда мухим хато бўлиши фактини тан олишга тайёрлиги дараҷасини ифодалайди.

ИХР – ички хўжалик риски (нисбий миқдор). Ички хўжалик назорати тизимини текширишга қадар йўл қўйиш мумкин бўлган миқдордан ортиқ хато мавжуд бўлиши мумкинлигини ифодалайди.

НР – назорат риски (нисбий миқдор). Ички хўжалик назоратида йўл қўйиш мумкин бўлганидан ортиқ мавжуд мухим хатонинг олдини олиб, аниқлаб бўлмаслиги эҳтимолини ифодалайди.

АР – аниқланмаслик риски (нисбий миқдор). Қўлланиладиган аудиторлик амаллари ва тўпланиши лозим бўлган аудиторлик далиллар йўл қўйиш мумкин бўлган миқдордан ортиқ хатони аниқлашга имкон бермаслиги эҳтимолини ифодалайди.

Аудитор текширишини режалаштириш чоғида аудиторлик риски модели қўлланиб, қўйидаги усуллардан фойдаланиши мумкин.

Биринчи усул, режани аудиторнинг малакаси нуқтаи назаридан баҳолашга ёрдам беради. Масалан, аудитор ички хўжалик риски 80%, назорат риски 50% ва аниқланмаслик риски 10% ни ташкил қиласи, деб тахмин қилиши мумкин. Оддий ҳисоблаш йўли билан аудит чоғида риск қиймати 4% ни ташкил қиласи, яъни:

$$(0,8 \times 0,5 \times 0,1).$$

Агар аудитор ушбу ҳолатда аудиторлик рискининг мақбул даражаси 4% дан ортиқ бўлмаслиги керак, деган хulosага келган бўлса, у ҳолда, режани мақбул деб ҳисоблаш мумкин. Бундай режа аудиторга аудиторлик рискининг мақбул дараҷасини олишга ёрдам беради, лекин унинг самараси кам бўлади.

Самаралироқ режа түзиш учун рискни ҳисоблашнинг иккинчи усулидан фойдаланиш, яъни аниқланмаслик рискини ва тўпланадиган далилларни шунга мувофиқ микдорини белгилаши лозим. Шу мақсадда аудиторлик риски модели куйидагича ўзгаририлади:

$$AP=MAP/IHR \times HP$$

Олдинги масалага қайтиб, аудитор ўзи учун мақбул аудиторлик рискини 5% даражада белгилади, дейлик, демак аниқланмаслик рискининг 10% даражаси билан танлаб олинидиган далиллар микдорини келишиб олиш муносабати билан аудит режаси ўзгаририлиши мумкин, чунки,

$$0,5/0,8 \times 0,5 = 0,312$$

Риск моделининг бу шаклида аниқланмаслик риски ҳал қилувчи омилга айланади, чунки у далилларнинг зарур микдорини белгилаб беради. Талаб қилинадиган далил микдори аниқланмаслик риски даражасига номутаносибdir. Аниқланмаслик риски даражаси қанча кам бўлса, шунча кам далил талаб қилинади.

Аудиторлик риски модели асосида мақбул келадиган аудиторлик риски билан аниқланмаслик риски ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд, шунингдек, мақбул аудиторлик риски билан тўпланиши лозим бўлган далилларнинг режалаштирилаётган микдори ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд, деган холосага келиш мумкин. Масалан, агар аудитор мақбул аудиторлик риски даражасини камайтиришга қарор килса, у аниқланмаслик рискини камайтиради ва шунинг билан биргаликда тўпланиши лозим бўлган далиллар микдорини ҳам камайтиради.

Аудиторлик риски моделидан фойдаланишнинг учинчи, анча умумийроқ усули факат аудиторга турли рисклар ўртасида ўзаро боғлиқлик борлигини ва рискларнинг далиллар билан алоқадорлигини эслатишга қаратилган. Зарур микдордаги далилларни тўплашни ташкил этиш учун бу боғлиқлини тушуниш мухимдир. Бундай боғлиқликни аниқлаб олиш учун аудиторлик риски моделидаги ҳар бир қисмни батафсил кўриб чиқайлик.

1. Мақбул аудиторлик риски. Мақбул аудиторлик риски – бу аудитор ўз зиммасига олишга тайёр турган рискларнинг субъектив белгиланган даражасидир. Агар аудитор ўзи учун аудиторлик рискининг пастроқ даражасини белгиласа, бу аудиторнинг молиявий ҳисоботда мұхим хатолар йүқлигига ишончи күпроқ бўлишига интилаётганини билдиради.

Мақбул аудиторлик риски аудиторнинг молиявий ҳисоботда мұхим хатолар йүқлигига тўла ишончини билдиради. Таъкидлаш керакки, аудитор мұхим хатолар бутунлай йўқлигига кафолат бера олмайди. Аудиторларнинг кўпчилиги мақбул аудиторлик риски 5% дан ошмаслиги лозим, деб ҳисоблайдилар.

Мақбул аудиторлик риски миқдорига қўйидаги асосий омиллар таъсир қилиши мумкин:

- * аудиторнинг омилкорлик даражаси;
- * аудиторнинг молиявий ахволи;
- * ҳисоботдан ташки фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисоботта ишонч даражаси;
- * мижоз бизнесининг қўлами;
- * мижознинг ташкилий - хукукий шакли;
- * мулк шакли ва унинг мижоз устав капиталида тақсимлашиши;
- * мижоз мажбуриятларининг тури ва миқдори;
- * мижоз ички назоратининг даражаси;
- * мижозда банкротлик эҳтимоли ва бошқалар.

Аудитор мижозни текшириб, риск даражасига таъсир қилувчи омиллардан бирининг қийматини баҳолаши лозим. Текшириш ва омилларни баҳолаш асосида аудитор риск даражасини субъектив белгилаб, аудитдан сўнг ҳам молиявий ҳисоботда мұхим хатолар бўлиши мукин, деб тасдиқлай олади. Текшириш жараённида аудитор мижоз тўғрисида кўшимча ахборот олади ва аудиторлик рискининг мақбул даражасига берган ўз баҳосини ўзгартириши мумкин. Аудитор мижознинг банкрот бўлиш эҳтимоли юқори, шу муносабат билан аудитор тадбиркорлик риски ортади, деб фараз қилган ҳолларда мақбул аудиторлик риски даражасини пасайтириш зарур.

2. Ички хўжалик риски. Ички хўжалик риски – бу аудитор белгилаган риск даражаси бўлиб, у молиявий ҳисоботнинг муҳим ҳатоларига мойиллигини акс эттиради. Ички хўжалик риски даражасини белгилаш чоғида ички хўжалик назорати эътиборга олинмайди, чунки у аудиторлик риски моделига мустақил элемент сифатида киради ва назорат риски деб аталади.

Ички хўжалик риски миқдори қуйидаги нисбатда белгиланиши мумкин:

Б<ИХР<1.

Ички хўжалик риски билан аниқланмаслик риски ўртасидаги боғлиқлик, шунингдек, далилларнинг режалаштирилаётган миқдори эътиборга олинадиган бўлса, у ҳолда ички хўжалик риски аниқланмаслик рискига тескари мутоносиб ва далиллар миқдорига тўғри мутаносибdir. Масалан, агар аудитор дебиторлик қарзи бўйича ички хўжалик риски юқори, чунки ноқулай иқтисодий вазият туфайли мижознинг кўп буюртмачилари банкрот бўлмоқда деган хуносча чиқарса, у ҳолда аниқланмаслик риски кам, режалаштирилаётган далиллар миқдори (ички хўжалик назоратини ҳисобга олмаганд) кўп бўлиши лозим.

Аудитнинг бошланишида ички хўжалик риски даражасини фақат тахминан баҳолаш мумкин. Аудитор ички хўжалик рискини баҳолаётганда қуйидаги асосий омиилларни ҳисобга олиши лозим:

- * мижоз бизнесининг характеристи;
- * маъмуриятнинг ҳалоллиги;
- * мижоз ҳулкининг сабаблари;
- * олдинги аудит натижалари;
- * дастлабки ва такрорий аудит;
- * кичик ва қарам ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари;
- * ноанъанавий операциялар;
- * ҳисоб ходимларининг профессионализми;
- * бухгалтерия счёtlаридағи қолдиқлар ва ҳисбот моддалари бўйича киймат миқдори;
- * мижоз бухгалтерия муомалаларининг сони, таркиби ва шу кабилар.

Аудитор ички хўжалик рискини баҳолаш асосида аудитнинг аниқ участкаси учун бу омилларнинг қайси бири муҳимлигини аниқлаши лозим. Ички хўжалик риски даражасини аниқлашнинг аниқ кондалари йўқлигига қарамай, аудиторлар баҳо беришда консерватив бўлишади. Аудиторларнинг кўпчилиги кулай вазиятда ички хўжалик риски даражасини 50 фоиздан анча юкори, муҳим хатоларни кутишга асос бўлганда эса ҳатто 100 фоиз даражада белгилайдилар.

3. Назорат риски. Назорат риски мижоз ички хўжалик назоратига унинг хатоларини олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик қобилияти нуктаи назаридан аудиторнинг берган баҳосидир. Аудитор унга аудит режасининг бир қисми сифатида қараб, бу баҳони энг юкори даражадан (100 фоиздан) паст даражада белгилашга ҳаракат килади. Айтайлик, аудитор ички хўжалик назорати тизими хатонинг олдини олиш ва уни аниқлаш нуктаи назаридан мутлақо самарасиз деб хисоблади. Бундай ҳолларда аудитор назорат рискини 100% деб хисоблади. Ички хўжалик назорати қанчалик самарали бўлса, назорат риски даражаси шунчалик паст бўлади.

Назорат риски миқдори куйидаги нисбат билан белгиланиши мумкин:

Б<НР<1.

Ички хўжалик риски каби назорат риски ҳам аниқланмаслик рискига номутаносибdir, назорат риски билан тўпланиши лозим бўлган далиллар миқдори ўргасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Назорат риски даражасини энг юкори даражадан, яъни 100% кам белгилашдан олдин аудиторлар куйидаги амалларни бажаришлари зарур:

* мижознинг ички хўжалик назорати тизими билан танишиш;

* шу асосида у қанчалик яхши ишлаётганини баҳолаш;

* ички хўжалик тизими таркибидағи назорат амалларининг самарадорлигини тестлаш.

Биринчи амал ҳар қандай аудиторга тегишли иккинчи ва учинчи эса аудитор назорат рискини энг юкори даражадан пастроқ белгилаган ҳолларда унинг учун мажбурий хисобла-

нади. Бироқ шуни таъкидлаш зарурки, агар аудитор рискини энг юқори даражадан паст баҳолашни зарур деб топмаса, у ҳолда назорат тизимининг риск даражасини белгилайдиган назорат тизимининг амалдаги самарадорлигидан қатъий назар, назорат рискини 100% даражасида белгилаш керак. Аудитор бунда аудиторлик риски моделидан фойдаланиб аниқланмаслик риски анча паст даражасини (ички хўжалик риски даражаси юқори бўлишини назарда тутиб) хисобга олиши лозим.

4. Аниқланмаслик риски. Аниқланмаслик риски – бу аудитор ички хўжалик назорати тизимида аниқлаб, тўғрилаб бўлмайдиган хатолар ҳисобланади. Аудиторлик амаллари ёрдамида молиявий ҳисботдаги муҳим хатоларини аниқлай олмаган ҳолларда аудитор бу хатоларни ўз зиммасига олиши лозим бўлган рискдир.

Аниқланмаслик риски аудитор тўплашни режалаштираётган далиллар миқдорини белгилайди. Аниқланмаслик риски даражаси паст бўлса, аудитор далиллар етарли эмаслиги сабабли хатоларни аниқлай олмасликтек катта рискини зиммасига олишга рози бўлмайди. Аудитор катта рискини ўзига олишга тайёр бўлса, далиллар камроқ талаб қилинади.

Аудиторлик риски моделини кўлланишининг иккита катта камчилиги бор. Биринчидан, аудиторнинг режаси қанчалик пухта тизимга ҳаракат қиласин, унинг мақбул аудиторлик рискига ички хўжалик рискига ва назорат рискига берган баҳолари жиҳатдан анча субъектив бўлиб, нари борса ҳақиқий аҳволни таҳминан акс эттиради. Аудитор ҳамма фактларни билиб туриб, назорат риски ва ички хўжалик рискини ўз чамасидан пастроқ баҳолади, дейлик, у ҳолда аниқланмаслик риски тегишилсиздан юқори, далилларнинг режалаштирилаётган миқдоридан кам бўлади. Бу муоммони уддалаш учун кўпчилик аудиторлар ўлчов вақтида эҳтиёткорлик киладилар ёки «паст», «ўртacha», «юқори» деган атамалардан фойдаланаидилар. Иккинчидан, аудиторлик риски модели – бу режалаштириш моделидир, шу сабабли аудит натижалирига баҳо бериш чоғида уйдан фойдаланиш имконияти чекланган. Бар-

ча рисклар аникланиб, аудитнинг тегишли режаси тузиб бўлингандан сўнг режанинг ички хўжалик риски ва назорат риски бўйича қисмлари олинган аудиторлик далиллар асосида ўзгартирилмаслиги керак. Агар аудиторлик далиллари йўл кўйиши мумкин бўлган миқдордаги хатолар йўқлигини кўрсатса, ушбу участка учун ёзилган миқдор қабул қилинади. Агар аудиторлик далиллари йўл кўйиши мумкин бўлган миқдордан ортиқ хатолар борлигини кўрсатса, моделдан воз кешиш ва юқори даражада ишончли тенглаштириш ва муҳим хатолар сонини аниқлаш учун етарли амалларни бажариш керак.

4.3. Аудиторлик иш ҳужжатларини тузиш

Аудиторнинг ҳужжатлари шартли равишда қуидаги тарзда тасниф қилиниши мумкин:

1. Мижоз ҳужжатларининг нусхалари;
2. Аудитор текшириш жараёнида тузилган ҳужжатлар;
3. Текшириш хусусида мижозга ёзган мурожаатлари.

Аудитор ўз иш қоғозлари орасида сақлаши лозим бўлган мижоз ҳужжатларининг нусхалари қуидагилардан иборат бўлади:

- Корхона Низоми;
- Таъсис шартномаси;
- Рўйхатга олингандиги тўғрисида гувохнома;
- Корхонанинг ташкилий тузилиши;
- Юридик ҳужжатлардан, акциядорлар йигилиши, бошқарув ёки директорлар кенгаши баённомаларидан кўчирмалар;
- Мижознинг ҳисоб сиёсати;
- Аудитор ишончлилигини тасдиқлаши лозим бўлган бухгалтерия (молия) ҳисоботи.

Булардан ташқари, аудиторнинг мижоз тўғрисидаги ҳужжатларида қуидаги маълумотлар бўлиши лозим:

- акциядорлар, таъсисчилар тўғрисидаги маълумотномалар;
- агар акциядорлар реестрини юритиши чет ташкилотга топширилган бўлса, акциядорлик жамиятининг маҳсус реги-

страцияси тұғрисидаги маылумотлар;

- фаолиятнинг асосий тури;
- кичик ва қарам жамиятлар таркиби ва уларнинг қаерда жойлашгани;
- ажратилған бўлимлар ва филиалларнинг таркиби ва қаерда жойлашгани;
- кўшма фаолият тұғрисидаги шартномалар таркиби ва иштирокчилар;
- мижознинг директорлар, бошқарув ва асосий ходимлари тұғрисидаги маылумотлари;
- бошқарувни ташкил этиш схемаси;
- корхонанинг кредит муассасаларидаги ҳисоблари тұғрисидаги реквизитлари.

Аудитор текшириш жараёнида тузган ҳужжатларнинг энг кўп кисмини қўйидагилар ташкил этади:

- текшириш ўтказиш жараёнида тузилған ҳужжатларнинг шакли ҳар бир аудиторлик ташкилотида унинг ички стандартлари билан белгиланади. Одатда, булар аудиторлик текшириши дастури каби ҳужжатлардир;
- бухгалтерия ҳисоби тизимини ўрганиш ва баҳолаш натижалари; мижознинг бухгалтерия ходимлари томонидан расмийлаштирилған бухгалтерия ҳисобининг турли бўлимларига доир саволлар, ҳужжатлар айланмаси жадвали, бухгалтерияда лавозим вазифаларини тақсимлаш схемаси, баҳолаш ва ҳисоблашнинг кўлланилаётган усуллари, ҳисоб сиёсатининг йўрікномаларга мувофиқлиги;
- ички назорат тизимини ўрганиш ва баҳолаш натижалари (мижознинг бухгалтерия ва бошқарув ходимлари томонидан ички назоратнинг турли объектлари ва йўналишлари бўйича саволлларга берган жавоблари);
- мижозни соликқа тортишнинг ўзига хос жихатларининг баёни (мижоз тўлайдиган соликларнинг рўйхати; мижоз учун имтиёзи бўлган соликлар рўйхати); ҳамда имтиёзлар учун асослар;
- айрим соликлар бўйича соликқа тортиладиган базани

ҳисоблаш хусусиятлари;

- бухгалтерия ҳисоблари бўйича қолдиқларнинг таҳлили;
- мижозлар тузган шартномаларнинг кўлланиладиган қонунларга мувофиқлигини экспертиза натижалари;
- корхона фаолиятининг энг муҳим молиявий-иктисодий кўрсаткичларининг ҳисоблари;
- корхона молиявий аҳволининг таҳлили;
- текширишда қатнашаётган ҳар бир аудитор ва унинг ёрдамчиси бўйича аудиторлик текшириш амалларини бажариш жадвали;
- текширишда иштирок этган ижрочилар бўйича бажарилган аудиторлик амаллари мөхијати, ўтказилган вақти ва бажарилган аудиторлик амаллари ҳажмининг баёни;
- текширишда қатнашган аудиторлар ва унинг ёрдамчисининг бажарилган аудиторлик амаллари натижаларининг ташкилот ички стандартларига мувофиқлигини расмийлаштириш;
- аудиторларнинг эксперталар, мутахассислар ва консультантлар билан музокаралари нусхаси.

Текшириш хусусида мижоз билан аудит ўтказиш ва унинг натижалари бўйича маълумот тайёрлаш ишлари қуидаги ларни ўз ичига олади:

- аудит ўтказишга доир таклиф қилинган хат;
- аудиторлик текшириш ўтказиш шартномаси;
- аудиторлик ташкилотининг мижоз олдидаги мажбурияти;
- аудиторлик ташкилотининг мижоз билан келишган аудиторлик текшириши режаси;
- мижоз ва унинг вакилларидан олинган хатлар;
- аудиторлик ташкилотининг ўз мижозига юборган хатининг нусхаси;
- аудиторлик текширишида эксперталар, мутахассислар иштирок этган бўлса, улар ҳулосаларининг нусхалари;
- раҳбариятга аҳборот;
- аудиторлик ташкилотининг (аудиторнинг) ҳисботи;
- бухгалтерия ҳужжатларидаги ва ҳисботдаги хатоларни

адиторлик ташкилоти (аудитор) ҳисоботига мувофиқ тузатиш протоколи;

- аудиторлик ташкилотининг хуносаси.

Аудитор ҳужжатларида мутлок махфий ахборотлар сакланади. Бу ҳужжатларни саклаш тартиби, муддатлари, улардан фойдаланиш, ишга доир чекловлар аудиторлик ташкилотининг турли шахслари ва тоифалари учун ташкилот ички стандартида белгилаб кўйилиш лозим.

Бухгалтерия балансидаги кўрсаткичлар (масалан, «Асосий воситалар моддаси») аудиторнинг иш ҳужжатида олдиндан асосий дафтар маълумотлари бўйича қиёсий тарзда ҳисоблаб чиқилади. Агар бухгалтерия балансида акс эттириладиган кўрсаткичлар бир неча ўзаро боғлиқ (синтетик) счёtlар бўйича сальдо қийматидан иборат бўлса ёки аналитик счёtlар бўйича бўлса, тегишли счёtlар (аналитик счёtlар) бўйича қолдиқларни жамлашнинг тўғрилиги аудиторнинг иш ҳужжатидаги ёзувлар ва ҳисоблар билан тасдиқланади.

Текшириш жараённида аниқлашган тафовутлар тўғрисидаги маълумотлар аудиторнинг IX-1 «Бухгалтерия баланси кўrсаткичлари ва асосий китоб регистрлари мувофиқлигини текшириш натижасидан аниқланган тафовутлар тўғрисидаги маълумотлар» шаклидаги ҳисбот ҳужжатида умумлаштириллади ва аудиторлик текширишининг тегишли бўлимига киритилади (4.1.-жадвал).

Аудитор молиявий ҳисбот аудитини ўтказища дастлабки ҳужжатлардаги маълумотлар бўйича аниқланган тафовутларнинг таснифи аудиторнинг ишчи ҳужжати-IX №1 шаклида расмийлаштирилади.

4.1- жадвал

Бухгалтерия ҳисбидаги йўл қўйилган ҳато ва камчиликлар, уларни молиявий ҳисботнинг ҳаққонийлигига таъсири

(IX-1)

№	Тартибга солувчи меъёрий ҳужжат	Йўл қўйилган ҳато ва камчиликларнинг таснифи	Ҳатоларнинг молиявий ҳисбот ҳаққонийлигига, солик қонуничилигига таъсири
1	Солик кодексси	Бош мухандиснинг хизматсафари бўйича бўйича аванс	Солик кодексига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектнинг даромад

		хисоботи тасдиқланган ва мөъёрдан ошикча 250 минг сўм тўланган	(фойда) солиги бўйича солик солинадиган базаги сунъий камайтирган ва фойдани асоссиз 250 минг сўмга ошишинга олиб келган
2	Солик кодекси	Дастлабки ҳужжатларга мувофиқ хисобланган меҳнат ҳаки суммаси ишчиларнинг шахсий варажалари, хисобтўлов, хисоблашиби ведомостлари, хисоб регистрлари (журнал-ордер, бош дафтар), маълумотларига 6300 минг сўмга тўғри келмайди	6700- «Мехнат ҳаки юзасидан ходимлар билан хисоблашишлар» счётицинг обороти ва колдигини 6300 минг сўмга асоссиз ошишинга олиб келган натижада баланснинг (1-шакл) пассив қисмидаги II бўлим 720-сатр 6300 минг сўмга асоссиз ошган
3	Солик кодекси	Ишлаб чиқариш жараёнинга бевосита тегишли бўлмаган моддий бойликларнинг мөъёрдан ошикча табий камайиши 2400 минг сўм маҳсулот таннархига киритилган	Маҳсулот таннархини сунъий равишда 2400 минг сўмга оширган, шунингдек, фойда солиги бўйича солик солинадиган базага киритилмаган. Ҳисоботнинг (2-шакл) 250-сатр фойда солиги 2400 минг сўмга оширган
4	Солик кодекси	Дам олиш кунларида ишланган ишчиларга таъриф ставкаларига ва маошларига устамиа лаҳклар хисобланган 1450 минг сўмга	Соликка тортиладиган базага киритилмаган. Натижада ҳисоботнинг 2-шакли 250-сатр фойда солиги 1450 минг сўмга камайган
5	Солик кодекси	Ходимларга касаллиги туфайли моддий ёрдам сифатида берилган 2940 минг сўм маҳсулот таннархига киритилган	Маҳсулот таннархига кўшилиб уни сунъий равишда 2940 минг сўмга оширган, шунингдек фойда солиги бўйича солик солинадиган базага киритилмаган. Ҳисоботнинг (2-шакл) 250-сатр фойда солиги 2940 минг сўмга камайган
6	Солик кодекси	Соғломлаштириш лагерларини сақлаш ва ишлатиш учун 11500 минг сўм тўлаб берилган	Соликка тортиладиган базага киритилмаган. Натижада ҳисоботнинг 2-шакли 250-сатр фойда солиги 1150 минг сўмга камайган

Дастлабки ҳужжатлар маълумотлари ҳисоб регистрлари-даги маълумотлар билан таққосланиб, тафовутлари аниқланади. Аудиторнинг ишчи ҳужжати-ИХ №1 шаклда келтирилган тафовутлар суммалари аудиторнинг ишчи ҳужжати-ИХ №2 шаклда умумлаштирилади. Бу шаклга мувофиқ йўл қўйилган хато-камчиликлар суммаларига тузатиш проводкалари тавсия тарзида берилади. Тақлиф қилинган аудиторнинг ишчи ҳужжатлари (ИХ №1 ва ИХ №2) шакллари аниқланган тафовутлар тўғрисида тезкор, аниқ маълумотлар олишга имкон беради, шунингдек, аудиторнинг иш сифатини оширади.

Бошқа ҳисоботлардаги кўрсаткичларнинг (бухгалтерия баланси бундан мустасно) мувофиқлигини текшириш натижалари аудиторнинг ИХ-2 шаклидаги ишчи ҳужжатида умумлаштирилади.

Текшириш давомида ўзаро боғлиқ счёtlар ҳамда таҳлилий ҳисоб бўйича қолдиқлар ва оборотлари солиштирилади. Текшириш одатда танлаб ўтказилади. Танлаш микдори текшириш учун танлаб олинадиган синтетик ва таҳлилий ҳисоблаш счёtlар микдори, уларнинг номи, текширилаётган даврлари, моддийлик даражаси аудит дастурини тузиш вактида белгилаб олинади.

Текшириш учун қуидагилардан фойдаланилади:

- а) ҳисоб юритишнинг журнал-ордер усулида – журнал-ордерлар, ўзаро боғлиқ ҳисоблашга тегишли таҳлилий ҳисоблаш ведомостлари (карточкалари);
- б) компьютер техникасидан фойдаланганда - синтетик счёtlарнинг машинаграммма-ведомостлари еки ҳисоблар карточкалари;
- в) ҳисоб юритишнинг соддалаштирилган шаклида хўжалик операцияларини ҳисоблаш дафтари, таҳлилий ҳисобнинг карточкалари (журнал, дафтар).

Текшириш натижалари аудиторнинг текширилган счёtlарнинг ҳар бирига ИХ-2 шаклда алоҳида тузиладиган ишчи ҳужжатида умумлаштирилади. Текшириш жараённида аникланган тафовутларга аудитор томонидан молиявий ҳисботга тузатиш киритиш учун тавсиянома берилади (ИХ-2 шаклдаги аудиторнинг ишчи ҳужжатига мувофик, 4.2-жадвал).

**Молиявий ҳисобот кўрсаткичларини текширишнинг
якуният натижалари тўғрисидаги ҳисоб-китоблар
(ИХ) 4.2-жадвал)**

Кўрсаткичлар	Ҳисобот маълумотлари бўйича			Ахборот манбалари (Бош дафтар, ҳисоб регистрлари)	Ҳисоблар бўйича суммалар		Ҳисоботдаги фарқи		Счёtlар корреспонденциясига тузатишлар	
	Сатор коди	Устун раҳами	Ҳисоб раҳами		Буғалтерия маълумотлари бўйича	Аудит маълумотлари бўйича	Камайтан	Кўпайтан	Д-т	К-т
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Даромад (фойда) солигини тўла- гунга кадарги фой- да (зарар)	240	5	9910	Бош дафтар, «Молиявий натижалар тўғриси- да»ги ҳисобот, 2- шакл	9540	9290		250	9910	9430
Мехнатга ҳак тўлаш бўйича	720	4	6710	Баланс, 1- шакл, Бош дафтар	22630	16330		6300	6710	9430
Резерв капитали	430	4	8510	Баланс, 1- шакл, Бош дафтар	185450	19665	11200		8510	8520
Асосий воситалар	012	4	0160	Баланс, 1- шакл, Бош дафтар	185450	19665	11200		0160	8510
Асосий воситала- рният эскириши	011	4	0260	Баланс, 1- шакл, Бош дафтар	7330	9780	2450		8510	0260

Хулоса килиб айтганда, юкорида санаб ўтилган аудиторлик далиллар молиявий ҳисоботнинг ҳақиқийлигини исботлашда жуда муҳимдир. Аудитор далолат бериш вазифасини

бажариш билан турли манбалардан олинган ахборотни бир-бирига қиёслайди. Шу тариқа ахборот рискини камайтиради, уни энг мақбул даражагача пасайтиради. Натижада хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботига берилган холисона хulosанинг ҳаққонийлиги, объективлиги ошишига олиб келади.

4.4. Аудиторлик танлаш

Аудиторлик танлашнинг асосий мақсади текширилаёттан хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботининг аудиторлик ташкилоти учун маълумотлар танлаши коидаларини аниқлаш ва шу йўл билан олинган натижаларни баҳолаш ҳисобланади. Аудиторлик танлаш 14-сонли «Аудиторлик танлаш» миллий стандартта мувофиқ амалга оширилади.

Аудиторлик танлаш репрезентатив, яъни ишончли бўлиши лозим. Бу талаб ўрганилаётган молиявий ҳисоботнинг барча элементлари танлаш учун сайланиш teng асосдаги эҳтимолликка эга бўлишини назарда тутади. Аудиторлик танлашнинг репрезентативликни таъминлаш учун аудиторлик ташкилоти куйидаги усулларнинг биридан фойдаланиши мумкин:

1. Тасодифий танлаш. Тасодифий сонлар жадвали бўйича амалга оширилиши мумкин.

2. Мунтазам танлаш. Элементларни тасодифий танланган сондан бошлаб мунтазам оралиқ орқали танланишини кўзда тутади. Оралиқ ёки жамланма элементларини муайян сонида ёки кийматни баҳолаш асосида амалга оширилади.

3. Аралаш танлаш. Тасодифий ва мунтазам танлашнинг турли усуллари уйғунлигини ифодалайди.

Аудиторлик ташкилоти, танлашнинг ўтказилиши натижалари бўйича аудиторларнинг профессионал мулоҳазаси бутун жамланмага дахлдор бўлмаган вақтда норепрезентатив, яъни ишончли бўлмаган жамламани ишга солиши мумкин. Аудитор алоҳида олинган операциялар гуруҳини алоҳида топширганда ёки тегишли равишда эҳтимолли хатолар белгиланган операциялар тоифасини текширганда норепрезентатив танлаш кўлланиши мумкин.

Аудиторлик ташкилоти бухгалтерия ҳисоблари бўйича сальдо ва операцияларнинг акс эттирилиши тўғрилигини текшириш ёки текширилаётган жамланманинг элементлари сони жуда ҳам камлигидан статистик усулларнинг қўлланиши тўла ҳукуқли бўлмаганлиги сабабли назорат тизими воситаларини яхлит тарзда текшириши ёки агар аудиторлик танлашининг қўлланиши яхлит текширув ўтказишдан кўра самара сизроқ бўлса, текшириши мумкин. У аудиторлик далилларини тўплаш учун ишончли имкониятларини ифода этиши лозим.

Аудиторлик танлаши текширилаётган жамланманинг 100 фоиздан кам бўлган обьектларига нисбатан аудиторлик русум-амалларини қўллаш максадида амалга оширилади. Бундай обьектлар деганда ҳисоблар сальдосини ташкил этувчи элементлар ёки бутун текширилаётган жамланма ҳакида бир фикрга келишга имкон берувчи аудиторлик далилларини йиғиш учун ҳисоблар бўйича айланма (маблаг)ларни ташкил этувчи бухгалтерия муомалалари тушунилади. Танлашни тузиш учун аудиторлик ташкилотига оид бухгалтерия ҳисоботининг аник, муайян бўлимини текшириш тартибини, танлаш оркали амалга ошириладиган, текширилаётган жамланмани ва танлаш ҳажмини белгилаб олиши керак.

Бухгалтерия ҳисботининг аник, муайян бўлимни текширувни ўтказишни ишлаб чиқишида аудиторлик ташкилоти текшириш мақсадини ва бу мақсадларга эришишга ёрдам берувчи аудиторлик амалларини белгилаб олиши керак. Шундан сўнг аудитор юз бериши мумкин бўлган хатоларни аниқлаши, унга далиллар тўплаши ва бу зарур далилларни баҳолаши ва шунинг асосида кўрилаётган маълумотлар жамланмасини белгилаши керак. Аудиторлик ташкилоти қўлланилаётган жамланмани шу тарзда аниқлаши керакки, у аудитнинг мақсадига мувофиқ келсин. Жамланма муайян тарзда идентификация қилинадиган бирликлар тўпламидан ташкил топиши керак. Аудиторлик ташкилоти жамланма элементлар танлашини унга ўз олдига кўйилган мақсадларга эришишга имкон берувчи самарали ва тежамкорлик тарзида ўтказади.

Танлашни ўтказища аудиторлик ташкилоти ўрганилаёт-ган жамланмани ҳар бирининг элементлари ўхшаш хусусиятларга эга бўлган алоҳида гурухларга («жамланмага тегишли») ажратиши мумкин. Жамланмаларни ажратиш мезонлари шундай бўлиши керакки, ҳар қандай элемент бўйича, у қандай жамланмага ёки гурухга оид эканлигини аниқ кўрсатиш мумкин. Стратификация деб номланувчи мазкур амал, маълумотлар тарқоклигини (вариацияни) камайтириб, аудиторлик ташкилотининг ишини енгиллаштиришга имкон беради.

Жамланманинг ҳажми (ўлчамини) белгилашда аудиторлик ташкилоти танлаш рискини, йўл кўйилган ва кутилаётган хатоларни аниқлаши керак. Танлаш шундан иборат бўладики, аудиторнинг танлаш маълумотлари асосида юзага келган, муайян масалалар бўйича фикри, худди шу масалалар бўйича бутун жамланмани ўрганиш асосида юзага келган фикрлардан фарқ қилиши мумкин. Танлаш риски назорат тизими воситаларини тестдан ўтказища ҳам, бухгалтерия ҳисобида ҳисоблар бўйича оборотларни ва сальдоларнинг тўғри акс эттирилганлигини текширишда ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Аудиторлик амалиётида назорат тизими тестлари ва ҳисоблар бўйича оборотлар ҳамда сальдо тўғрилигини текшириш учун биринчи ва иккинчи тур рисклар фарқланади.

Назорат воситаларини тестдан ўтказища қўйидаги танлаш рисклари фарқланади:

1. Биринчи тур риски - танлаш натижаси назорат тизими нинг ишончсизлигини кўрсатганда, аслида эса тизим ҳақиқатан ҳам ишончли бўлгани ҳолда тўғри фаразни рад этиш риски.

2. Иккинчи тур риски - танлаш натижаси тизимнинг ишончсизлигидан далолат бериб, аслида эса назорат тизими зарурий ишончлиликка эга бўлмаган ҳолда, нотўғри фаразни қабул қилиш риски.

Ҳисоблар бўйича оборотлар ва сальдонинг бухгалтерия ҳисобида тўғри акс этганлигини синчиклаб текширишда қўйидаги танлаш рисклари фарқланади:

Биринчи тур риски - танлаш натижаси текширилаётган жамланма жиддий хатоларга эга эканлигидан далолат бериб,

ислида ёси жамланма бундай хатолардан холи бўлгани ҳолди тўғри фарзини роц этиш;

Иккинчи тур риски - танланган натижаси текширилаётган жамланма жиудий хатоларга эга омвэлигидан даюлат берсан, ислида ёси жамланма жиудий хатола эти бўлгани ҳолди потўғри фарзини қабул қилиш риски.

Тўғри фарзини роц этиш риски аудиторлик ташкилоти томонидан ёки танланган ўтказиш натижасида учининг ҳисобкитобида хато борлиги шинчланган хўжалик юритувчи субъект томонидан кўшимча ишларни бажаришини ташаб ташди. Потўғри фарзини қабул қилиш риски аудиторлик ташкилоти иши натижаларини шубҳа остига олади.

Ташлананинг ўлчами аудитор томонидан ижозатли деб ҳисобланадиган хато миқдори билдишининиди. Учиннинг миқдори қанчалик кичик бўлсан, ташлананинг зарурий ўлчами шунчалик катта бўллади. Йул кўйилдиши мумкин бўлган хатолар аудитор томонидан ташланган мухимлилик дарражасига мувофиқ равишда аудитни режашиттириши боекичиди ишнишиди. Йул кўйиладиган хатонинг ҳажми қанчи кам бўлсан, аудиторлик ташлананинг ҳажми шунча катта бўлиши керак.

Начорат тизими воситашарини тестдан ўтказишни хўжалик юритувчи субъект томонидан белгиланган ва аудиторлик ташкилоти режашиттириши боекичиди ишнишинини шизориг русум-коидашаридан юкори дарражади бўлиши хато ҳисобланади. Ҳисоблар бўйича оборотлар ва сальдо тўғрилигини текширишнида сальдода ёки проводкаларининг мувайян гоифасидаги ёнг катта хато, Йул кўйиладиган хато ҳисобланади. Бундай хатоларнинг бутун аудит жарябнага тавсии, бухгалтерия ҳисоботлари жиудий хатолардан холи экшилигини ишончлиликнинг егарли дарражасиди тасдиқланши имкон берини учун аудиторлик ташкилоти бунга Йул кўйинши мумкин. Агар аудитор текширилаётган жамланманда хато минужул деб ҳисобласи, булдай хатоларнинг умумий миқдори Йул кўйиладиган хато ўлчамидан ошириши керак. Агар аудитор ташланган хатолардан холи деб ҳисобласи, кичик ўлчамдаги ташланидан фойдаланади.

Аудиторлик танлаш унинг натижаларини баҳолашга боғлиқ бўлади. Ҳар қандай танлаш учун аудиторлик ташкилотининг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

1. Танлаб олинган ҳар қандай хатони таҳдил этиш;

2. Танлашни амалга оширишда олинган натижаларни бутун текширилаётган жамланмага экстраполяциялаш, яъни татбиқ этиш;

3. Танлаш рискларини баҳолаш.

Танлаб олинган хатоларни таҳдил қилишда аудиторлик ташкилоти биринчи наебатда ушбу хатоларнинг табиатини аниқлаши лозим. Танлашни шакллантиришда у қандай аниқ мақсадларни кўзлаб ўтказилаётганини таърифлаш ва танлашда аниқланган хатоларни шу мақсадларга мувофиқ равишда баҳолаш лозим. Агар кўзланган текширув мақсадларига танлаш текширувлари ёрдамида эришилмаган бўлса, унда аудиторлик ташкилоти муқобил аудиторлик амалларни ўтказиши мумкин.

Аудиторлик ташкилоти хатоларнинг сифат жиҳатини, яъни уларнинг моҳияти ва уларни юзага келтирган сабабларни баҳолаши, шунингдек, аудитнинг бошқа участкаларига таъсирини аниқлаши мумкин. Аниқланган хатоларни таҳдил қилиб аудиторлик ташкилоти уларнинг бухгалтерия муомалалари турлари, хатолар айнан ўшалар учун топилган бўлинмалар, хатоларнинг келиб чиқиш вақти ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлган умумий белгиларга эгалиги тўғрисида хуносага келиши мумкин. Бу ҳолда аудиторлик ташкилоти текширилаётган жамланмани, мувофиқ белгиларига кўра унга тегишли гурухларга бўлиши ва аниқроқ натижаларга эришишига имкон беришини хисобга олган ҳолда уларнинг ҳар бирини алоҳида текшириши мумкин.

Аудиторлик ташкилоти танлашлар бўйича олинган натижаларни бутун текшириладиган жамланмаларга татбиқ этиши шарт. Танлаш натижаларини бутун жамланмаларга татбиқ этиш усуллари турлича бўлиши мумкин, лекин улар доимо танлашни тузиш усулларига мувофиқ келиши лозим. Агар жамланма тегишли гурухларга ажратилган бўлса, уни

татбиқ этиш ҳам уларнинг ҳар бирига нисбатан амалга оширилиши керак. Аудитор текшириладиган жамланмадаги хато йўл қўйиладиган миқдордан ортиқ эмаслигига ишонч ҳосил килиши керак. Бунинг учун аудитор татбиқ этиш воситасида олинган жамланма хатоларини йўл қўйиладиган хато билан солиштиради. Агар биринчи хато йўл қўйилганидан ортиқ бўлса, аудиторлик ташкилоти танлаш хатоларини тақороран баҳолаши лозим. Агар уларни номақбул деб топса, у ҳолда аудиторлик амаллари доирасини кенгайтириши ёки ўтказилгандарига муқобил бўлган аудиторлик амалларини кўллагани мақсадга мувофиқ бўлади. Аудиторлик ташкилоти аудиторлик танлашнинг барча боскичларини ва унинг натижаси таҳлилини мажбурий тартибда иш ҳужжатларида акс эттириши шарт.

Аудиторлик танлаш тўғрисидаги масала аудиторлик иши технологиясининг аудиторлик далиллари, аудиторлик далилларини тўплаш усуллари, мижознинг бухгалтерия ҳисоби тизими ва ички назорат тизимини баҳолаш каби тушунчалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Аудитор текширишга киришар экан, корхонанинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратнинг ташкил қилинишини ўрганиш, уларни меъёрий ва конун ҳужжатларининг талабларига мослигига ишонч ҳосил килиши лозим. Бухгалтерия ҳисоби ташкил этилишини ўрганиш натижалари ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши керак. Бунда корхонада шаклланган ҳисоб сиёсатининг нусхасини олиш етарли эмас, чунки иктисолдий жиҳатдан ва бухгалтерия нуктаи назардан энг яхши тузилган ҳужжат ҳам бухгалтернинг оддий ходимлари унга аниқ риоя қилишларини кафолатлай олмайди. Аудитор ҳисоб сиёсати ахволини ўзи тавсифлаб бериши, ҳисобнинг декларация қилинган тартибини амалда мавжуд тартиб билан моддама-модда солиштириши лозим бўлади.

Бундай тавсифни тузиш учун мижознинг бухгалтерия ходимларидан батағфисл сўраб-сурештириши, бунда бош бухгалтер ва унинг ўринбосари билан сұхбатлашиш билан чекланмаслиги зарур. Фақат ҳисобни юритиш тартиби билан

унинг иштирокчиларидан сўраб танишишгина энг холисона фикрга келишга имкон беради. Ижрочилар билан сухбат жараёнида уларнинг иши устидан бухгалтерия раҳбарияти томонидан назоратнинг шакли тўғрисидаги масалага алоҳида зътибор бериш зарур.

Аудиторнинг корхонада ҳисоб ва ички назоратнинг аҳволига берган баҳосига кейинги ҳамма харакатлари боғлик бўлади, чунки мижознинг ҳисоботини ўрганиш ва ходимлар билан сухбат натижасида аудиторда ҳисобот тўғри ва ишончли далилларга асосланиб тузилганига тўла ишонч ҳосил бўлса, у умуман текширмаслиги мумкин.

Аксинча, аудитор мижознинг ҳисоботини ўрганиб, дастлабки маълумотлар тўғри расмийлаштирилганига бухгалтерия ходимларининг билимига ички назоратнинг ташкил этилишига ишонч ҳосил қиласа, у ҳар томонлама пухта ва албатта ялпи текшириш ўтказиш керак. Бундай ҳолларда аудитор ички далилларга таяна олмайди, шу сабабли у фақат ўзи мустакил равишда ўзи тўплаган далилларга таяниши мумкин. Равшанки бутун молия хўжалик фаолиятини ялписига текшириш жуда кўп меҳнат талаб қиласиган иш; лекин профессионал этика меъёрларига мувофиқ, аудитор мижоз бухгалтерия ҳисоботининг тўғрилигига (ёки тўғри эмаслигига) тўла ишониши лозим ёки ҳисобот тўғрисида ўз фикрини айтишдан бош тортиш керак.

Аудиторнинг мижоз ҳисоботининг тўғрилигига ўргача даражада ишониши энг кўп учрайди. Бунинг сабаби шундаки, бир бўлим бўйича ҳисоб яхши ташкил этилган, уни малакали мутахассислар амалга оширади, автоматлаштирилган, бош бухгалтер ва бухгалтериянинг бошқа участкалари мутахассислари томонидан назорат йўлга қўйилган, ҳисобнинг яна бир бошқа бўлимлари бўйича бунинг акси кўзга ташланади.

Ишониш даражаси ўртacha бўлган ҳолатларда назоратнинг танлаш усулини қўллаш зарур. Таалаб текшириш икки турда бўлиши мумкин:

- мувофиқликни текшириш;

- моҳият бўйича текшириши.

Мувофиклик бўйича танлаб текширишнинг вазифаси текшириладиган ҳисобот даврида ички назорат мөъёрлари қанчалик тез-тез бузилганини аниқлашдан иборат. Мувофиклик бўйича текшириши танлаб текширишни атрибутин текшириш ҳам дейишади. Ички назоратнинг корхона раҳбариятининг моддий бойликларни харид килишга, ҳисоб-фактураларга мувофик чет ташкилотларнинг хизматига ҳақ тўлашга рухсат берниши, корхонага келтирилаётган моддий бойликларниноми, майдори ва сифатини амалда уларнинг йўл ҳужжатларига киёслаш каби элементларни текшириш атрибутин танлашга мисол бўлади.

Моҳият бўйича танлаб текширишнинг вазифаси ички назорат бузилишининг киймат бўйича ифодасини ўлчашдан иборат. Моҳият бўйича танлаб текшириши майдор текшириш деб аташ мумкон. Майдор танлашига бухгалтерия ҳисоби, ҳисобларидаги колдиктарни, бошлангич ҳужжатлардаги ёзувларни тасдиқлаш, учнинчи шахслардан тўғрилигини тасдиқловчи далилларни олиш, хўжалик фаолияти кўрсатишчарини таҳдил юлиш кабилар мисол бўла олади.

Танлаб олиб текшириши усули эҳтимолтик назарияси коనунларига асосланади. Бу назарияга мувофик юлият нарса тўғрисида унинг нисбий кичик юксига қараб аник маълумот олиши мумкон.

Ҳар кандай танлаб текширишини ташкиш этиш куйидаги ларни аниқлашни ўз ичига олади:

- танлаш полгулиясиши (майдони, боз жамнома);
- кузатиш бирлигини;
- танлаш бирлигини;
- танлаш усулини;
- танлаш ҳажомини;
- унинг саломогини (репрезентативигини) текшириши;
- танлаш маълумотларининг полгулиясишига тарқалиши тартибини.

Текшириш мақсадларига эришиш учун тегишли популяцияни аниклашп лозим, чунки танлаш асосида чиқарилған хулоса айни шу аник бир популяцияга тегишли бўлади.

Популяция – бу маълум элементларнинг йигмасидир.

Бухгалтерия ёзувлари (проводкалар), баланс моддалари, танлаб олинадиган ёзувлар ва шу танлаш ахборот берадиган ёзувлар аудитда элемент бўлиши мумкин.

Популяцияни тузиш учун мижознинг барча ҳужжатлари турли белгиларига – ҳужжатларнинг хусусияти бўйича, моддий жавобгар шахслар бўйича гурӯхларга ажратилади. Масалан, агар аудитор маълум миқдордан ортиқ дебиторлик қарзлари тўғрисида ахборот тўпласа, дебиторлик қарзларининг келишиб олинган миқдордан кам бўлмаганларига тегишли барча бухгалтерия ҳужжатлари, ёзувларининг жамламаси текширилаётган популяцияни ташкил этади.

Танлашнинг бундай турида танлаш бирлиги кузатиш бирлигига мос келади. Кузатув бирлиги мижоз корхонасида тайёрланган ёки мижоз учинчи шахсдан олган ҳужжатдир.

Кузатиш бирлиги танлаш бирлигидан фарқ қилиши керак. Аудиторлик текшируви кузатиш бирлигига боғлиқ бўлади. Бухгалтерия ҳисобининг бирор бўлаги ёки участкаси, хўжалик операцияларининг тури кузатув бирлиги бўлиши мумкин. Бир кузатув бирлиги доирасида танлаш бирлиги турлича бўлиши мумкин. Элементнинг танлаш бирлиги сифатида энг кичик даража белгиланса танлаш самарадорлиги ошади, лекин бу элемент амалда текшириладиган бўлиши лозим. Масалан, дебиторлик қарзини текшириш чоғида танлаш бирлиги маълум харидор билан ҳисоблашиш қиймати, счётфактуранинг айрим ҳолати бўлиши мумкин.

Дебиторлик қарзини кузатиш бирлиги учун танлаш бирлигини аниклаб, шу элементлардан ҳар бирини ҳакиқатан танлаш мумкинлигини таҳлил қилиш лозим. Масалан, олинганини тасдиқлашни ёзма равишда сўраш чоғида маълум харидор билан аник бир вақтда ҳисоблашувлар ҳолатини текши-

риш харидордан маълум ҳаракатларни талаб қилади. Айни вактда алоҳида ҳисоблар хусусида сўровга жавоб бериш унинг учун қийин эмас.

Шу тариқа танлаш бирлиги сифатида счёт-фактура қийматини танлаш танлаш бирлиги сифатида айрим харидор билан ҳисоблашиш қийматини танлашга нисбатан талаб қилинадиган сўровга жавоб олиш эҳтимоли кўпроқ бўлади.

Популяция элементларининг 100% дан камроғини текшириб, аудиторлик статистика амаллари маълум даражадаги рискни албатта ўз ичига олади. Риск шундан иборатки, хато ҳужжатларнинг ўрганилмайдиган қисмида бўлади. Лекин рискни аудитор томонидан назорат қилиш ёки тартибга солиш мумкин бўлади.

Статистик танлаш усулини, биринчидан, популяция элементларига ундан энг муҳим элементлар танлаб олиниб, ялпи усуlda текширилгандан сўнг қўлланиш лозим бўлади.

Иккинчидан, популяцияни қатламларига ажратиш ёки ораларини ажратиш қўлланилади, яъни элементлар бир хил белгиларига қараб гурухларга ажратилади, масалан, тахминан бир миқдордаги ҳисоб варакатлари ажратилади ва ҳосил бўлган кичик гурухдан танлаб олинади. Бундай кичик гурухлар сатрлар деб аталади. Бундай ёндашув текширишнинг самарадорлигини оширади, чунки эътиборни риск чиқиши кам гурухларга қаратиш имконини беради.

Учинчидан, статистик танлаш риски танлаш ҳажмига тескари мутаносибдир. Танлаш бутун популяция тўғрисида тасаввур бериши лозим бўлгани учун танлаш элементларини саралаб олиш усули катта аҳамиятга эга бўлади. Танлаш элементларини саралаб олишнинг уч усули мавжуд, булар:

- а) тартибли;*
- б) ихтиёрий;*
- в) тартибсиз.*

Тартибли танлаш усулида танлаш оралигини ҳисоблаш; санааш нуктасини танлаш; популяциянинг барча тегишли

элементларни ажратиб олиш зарур.

Танлаш оралиғи популяция ҳажмини танлашнинг талаб килинган ҳажмига тасдиқлашнинг бир кисмидир. Масалан, популяция 250 элементдан иборат, тараб қилинган танлаш ҳажми – 25 шунда Танлаш оралиғи 10(250:25)дан иборат бўлади. Танлашнинг эркин бошланиши қилиб популациянинг учинчи элементи танланган. Шунда 3,13 (10+3), 23 (10+13), 33(10+23) бўлади ва ҳоказо.

Агар популяция изчил ташкил этилган бўлса, тартибли танлаш усулини қўллаш тўғри бўлмайди. Бундай ҳолиарда иккинчи усулдан танлашнинг ихтиёрий усули қўлланилади.

Танлашнинг ихтиёрий усулида популяциянинг танлашга олинадиган ҳар бир элементи танлашга тушишининг эҳтимоли бир хил бўлади.

Ихтиёрий танлашни амалга ошириш учун «гасодифий сонлар дастаги» қўлланилади, у маҳсус компьютер дистури бўлиб, популяция элементларини тасодифий йўл билан шаклантиради.

Рақамли мисолимизга қайтиб, таъкидлаш жонъики, популяциянинг 250 элементи йил давомида ётилган. Йил бошидан тартиб рақами қўйилган бухгалтерия хисобларини хисобга олинган компьютерлашган журнал-ордердан иборат. Танлаш ҳажми ҳам 25 га тенг бўлади, лекин жамламанинг айrim рақамлари эркин танлаб олинади.

Тартибсиз танлаш усули биринчи ва иккинчи усулларнинг элементларидан фойдаланмай амалга оширилади, лекин у ихтиёрий танлаш усулига яқинидир, чунки бунда унинг элементлари популациядан эркин танлаб олинади.

Тартибсиз танлашга мисол кишиб бутун текширилладиган даврга онд барча бошлангич ҳужжатлардан танлаб олишни келтириш мумкин. Бунда ҳужжатлар солинган жилддошлар популяция вазифасини ўтайди, жилддандан аудитор оладиган ҳар қандай ҳужжат танлаш элементи бўлади.

Бу усулни қўлланиш аудиторлар орасида кент тарқалган, бироқ субъективизм бу усулни ностатистик усулага аллантиради. Масалан, аудиторлар популяциянинг айrim элементла-

рини олишдан атайлаб қочса, айтайлик, саҳифадаги биринчи ва охирги ёзувларга эътибор бермай, шубҳа килинган хужжатларни номига ёки кўринишига қараб танлади. Бундай тартибсиз танлаш статистик деб баҳоланиши мумкин эмас, чунки жамламадаги ҳар бир элементни танланиши имкониятини аниклаб бермайди.

Танлашнинг биринчи ва иккинчи усулларини қўллаб, аудитор қилган ҳисобларини «тасодифий рақамлар дастаги» маълумотларини ушбу мижоз хужжатлари таркибига киритилади. Тартибсиз танлаш усулида хужжатлаштириб бўлмайди, чунки у профессионал тажрибага асосланган, шу бойисдан амалда тартибли ва ихтиёрий танлашдан фойдаланиш афзалроқдир.

Мижоз корхонасида тузилган барча хужжатлар асосий популация бўлса, уни бухгалтерия ҳисобини участкалари ва бўлимлари бўйича ажратишади. Бироқ бу популацияларининг (траптларнинг) катта қисми қиймат жиҳатдан турлича бўлади, яъни алоҳида ҳар бир хужжат-жамлама элементининг қиймати бир неча минг сўмдан 103 миллион сўмгача бўлиши мумкин. Бундай хилма-хиллик орасида танлаш жамламадан танлашга нисбатан кам самарали бўлади, чунки жамлама элементлари қиймати бир-биридан катта фарқ килмайди.

Танлаш самарадорлигини ошириш учун популацияни қиймати баравар сегментларга ажратиш усули қўлланилади, сўнгра эса ҳар бир сегментдан алоҳида танлаб олинади.

Жамлама элементлари қийматининг ҳар хиллигининг салбий таъсирида аудитор ҳатони аниклай олмаслиги хавфини компенсациялашнинг бир неча вариантлари мавжуд. Шундай вариантлардан бири пул бирлигига асосланган статистик танлаш, яъни қиймати бир хил элементларни популацияга ажратилидир.

Компенсациянинг бошқа варианти ҳар бир элементнинг қийматини дастлабки тарзда 100% текширишдир, популациянинг қолган қисми қийматига қараб уч сегментга – катта, кичик ва популациядаги элементнинг тахминан ўргача миқдорига ажратилади.

Киймати катта элементларни дастлабки тарзда 100% текшириш – бу якка қийматли элементларнинг бир тури, холос. Хатоларга йўл қўйилган бошқа элементлар бошқа якка қийматлардир.

Танлаш ҳажмини белгилашдан олдин якка қийматли элементларни ажратиш.

Танлашни тадқиқ этиш чоғида қийматнинг катта-кичиклигидан қатъи назар, ҳамма хатолар мұхимдир, чунки танлаш натижалари бутун популяцияга ёйилади, ҳатто арзимаган ҳам аудиторлик хulosасига катта таъсир қилиши мүмкін. Пул бирлигига асосланган танлашдан фойдаланиш чоғида хатонинг мутлоқ ҳажмигина эмас, хатонинг фоиз нисбати ва жамлама элементининг катталиги аҳамиятлидир.

Масалан, қиймати 100 минг сүмлик танлаш элементи ва ўтказилган текшириш натижаси ҳақиқий қиймати 10 минг сүм бўлса, хатонинг мутлоқ қиймати 90 минг сүмни, нисбий қиймати 90%ни ташкил қиласди. Імлн сўм қийматли элемент текшириш натижасида ҳақиқий қиймати 910 минг сўм бўлса у ҳатто ҳам 90 минг сўмни ташкил этади, лекин нисбий қиймати атиги 9%ни ташкил этади.

Биринчи ҳато иккинчи ҳолатдаги танлашни баҳолашда кўпроқ таъсир қиласди.

Агар элемент, масалан, танлаш учун белгиланган ҳужжат бўлмаса ёки унинг қаердалигини аниқлаб бўлмаса, аудитор уни бошқаси билан алмаштира олмайди ёки бошка бирор амалдан фойдалана олмайди. Танлаш элементининг йўқлигини аудитор қонун-қоиданинг жиддий бузилиши деб баҳолаши ва юз берган вазиятни яхшилаб текшириши лозим.

Танлаш натижаларини бутун популяцияга ёйиш (қўлланиш) бир неча босқичда ўтади.

Биринчи босқич – аниқланган хатони сифат жиҳатдан баҳолаш. Агар танлашда пул билан боғлиқ хатолар аниқланмаган бўлса, аудитор популяция танлаши ёрдамида текширилаётган соҳанинг ишончли экани ҳақида хulosса чиқариш мүмкін. Агар танлашда хатолар аниқланса, аудитор уларга сифат жиҳатдан таъриф бериши керак.

Хатоларнинг аниқланиши факти шу танлаш маълумотлари бўйича тасодифийми ёки ички назоратни ташкил этишдаги камчиликлар ва хусусан бошқарувчиларнинг товламачилик ҳаракатларини кўрсатадими аудитор шуни баҳолаши зарур бўлади.

Хатонинг сабаби умуман популяция маълумотлари тўғрилигига баҳо беришга таъсир қиласди. Чунончи, ходимларнинг товламачилик ҳаракатлари оқибатидаги содир бўлган хато молиявий ҳисоботнинг ишончлилигига таъсир ўтказиши муқаррар эмас, лекин мижоз учун ташвишли хабар бўлади. Бошқа бир мисол – бухгалтерия ҳисобларини нотўғри қўлланнишидан келиб чиқкан хато. Аниқланган хато – ҳисобда бошқа хатолар ҳам мавжудлигининг белгисидир.

Иккинчи босқич – танлашда аниқланган хатоларни бутун популяцияга ёйиш фойдаланилган танлаш техникасига боғлиқ.

Агар статистик танлаш пул бирлиги асосида ўтказилган бўлса, хато маҳсус компьютер дастурларидан фойдаланиб баҳоланади. Агар статистик танлаш олдиндан якка ҳолда қийматга эга бўлса элементларни ажратиб, ўтказилган бўлса, уларни текшириш чоғида аниқланган хатоларни бутун жамламага нисбатан қўлланишга зарурат бўлмайди, чунки улар ялпи текшириб чиқласди.

Умуман молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги тўғрисида хulosса аудиторлик тестларининг аниқлилигига боғлиқ бўлади. Танлаб текшириш ўтказиш натижасида аниқланган хатоларнинг қиймати кутилаётган қийматдан кўп бўлиши текширилаётган ҳисоботнинг ишончлилиги тўғрисида хulosса чиқариш учун етарли маълумот тўпланмаганлигини, текширишни режалаштириш чоғида аудитор ички назоратнинг ҳолатига ортиқча баҳо берганини кўрсатади.

Мавзунинг таянч изборлари:

Аудиторлик дўалиллар, инвентаризация асосида назорат қилиш, аудиторлик кузатиш, оғзаки сўров, ёзма тасдиқни олиш, арифметик ҳисоблаш, таҳлил қилиш, аудиторлик

дастур, аудитор ва аудиторлик ташкилотнинг мустақилиги, ташқи аудитор, экспертлар, аудитор ёрдамчиси, аудитор иш ҳужжатлари, аудиторлик танлаш.

Ўз-ўзини назорат қилиши учун савол ва топшириқлар:

- 1. Аудитда муҳимлик тушунчасини изоҳлаб беринг.*
- 2. Муҳимликни баҳолашда қандай омиллар эътиборга олинади.*
- 3. Аудиторлик рисклари тушунчаси ва унинг турларини изоҳланг?*
- 4. Муҳимлик билан аудиторлик риск ўртасидаги боғлиқлик нимадан иборат?*
- 5. Бухгалтерия ҳисобида йўл қўйиладиган хато ва камчиликлар, уларни молиявий ҳисботнинг ҳақиқийлигига таъсiri таснифини келтиринг.*
- 6. Текшириши жараённида тузилган аудиторлик ҳужжатлари маркибига нималар киради?*
- 7. Аудиторлик танлаш натижаларини баҳолашни тушунтириб беринг.*

В БОБ. АУДИТОРЛИК ДАЛИЛЛАР. УЛАРНИ ТҮПЛАШ ТАРТИБИ ВА АУДИТНИНГ ИШЧИ ХУЖЖАТЛАРИДА РАСМИЙЛАШТИРИШ

5.1 Аудиторлик далиллар ва уларнинг турлари

Молиявий ҳисботнинг таркиби – бухгалтерия баланси (1-сон шакл), молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот (2-сон шакл), асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисбот (3-сон шакл), пул оқимлари тўғрисидаги ҳисбот (4-сон шакл), хусусий капитал тўғрисидаги ҳисбот (5-сон шакл), дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома (2а-сон шакл)дан иборат. Ундан ташқари, молиявий ҳисбот бюджетга солиқлар бўйича мажбурий тўловларга оид ҳисоблар ёки декларациялар ва статистик ҳисботларни ўз ичига олади. Корхоналарда мажбурий тарзда ёки ихтиёрий равишда йиллик аудиторлик текшириш ўтказилади. “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунга мувофиқ белгилаб қўйилган корхона ва ташкилотларда ҳар йили мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилади ва унинг натижаси матбуотда эълон қилинади. Текшириш натижалари аудиторлик ҳисботида ўз аксини топади. Уларнинг молиявий ҳисботини ишончлилигини аудиторлик хulosса орқали тасдиқлаб беради. Агар аудитор етарли микдорда далил-исботлар тўплай олмаса, хуносани тақдим эта олмайди.

Аудиторлик ҳисбот уч қисмдан (кириш, таҳлилий ва хуносаса) иборат.

Аудиторлик ҳисботнинг таҳлилий қисми аудиторлик ташкилотининг (аудиторнинг) қўйидагиларни текшириш тўғрисидаги маълумотлардан иборат:

- текширилаётган иқтисодий субъектда ички назоратни;
- бухгалтерия ҳисбони юритиш ва бухгалтерия ҳисботини тайёрлашнинг белгилаб қўйилган тартибига риоя қилинганилигини;
- молия - ҳўжалик операцияларини амалга ошириш чоғида қонунга риоя қилинганини ва х.к.лар.

Аудитор ички назоратни текшириш натижаларига қараб, ички назорат тизими ҳўжалик юритувчи субъект фаолияти-

нинг кўлами ва турига мос келиши тўғрисида хulosса чиқариши ҳамда аудит давомида ички назорат тизимининг хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг кўлами ва турига мос келмайдиган алоҳида жиҳатларини ифода қилиб бериш лозим бўлади.

Бухгалтерия ҳисоботига қараб, аудитор аудит жараёнида бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича аниқланган жиддий бузилишларини тасвирлаб бериши лозим бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик операцияларини бажариш чоғида қонунга риоя қилганини текшириш натижаларига қараб аудитор хўжалик юритувчи субъект амалга ошган молия-хўжалик операциялари уларга қўлланадиган қонунларга мос келиши ёки келмаслиги тўғрисида хulosса чиқаради, шунингдек, аудит давомида аниқланган ва амалга оширилган молия-хўжалик операцияларининг уларга нисбатан амалдаги қонунларга мос келмаган жиҳатларини баён қилиб беради.

Аудиторлик текширишнинг асосий тузатишлари бўйича хulosса чиқаришга асос бўлиши учун аудитор тегишли далилларни тўплаши лозим. Текшириш чоғида аудитор тўплашган ахборотлар ва таҳлилий маълумотлар аудитор далили деб аталади. Далилларни тўплаш учун аудитор турли амалларни (процедураларни) тўплаши мумкин. Тегишли технология жараёнининг ажралмас кисми бўлган далилларни тўплашнинг маълум усулини амал деб атаймиз. Уларни бошқа касбларга хос бўлган амаллардан фарқ қилиш учун аудиторлар қўллайдиган амалларни аудиторлик амаллари деб атаймиз.

Аудитор аудиторлик далилларини тўплаш учун уларни олишнинг чекланган сонидан фойдаланади. Аудиторлик далилларини олишнинг асосий усувлари кўйидагилар:

1. Инвентаризация асосида назорат қилиш;
2. Хўжалик ёки бухгалтерия операцияларини кузатиш;
3. Оғзаки сўров;
4. Ёзма тасдикни олиш;
5. Мижоз учинчи шахслардан олган ҳужжатларни текшириш;
6. Мижоз корхонада тайёрланган ҳужжатларни текшириш;

7. Арифметик ҳисобларни текшириш;
8. Тахлил қилиш.

Юқорида айтилган усуллар маълум, улар аудитнинг миллий стандартларида 50-сонли «Аудиторлик далиллари» миллий стандартининг «аудиторлик далилларни олиш амаллари» бўлимлари кўрсатилган. Лекин, қандай арифметик ҳисобларни текшириш зарурлигини, қайсиларни текшириш зарур эмаслигини, қандай активларни ва қандай мажбуриятларни инвентаризациялашда иштирок этишни, шахсан қайси учинчи шахслардан ёзма далил-исбот олиш лозимлигини, айнан қайси хужжатларни тахлил қилиш кераклигини билмаса, аудиторда хулоса чиқариш учун хеч қандай асос бўлмайди.

Аудиторнинг касбий маҳорати куйидагиларни аниқ белгилашдан иборат:

1. Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимининг тўғри йўлга кўйилиши;
2. Ҳисоб ва назоратни ташкил этишда қандай чекиниш (хисоботдаги четта чиқишлиар, бузиб кўрсатиш, хато, чалкашиш) мумкинлиги;
3. Санаб ўтилган усуллардан қайсинаси ёки қайсиларини мумкин бўлган хатоларни аниклаш учун қўллаши;
4. Назоратни у ёки бу усулини айни қайси обьектларга (хужжатларга, активларга, мажбуриятларга, субъектларга, юридик шахсларга ва шу кабиларга) қўлланиш мумкинлиги.

Аудиторлик далилларини тўплаш усулларининг ҳар бирини кўриб чиқайлик.

1. Инвентаризация асосида назорат қилиш

Инвентаризация – бухгалтерия ҳисоби усулиниң элементларидан биридир. У бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларининг ишончлилигини тасдиқлаш мақсадида ўтказилади. Мол-мулк ва пул маблағлари мажбуриятлар инвентаризация қилинади.

Аудиторлик ишни технологияси нуктai назаридан қарагандага инвентаризациянинг актив моддалари ҳақиқийлиги ва аниқлиги тўғрисида кўпроқ ишончли далил, хўжалик опера-

циялари жараёнидаги амалга оширилган фактларни олиш усулидир.

Мижоз активларини инвентаризациялашында иштирок этиш ёки унинг ўтказилишини кузатиб туриш аудиторлик текширишининг ҳар уч асосий йұналиш бўйича маълум хуоса чиқариш имконини беради.

Масалан, агар текширилаётган корхонада бир неча йилдан бўён инвентаризация ўтказилмаган бўлса (йиллик бухгалтерия ҳисоботини тузиш ёки моддий жавобгар шахс алмашган вактда) аудитор мижозда активлар сакланиши устидан ички назорат йўклиги, шунингдек бухгалтерия ҳисобини юритиши ёки бухгалтерия ҳисоботини тайёрлашнинг белгиланган тартибда амалга оширилмаганлиги тўғрисида салбий хуоса чиқариш учун асос бўлади.

Аудитор асосий воситаларни инвентаризация қилиш чоғида текширилаётган хўжалик юритувчи субъект бир нечта асосий воситаларини сотиб юборганилигини ва уларни ноконуний ҳисобдан чиқарилганлиги аниклади. Бунинг натижасида асосий воситаларни сотишдан тушган пул маблағлари даромадлар таркибида ҳисобга олинмаганлиги ва бу даромадлардан солиқ тўланмаганлиги аникланди. Бундай салбий молия-хўжалик операцияларининг мавжудлиги натижасида аудитор мижознинг молия-хўжалик опарацияларини амалга ошириш чоғида қонунни бузганлиги тўғрисида салбий хуоса чиқариши мумкин.

2. Хўжалик ёки бухгалтерия операцияларини кузатиш

Бу амал мураккаб эмас, лекин текширилаётган корхонада ички назорат тизимини ва бухгалтерия ҳисботи ташкил этилишини баҳолаш учун жуда муҳимдир. Бухгалтерия операцияларининг мураккаб жараёнларини аудиторлар бригадасининг малакасиз аъзоларига топширмаслик керак. Аксинча бу амални етакчи аудитор ўз зиммасига олади ёки тажрибали аудиторга топширади. Кўпинча аудиторлик текшириши ўтказишга шартнома тузиш чоғида аудиторлик ташкилоти кўшимча шартлардан бири сифатида аудиторлар бригадасига

алоҳида хона ажратиб беришни кўрсатади. Бундай шароит бутунлай асослидир, чунки аудиторлик текшириши чоғида бир хонада маълум вақтгача иккита меҳнат жамоаси – текшириувчи ва текширувчи жойлашади.

Равшанки, иш учун алоҳида хона бўлиши текширилаётган корхона ходимлари учун ҳам, аудиторлар бригадаси учун ҳам жуда қулай ва бундай вазиятда жамоадаги психологик мухит бузилмайди.

Лекин аудиторлик текшириши аудитор аудиторлик ташкилоти тасдиқлаши лозим бўлган жиҳатлар ва ҳисобот билан ишлаш, холос, деб ўйлаш хато бўлади. Бу текширилаётган корхонанинг ходимлари билан ҳам ишлашдир, чунки улар айни шу ҳужжатларни тузадилар, бу жараёнга ўз фикрларини, кўнинмаларини ва тажрибаларини сарфлайдилар. Шу боис баъзан ички назоратнинг ҳолатига ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибига риоя қилишига баҳо бериш учун у ёки бу хўжалик операцияси бухгалтерия ҳисобида қандай расмийлаштирилётганини кузатиш кифоя қиласи.

Баҳолаш жараённи жуда мураккаб, албатта. Ҳисобдор шахсга кассадан пул бериш операциясини мисол килиб келтирайлик. Энг тўғри ҳолатда бу оддий хўжалик операцияси куйидаги босқичларни ўз ичига олиши лозим:

- пул нимага зарур бўлса, уни шу мақсадга ишлатиш учун ариза бериш;
- аризани корхона раҳбари билан келишиш ва тасдиқлашиш;
- бухгалтер томонидан пул беришга чиқим касса ордери ни расмийлаштириш;
- бухгалтернинг (пул олувчи шахс эмас) касса чиқим ордерини кассага топшириши;
- кассирнинг касса чиқим ордери тўғри тўлдирилганини текшириш;
- кассадан пул бериш;

Агар бу расмиятчилик амалларининг ҳаммасига риоя қилинса, аудиторнинг текширилаётган корхонада касса операцияларини юритиш тартибига амал қилаяпти деб хуносча чи-

қариш учун асос бўлиши мумкин. Акс ҳолда аудитор корхона ички назоратнинг бўшашувига олиб келадиган расмий амалларни аниклади. Дастлабки оператив ҳисоб бухгалтерия ҳисоби билан «туташадиган» барча участкалардан шундай кузатиш олиб бориш ва омборга моддий бойликларни қабул қилиш тартибини, омбордан моддий бойликларни ишлаб чиқаришга (цехларга, участкаларга бўлимлар ва бошқаларга) бериш; моддий бойликларнинг мавжудлигини ва ҳаракатини ҳисобга олиш тартиби; моддий бойликларни ва тайёр маҳсулотни сақлаш тартиби; тайёр маҳсулотни жўнатиш тартиби; тайёр маҳсулотни сотиш тартиби ва бошқаларни баҳолаш лозим бўлади.

3. Оғзаки усул

Аудиторлик далилларини тўплашнинг ушбу усули аудиторга мулоҳаза қилиш учун маълумот беради. Ушбу аудиторлик амалининг моҳиятини очиш учун кимга оғзаки савол бериш керак деган саволга жавоб топиш зарур. Сўров ёки сұхбатни корхонанинг ҳисобни юритиш ёки ҳисобот тузишда иштирок этадиган барча ходимлари билан сұхбат тарзида ўтказиш лозим. Фақат бош бухгалтер ва унинг ўринбосарлари билан сұхбат ўтказиш билан чекланадиган аудитор хато қиласди.

Худди шу боис аудитор ҳисобот заминидаги хўжалик операциялари қонунга мос келишита, тўғри расмийлаштирилгани ва бухгалтерия ҳисоботига мувофиқ акс эттирилганига ишонч ҳосил қилиши керак. Бухгалтерия ҳисобининг ҳар бир бўлагини текширишни ижрочилар – бухгалтериянинг оддий ходимлари – хўжалик операцияларининг дастлабки ҳисобини юритувчилар билан оғзаки сўров ёки сұхбат ўтказишдан бошлиши керак.

Ахборот тўплаш усулини ошкора қилиш чоғида жавоб бериш лозим бўлган иккинчи савол шуки – ходимлардан оғзаки сўраш қачон ўтказилади? Одатда, бу амал текширишнинг бошланғич босқичида, аудитор тегишли текшириш дастури-

ни тузиш учун ишнинг ҳажмини ва мураккаблигини баҳолаётган пайтда ўтказиш зарур.

Ходимлар билан сұхбатлашиш учун аудитор етарли дара жада психолог бўлиши лозим, чунки унинг максади сұхбат дошини «стапиртириш», ундан ишончли маълумотлар олиш, унинг харакати, жонкуярлиги ва малакасини, ишдаги «но-зик» жойларни аниклашдан иборат.

Сұхбат аудиторга зарур натижани бериши учун у бошқа аудиторлик амаллари каби, пухта режалаштирилиши лозим. Оғзаки сўровда корхонанинг саволга тутилаётган ходими иштирок қилиши туфайли сұхбат бошқача тус олиш хавфи бўлади, шунга қарамай олдиндан сұхбат режасини тузиш ва унга амал қилиш мухимdir.

Текшириш дастурини тузиш учун аудиторда бухгалтерия, молия ҳамда режалаштириш хизматчилари ходимларининг рўйхати бўлиши керак. Рўйхатда ходимларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, расмий лавозимининг номи, шунингдек у бошкарадиган йўналишлари (бухгалтерия ҳисобининг бўлимлари, участкалари, мансаб йўриқномалари, журналлар, ордерлар ва ҳоказо.) рўйхати кўрсатилади.

Афсуски кўп корхоналарда хозирги вактда ходимларнинг мансаб йўриқномалари, хужжатлар айланмаси жадвали каби хужжатлар тузилмайди, шу сабабли аудитор бу ишни ўзи бажариши ёки текширишни аудиторга шу ахборот тайёрлангандан сўнг бошлиши керак.

Шу тарика аудитор бухгалтериянинг у ёки бу ходимини сўровга тутиши чоғида унинг фамилияси, исми, отасининг исми, мансаб вазифалари доираси ва фаолияти йўналишларини билиши шарт. Молия ходими билан бухгалтерия ходимига бериладиган саволлар рўйхати бир хил бўлмайди, чунки уларнинг бажарадиган функциялари турличадир.

Ҳисобнинг ҳар бир йўналишига хос бўлган камчиликларнинг алоҳида кўринишлари бўлади. Масалан, омбор мудиридан ҳисобот бериш шарти билан берилган пулларни қайтариш муддатига рўйоя қилишларини ёки аксинча, касса операцияларини ҳисобини юритишни ёки бухгалтердан корхона худудидан рухсатнома расмийлаштиrmай туриб, четта мод-

дий бойликларни олиб чиқиб кетиш мумкинми деб сўраш фойдасиз.

Ҳисобнинг ҳар бир йўналиши бўйича ходимларни оғзаки сўрашнинг аниқ режаси шу йўналишнинг' ихтисослашувига боғлиқ бўлади, лекин сұхбатнинг тахминий режаси қўйида-гича бўлиши мумкин:

1. Сиз дастлабки ҳужжатларни қандай расмийлаштира-сиз?
2. Сиз таҳлилий ҳисобнинг қайси регистрини юритасиз?
3. Сизнинг ҳисоб участкангизда таҳлилий ҳисоб қандай юритилади?
4. Сиз шакллантираётган ахборот йиғма ҳисобнинг қайси регистрлари учун зарур?
5. Сиз олган натижаларни ким ва қандай солиширади?
6. Ўзингиз расмийлаштирадиган ҳўжалик операциялари хусусида сўзлаб беринг?!
7. Ҳўжалик операцияларининг ҳар бирини бажариш чоғида қандай тартибда ҳаракат қиласиз?
8. Бухгалтерия ҳисобининг қайси счётларини шакллантиришда иштирок этишингизни биласизми?
9. Сизнинг ишингиз қандай назорат қилинади?
10. Агар хатога йўл қўйган бўлсангиз уни қандай тузата-сиз?
11. Ҳисобни юритишда ва унинг натижаларини қиёслаш-да бирор нокурайлик борми?
12. Ишингизда муаммолар борлигини биласизми? Улар нималардан иборат? каби саволлар бўлиши мумкин

4. Ёзма далилларни олиш

Ушбу аудиторлик амали олдингиси билан бевосита боғлиқ, лекин жавоблари аудитор бирор ахборот воситасида (коғоз, компьютер, диктофон) мустақил қайд этилса, ёзма далилларни олиш учун текширилаётган корхонанинг ходимларига маҳсус сўров варақалари ёки «канкета»лар берилади.

Анкетадаги энг кўп кўлланиладиган саволларга эҳтимол тутилган жавоблар тақлиф этилиши мумкин. Бунда сўра-

лаётган ходим жавоблар орасидан текширилаётган корхона амалиётига мос келадиганини танлаб, белги қўиши кифоя қиласди.

Сўровномада жавоб берувчининг исми, фамилияси, отасининг исми ва лавозими кўрсатилиши лозим, тўлдирилган сўров варақасини корхона бош бухгалтери текшириши ва ўз имзоси билан тасдиқлаши лозим.

5. Мижоз учинчи шахслардан олган хужжатларни текшириш

Мижоз учинчи шахслардан олган хужжатларга қўйидагилар киради:

- Бошқа корхонанинг тўлов ҳужжатлари (тўлов топшириклари, тўлов талабнома-топшириклари,) чек регистрлари ва аккредитивлар, касса кирим ордерларининг квитанциялари;
- Бошқа корхоналарнинг бошланғич ҳисоб ҳужжатлари (счёtlар, счёtfактуралар, накладнойлар, бажариладиган ишларнинг далолатномалари ва бошқалар);
- Молия, солик органлари, банклар билан ҳисоблашиш бўйича ҳисоботда акс эттирилган маълумотларнинг ҳақиқатга тўғрилигини тасдиқловчи ҳужжатлар; банқдан кўчирма; солиқлар бўйича солик органининг ҳисоботи билан қиёслаш; ҳисоботда акс эттириладиган дебеторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳақиқийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар – мол етказиб берувчилар билан ишларни бажаришга, хизмат кўрсатишга шартномалар, ўзаро ҳисобларни солиштириш далолатномалари, суд даъволари;
- корхонанинг маълум ҳукуқларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар – акциядорлар йиғилиши кўчирмалари; суғурта шартномалари; ижара шартномалари ва бошқалар.

Аудитор бу амалларни бажараётганларида ушбу ҳужжатлар тўғри тузилганига ва расмийлаштирилганига, шунингдек, уларнинг бухгалтерия ҳисобида ўз вақтида, тўла акс эттирилганига эътибор беради.

6. Мижоз корхонасида тайёрланган ҳужжатларни текшириш

Мижоз корхонасида тайёрланган ҳужжатларга мижознинг корхонасида тайёрланган ва мураккаблиги турли даражадаги ҳужжатлар киради. Бу ҳужжатлар корхонада тайёрлангани сабабли у ички ахборот бўлиб, унинг ишончлилиги корхона ички назорат тизимининг сифатига боғлиқ. Бундай ҳужжатларнинг таркиби ғоят хилма-хил бўлиб ушбу ҳужжатлар қаторига куйидагилар киради:

- Ҳисоботнинг турли бўлимлари бўйича бошланғич ҳужжатлар;
- журналлар, китоблар, карточкалар ва таҳлилий ҳисобнинг регистрлари;
- журнал-ордерлар, ведомостлар, йиғма ҳисобнинг бошқа регистрлари, корхонанинг бош китоби;
- бухгалтерия ва бошқа молиявий ҳисобот;
- соликлар ва бошқа йигимларни, бюджетта ва бюджетдан ташқари фондларга бадаллар тўғрисидаги ҳисоботлар ва декларациялар каби ҳужжатлар киради.

7. Арифметик ҳисобларни текшириш

Арифметик ҳисобларни текшириш аудиторнинг ички назорат тизимининг аҳволига берган баҳосига қараб ўтказилиди. Аудитор ички назорат тизимининг ҳолатини қониқарли деб баҳоласа, арифметик амаллар танлаш асосида текширилади, акс ҳолда текшириш ялпи ўтказилади ёки аудитор танлаб текшириш натижасига асосланиб, арифметик ҳисобнинг тўғрилиги ҳакида хulosса чиқаради ҳамда бу хulosса бутун ҳисобот даврига нисбатан қўлланилади. Арифметик ҳисобларни текшириш учун танлаш микдори ва оралитини аудитор белгилайди ҳамда бу ортмачи билан келишиб олади (шартномада кўрсатилади).

Бу аудиторлик амалини ўтказиш, яъни арифметик ҳисобларни текшириш зарурати аввало икки вазиятга боғлиқ: биринчидан, корхонада қўлланиладиган ҳисоб шаклига боғлиқ. Чунончи корхонада ҳисобнинг автоматлаштирилган шакли

қўлланилса, арифметик ҳисобынг тўғрилигини текширишга зарурат қолмайди, лекин бундай шароитда бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштириш тизимига асос қилиб олинган алгоритмини текшириш муаммоси долзарб бўлиб қолади. Бухгалтерия ҳисобини автоматлашган тизимини (ҳисобларни бажариш алгоритмларини, хўжалик операцияларини рўйхатга олиш, ҳисобларни ёпиш, ҳисботни шакллантириш усулларини ва бошқаларни) текшириш учун аудитор информатика соҳасидаги экспертнинг (мутахассиснинг) хизматидан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Бухгалтерия дастурини экспертиза қилиш мақсадлари учун экспертни таклиф қилиш зарурати аудиторлик текширишини расмийлаштириш босқичида аникланади ва буюртмачи билан шартномада келишиб олинади.

Иккинчидан, мижознинг арифметик ҳисобларни текшириши бухгалтерия ҳисобининг бўлимига боғлиқ. Масалан, банкда ҳисоб-китоб қилиш ва бошқа ҳисоб варақалари бўйича операцияларни расмийлаштириш чогида арифметик ҳисобларни текшириш талаб қилинмайди, чунки йўл қўйилган хатоларни нақд пулсиз ҳисобларни юритадиган бухгалтернинг ўзи аниклади – журнал-ордердаги қолдиқлар банкдан кўчирмадаги қолдиқлар билан солиштирилади, корхона қасаси бўйича арифметик ҳисобларни текшириш эса албатта зарур бўлади, чунки пул маблғлари ҳаракатланиши ва пул операцияларининг кўплиги натижасида корхона хўжалик фаолиятининг бу участкасида турли камчиликлар бўлиши нуткази назаридан ҳам энг нозик.

8. Таҳлил

Аудиторлик фаолиятида иқтисодий таҳлилнинг хилма-хил усулларидан фойдаланилади.

Халқаро аудиторлик стандартларида таҳлил ёки таҳлилий амаллар кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўрганиш йўли билан ҳисботдаги иқтисодий ахборот баҳосини аниклади.

Аудиторлик таҳлил қўйидагиларни аниклаши лозим:

- мижознинг омилкорлик даражасини;
- келгусида унинг молиявий-хўжалик фаолияти истиқболини баҳолаш;
- мижоз ҳисоботидаги атайлаб қилинган ҳатолар миқдори;
- аудитнинг асосий босқичида пухта тест ўтказишни амалга ошириш.

Таҳлилий амаллар аудиторлик амалларининг харажатлари нуқтаи назаридан энг самарали ҳисобланади.

Корхона молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг ахборот базасини асосан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисбот маълумотлари ташкил этади. Агар таҳлил учун факат молиявий ҳисоботдан фойдаланилса (баланс, молиявий натижалар тўғрисида ҳисбот ва ҳамда ҳисботнинг бошка шакллари), бундай таҳлил ташки молиявий таҳлил деб аталади.

Ташки молиявий ҳисбодан ташқари таҳлил учун ички ахборотдан бухгалтерия, молия ва ишлаб чиқариш ҳисобларидан фойдаланиладиган бўлса, бундай таҳлил ички таҳлил деб аталади.

Шу тариқа, ҳисбот ташки ва ички таҳлиллар учун ахборот базаси ёки соҳасидир. Ушбу маънода аудитда қўлланиладиган молиявий таҳлил усууларига молиявий аҳволнинг ички таҳлили сифатида қарааш ҳам мумкин.

Куйидаги таҳлилий амаллар энг кўп тарқалган ҳисобланади:

- Молиявий ҳисбот маълумотларини ҳисоб регистрлари ва дастлабки ҳужжат маълумотлари билан қиёслаш;
- ҳисбот давридаги ҳисботнинг турли моддалари ўртасидаги нисбатларни олдинги даврлардаги шундай нисбатларга солишириш;
- бошқарув ахборотини, хусусан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми тўғрисидаги маълумотларни пул ва натура бирлигига таққослаш;
- молиявий кўрсаткичларни (молиявий коэффициентларни) тармоқ ўртача қиймати билан таққослаш.

Молиявий коэффициентлар корхона молиявий ҳолатининг нисбий кўрсаткичидир. Молиявий коэффициентлардан куйи-

даги мақсадда фойдаланилади:

1. Баланс тафсилотларини чукурлаштириш учун;
2. Молиявий ҳолатни ўтган йилларнинг кўрсаткичлари билан таққослаш учун;
3. Меъерий ҳолатдан четга чиқишни аниқлаш учун мезон сифатида.

Молиявий коэффицентларни таҳлил килиш уларнинг кийматини базис микдорлар билан қиёслаш ҳамда уларнинг ҳисобот давридаги ва бир қанча йиллардаги кўрсаткичларини таққослагб уларни ўрганишдан иборат.

Базис микдори сифатида куйидагилардан фойдаланилади:

- Ушбу корхонанинг молиявий ҳолати нуқтаи назардан яхши кўрсаткич билан якунланган даврга оид кўрсаткичларнинг ўртacha киймати;
- кўрсаткичларнинг тармоқ ва иқтисодиётнинг бошқа соҳалари бўйича ўртacha киймати;
- нисбий кўрсаткичлар қийматининг молиявий ҳолат барқарорлигини асословчи кўрсаткичлар бўйича киймати.

Молиявий кўрсаткичлар орасида куйидаги коэффициентлар алоҳида ўрин тутади:

- жорий барқарорлиги;
- ўз маблағи билан таъминланганлик;
- тўлов қобилияти

Бу коэффициентларнинг аниқланган қиймати корхона молиявий ҳисоботи тузилишини қониқарли ёки қониқарсиз, корхонани эса тўлов қобилияти яхши ёки ёмон деб ҳисоблаш учун асосдир.

Аудитор аудиторлик текшириш дастурини тузиш чоғида унда қандай таҳлилий амалларни ўтказиши назарда тутаётганини ҳамда уларни ўтказиш учун маълумотларни канчча ҳажмда тўплаш зарурлигини кўрсатиши керак. Бунда бошқа омиллардан ташқари мамлакатдаги умумий иқтисодий вазиятни ҳам ҳисобга олиш керак, чунки, масалан, инфляция даражаси юқори шарбита турли ҳисоб давларида ҳисоблар бўйича қолдиqlарнинг мутлоқ қийматини таққослаш амали кеч қандай ахборот бермайди.

Молиявий ҳисоботни текшириш бошланган пайтда аудитор баланс ва унинг бошқа шаклларининг мазмунини кўриб чиқиб, уларнинг орасидан текширилиши дозим бўлган аник элементларни ажратиб олади. Бу элементлар ва сегментлар орасидан қуидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) баланс бўлимлари ва уларнинг нисбати (улар юзасидан таҳлилий ҳисоботлар одатда хўжалик юритувчи субъект ва аудитор томонидан амалга оширилади);

б) баланснинг бўлимлари ва уларнинг бўлимлари ичидаги ўзаро нисбати (аудитор ҳисботдаги қолдиқ суммаларнинг ҳакиқийлигини, уларнинг ўзаро нисбати тўғрилигини ахборотнинг факат баланс билан эмас, бошқа шакллар, доимий ҳисоб ёзувлари билан ўзаро мувофиқлигини текширади);

в) ҳисоб регистрларидағи ёзувлар, бошланғич ҳужжатлар (факат бухгалтерияга оид эмас, шу билан бирга шартномага оид ҳужжатлар ва бошқалар ҳамdir).

Аудитор ўз вазифасини бажарар экан ҳисботдаги ахборотнинг ҳар бир алоҳида элементи ишончлилигини тасдиқловчи алоҳида далилларни тўплайди. Далиллар назорат қилишда, тестлаш чоғида ҳамда у ёки бу хўжалик операцияларининг моҳиятини текшириш чоғида тўпланади.

Йиллик молиявий ҳисбот тўғрисида ишончли ахборот олишдан ким кўпроқ манфаатдорлиги нуқтаи назаридан бу масалага яна қайтамиз ва уларни ички ва ташки манфаатдор томонларга ажратамиз (5.1-чизма).

Ташки фойдаланувчилардан баъзилари кўп ҳолларда молиявий ҳисботнинг ишончлилигини тасдиқловчи ўзлари учун зарур иқтисодий ахборот – қўшимча далилларни олишини хоҳлайдилар. Буни улар ўзлари мустакил қилишлари ёки тегишли текшириш ўтказишни бошқа мустакил мутахассисларга топширишлари мумкин.


Умуман ишончли бухгалтерия ахбороти муҳим вазифани бажаради. Бу ахборот бозор иқтисодиётида (санаб ўтилган фойдаланувчилар орқали) меҳнат, товарлар, капитал бозори самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Бироқ бухгалте-

рия ахборотининг ишончлилиги фақат аудитта эмас, мамлакатдаги хисоб сиёсатига ҳам боғлиқдир.

Аудит ҳамиша бухгалтерия хисоби услубиятидан келиб чиқади. Бу текширишнинг асосий мақсади, асосий мазмуни ва якунни баланс ва умуман молиявий хисботни тасдиқлаш ёки унинг тўғрилигини исботлашдан иборат.

Молиявий хисботнинг ишончлилиги тўғрисидаги ахборотдан фойдаланувчилар

5.1-чизма



Аудитнинг амалий мақсади хисботнинг энг муҳим элементлари тўғрисида тегишли аудиторлик далилларини тўплаш, сўнгра эса тўплланган далилларга асосланиб хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларига умумий баҳо беришдан иборат. Аудитнинг амалий мақсадлари қўйидаги етгита тоифага тасниф қилиниши мумкин:

1. Мавжудлик ёки пайдо бўлиши – активнинг ҳар бир моддаси ва пассивнинг ҳар бир моддаси маълум вақтда мавжуд бўлган: ҳақиқатда амалга ошмаган (тўла ёки қисман амалга

ошмаган) операциялар расмийлаштирилган сохта ҳужжатлар йўқми.

2. Ҳисобнинг тугалланганлиги - ҳақиқатан амалга оширилган барча операциялар ҳужжатларда ва ҳисоб регистрларида тўла акс этганлигини (масалан, реализациядан тушган пул тўла кирим қилинганлигини) текшириш.

3. Ҳукуқ ва бурч – активнинг ҳар бир моддаси бўйича (хукуқ) ва пассивнинг ҳар бир моддаси бўйича (бурч) белгиланган вақтда уч мезон (расмий, қонуний ва амалий) бўйича конунга мувофиқлиги ва тўғрилиги текширилади.

4. Арифметик аниқлик – ҳисоблар бўйича асосий ҳисоблар, якунлар, оборотлар ва счёtlар бўйича колдикларнинг мувофиқлиги ҳамда; уларнинг ҳисоб регистрларидан бош дафтарга ва балансга тўғри ўтказилгани.

5. Баҳо қиймати – активнинг ҳар бир моддаси ва пассивнинг ҳар бир моддаси тўғри баҳолангани ҳамда балансда тегишли миқдорда акс эттирилганлиги.

6. Даврлар бўйича тақсимланиши – барча хўжалик операциялари (харажатлар бўйича ҳам даромадлар бўйича ҳам) ва хўжалик эҳтиёжига доир ҳамма фактларнинг улар содир бўлган ҳисоб даврининг ўзида акс эттирилгани.

7. Тақдим этиш ва кўrsatiб бериш (таҳлил этиш) – барча элементларнинг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига, БХМСнинг 21-стандартига ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг талабларига, шунингдек, хўжалик юритувчи субъект ҳисоб сиёсатига мувофиқ кўrsatiб берилгани, таҳлил этилгани ва баён қилингани.

Молиявий ҳисботнинг ҳар бир элементини (сегментини) текшириш чоғида аудитнинг ҳақиқий мақсади жуда аниқдир. Молиявий ҳисботнинг ишончлилиги тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлиш учун аудиторнинг ёрдамчилардан фойдаланиш имконияти бор. Аудиторлик далилларининг манбаларини ички (ҳисоб маълумотларидан ёки хўжалик юритувчи субъект ходимларидан оғзаки ёки ёзма равишда олинган), ташки (аудиторлар талаби бўйича учинчи шахслардан ёзма шаклда олинган) ва аралаш манбаларга ажратиш мумкин.

Молиявий ҳисобот аудити дастурини тузиш ва уни бажариш давомида текширувчилар унинг тўғрилиги ҳақида аудиторлик далилларини тўплаши лозим.

Атайлаб қилингандан хатолар (уларнинг бир қисми маъмурият ва ходимларнинг сунестеъмоллари сифатида тасниф қилиниши мумкин) одатда жиной ҳуқуқ доирасида бўлади. Текшириш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг топшириғига мувофиқ ўтказилаётган бўлса аудитордан бундай сунестеъмолларни тўла очиб беришни таъминлаш кутилади. Шу билан бирга атайин қилингандан гаразларни аниқлаш чоғида, агар у муҳим бўлса, умуман бухгалтерия ҳисоботи тўғрилигига шубҳа туғдирса, аудитордан шунга мос ҳаракатларни ва холосада тегишлича тавсифни кутиш лозим.

Агар аудиторда айрим ходимларнинг стандартга кўра ахборотни атайлиб бузиш деб тасниф қилишга ҳақли бўлган сунестеъмоллар тўғрисида асосли шубҳа пайдо бўлса, бу ҳақда аввало, хўжалик юритувчи субъектларнинг юкори маъмурияти вакилларини (агар бу вакиллар сунестеъмолга арашламаган бўлса) хабардор қилиши зарур. Тегишли хўжалик операциясининг моҳиятини текшириш, аниқланган сунестеъмолларни батафсил тўхтатиш ҳамда уларнинг оқибатларини аниқ микдорий баҳолаш, шунингдек тегишли холосачиқариш аудиторнинг вазифасига киради. Бундай ҳолларда сунестеъмоллар тўғрисидаги аниқланган ахборотларни тўлатўкис ҳужжатлаштириш зарур. Кейинчалик судлашиш бошланса, аудиторнинг иш ҳужжатлари судда исботловчи далилларга айланиши мумкин.

Шубҳали хўжалик операцияларини пухта текшириш аслида яна аудитор аниқланган сунестеъмоллар аудитнинг бошқа сегментларига қандай таъсир қилишини аниқлаш учун, ҳисоб ва ҳисоботга киритилган аниқланган сунестеъмолларнинг оқибатини бартараф этадиган тузатишларнинг характеристикини аниқлаш учун талаб қилинади. Агар аудитни амалга ошириш даври вакт жиҳатидан аудит қилинаётган даврдан кейин бўлса (масалан, бухгалтерия ҳисоботи солиқ инспекциясига топширилгандан кейин) у ҳолда иш тугагандан кейин тақдим

этиши лозим бўлган аудиторлик хulosасининг шаклини ҳам белгилаш зарур.

5.1- жадвал

Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш чоғида вужудга келадиган асосий бузилишлар ва хатолар

Типик хатоликлар намуналари	Бузилишларининг оқибатлари
Дастлабки ҳисоб ҳужжатларининг кабул килинган тартибини айрим бузилишлар билан расмийлаштириш	Ҳужжатлар бланкаларида кўрсатилган барча сатрлар ва графаларнинг тўлдирилмаганлиги
Ҳужжат тўғрилигини тасдиқловчи зарур имзо йўқ.	Ҳужжатлар ва улар асосида амалга оширилган операциялар ҳакиқий эмас деб топилиши мумкин
Бўш сатрлар ва графалар чизиб кўйилмаган	Ҳужжатта операция мөхиятини ўзgartирувчи ёзув киритилиши мумкин
Ҳужжатлар тегишли штамп билан тасдиқланмаган	Ҳужжатдан тақрор фойдаланиш мумкин, бу ҳужжатга асосан операцияларни хиabolлаша мълумотлар бузилишига олиб келиши мумкин
Дастлабки ҳужжатларни амалдаги конунлар ва йўрискомалар талабларини бузиб расмийлаштирилган	
Мълум тусдаги молия-хўжалик фаoliyatinini амалга ошириш хукукига лицензия, рұксатнома йўқ	Ҳўжалик операцияларни ноконуний деб хиabolаниши мумкин
Шартнома тузилган, операциялар эса уни расмийлаштириш ва мазмунига доир бошқа конун талабларига риоя килмай амалга оширилган	Шартнома ва бухгалтерия операциялари конунга хилоф деб топилиши, унда иштирок этган юридик ва жисмоний шахслар жавобгарликка тортилиши мумкин

Равшан бўлган, лекин пухта яширилган сунистемолларни аниқлаш учун баъзан текширувчиларнинг юксак профессионал маҳоратигина эмас, уларнинг кимматли иш вақти учун катта ҳаражатлар ҳам талаб қилинади. Аудиторларнинг мъмурият сунистемолларини аниқлашга нисбатан ходимларнинг сунистемолини аниқлаши эҳтимоли кўпроқ. Аудит назарияси ва амалиётида тегишли тезис белгиланиши сабабларини топиш қийин эмас. Масалан, мъмурият вакиллари жинойи тил бириктириб, бухгалтерия ҳисобининг мълум бошланғич ҳужжатлари ва регистрларини сохталаштиришга ҳаракат қилдилар, яъни сохта ҳисоб ёзувлари (ҳақиқат мезони-

га тўла ёки қисман мос келмайдиган сифатсиз ҳужжатлар ва ёзувлар) килдилар. Амалдаги ички назоратнинг тегишли тизими ёлланма ходимлар оммаси томонидан эмас, балки айни маъмурият томонидан тузилгани учун хам маъмурият вакилларининг шу тизимдаги маълум назорат талабларини бузишлари осонрок.

Бухгалтерия ҳисоботи одатдаги аудитдан ўтгандан сўнг маъмуриятнинг пухта яширган существо молларининг аудиторлар томонидан очилмаслиги эҳтимоли қолади. Агар ҳисобот даврида аудиторлар алмаштирилган бўлса, бундай эҳтимоллик даражаси ошади.

Текшириш молиявий ҳисоботнинг ҳар бир шакли бўйича тегишли шаклдаги кўрсаткичларни асосий дафтар ҳисоблари бўйича колдиклар ва айланмалар билан алоҳида-алоҳида текширилади.

Ҳисобот шаклларидағи кўрсаткичлар бош дафтардаги маълумотлар бўйича текшириб бўлмайдиган ҳолларда аудиторлар таҳлилий ҳисобнинг тегишли регистрларидан фойдаланадилар.

Бухгалтерия баланси ва бош дафтар кўрсаткичларнинг мувофиқлигини текшириш натижалари аудиторнинг иш ҳужжатида умумлаштирилади.

5.2. Ички аудит натижаларидан фойдаланиш

Ички аудит – корхона ичидаги унинг фаолиятини текшириш ва самарадорлигини баҳолаш учун мустақил баҳодир. Ички аудит учун корхонанинг ўзи ёки унинг бўлимларидан бири жавоб беради: бу корхона ичидаги назорат органидир. Ички аудитнинг мақсади – корхона хизматчиларига уларнинг вазифаларини яхши бажаришларига ёрдам беришдан иборат. Бунинг учун ички аудит уларга, таҳлил, баҳолаш маълумотларини, тавсиялар, маслаҳатлар ва текширилаётган объектлар тўғрисида ахборот беради.

Ички аудитнинг вазифалари:

- корхона ишини ички молиявий назорат қилиш;
- иктисолий кўрсаткичлар бўйича ишлаб чиқариш фаолияти тизимини текшириш;

- ишлаб чиқариш ва реализацияни бошқариш тизими ишини таҳлил қилиш;
- корхона омилкорлик фаоллигига, маҳсулотларни тез сотилишига, рентабеллигига баҳо бериш;
- корхона ёки ташкилот ишини яхшилашга доир тавсияларни ишлаб чиқиш.

Корхона ўзининг самарали ишидан ва иқтисодий аҳволи яхшиланишидан мафаатдордир, ички аудиторнинг иши аввало корхонанинг ўзи учун фойдалидир. Ички аудитор фойдаланадиган текшириш усуллари умуман ташқи аудит усулларига ўхшашидир. Фарқи текшириш обьекти ва ҳажмидадир. Чунончи ташқи аудит умуман ҳисоб қанчалик тўғри юритилаётганини, шунингдек корхона ишининг хукукий томонини аниқлашдан иборат бўлади. Текшириш асосан танлаш асосида ўтказилади.

Ички аудит асосан моддий бойликларнинг сақланиши ва фойдаланилишини, ҳисобларнинг тўғрилигини, нобудгарчилик ва зааралар пайдо бўлиши сабабларини таҳлил қилиш учун зарур. Ички аудит корхонада узлуксиз бўлиши туфайли ялпи текшириш ўтказилади. Бунда ички аудит корхона ракбарияти фикридан анча камрок даражада мустакил бўлади, лекин ички аудит фаолиятининг натижаларида энг қимматлиси – бу корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билишидир.

Ички аудит фаолиятининг айрим турлари операцион аудит деб аталади. Операцион аудит - бу аудиторнинг корхона ресурсларидан самарали фойдаланиш, корхонанинг молиявий натижаларига самарали эришиш юзасидан тавсия бериш мақсадида унинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилишидир. Операцион аудитнинг мақсади бошқарувчиларга вазифаларини бажаришларида ва корхона рентабеллигини оширишда ёрдам беришдир.

Операцион аудит фақат ички аудитор томонидан эмас, ташқи аудитор томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Фақат фарқи шундаки, ички аудитор учун операцион аудит ички аудитнинг ажралмас таркибий қисмидир, ташқи (му-

стакил) аудитор учун эса операцион аудит маслаҳат бериш туридир, яъни аудиторлик ташкилоти шартнома бўйича кўрсатадиган аудиторлик хизматининг турларидан биридир.

Мустақиллик ички аудитор учун ҳам, ташки аудитор учун ҳам зарурдир. Ички аудиторликни уларни иш берувчилардан ажратиб бўлмаса-да, улар ўз фаолиятида мустақиллар. Ички аудиторлар ахборот тўплаш чоғида мустақил бўлишлари лозим, яъни корхона ва ташкилот кўрсатмалари ва тақиқлашларидан мустақил бўлишлари даркор. Бундай мустақиллик корхона ёки ташкилотда асосан ички аудитни ташкил этиш шакли билан таъминланади.

Ички аудит қўйидаги шаклларда ташкил этилиши мумкин:

а) акциядорларнинг йиллик ҳисоботни тасдиқлайдиган йиллик умумий йигилишида сайланадиган доимий ишлайдиган тафтиш комиссияси шаклида. Тафтиш комиссиясининг корхона ёки ташкилотнинг раҳбариятидан мустақиллиги у олий орган томонидан сайланиши ва факат унга ҳисоб бериши билан таъминланади. Тафтиш комиссиясини сайлаш зарурлиги корхона ёки ташкилотнинг Низомида акс эттирилади. Лекин корхона кўп долларда Низомнинг бу бандини зътиборга олмай ва тафтиш комиссияси сайланмайди ёки Низоми расмийат учун риоя қилинади;

б) бевосита корхона ёки ташкилот раҳбарларига бўйсунадиган маҳсус ички назорат-тахлилий бўлим шаклида;

в) ички аудитни амалга ошириш учун аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузиш асосида. Бундай ҳолатда мустақиллик аудиторлик ташкилотининг текшириладигая корхона ёки ташкилотдан мустақиллиги таъминланади.

Таъкидлаш зарурки, агар аудиторлик ташкилоти текширилаётган хўжалик юритувчи субъектга бухгалтерия ҳисобини тиклаш ва юритиш, маслаҳат аудит текшируви бериш ҳамда молиявий ҳисобот тузиш юзасидан хизмат қилган бўлса, аудиторлик фаолиёти тўгрисидаги конунда аудиторлик текшириши ўтказиш ва аудиторлик хulosаси беришда чекловлар кўзда тутилган. Агар аудиторлик ташкилоти мижозда

ички аудитни амалга оширган бўлса хulosса беришга чеклов бўлмайди.

Ташқи аудиторлар ахборот тўплашга доир ишларнинг кўп қисмини мустақил равишда бажаришади. Агар текширилаётган корхонада ички аудит ташкил этилган ва ишлаб турган бўлса, ташқи аудитор ички аудиторларнинг хизматидан, шунингдек бошқа мутахассисларнинг тажрибасидан фойдаланиши мумкин.

Ички аудитор билан ҳамкорлик қилинганда ташқи аудиторлик ташкилотининг самараси ошади. Бундан ташқари мустақил ташқи аудитор ички аудитор билан маълум ҳамкорликдан воз кеча олмайди, чунки у ички назоратнинг аҳволи тўғрисида ўз фикри бўлиши шарт.

Хар йиллик аудиторлик текшириши давомида ички аудиторлар ташқи аудиторнинг назорати остида айрим ишларни бажаришлари мумкин. Бироқ шуни назарда тутиш керакки, текшириш натижалари бўйича бериладиган хulosалар учун масъулият тўла равиша мустақил аудиторлар зиммасига тушади.

5.3. Экспертлар иши натижаларидан фойдаланиш

Аудиторлик текшириши ташкил этишда алохида вазиятларни ва ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг айрим томонларини ҳисобга олиб маҳсус текширишларни амалга ошириш муҳим ўрин тутади. Бундай маҳсус текширишлар айрим тармоқлар мутахассисларини, экспертларини жалб этилиб ўтказилади.

Аудитор ҳамма нарсани биладиган мутахассис бўла олмайди. Аудиторларга ўз фаолиятида унинг маҳсус билимлари доирасидан ташқари масалаларни ҳам ўрганишга тўгри келади – бу меҳнатни нормалаш, асосий воситалар обектларини ва номоддий активларини баҳолаш, режалаштириш, технология, моддий ресурслардан фойдаланиш, кимматли қоғозлар муомаласи масалалари шулар жумласидандир.

Иккита бир-бирига қарама-қарши ҳолат мавжуд. Уларнинг бири шундан иборатки, аудитор асосан бухгалтерия ҳисоби

соҳасидаги мутахассис сифатида маҳсус масалаларни четлаб ўтади. Бу тўғри эмас, чунки аудит ўрганадиган обьект корхонанинг бутун молия-хўжалик фаолиятидир. Аудитор маҳсус масалаларни зътиборсиз қолдириб, аслида ишнинг асосий жиҳатларини текширишсиз қолдиради.

Иккинчи томондан аудитор ўзининг кафолат доирасидан четга чиқувчи барча масалаларнинг шахсан ўзи ҳал қилишга интилади. Бу қўпол хатолар бўлиши мумкин бўлган вариандир. Шу сабабли аудиторлик текширишларга билимнинг турли соҳаси мутахассисларини ва катта тажрибали амалиётчиларни жалб қилиши тўғри бўлади.

Аудиторлар ва аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширишларига шартнома асосида ўзига мутахассисларни жалб этиш ҳуқуки аудиторлик фаолиятнинг 16-сонли «Эксперт ишидан фойдаланиш» миллый стандартида белгилаб қўйилган. Шунингдек мазкур стандартда билимнинг бошқа тармоқлари мутахассисларини текширишга жалб этишнинг муайян шартлари ҳам белгиланган.

Биринчидан, маслаҳат учун таклиф этилган мутахассис аудиторнинг ўзи текширилаётган хўжалик юритувчи субъектдан мустакил бўлиши лозим. Жалб этиладиган мутахассиснинг мустақиллик принципига риоя қилиниши шундан иборатки, у бухгалтерия (молия) ҳисоботига қўйилади ан талабларга риоя қилиниши учун жавобгар бўлиб, текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг таъсисчиси, мулкдори, акциядори, раҳбари ёки бошқа мансабдор шахси бўлиши мумкин эмас ёки мазкур шахслар билан яқин қариndoш бўл-маслиги керак. Бу текширилаётган субъектга бухгалтерия ҳисобини тиклаш ва юритиш, шунингдек молиявий ҳисобот тузиш бўйича хизмат кўрсатган мутахассис ҳам бўлиши мумкин эмас.

Иккинчидан, аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари иш ҳажмининг кўплиги ёки шартнома тузилгандан сўнг вужудга келган ўзга вазият туфайли текширишга мутахассисларни жалб этиш зарурлиги тўғрисида дарҳол буюртмачига хабар килиши шарт.

Эксперт қуидаги асосий масалалар юзасидан фикрини билдириш учун жалб этилиши мумкин:

- асосий воситаларни баҳолаш учун;
- узок муддатли контрактлар бўйича бажарилган ишларни баҳолаш учун;
- товар-моддий бойликларни, жумладан уларнинг микдор ва сифат кўрсаткичларини баҳолаш учун;
- фойдали казилмаларнинг захираларини ва уларнинг сифатларини геологик баҳолаш учун;
- тузилган шартномалар ва уларнинг амалдаги қонунлар меъёrlарига мувофиқлиги хусусида юридик маслаҳат бериш учун;
- мижозда кўлланилётган ахборот технологияларини баҳолаш учун.

Бу ишларни бажариш учун қуидаги мутахассислар жалб этилиши мумкин: архитекторлар, баҳоловчилар, юристлар, технологлар, дастурчилар, системотехниклар, геологлар, тури ихтиносслар бўйича мұхандислар.

Экспертда унинг тегишли малакасини (жисмоний шахслар учун) тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний ва юридик шахснинг фаолиятнинг маълум тури билан шугулланиши ҳуқуқини тасдиқловчи давлат томонидан берилган маҳсус рухсатнома бўлиши лозим. Диплом ёки лицензия шундай ҳужжат бўлиши мумкин.Faoliyat тури лицензияланадиган фаолият бўлса, диплом бўлганида ҳам лицензия бўлиши шарт.Хусusan, ҳозирги вақтда кўчмас мулкни баҳолаш, қурилиш, ер ости бойликларини кидириш ва фойдаланиш, фаолиятнинг бошқа кўп турлари лицензияланади.

Эксперт билан шартномани мижоз раҳбарияти ёки аудиторлик ташкилотининг ўзи рози бўлгандан кейин тузади. Агар мижоз мустақил экспертдан фойдаланишни рад этса, аудитор уни текширипга жалб этишга ҳақли эмас, лекин мижознинг рад этганини аудиторлик хulosасида кўрсатиб ва мижоздан экспертдан фойдаланишдан воз кечиши ёзма далил олиб, масъулиятни ўзидан соқит қилиши мумкин.

Ишни бажариш ҳажми ва шартлари аудитор, мижоз ва эксперт биргаликда эксперт ишни бажаришдан ва шартнома тузишдан олдин аниклашлари лозим.

Ишни бажариш тұғрисидаги шартнома күйидагиларни үз ичига олади:

- Тадқиқот объекті, мақсады ва ҳажми;
- Эксперт томонидан берилдігін ахборот манбалари;
- Ҳисобот аудиторлық далили деб ҳисобланиши учун унга талаблар, тегишли шакл ва мазмунига зәға бўлиши.

Экспертларнинг фикри нотүғри ташкил этилиши мумкин, шу сабабли аудиторлық ҳисоботида далил сифатида эксперт фикрини келтирмаслик керак. Аудитор эксперт хulosасига асосланиб, аудиторлық хulosасига чеклаш киритиши ва үз фикри билан эксперт фикрини ажратиб қўйиши лозим. Текширишга экспертни жалб килиш аудиторлық хulosаси учун аудитордан маъсулитни сокит қилмайди.

5.4. Аудитор ёрдамчилари ишларининг натижаларидан фойдаланиш

Аудиторлық текшириши чоғида етакчи ваколатли аудитор ишга ёрдамчи аудиторларни жалб этиши мумкин. Улар турлича малакали бўлишлари мумкин: ўрта ва олий маҳсус маълумотли бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин. “Аудиторлық фаолияти тұғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида аудитор ёрдамчиси – аудитор малака сертификатига зәға бўлмаган ва аудиторлық ҳисоботида, аудиторлық хulosасида аудиторнинг эксперт хulosасида ҳамда аудиторлық текшируванин ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа расмий хужжатда имзо чекиш ҳуқуқига зәға бўлмаган тарзда аудиторнинг топшириғига биноан аудиторлық текшируvida иштирок этаётган жисмоний шахсдир.

Аудитор ёрдамчисининг меҳнат шартлари қонун хужжатларида қайд этилган тартибда тузилган меҳнат шартномаси билан белгиланади. Аудиторлық текшируванин амалга оширишда олинган маълумотларни ошкор этмаслик мажбурияти аудиторнинг ёрдамчисига нисбатан татбиқ этилади.

Аудитор ёрдамчиси бу мустакил ёки аудиторлик ташкилоти раҳбарлигига ишләётган аудитор томонидан аудиторлик текшириши учун ёки мижозга ўзгача аудиторлик хизмати кўрсатиш учун ходимлар гурӯҳи тарқибига киритилган шахсидир.

Текшириш малакаси, сифатли ва белгиланган муддатда бажарилиши учун аудитор ёрдамчиси ишни бошқаришга доир асосий вазифалари кўйидагилардан иборат:

- топширикнинг мақсадини аниқ баён қилиш;
- топширикни аниқ ифодалаб, унда қандай активларни, ҳисоб регистрларини ва бошқа ҳужжатларни ва қандай усул билан текширишни кўрсатиш;
- топширикнинг моҳиятини тўғри тушунганига ишонч ҳосил қилиш;
- топширикни бажариш учун зарур маълумотлар билан таъминланиш;
- топшириқ бажарилишини назорат қилиш.

Аудитор ёрдамчиси ўз навбатида кўйидагиларга мажбурдир:

- олинган топшириқни бажаришга топширикнинг мақсади ва ижро этиш техникаси ўзи учун равshan бўлгандан кейингина киришиш;
- амални бажариш жараёнида уни мақбул ҳолатга келтиришга уринмаслик;
- амални бажариш чогида кутилмаган ёки топшириқда кўзда тутилмаган вазият юз берса бу ҳақда аудиторга кечиктирмай хабар қилиш;
- топширикни бажариб, унинг натижаларини топшириқда кўзда тутилган тарзда расмийлаштириш;
- иш жараёнида текшириш жараёнини такомиллаштиришга доир таклиф пайдо бўлса ёки ҳисобда у бажарган амалнинг моҳиятини ташкил қилганидан бошқа бирор қонуниятга эътибор берган бўлса, бу масалаларни аудитор билан муҳокама қилиш.

Савол ва топширикчлар:

- 1. Аудиторлик дашиллар, уларнинг турлари ва тўплаш усуллари нималардан иборат?*
- 2. Аудиторлик дашил тўплашнинг инвентаризация усулига изоҳ беринг.*
- 3. Хўжалик ёки бухгалтерия операцияларини кузатиш усули қандай амалга оширилади.*
- 4. Оғзаки усула изоҳ беринг.*
- 5. Ёзма дашилларни олиш қандай амалга оширилади?*
- 6. Учинчи шахслардан олган ҳужжатларни текшириш усули нималардан иборат?*
- 7. Мижоз корхонасида тайёрланган ҳужжатларни текшириш усулини изоҳланг.*
- 8. Арифметик ҳисоб китоб қандай амалга оширилади?*
- 9. Таҳлил усулини тушунтириб беринг.*
- 10. Ички аудит натижаларидан фойдаланиш қандай амалга оширилади?*
- 11. Эксперт ишларидан фойдаланиш қандай амалга оширилади?*
- 12. Аудитор ёрдамчилари иш натижаларидан фойдаланиши мазмунини тушунтириб беринг.*

VI БОБ. АУДИТОРЛИК ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ-НИ ҲУЖЖАТЛАРДА РАСМИЙЛАШТИРИШ

6.1. Аудитни ҳужжатлаштиришнинг умумий қондалари

Аудиторлик текшириш жараёнида ҳужжатлаштириш амаллари аудиторлик фаолияти миллий стандартининг «Аудитни ҳужжатлаштириш» б-сонли стандарти билан тартибга солинади. Ушбу стандарт Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини меъёрий жихатдан тартибга солиш элементи бўлиб ҳисобланади. Мазкур стандартда аудитни ҳужжатлаштиришга қўйилган талабларнинг амал қилиниши аудиторлик ташкилотлари учун мажбурийdir. Аудитни ҳужжатлаштиришнинг асосий мақсади иш ҳужжатларини тузиш ва саклаш тартибини белгилаш, уларни тўғри расмийлаштириш, аудитнинг режалаштирилиши ва ўтказилиши, аудит жараёнида таҳлилнинг амалга оширилишига ёрдам беради ҳамда аудиторнинг фикр билдирилиши учун ўтказилган аудитнинг натижалари тўғрисида гувоҳлик беради.

Аудитнинг ишчи ҳужжатларига куйидагилар кириши мумкин:

1. Хўжалик юритувчи субъектнинг ташкилий-хукуқий ва ташкилий таркибида доир ахборот.
2. Хўжалик юритувчи субъектнинг таъсис ҳужжатларидан, шунингдек, бошқа муҳим юридик ҳужжатлардан кўчирмалар ёки кўчирма нусхалари.
3. Аудитни режалаштириш тўғрисидаги ҳужжатлар, шу жумладан, аудит дастурлари ва унга оид ўзгартишлар.
4. Бухгалтерия хисоби ва ички назорат тизимларини тушунишнинг аудитор томонидан исботлари.
5. Хўжалик операциялари ва бухгалтерия хисоби ҳисоблари бўйича қолдикларнинг таҳлили.
6. Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти (бизнеси) муҳим кўрсаткичлари ва тамойиллари таҳлили.
7. Ўтказилган аудиторлик текширишлари шакли, ўтказилиш санаси ва ҳажми ҳамда уларнинг натижалари тўғрисидаги ёзувлар.
8. Ёрдамчи аудиторлар томонидан бажариладиган ишлар

назорат қилингани ва таҳлил этилганига оид маълумотлар.

9. Аудиторлик текширишларини амалга оширган шахслар ва уларнинг бажарилиши вақтига оид маълумотлар.

10. Хўжалик юритувчи субъектнинг аудити ўтказилиши муносабати билан бошқа аудиторлик ташкилотлари, эксперталар ва учинчи шахслар билан олиб борилган ёзувларнинг кўчирма нусхалари.

11. Хўжалик юритувчи субъект билан аудит жараёнида юзага келувчи, шу жумладан, аудит ўтказиш шартлари масалалари бўйича учрашувлар вақтидаги ёзувлар ёки муҳокама ёзувларининг кўчирма нусхалари.

12. Хўжалик юритувчи субъектдан олинган тасдиқлаш хатлари.

13. Аудит натижалари бўйича аудиторлик ташкилоти томонидан чиқарилган хулосалар.

14. Хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ва ўзга хил молия ҳужжатларининг кўчирма нусхалари.

Ишчи ҳужжатлари аудитни ўтказаётган аудиторлик ташкилоти томонидан тузилган бўлиши ёки аудит ўтказилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг ўзидан ёки бошқа учинчи шахслардан олинган бўлиши мумкин.

Иш ҳужжатларининг шакли ва мазмуни хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти (бизнеси) шакли ва мураккаблилиги, хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратининг ҳолати, аудитнинг усуллари ва технологияси каби омилларга бевосита боғлиқ бўлади

Аудиторлик фаолиятини тартибга солиб борувчи меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган ҳужжатлар аудиторлик ташкилотининг иш ҳужжатлари таркибига мажбурий тартибда киритилади. Иш ҳужжатларининг щакллари, агар аудиторлик фаолиятини тартибга солиб турувчи ҳужжатлар бундай шаклларни назарда тутмаган бўлса, аудиторлик ташкилоти томонидан мустакиъ равишда ишлаб чиқилади. Ишчи ҳужжатлари аудитни ўтказаётган аудиторлик ташкилотлари мулки таркибида сақланади. Хўжалик юритувчи субъект ҳуж-

жатларининг кўчирма нусхалари, шу жумладан, фотонусхалари аудиторлик ташкилоти ишчи ҳужжатлари таркибига ушбу хўжалик юритувчи субъектнинг розилиги билан киритилиши мумкин.

Аудит ўтказилган хўжалик юритувчи субъект ва бошқа шахслар, шу жумладан, солиқ ва давлат органлари, аудиторлик ташкилотидан иш ҳужжатларини ёки унинг кўчирма нусхаларини тўлиқ ёки бирор-бир қисмини тақдим этишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эмаслар. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Ишчи ҳужжатларида келтирилган маълумотлар махфий сақланади ва аудиторлик ташкилоти томонидан ошкор этилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ тақиқланади.

Аудиторлик ишчи ҳужжатларининг мазмуни ҳам белгиланган талабларга жавоб бериши керак. Ушбу ишчи ҳужжатлари аудитни режалаштириш тўғрисидаги ёзувлар, бажарилган аудиторлик хизматларининг шакли, ўтказилиш вақти ва ҳажми тўғрисидаги ёзувлар, аудит ўтказилиши чоғида олинган маълумотлардан чиқарилган хulosаларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши керак.

Аудиторнинг касбий фикрлашини талаб этувчи барча муҳим масалалар мазкур масалаларга оид чиқарилган хulosалар билан биргаликда иш ҳужжатларида акс эттирилиши керак. Ишчи ҳужжатлари етарлича тўлиқ ва батафсил бўлиши лозим, токи тажрибали аудитор у билан танишиб чиққанидан сўнг аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган аудит тўғрисида умумий тассавурга эга бўлсин. Аудиторлик ишчи ҳужжатлари таркибига киритилган маълумотлар равшан баён қилинган ва уларнинг моҳияти ҳамда шакллари аниқ ва яққол келтирилган бўлиши ва турли хил талқинларни талаб этмаслиги керак.

Аудитнинг ишчи ҳужжатлари ўз вақтида – аудит бошлангунига қадар, унинг бориши чоғида ва тугаши билан тузилиши лозим. Хўжалик юритувчи субъектта аудиторлик хulosаси тақдим этилиши вақтида барча ишчи ҳужжатлари ту-

зилган (олинган) ва расмийлаштирилиши ниҳоясига етказилган бўлиши керак.

Ишчи ҳужжатларда қўйидаги реквизитлар бўлиши шарт:

а) ҳужжатнинг номи;

б) аудит текшириши амалга оширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг номи;

в) аудит ўтказилаётган давр;

г) аудиторлик текшириши ёки ҳужжатнинг тузилиши амалга оширилаётган сана;

д) ҳужжатнинг мазмуни;

е) ҳужжатни тузган шахснинг имзоси ва унинг исми шарфи;

ж) ҳужжатнинг текширилиш санаси ва ҳужжатни текширган шахснинг ўз имзоси ва унинг исми шарфи.

Аудитнинг ишчи ҳужжатларида шартли белгилардан фойдаланилган бўлса, у ҳолда бундай белгиларга изоҳ берилиши талаб этилади. Ҳар бир ишчи ҳужжати ўзининг рақам кўрсаткичига эга бўлиши керак. Рақам кўрсаткичларини тузиш тизими ва бериш тартиби аудиторлик ташкилоти томонидан белгиланади.

Аудит қилиш тугалланиши билан ишчи ҳужжатлари аудиторлик ташкилотининг архивига мажбурий сақлаш учун топширилиши керак. Ўтказилаётган ёки ўтказилган аудитни қайд килувчи ишчи ҳужжатларининг мазкур хўжалик юритувчи субъектнинг аудит қилиниши билан банд бўлмаган аудиторлик ташкилотининг ходимларига берилишига, қоидага кўра, йўл қўйилмаслиги керак. Аудиторлик ташкилоти ишчи ҳужжатларининг ишончли сақланишини таъминлаши шарт. Сақлаш муддати қонунчилик асосида белгиланади. Ишчи ҳужжатларининг йўқолиши ёки йўқ бўлиши ҳолларида аудиторлик ташкилотининг раҳбари – натижалари тегишли далолатнома билан расмийлаштирилувчи хизмат терговини тайинлаши керак. Ишчи ҳужжатларининг аудиторлик ташкилотидан олиниши қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда, фақат унга ваколатли бўлган органлар томонидангина амалга оширилиши мумкин.

6.2. Текширилаётган объектнинг аудиторлик ҳисоботи

Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 18-моддасида аудиторлик ҳисоботи ва 19-моддасида аудиторлик хulosаси белгилаб кўйилган:

Аудиторлик ҳисоботи – аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлиар, молиявий ҳисоботдаги қоидабузарликлар тўғрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек, аудиторлик текшируви ўтказиш натижасида олинган бошқа ахборотдан иборат бўлган хўжалик юритувчи субъект раҳбарига, мулкдорига, қатнашчилари (акциядорлари) нинг умумий йиғилишига йўлланган ҳужжат. Аудитор ҳисоботида аниқланган четга чиқишлиар ва қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ва таклифлар мавжуд бўлиши керак.

Агар аудиторлик текшируви хўжалик юритувчи субъект қатнашчилари (акциядорлари) ёки ғазорат қилувчи ва ҳукукни муҳофаза килиш органлари топшириғига биноан аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилаётган бўлса, аудиторлик ҳисоботи аудиторлик текшируви топшириғига биноан ўтказилаётган шахсга ҳам тақдим этилади.

Аудиторлик ҳисоботидаги ахборот маҳфий ҳисобланади ва ошкор килиниши мумкин эмас. Ушбу ахборотдан фойдаланган шахслар ахборотни ошкор қилганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Аудиторлик ҳисоботининг шакли ва мазмуни аудиторлик фаолиятнинг миллый стандартлари билан белгиланади.

Аудиторлик хulosаси – молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби юритиш тартибининг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклда ифодаланган, хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очик бўлган ҳужжат. Аудиторлик хulosаси аудиторлик ҳисоботи асосида тузилади. Аудиторлик хulosаси аудитор (аудиторлар), аудиторлик ташкилотининг раҳба-

ри томонидан имзоланган ва аудиторлик ташкилоти мухри билан тасдиқланган бўлиши керак.

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи тўғрисида аудиторлик хulosаси – бу ҳисботнинг аниқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикридир. Молиявий ҳисбботнинг аниқлиги тўғрисидаги фикр ҳисбботнинг барча жиҳатлари Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини тартибга соловчи меъёрий ҳужжатга мувофиқлиги тўғрисидаги аудиторлик ташкилотининг фикрини акс эттириши лозим.

Хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисбботининг аниқлиги тўғрисидаги аудиторлик ташкилотининг фикрини мазкур субъект ва аудиторлик хulosасидан манфаатдор фойдаланувчилар бошқача талқин этмасликлари керак.

Аудиторлик хulosаси барча юридик ва жисмоний шахслар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ва суд органлари учун юридик макомга эга бўлган ҳужжатdir.

Аудиторлик ҳисбботи ва молиявий ҳисббот тўғрисидаги аудиторлик хulosаси 70-АФМС талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Аудиторлик ҳисбботида қўйидагилар бўлади:

а) номи («Аудиторлик ҳисбботи» ёки «Аудиторлик ташкилотининг ҳисбботи»: иккала ном бир хил кучга эга);

б) адресатнинг номи;

в) кириш қисми;

г) таҳлилий қисм;

д) якуний қисм.

Аудиторлик ҳисбботининг ҳар бир саҳифасига молиявий ҳисбботнинг аудиторлик текширувани амалга оширган аудитор (аудиторлар) имзо чекиши ўшартади. Аудиторлик ҳисбботи буюртмачининг барча зарурий реквизитларини кўрсатиш билан аудиторлик тўқшируви буюртмачисига юборилади.

Аудиторлик ҳисбботининг кириш қисмida аудиторлик ташкилоти реквизитлари, шу жумладан аудиторлик фаолиятини амалга оширишга лицензиянинг рақами ва санаси,

аудиторлар ва аудиторлик текшируvida қатнашган бошқа шахслар тұғрисидаги маълумотлар, шунингдек, аудиторлик текширувини үтказиш учун асос ва хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг умумий тавсифи келтирилади.

Аудиторлик ҳисоботининг таҳлилий қисми АФМАга ҳавола қилиши ва унда қуидагилар бўлиши шарт:

- хўжалик юритувчи субъектда ички назорат ҳолатини текшириш натижалари (батафсил баёни);
- бухгалтерия ҳисоби ҳолати ва молиявий ҳисоботни текшириш натижалари;
- молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш пайтида қонунчилик талабларига риоя этилишини текшириш натижалари;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ҳамда тўлашнинг тўғрилигини текшириш натижалари;
- активларнинг бутлигини текшириш натижалари.

Хўжалик юритувчи субъект ички назоратининг ҳолатини текшириш натижалари тұғрисидаги ахборот қуидагиларни ўз ичига олади:

- ички назорат тизимининг хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг миқёслари ва хусусиятига мувофиқлиги умумий баҳоси;
- аудиторлик текшируви мобайнида аникланган ички назорат тизимининг хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг миқёслари ва хусусиятига жиддий номувофиқликлари баёни.

Хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуидагиларни ўз ичига олади:

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишнинг белгиланган тартибиغا риоя қилинишини баҳолаш;
- аудиторлик текшируви давомида аникланган бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг белгиланган тартибини жиддий бузилишлар баёни.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан молиявий-хўжалик операцияларини амалга ошириш пайтида қонулларга риоя

этилишини текшириш натижалари түғрисидаги ахборот қүйидагиларни ўз ичига олади:

- хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий-хўжалик операцияларининг қонунчиликка мувофиқлигини баҳолаш;

- аудиторлик текшируви давомида аниқланган, хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий-хўжалик операцияларнинг қонунчиликка жиддий номувофиқлари баёни.

Соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаши ва тўлашнинг тўғрилигини текшириш натижалари түғрисидаги ахборот қўйидагиларни ўз ичига олади:

- тузилган ва тегишли органларга тақдим этилган соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғрилигининг баҳоси;

- соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг белгиланган тартибини бузиш фактлари, солик солинадиган базани белгилаш пайтидаги четта чикишлар баёни.

- активлар бутлигини текшириш натижалари активларни инвентарлашга асосланиши ва ўз ичига уларнинг ҳакиқатда мавжудлиги ва бутлиги түғрисидаги маълумотларни олади.

Аудиторлик ҳисоботининг якуний кисми аудиторлик ташкилотининг аниқланган четта чикишлар ва ҳуқуқ бузишларини бартараф этишга доир тавсияларини, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга доир таклифлари ва маслаҳатларини ўз ичига олади. Аудиторлик ҳисоботининг шакли ва мазмуни 2-иловада батафсил келтирилган (иккинчи иловага каралсин). Аудиторлик ташкилоти аудиторлик ҳисоботини тузганлик учун қонун ҳужоатларига мувофиқ жавобгар бўлади. Аудиторлик ҳисоботида келтирилган ахборот махфий ҳисобланади ва ошкор этилмаслиги керак. Ахборотни ошкор этганлик учун ушбу ахборотдан фойдалана оладиган шахслар қонун ҳужоатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

6.3. Аудиторнинг текшириш натижаларини баҳолаш

Аудиторлик текширишининг якунловчى босқичи қўйидаги тадбирларни амалга оширишни назарда тутади:

- текшириш натижаларини тартибга солиш;
- текшириш натижаларини таҳлил килиш;
- аудиторлик хulosасини тузиш.

Текшириш натижаларини тартибга солиш олинган барча натижаларни маълум изчиллик билан тартибга солишдир. Аудит мақсадига қараб олинган маълумотларни аниқ тартибга солиш зарур. Бундай тартибни одатда аудиторлар гурухининг раҳбари амалга оширади. Маълумотлар текширилаётган мавзунинг бўлимлари бўйича (асосий воситаларни, моддий захираларни ҳисобга ва шу кабилар) тартибга келтирилади, мавзу ичида эса таҳлилий ва бошқа белгиларига қараб тартибга келтирилади. Энг муҳим эътиrozлар (ҳисоблардаги нотўғри ёзувлар, солик қонунчилигини бузиш, ҳисобларда ёзувнинг йўқлиги ва бошқалар) имкони борича ажратиб кўрсатилади.

Текшириш натижаларининг таҳлили олинган маълумотлар бўйича ўтказилиши мумкин ва бир неча мақсадни кўзда тутади:

- текшириш натижаларини тартибга солиш;
- текшириш натижаларини таҳлил қилиш;
- аудиторлик хulosасини тузиш.
- мижоз томонидан қабул қилинган ҳисоб сиёсатининг умумий таҳлили;
- айrim бўлимлари ва ҳисоблари бўйича ҳисоб юритишнинг тўғрилиги;
- солик қонунларига риоя қилиниши;
- мижоз молиявий аҳволининг таҳлили.

Ҳисоб сиёсати унинг услубий, техник ва ташкилий жиҳатларининг мос келиши таҳлил қилинади, энг муҳим жиҳатлари аниқланади ва ҳисоб сиёсатининг ҳисоб юритиш қоидалари ва уларга риоя қилинишига мослиги тўғрисида холоса чиқарилади. Ҳисоб юритишнинг тўғрилиги Ўзбекистон Рес-

публикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 октябрдаги 444-сонли «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги» Низоми, бухгалтерия ҳисобининг 21-сонли миллӣ стандарти бўйича счёtlар режаси ва ҳисобни ташкил этишга доир бошқа қоидалар каби ҳужжатларга асосланиб аниқланади.

Аудитор аудит ўтказиш жараённида соликлар, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар ҳисобини тўғрилигини текшириш, таҳлил қилишга алоҳида зътибор қаратади. Ҳар бир солик ва тўлов бўйича соликқа тортиладиган базанинг тўғрилигини, имтиёзлар қўлланилишини, соликлар ва тўловлар ставкаларини, ҳисоблар ўз вактида амалга оширилгани ва тўланганини аниқлаш зарур.

Мижознинг молиявий аҳволи баланс (1-шакл), молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл), асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот (3-шакл), пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот (4-шакл), хусусий капитал, соликлар ва бюджетта бошқа тўловлар (5-шакл) маълумотлари бўйича таҳлил қилинади. Яна шуни айтиш муҳимки, ташаббус (ихтиёрий) аудитда олинган натижалар хуносалар ва таклифлар баён қилинган ҳисобот тарзида мижозга тақдим этилиши мумкин. Мижоз ва аудиторлик ташкилотининг бундан кейинги ҳаракатлари шартнома мажбуриятларига боғлик ва иккала томон биргаликда ҳал қилинади.

Дастлабки тергов органларининг қарори билан ўтказиладиган аудит чоғида аудитор ўрганиши лозим бўлган масалаларнинг рўйхатини дастлабки тергов органлари (терговчи, прокурор) белгилайди.

Текшириш жараённида тадқиқ этиладиган масалалар доираси кенгайтирилиши мумкин, буни терговчи ёки текшириш тўғрисида топшириқ берган бошқа шахс билан келишиб олиш зарур. Текшириш тутагандан сўнг унинг натижалари тергов органларига топширилади, узил-кесил хуроса чиқа-

риш ёки аудиторнинг фикрига қўшилиш уларнинг хукукуга киради.

Шуни таъкидлаш муҳимки, тергов ёки суд органлари топшириги билан аудиторлик текшириши ўтказишга розилик тўғрисидаги масалани ҳал килиш чоғида аудитор ёки аудиторлик ташкилоти бу ишнинг мазмуни ва ҳажмига қараб ба жарип учун малакали кадрлар етарлимис - йўқми, буни пухта таҳлил килиш лозим. Зарур бўлса, бевосита терговчи билан маслаҳатлашиши мумкин, чунки тергов органлари аудиторни расман тайинлашдан мафгаатдор эмас.

Аудиторлик текширишнинг энг кўп тарқалган варианти - мажбурий аудит доирасида текшириш бўлиб, бунда текшириш натижаларини аникладиган хulosани тақдим этиш табаб қилинади.

6.4. Аудиторлик хulosаси, унинг мазмуни ва турлари

Аудиторлик текшириш натижаларига кўра аудитор ҳисобот тайёрлайди ва мазкур ҳисбот асосида аудиторлик хulosани шакллантиради.

Аудиторлик хulosаси қўйидаги элементларни ўз ичига олади:

- а) ном («Аудиторлик хulosаси» ёки «Аудиторлик ташкилотининг хulosаси»: иккала ном teng хукукли);
- б) адресатнинг номи;
- в) кириш қисми;
- г) қайд этиш қисми;
- д) якуний қисм;
- е) аудиторлик хulosасини бериш санаси;
- ж) аудиторлик ташкилоти манзили;
- з) аудиторлар ва аудиторлик ташкилоти раҳбарининг имзоси.

Аудиторлик хulosаси аудиторлик ташкилотининг муҳри билан тасдиқланиши ҳамда аудиторлик ташкилоти аудиторлик хulosаси шаклининг бир хиллигига риоя килиши керак. Аудиторлик хulosаси аудиторлик текширувининг буюрт-

мачисига йўлланиб, буюртмачининг барча зарурй реквизитлари кўрсатилади.

Аудиторлик хулосасининг кириш қисми аудиторлик ташкилотининг қуидаги реквизитларини ўз ичига олади:

– аудиторлик ташкилотининг юридик манзили ва телефонлари;

– аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия рақами, берилган сана ва лицензия берган органнинг номи;

– аудиторлик ташкилоти давлат рўйхатига олингани тўғрисидаги гувоҳнома рақами;

– аудиторлик ташкилоти ҳисоб-китоб счётининг рақами;

– аудиторлик текширувида иштирок этган аудитор (аудиторлар) нинг, шунингдек, аудиторлик ташкилоти раҳбарининг фамилияси, исми ва отасининг исми.

Шунингдек, кириш қисмida сана ва ҳисбот даври кўрсатилган ҳолда текширилган молиявий ҳисботлар рўйхати келтирилади. Бундан ташқари бу қисмida қуидагилар кўрсатилиши керак:

– хўжалик юритувчи субъект аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий ҳисботни тайёрлаш ва унинг ҳақконий бўлиши учун жавобгар;

– аудиторлик ташкилоти аудиторлик хулосасининг хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига мувофиқ бўлиши учун жавобгар ҳисобланади. Аудиторлик хулосасида аудиторлик текшируви АФМАга мувофиқ ўтказилгани қайд этилиши керак. Қайд этувчи қисмда аудиторлик текшируви молиявий ҳисбот ва бошка молиявий ахборот қонун ҳужжатларига, шунингдек, молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳаққиий ҳолатига мувофиқлиги ва ҳақконийлигини баҳолашга асосланиши кўрсатилади. Бундан ташқари аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар бериши хусусида аудиторлик ташкилотининг тасдиғи берилиши керак.

Аудиторлик хulosасининг якуний қисмida аудиторлик ташкилотининг текширилган молиявий-ҳисобот хўжалик юритувчи субъект молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳаққий ҳолати тўғрисида ҳаққоний тасаввур бериш-бермаслиги ва молиявий ҳисобот қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги хусусидаги фикри равшан баён этилади. Аудитор аудиторлик хulosасини аудиторлик текшируви якунланган кун билан белгилайди. Аудиторлик хulosасига аудитор (аудиторлар), аудиторлик ташкилоти раҳбари имзо чекиши ва у аудиторлик ташкилотининг муҳри билан тасдиқланиши керак.

Аудиторлик хulosаларининг қўйидаги турлари мавжуд:

- а) ижобий аудиторлик хulosаси;
- б) салбий аудиторлик хulosаси.

Ижобий аудиторлик хulosасига изоҳ:

Аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳволини ҳаққоний ёритади ва хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига мувофиқ деган фикрга келганда ижобий аудиторлик хulosаси тузилади (1-намуна).

Салбий аудиторлик хulosасига изоҳ:

Аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботида, агар хўжалик юритувчи субъект томонидан бартараф этилмаса, молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларни ҷалғитиши мумкин бўлган бузилишлар мавжуд деган фикрга келса, салбий аудиторлик хulosаси тузилади. Хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари молиявий ҳисоботда ҳаққоний акс эттирилган, лекин қонунчилик талабларига мувофиқ келмайдиган ҳолларда ҳам салбий аудиторлик хulosаси тузилади. (2-намуна) Одатда хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг аудиторлик ташкилотининг аниқланган бузилишларни бартараф этиш мақсадида молиявий ҳисоботга тузатишлар киритиши тўғрисидаги фикрига қўшилмаслиги салбий аудиторлик

хulosасини тузишга сабаб бўлади. Хўжалик юритувчи субъект аудиторлик текшируви давомида аникланган бузилишларни бартараф этган ҳолда салбий аудиторлик хulosаси тузилмайди.

Бу юкоридаги икки турдаги хulosадан ташқари қонунчиликда аудиторлик хulosасини тузишдан бош тортиш хulosашакли ҳам мавжуд.

Аудиторлик хulosасини тузишдан бош тортиш.

Аудиторлик текшируви ҳажмининг чекланганилиги туфайли аудиторлик ташкилоти молиявий ҳисобот тўғрисидаги фикрни ифодалаш учун етарлича аудиторлик далилларини олиши мумкин бўлмаса, аудиторлик хulosасини тузишдан бош тортиши мумкин. Аудиторлик текшируви ҳажмини чеклаш - хўжалик юритувчи субъект вакиллари ёки учинчи шахсларнинг бошлаб юборилган аудиторлик текширувини аудитор аудиторлик хulosасини тайёрлаш учун зарур деб хисоблаган ҳажмда ўтказишга тўскинлик қилишга йўналтирилган очикдан-очик ҳаракатлари ёки ҳаракатсизларидир. Аудиторлик хulosасини тузишдан бош тортиш ариза шаклида бўлиши ва «Аудиторлик ташкилотининг аудиторлик хulosасини тузишдан бош тортиши тўғрисидаги ариза» деб номланиши керак. Аризанинг шакли З-намунада келтирилган.

Аудиторлик хulosаси камида уч нусхада тузилади, шундан икки нусха аудиторлик текшируви буюртмачисига тақдим этилади. Аудиторлик хulosаси молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга тушунарли бўлиши, аудиторнинг ишончи комил эмаслиги ва (ёки) рози эмаслиги юзага келтирган чеклапшларга доир кўрсатмаларни ўз ичига олади. Аудиторлик хulosаси очик ахборот ҳисобланади, ундан молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг ҳаммаси фойдалана олишилиги назарда тутилади. Аудиторлик хulosаси тегишли молиявий ҳисоботлар билан биргаликда хўжалик юритувчи субъект томонидан эълон қилиниши мумкин.

Аудиторлик текширувини ўтказмасдан тузилган ёки аудиторлик текшируви натижалари бўйича тузилган, лекин

аудиторлик текшируви давомида аудитор (аудиторлар) олган хўжалик юритувчи субъектнинг ҳужжатлари мазмунига мувофиқ келмайдиган аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси қасддан ёлғон ҳисбот ва хулоса деб ҳисобланади. Қасддан ёлғон аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини тузиш қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин.

1-намуна

Ижобий аудиторлик хулосасига мисол

«Мен, (биз) _____»
(аудиторлик ташкилоти номи ва уйнига ревизиятари)

аудиторлик ташкилотининг аудитори (аудитори)

(аудиторларининг фамилияси, исми, отасининг исми)

томонидан хўжалик юритувчи субъект «_____»
(хўжалик юритувчи субъект номи) нинг

201_ йил 1 январидан 31 декабрига қадар бўлган давр учун молиявий ҳисоботи текширилди.

Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти жавобгар ҳисобланади. Аудиторлик ташкилоти мазкур молиявий ҳисбот бўйича ўз хулосаси учун жавоб беради.

Биз аудиторлик текширувини АФМАга мувофиқ ўтказдик. Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисбот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини тақозо этади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисбот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек, молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект
«_____»нинг молиявий ҳисоботи
(хўжалик юритувчи субъект номи)

унинг молиявий аҳволини ҳаққоний акс эттиради ва мазкур хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонун кўижатларининг талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари _____
(имзо)

Аудитор (аудиторлар) _____
(имзо)

201 ____ йил «____» _____ М.Ў.

2-намуна

Салбий аудиторлик холосасига мисол

«Мен (биз), _____»
(аудиторлик ташкилоти номи ва унинг реквизитлари)

аудиторлик ташкилотининг аудитори (аудитори)

_____ (аудиторларниң фамилияси, исми, отасининг исми)
томонидан хўжалик юритувчи субъект «_____
_____»
(хўжалик юритувчи субъект номи) нинг

201_ йил 1 январидан 31 декабрига қадар бўлган давр учун молиявий ҳисоботи текширилди.

Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий ҳисботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти жавобгар ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилоти мазкур молиявий ҳисбот бўйича ўз холосаси учун жавоб беради.

Биз аудиторлик текширувини АФМАга мувофиқ ўтказдик. Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисбот жиддий бузилишларга эга эканлигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини тақозо этади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисбот ҳамда бошка

молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек, молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳакиқий ҳолатига мувофиқлителгини баҳолашга асосланади. Биз төмонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Текширишда аниқланишича, хўжалик юритувчи субъект _____ млн. сўмни харажатларга ноқонуний равища киритган, бу эса амалдаги конунчилликни бузиш ҳисобланади ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларини бузади.

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект «_____»нинг молиявий (хўжалик юритувчи субъект номи)

ҳисботи унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида ҳаққоний ахборот бермайди.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари _____ (имзо)

Аудитор (аудиторлар) _____ (имзо)

201 йил «_____» М.ў.

З-намуна

АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИНИ ГУЗИШДАН БОШ ТОРТИШИ ТЎҒРИСИДАГИ АРИЗАГА МИСОЛ

«Мен(биз), _____ »
(аудиторлик ташкилоти номи ва унинг реквизитлари)

аудиторлик ташкилотининг аудитори (аудиторлари)

(аудиторнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

томонидан хўжалик юритувчи субъект «_____»нинг
(хўжалик юритувчи субъект номи)

201 йил 1 январидан 31 декабрига қадар бўлган давр учун молиявий ҳисоботи текширилди.

Хўжалик юритувчи субъект «_____»
(хўжалик юритувчи субъект номи)

хорижий ташкилотлар билан ҳисоб-китобларни тўлиқ тақдим этмади, бу эса бошлаб юборилган аудиторлик текширувани биз аудиторлик хulosасини тайёrlаш учун зарур деб ҳисоб-лайдиган ҳажмда ўтказиш имконини бермайди.

Юкорида баён этилган аудиторлик текшируви ҳажмини чеклаш фактига асосан аудиторлик ташкилоти

«_____»
(аудиторлик ташкилоти номи ва унинг режизитлари)

хўжалик юритувчи субъект

«_____»
(хўжалик юритувчи субъект номи)

нинг молиявий ҳисоботи тўғрисида фикр ифодалашдан бош тортади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари _____
(имзо)

Аудитор (аудиторлар) _____
(имзо)

201 йил «____» М. й.

Тергов органларининг топшириги билан ўтказилган аудиторлик текшириши натижалари бўйича аудиторлик ташкилотининг хulosаси Ўзбекистон Республикасининг процессуал қонунларига мувофиқ тайинланган экспертиза хulosасига тенглаштирилади.

Аудиторлик ташкилотининг йиллик ҳисоботни текшириш натижалари бўйича хulosаси Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ аудит ўтказилиши лозим бўлган корхоналар учун йиллик молиявий ҳисоботининг мажбурий элементидир.

6.5. Ҳисобот тузилган санадан кейинги ҳодисалар

Мазкур ҳисоботни тузища қуидаги атамалардан фойдаланилади:

молиявий ҳисобот тузилган санадан кейинги ҳодисалар - ҳисобот даври тугаган пайтдан бошлаб аудиторлик хулосаси имзоланадиган санага қадар юз берган, шунингдек, аудиторлик хулосаси имзоланғандан кейин аникланган, текширилаётгап ҳисобот даврига тааллукли бўлган ва молиявий ҳисоботта тузатишлар киритишни ёки унда ахборотни ошкор этишини тараб этадиган ҳодисалар тушунилади. **Молиявий ҳисобот тузиладиган сана** - ҳисобот давридаги охирги календарь куни ҳисобланади

Аудиторлик хулосаси имзоланадиган сана - аудиторлик хулосасида уни имзолаш чоғида қўйилган сана, ундан кейин, олатда, аудиторлик текшируви билан боғлик ахборот материалларига оид барча текширувлар тўхтатилади, бу муддат тугагач, аудиторлик хулосасига бирорта ҳам тузатиш киритмайди. Аудиторлик ташкилоти аудиторлик хулосасини молиявий ҳисобот тузиладиган санадан илгари имзолай олмайди. **Молиявий ҳисобот такдим этиладиган сана** – ҳўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини амалда ундан фойдаланувчиларга бериладиган ёки бу ҳисобот конун ҳужжатларида белгиланган тартибда зълон килинадиган сана тушунилади.

Аудиторлик хулосасини имзолаш чоғида аудиторлик ташкилоти аудиторлик хулосаси имзоланадиган санага қадар молиявий ҳисоботда акс эттирилиши лозим бўлган, молиявий ҳисоботта тузатиш ёки қўшимчалар киритишни тараб этадиган барча ҳодисалар у томонидан лозим равишда аниклангани, баҳолангани ва текширилганига амин бўлиши керак.

Аудитор аудиторлик хулосаси имзоланган санагача бўлган, молиявий ҳисоботига тузатишлар киритиш ёки унда маълумотларни очиш учун зарур бўлган барча воқеалар аникланиши бўйича етарли аудиторлик далилларини олиш чораларини кўриши керак. Ушбу чоралар давр якунида бухгалтерия ҳисоби ҳисобларида колдиқлар бўйича аудитор-

лик далилларини олиш учун ҳисобот даври тугаганидан сўнг содир бўлган маълум операцияларга нисбатан кўлланилиши мумкин бўлган оддий чора-тадбирларга кўшимча тарзда кўлланилади (масалан, товар-моддий бойликлар бўйича операцияларни ҳисобот даврига киритиш ёки кредиторларга тўловларнинг тест синовини ўтказиш). Аудитордан олдинги текширувлар давомида улар бўйича қониқарли хulosалар олинган барча масалалар бўйича навбатдаги текширувни ўтказиш талаб қилинмайди.

Молиявий ҳисоботга тузатишлар киритилишини ёки ундан маълумотлар очиб берилишини тақозо қилувчи чоралар имкон қадар аудиторлик хulosаси имзоланиши санаасига яқин бажарилади ва улар ўз ичига қуидагиларни қамраб олади:

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик хulosаси имзолана-диган санага яқин қолганда молиявий ҳисоботга тузатишлар киритишни ёки унда ахборотни ошкор этишини талаб этадиган ҳодисаларни аниқлаш учун мўлжалланган тадбирларни бажаради. Бундай тадбирлар, одатда, қуидагиларни ўз ичига олади:

а) хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан белгиланган, кейинги ҳодисаларни аниқлаш имкониятини яратувчи тадбирлар шарҳи;

б) ҳисобот даври тугаганидан кейин ўтказиладиган акциядорлар йиғилиши, директорлар кенгashi мажлислари ва ижроия органининг баённомалари билан танишиб чиқиш ҳамда баённомалари ҳали тайёрланмаган йиғилишларда муҳокама қилинган масалаларни ойдинлаштириш;

в) сарфланадиган сметалари, бошка прогнозлари ва раҳбариятнинг тегишли ҳисоботлари билан танишиб чиқиш;

г) текширилаётган хўжалик юритувчи субъект юридик хизматининг суд муҳокамаларига (агар улар ўринли бўлса) тааллуқли бўлган фаолияти билан танишиб чиқиш;

д) текширилаётган хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига молиявий ҳисоботга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган кейинги ҳодисаларга тааллуқли саволлар. Бундай саволлар қуидагиларни ўз ичига олади:

дастлабки ёки тугалланмаган маълумотлар асосида ҳисобга олинган моддаларнинг жорий ҳолати;

янги мажбуриятлар қабул килинганми, янги қарзлар олинган ёки ажратилганми, кафиллик шартномалари тузилганми;

активларни сотиш амалга оширилганми ёки режалаштирилмоқдами;

янги акциялар ёки карз мажбуриятлари чиқарилганми, субъектни кўшиб юбориш ёки тугатиш тўғрисидаги битимлар тузилганми ёки режалаштирилмоқдами;

активларни давлат даромадига қаратиш ёки уларнинг, масалан, ёнғин ёки тошқин натижасида нобуд бўлиши ҳолатлари юз берганми;

мавжуд рисклар ёки шартли ҳодисалар билан боғлиқ қандайдир ўзгаришлар юз берганми;

онда-сонда кўлланиладиган қандайдир бухгалтерия тузатишлари киритилганми ёки кўриб чиқилаяптими;

молиявий ҳисботни тайёрлаш учун фойдаланиладиган ҳисоб сиёсатининг ўринлилигига шубҳа тутдирадиган бирор-бир ҳодисалар юз берганми ёки юз бериши мумкинми?

Агар бўлинмани бошка аудитор аудиторлик текширувидан ўтказаётган бўлса, асосий аудитор бошка аудитор томонидан бажариладиган кейинги ҳодисаларга таалукли бўлган амалларни баҳолаши, шунингдек, бошка аудиторни режалаштирилаётган аудиторлик хулосасини имзолаш санаси ҳақида хабардор килиши лозим. Агар аудитор молиявий ҳисботта таъсир кўрсатувчи ҳодисалар тўғрисида хабар топса, у мазкур ҳодисаларнинг молиявий ҳисботда тўғри акс этирилишини текшириши лозим.

Агар аудитор аудит қилинаётган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисботига жиддий таъсир кўрсатувичи воқеалардан хабардор бўлса, аудитор ушбу воқеалар бухгалтерия ҳисбода тегишли тарзда акс этирилгани ва тегишли равишда молиявий ҳисботида акс этирилганини аниқлаши зарур. Аудиторлик хулосаси имзоланган санадан кейин мо-

лиявий ҳисоботи бўйича чораларни амалга ошириш ёки сўровлар юбориш аудиторнинг вазифасига кирмайди. Аудиторлик хulosаси имзоланган санадан кейинги даврда аудиторни молиявий ҳисбботига таъсир қўрсатиши мумкин бўлган фактлардан хабардор қилиш учун жавобгарлик аудит қилинаётган шахс раҳбариятига юкланди.

Аудиторлик шартномаси имзоланган санадан сўнг, аудитор молиявий ҳисбботига маълум таъсир қўрсатиши мумкин бўлган маълумотдан хабардор бўлса, у молиявий ҳисбботга ўзгартиш киритиш шарт ёки шарт эмаслигини аниқлаши, бу масалани аудит қилинаётган шахс раҳбарияти билан муҳокама қилиши ва бу шароитда зарур чоралар кўриши лозим. Агар аудит қилинаётган шахс раҳбарияти молиявий ҳисбботга ўзгартиш киритса, аудитор мазкур ҳолатда зарур бўлган ишларни амалга ошириши ва раҳбариятга молиявий ҳисббот бўйича янги аудиторлик хulosаларини тақдим этиши лозим. Янги аудиторлик хulosасига молиявий ҳисббот имзоланган ёки ўзгартиш киритилган тасдиқланган сана қўрсатилиши шарт ҳамда аудиторлик фаолияти қоидалари (стандарти) даги 4 ва 5-бандларда белгиланган тадбирлар янги аудиторлик хulosаси санасига қадар қўлланилиши лозим. Мазкур ҳолатда молиявий ҳисббот ва аудиторлик хulosаси қонунчиликда ўрнатилган тартибда уларнинг аудит қилинаётган шахс акциядорларининг тасдиқлашгача бўлган пайти назарда тутилади.

Агарда аудитор молиявий ҳисбботга ўзгартиш киритиш зарур деб ҳисобласа, бироқ, аудиторлик хulosаси аудит қилинаётган шахсга тақдим этилмаган пайтда аудит қилинаётган шахс раҳбарияти молиявий (бухгалтерия) ҳисбботга ўзгартиш киритмаса, аудитор хulosада салбий фикр ёки қўшимча фикрларини билдириши керак.

Агарда аудиторлик хulosаси молиявий ҳисббот тайёрланишидан олдин аудит қилинаётган шахсга тақдим этилса ва кейинчалик аудиторнинг фикрича, мазкур ҳисбботга ўзгартиш киритишни талаб этадиган воқеалар юз берса, аудитор аудит қилинаётган шахс бўйича умумий раҳбарлик учун масъул шахсларни аудит қилинаётган шахс молиявий (бух-

галтерия) ҳисоботини ва унинг юзасидан аудиторлик хулосасини учинчи шахсларга тақдим этмаслиги зарурлиги тўғрисида хабардор қилиши керак. Агарда кейинчалик молиявий ҳисоботи учинчи шахсга тақдим этилса, аудитор мазкур учинчи шахслар аудиторлик хулосасига таянмаслиги бўйича зарур чоралар кўриши лозим. Кўрилган чора-тадбирлар аудиторнинг ҳуқук ва бурчлари ҳамда аудитор юристининг тавсияларига боғлиқ бўлиши ва қонунчиликка зид бўлмаслиги лозим. Фойдаланувчиларга молиявий ҳисобот тақдим этилганидан сўнг аудитор зиммасига мазкур молиявий ҳисоботта доир ҳар қандай савол бўйича бирон-бир мажбурият юкланмайди.

Агарда фойдаланувчиларга молиявий ҳисобот тақдим этилганидан сўнг аудитор аудиторлик хулосаси санасида юз берган ҳодиса ёки маълумотдан хабар топса, кейинчалик агар ўша маълумотдан айни ўша санада хабар топганида, аудитор аудиторлик хулосасини ўзгариши лозим бўлган тақдирда, аудитор молиявий ҳисоботни қайта кўриб чиқиш масаласини ўйлаб кўриши, уни аудит килинаётган шахс раҳбарияти билан муҳокама қилиши ва мазкур шароитда лозим бўлган чораларни амалга ошириши лозим. Бу ҳолатда, аудит килинаётган шахснинг молиявий ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси қонунчиликда ўрнатилган тартибда уларнинг аудит килинаётган шахс акциядорлари томонидан тасдиқлагунгача бўлган пайти назарда тутилмоқда.

Агарда аудит килинаётган шахс раҳбарияти молиявий ҳисоботни қайта кўриб чиқса, аудитор бундай ҳолатда зарур бўлган аудиторлик тадбирларини бажариши, аудит килинган шахс раҳбариятининг илгари молиявий ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини олган барча шахсларни мазкур воеадан хабардор қилиши билан боғлиқ ҳаракатларини текшириб кўриши, шу бўйича қайта кўриб чиқилган молиявий ҳисоботнинг янги хулосасини тақдим этиши лозим.

Янги аудиторлик хулосаси масалага оид қисм ҳамда молиявий ҳисоботга доир изоҳни ўз ичига олиши керак. Унда аввал тақдим этилган молиявий ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини қайта кўриб чиқиш учун зарур асослар батафсил баён килинади. Янги аудиторлик хулосасида молиявий ҳисобот қайта кўриб чиқилганлиги тасдиқланган сана кўрсатили-

ши шарт ҳамда аудиторлик фаолияти қоидалари (стандарти) даги 4 ва 5-бандларда белгиланган тадбирлар янги аудиторлик хulosаси санасигача кўлланилиши лозим.

Агарда аудит қилинаётган шахс раҳбарияти мазкур юз берган воқеадан молиявий ҳисбот ва аудиторлик хulosаси аввал тақдим этилган шахсларнинг барчаси хабардор қилиш чораларини кўрмаса ва аудитор молиявий ҳисботни қайта кўриб чикиш зарур деб ҳисоблаган пайтда мазкур ҳисботни қайта кўриб чикмаса, аудитор аудит қилинаётган шахс раҳбарияти бўйсунадиган шахсларни учинчи шахслар аудиторлик хulosасига таянмаслиги бўйича мустакил равишда чора кўриши тўғрисида хабардор қилиши керак. Кўрилган чоралар аудиторнинг ҳукуқ ва бурчлари, аудитор юристи тавсияларидан келиб чиккан бўлиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид келмаслиги керак. Кейинги давр учун молиявий ҳисботини тақдим этиш санаси яқинлашиб келаётган пайтда, кейинги ҳисботда маълумот кераклича очиб берилса, молиявий ҳисботни қайта кўриб чикиш ва кейинги аудиторлик хulosасини тақдим этишга зарурат колмайди.

6.6. Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисботи

Аудиторлик текшириш амалиётида мажбурий аудит билан бир қаторда маҳсус саволни текшириш бўйича ҳам зарурият туғилади ва унинг натижалари бўйича ҳисбот тузиш керак бўлади. Ушбу ҳисботни расмийлаштириш ва тақдим қилиш тартиби АФМСнинг 80-сон «Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисботи» стандартига мувофиқ тартибга солинади. Мазкур стандарт талаблари хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳборотларини аудиторлик текширувидан ўтказиш чоғида маҳсус саволни текширишда барча аудиторлик ташкилотлари учун мажбурий ҳисбланади.

Махсус саволни текшириш натижалари бўйича ҳисбот аудиторлик ташкилоти билан буюртмачи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади ва умумқабул қилинган аудиторлик ҳисботидан фарқ киласди. Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудиторлик ҳисботи-

нинг мақсади молиявий ҳисоботнинг айрим ҳисоблари ёки моддаларининг тўғрилигини баҳолаш; мулклар самарадорлигини баҳолаш, шартнома шартларига риоя қилиш, хўжалик юритувчи субъект хўжалик тизимининг айрим қисмлари (элементлари) конун ҳужжатларига, шунингдек, хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан белгиланган меъёр ва қоидаларга мос келиши каби молиявий ахборотларни акс эттириш ҳисобланади.

Махсус саволни текшириш буюртмачиси молиявий ахбороти текшириладиган хўжалик юритувчи субъект, унинг мулқдори, иштирокчи ва акциядорлари, мазкур хўжалик юритувчи субъектда махсус саволни текширишни ўтказиш ташаббускори бўлган назорат қилувчи ёки ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар бўлиши мумкин. Махсус саволни текширишни ўтказиш бўйича ишларга тегишли текширув буюртмачиси ҳисобидан ҳақ тўланади.

Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи куйидаги элементларни ўз ичига олиши лозим:

а) ҳисоботнинг номи (текширилаётган саволни кўрсатган ҳолда, масалан, АЛФА корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотномани текшириш натижалари бўйича аудиторлик ташкилотининг ҳисоботи);

б) адресат;

в) кириш қисми;

аудиторлик ташкилотининг номи, почта манзили ва бошқа реквизитлари (аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензия раками ва берилган санаси, унинг амал қилиш мuddати, аудиторлик ташкилотининг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномаси раками, ҳисоб-китоб ҳисобининг рақами, телефонлар);

текширувда иштирок этган аудитор (аудиторлар), шунингдек, аудиторлик ташкилоти раҳбарининг фамилияси, исми-шарифи;

аудиторлик текширувига олинган махсус саволнинг тавсифи (баёни);

хўжалик юритувчи субъект аудиторлик ташкилотига тақдим этаётган ахборотнинг тўғрилиги учун жавобгар бўлиши,

аудиторлык ташкилоти эса маҳсус саволни текшириш натижалари бўйича ўз ҳисоботи учун жавобгарлигига оид кўрсатма;

г) таҳлилий қисм:

маҳсус саволни текшириш чоғида аудитор томонидан баъжарилган амаллар рўйхати;

текширув чоғида кўлланилган стандартларга ҳавола;

аникланган кондабузарликлар (аниқ далиллар);

д) якуний қисм:

маҳсус саволни текшириш натижалари ҳакида аудиторлык ташкилотининг фикри;

е) маҳсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи тоғизирилган сана;

ж) аудитор (аудиторлар) ва аудиторлык ташкилотининг раҳбари имзолари, шунингдек, аудиторлык ташкилотининг мухри.

Маҳсус саволни текшириш бўйича аудитор ҳисоботининг ҳар бир сахифаси маҳсус савол текширувини ўтказган аудитор (аудиторлар) томонидан имзоланиши керак.

Зарурат бўлганда аудитор ҳисоботда текширув чоғида аникланган камчиликларни бартараф этиш бўйича белгиланган тартибга кўра ўтказиладиган, текширув объективининг унумдорлиги ва самарадорлигининг таомиллашишинга олиб келадиган тасвиялар ва таклифилар бериши лозим.

Агар аудитор текширув обьекти бўйича бир хилда фикр билдира олмаса, у якуний қисмдан олдин мазкур қарорининг мухим асослари тушунтириладиган кўшимча қисмни киритиши лозим. Аудитор якуний қисмдаги фикрни шакллантиришида кўшимча қисмда баён қилинган асослардан фойдаланиди. Аудиторлык ташкилоти маҳсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи шаклининг бир хилда бўлишинга риоя қилиши лозим.

Молиявий ҳисоботни айрим ҳисоблариниң текшириш бўйича ҳисобот.

Махсус саволни текшириш бўйича аудитор бир ёки бир нечта бухгалтерия ҳисобларига нисбатан ўз фикрини ифода қилиши мумкин. Масалан, дебитор қарзларнинг ҳолати, асосий воситалар, моддий ишлаб чиқариш захираларининг мавжудлиги ва ҳолати, айрим ходимларга ҳисобланган межнат ҳақи ва улардан ушланадиган соликлар ва мажбурий тўловларнинг тўғрилиги ва ҳоказо. Шунингдек, молиявий ҳисоботнинг айрим кўрсаткичларига нисбатан аудиторлик ташкилотининг хulosаси талаб қилиниши мумкин. Масалан, таъсис шартномасига мувофиқ таъсисчининг қўшган ҳиссасига қараб унинг соф фойдалаги улушини тақсимлаш бўйича ҳисобкитоблар. Бундай махсус саволни текшириш алоҳида тузилган шартномага мувофиқ ёки молиявий ҳисоботни тўлиқ текшириш жараёнида бажарилиши мумкин. Махсус саволни текшириш жараёнида олинган маълумотлар молиявий ҳисоботни ҳаққонийлиги учун хulosса беришга асос бўла олмайди. Масалан, омбордаги моддий захираларни инвентаризация қилишининг ижобий натижалари хўжалик юритувчи субъектнинг барча моддий бойликлари учун хulosса беришга асос бўла олмайди.

Аудитор молиявий ҳисоботнинг айрим моддалари бўйича махсус саволни текширища уларнинг ҳисоботи бошқа моддалари билан боғлиқлигини эсда тутиш ва зътибор қаратиши лозим бўлади. Аудитор бундай бир-бирига боғлиқ бухгалтерия ҳисоботи моддаларини таққослашда аналитик аудиторлик амалларидан фойдаланилади, хусусан молиявий ҳисоботнинг бундай бир бири билан боғлиқ моддаларига маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан тушум ҳажми, дебитор қарзлар микдори, товар моддий қийматларликлар микдори ва кредитор қарзлар суммаси ва бошқалар.

Аудитор махсус савол бўйича топширикларини бажариш чоғида кушимча бухгалтерия маълумотлари мавжуд бўлиши ва маълумотлар нималардан иборат бўлишлиги тўғрисида буюртмачи ташкилот раҳбариятини хабардор қилиб қўйиши

талаң этилади.

Махсус саволни текшириш натижалари бўйича ҳисоботни молиявий ҳисбот аудитга доир тўлиқ ҳисбботдан фарқи бу ҳисбботда аудитнинг муҳимлик даражасини аниқлаш мураккаб жараён ҳисобланади. Агарда махсус ҳисбот савол бўйича ҳисбботни тузишда молиявий тўлиқ тақдим этилмаса бухгалтерия ҳисбларига оид маълумотларни таққослаш имконияти бўлмайди. Шу боис ушбу ахборотлар нисбий ҳисобланади. Шунинг учун аудитор муҳимлик даражасини аник баҳолаш имкониятига эга бўлмаса у ҳолда аудиторлик риски даражасини ҳам аниқлаш имконияти бўлмайди.

Аудитор махсус масала бўйича ҳисбботни тайёрлаш жараёнида молиявий ҳисбот моддаларини (кўрсаткичларини) молиявий ҳисбботни тўлиқ аудиг ўтказишга нисбатан синковлик билан аник таҳлил қилиши зарур бўлади. Молиявий ҳибботдан фойдаланувчиларни чалкашликлар ва тушунмовчиликларга йўл қўймаслик мақсадида аудитор махсус савол бўйича аудиторлик ҳисбботни молиявий ҳисбот аудитига кўшиб юбормаслиги учун хўжалик юритувчи субъект раҳбариини хабардор қилиши керак.

Молиявий ҳисбботнинг алоҳида моддалари бўйича аудиторнинг ҳисбботида ушбу моддаларни баҳолашда уларни тартибга солувчи меъёрий-хукукий ҳужжатлар ҳам кўрсатилиши зарур. Ҳисбботнинг холоса кисмида бухгалтерия ҳисбини баҳолаш ва уни юритиш тартиби белгиланган меъёрий-хукукий ҳужжатларга мувофиқ келишилиги тўғрисида аудиторнинг фикри ифодаланиши керак. Махсус саволни текшириш натижалари бўйича ҳисбботни тайёрлашда аудитор айнан шу даврдаги молиявий ҳисбот бўйича аудиторлик ҳисботи ва бошқа текширувчи органларнинг текшириш далолатномалари билан ҳам танишиб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Фуқаролик-хукукий муносабатларни тартибга солувчи шартномаларни ҳукукий ва иқтисодий экспертизасига оид махсус савол бўйича аудиторлик ҳисботи. Аудитор хўжалик юритувчи субъектнинг фуқаролик-хукукий муноса-

батларни тартибга солувчи шартнома (контракт)ларни ҳукукий ва иқтисодий экспертизаси юзасидан маҳсус савол бўйича аудиторлик ҳисобот тайёрлаши мумкин. Ушбу ҳисоботнинг мақсади шартноманинг шартларига мувофиқ турлича бўлади. Масалан, шартноманинг предмети бухгалтерия ҳисоби ёзувларининг тўғрилиги учун, солик ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоб-китоби, устав капиталига киритилган қимматли қоғозлар ва пул маблағлари шаклидаги ҳиссаларига оид, берилган кредитлар, ва бошқа масалаларга доир бўлишиги белгилаб қўйиши мумкин. Юридик шахслар томонидан шартномада белгиланган шартларга риоя қилинишига оид маҳсус савол бўйича ҳисобот тузадилар. Ушбу шартнома шартларига мувофиқ турли мажбуриятларни бажаришишига риоя қиладилар. Масалан, фоизлар тўлови, дивиденду тўловини амалга оширишга йўл қўймаслик, мулкларни сотишдан олинган даромадлардан фойдаланишини ман қилиниши бўйича турли мажбуриятлар бўлиши мумкин.

Аудитор шартномада назарда тутилган бухгалтерия ҳисоби масалалари ва соликка тортиш жараёнлари тўлиқ кўриб бўлингандан сўнг шартнома (контракт)ларга ўз фикрини ифода қилувчи хulosани бериши мумкин. Агарда шартнома шартларида аудиторнинг ваколатига кирмайдиган айrim масалалар бўлса, бундай ҳолатларда четдан экспертларни жалб қилиш зарур бўлади. Аудиторнинг маҳсус саволга оид текшириш натижалари бўйича ҳисоботига шартномадаги ушбу шартларининг бажарилиши тўғрисида аудиторнинг фикри ифодаланади.

Давлат органларининг тоширикларига мувофиқ тузиладиган маҳсус савол натижалари бўйича аудиторнинг ҳисоботи. Давлат органларининг тоширикларига мувофиқ маҳсус савол бўйича аудиторлик текширишни амалга оширишида аудитор ва аудиторлик ташкилоти текширилаётган ҳўжалик юритувчи субъектга нисбатан мустакил бўлиши керак. Аудитор ҳисоботни тузища айrim юридик терминлардан: “үғирлик”, “жинояткорона камомал”, “ўзлаштириш” каби терминлардан халос бўлиши мақсадга мувофиқ. Аудитор ҳисоботда ушбу терминларни кўллаши ўз ваколат доирасидан

четга чиқишини билдиради. Бу терминларнинг факат судтергов орғанлари ҳаракати доирасидагина ишлатилишини тақозо қилинади. Аудитор хulosасининг мазмуни давлат органи берган топширикнинг мақсадига қараб ифода қилинади. Ҳар бир хulosа аникланган далилларга ҳамда бу далилларнинг белгиланган месъёрий-хўқуқий ҳужжатларга зид келишилигига қараб расмийлаштирилади. Агарда бундай ҳолатлар аниқланганда аудитор аниқ қайси месърий ҳужжатга нисбатан номувофиқлиги ва қайси даврда эканлигини кўрсатиши керак. Ҳўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахслари бухгалтерия ҳисоби қоидаларини бузилишига, кўрилган моддий заарларга ва бошқа салбий ҳолатларга жавобгар ҳисобланади. Махсус савол бўйича аудитор ҳисоботининг иловасида ҳисоб-китобларга доир ғрафиклар, жадваллар, ҳужжатларни таққослаш ведомостлари ва бошқа амаллар келтирилиши мумкин. Буларга ҳисоботнинг матнида айбатта изоҳ берилиши мақсадга мувофик бўлади.

Давлат органларининг топширикларига оид маҳсус савол бўйича аудиторлик ҳисоботининг мазмуни аудитор хulosасининг асосланганлиги ва унинг ишончлилиги билан таъминланиши керак. Уларнинг хulosалари Ўзбекистон Республикаси процессуал Қонунига мувофик тайинланадиган экспертилар хulosалари билан тенглаштирилади. Шуни назарда тутиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси амалдаги белгилangan қонунларига мувофик маҳсус савол бўйича аудиторлик текшириш битта ҳўжалик юритувчи субъектда кетма-кет уч йилдан ошімаслиги керак ҳамда текшириш билан боғлик аудиторлик хизматига оид ҳаражатлар буюртмачи томонидан копланиши зарур. Аудиторлик ташкилоти маҳсус савонни текшириш натижалари бўйича атайлаб ёлғон ёки нотўри ҳисобот тузганлиги учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофик жавобгар бўлади.

Мавзунинг таянч иборалари:

Аудиторлик ҳисобот, аудиторлик хulosа, аудиторлик лицензия, ижобий аудиторлик хulosа, салбий аудиторлик хulosа, аудиторлик хulosа беришдан бош тортниш.

Савол ва топшириқлар:

1. Аудиторлик текширишининг умумий қоидалари нималардан иборат?
2. Аудитнинг ишчи ҳужжатларидағи реквизитлар рўйхатини изоҳлаб беринг.
3. Аудиторлик текширишининг якунловчи босқичи нималарни ўз ичига олади?
4. Аудиторлик ҳисоботнинг таърифи ва таркибини баён қилинг.
5. Аудиторлик ҳисоботни тузилиши учун қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
6. Аудиторлик хуносасининг таърифи ва таркибини баён қилинг.
7. Аудиторлик хуносаларининг қандай турларини биласиз?
8. Аудиторлик хуносасининг таҳлилий қисми нималардан иборат бўлади?
9. Аудиторлик хуносасининг якунловчи қисми нималардан иборат?
10. Хуноса тузишдан бош тортишни изоҳлаб беринг.
11. Аудиторлик текшириши натижаларини баҳолаш, унинг мақсади нималардан иборат?
12. Ҳисобот тузилган санадан кейинги ҳодисалар, унинг мазмуни ва унга қўйиладиган талабларни изоҳланг.
13. Махсус саволни текшириши натижалари бўйича аудитор ҳисббот, унинг мазмуни нималардан иборат?

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1992 йил 8 декабр.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 29.08.96 йил. 2571-сон қарорига мувофиқ, тасдиқланган 1997 йилнинг 1 мартадан кучга киритилган.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. 22.09.1994 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг № 120/12 сон қарори билан тасдиқланган.
4. Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. 1996 йил 30 август –Т.: Адолат, 1996.
5. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Норма маслаҳатчи. –Т.: Солиққа оид қонун ҳужжатлар тўплами. 2008. №1.
6. Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. (Янги таҳрири) 2000 йил 26 май. –Т.: Адолат, 2001.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.07.2008 йил №-907 сон Қарори “Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги №-615-сон қарорига илова Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида Низом.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8 августдаги “Текширишларни тартибга солиш ва назорат қиувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги “Хўжалцк юритувчи субъектларни текширишни ташкил килишни тартибга солиш тўғрисида”ги Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорига 2-илова Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида Низоми.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 октябрдаги 444-сонли «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом». –Т.: «Солиқ ва божхона хабарлари», 2003 й, 27 октябр.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги “Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида”ги 365-сонли Қарори. –Т.: «Халқ сўзи», 2000 й, 26 сентябр.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 12 февралдаги 01/12-18/03, 20-сон қарори билан тасдиқланган “Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортик бўлган корхоналарда ташки аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисида”ги Низоми.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2007 йил 1 августдаги 73-сонли бўйруги билан тасдиқланган “Аудиторлик ташкилотлари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида”ги Низоми.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 7 февралдаги 31-сон «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича коидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги бўйругига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (ЎзР МВ 14.02.2003 й. 30-сон бўйруғи, ЎзР АВ томонидан 28.02.2003 й. 1117-2-сон билан рўйхатта олинган). «Норма» дастури.

17. Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш бўйича кўрсатмалар (ЎзР АВ 19.03.2002 й. Молия вазирлигининг 7.02.2002 й. №31-сон бўйругига 7-сон илова). «Норма» дастури.

18. Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари №03, 05, 06, 09, 10, 11, 13, 14, 16, 24, 25, 31, 50, 55, 56, 60, 70, 80, 90-сонлари. «Норма» дастури.

19. Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига

ўтишнинг ўзига хос йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1993. 70 б.

20. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995. 269 б.

21. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 56 б.

22. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада оширишдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 80 б.

23. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 56 б.

24. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш барча демократик янгилаш ва иқтисодий ислоҳотимизнинг пировард мақсадидир, - Тошкент: Ўзбекистон, 2007.

25. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш устувор мақсадидир ва асосий вазифамиз Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон – 2010. 77 б.

26. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласди: 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасиниг мажлисида ўқилган маъруза. 2011 йил январь. –Тошкент.: Ўзбекистон, 2011. 48 б.

27. Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб. –Т.: «Меҳнат», 1997. 432 б.

28. Адамс Р. Основы аудита: Пер.с англ./Под ред.Проф. Я.В.Соколова. –М.: Аудит, ЮНИТИ, 1995. 398 с.

29. Акрамов Э.А., Ишмухамедов Ш. Узбекистан на пути к рынку: теоретические основы, условия и практика перехода. –Т.: Узбекистан, 1993. 147 с.
30. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. –Т.: Молия. 2003. 224 б.
31. Алборов Р.А. Аудит в организациях промышленности и АПК. –М.: АО «ДИС», 1998. 464 с.
32. Тўлахўжаева М.М., Илхомов Ш.И., Ахмаджанов К.Б., Ходжаева М.Х., Тулаев М.С.. Аудит. Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2010. 460 б.
33. Андреев В.Д. Практический аудит (справочное пособие). –М.: Экономика, 1994. 366 с.
34. Аренс А., Лоббек Дж. Аудит. Пер. с англ. М.А. Терехова и др.: Гл. ред. Серии UNCTC проф. Я.В Соколов. –М.: Финансы и статистика, 1995. 560 с.
35. Аудит в России. Законодательство. Стандарты. –М.: Инвест Фонд. 1994. 192 с.
36. В.И.Подольский, Г.Б.Поляк, А.А. Савин, Л.В.Сотников. Под ред проф. В.И.Подольского. Аудит: Учебник для вузов 4-ое изд., испр.и доп. –М.: изд. Центр «Академия», 2004. 304с.
37. Аудит: Под ред проф. В.В. Скобара. –М.: изд. Пропагандация, 2005. 479 с.
38. Аудит Монтгомери / Ф.Л. Дефлиз, Г.Р.Дженик, В.М.Орейли, М.Б.Хирш; Пер. с англ. С.М. Бычковой /Под ред. Проф. Я.В.Соколова. –М.: Аудит ЮНИТИ, 1997. 542 с.
39. Гадоев Э.Ф. Молиявий хисботнинг концептуал асослари. Ўзбекистон Республикаси Молиявий Конунлари, 1999 йил 2-сон.
40. Глушков И.Е. Практический аудит на современном предприятии. –М.: –Новосибирск: КНОРУС-ЭКОР, 1997. 288 с.
41. Дўсмуродов Р.Д. Аудит асослари. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2003. 604 б.

42. Друри К.В. Ведение в управлеченческий учет и производственный учет –М.: Аудит, ЮНИТИ, 1994 г. 560 с.
43. Жўраев Н.Ю. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятнинг тараккиёти –Т.: Ж/Иқтисодиёт ва таълим, 2003 йил, 2-сон.
44. Иткин Ю.М. Проблемы становления аудита –М.: Финансы и статистика, 1991. 160 с.
45. Кудбиев Д.К. ва бошк. Корхона молиявий хўжалик фаолиятнинг аудити. –Фарғона политехника институти. 1998. 165 б.
46. Маматов З.Т. Аудит. –Т.: «Иқтисод-молия» нашриёти, 2007. 272 б.
47. Маматов З., Норбеков Д., Шакаров Қ. Аудит. –Т.: «Тошкент Ислом Университети» нашриёти, 2002. 280 б.
48. Маматов З. Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истиқболлари. –Т.: Тошкент Молия институти, 2004. 254 б.
49. Манхэм К. Управлеченческий консалтинг. Пер. с англ. –М.: Изд.Дело и сервис. 1999. 288 с.
50. Международные стандарты аудита USAID, The PRAGMA Corporation, –Т.: 2002. 192 с.
51. Сборник международных стандартов аудита и контроля качества–2009 /пер.с англ./ г. Алматы. 985с.
52. Подольский В.И., Поляк Г.Б., Савин А.А. и др. Аудит. –М.: ЮНИТИ-ДАНА. 2001. 635 с.
53. Санаев Н. Аудит ва тафтиш. –Т.: Фан, 1997. 254 б.
54. Санаев Н., Нарзиев Р. Аудит. –Т.: «Шарқ» нашриётматбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2001. 334 б.
55. Скобара В.В. Аудит: методология и организация (монография). –М.: Дело и сервис, 1998. 576 с.
56. Солиев А., Хўжамов Ҳ. Бухгалтерия хисоби ва аудит. –Т.: «Меҳнат», 1999. 253 б.
57. Справочник аудитора. –Т.: «Министерство Финансов Республики Узбекистан», 2003. 188 с.
58. Терехов А.А. Аудит. –М.: Финансы и статистика, 1998. 512 с.
59. Тўлаходжаева М. Корхона молиявий аҳволи аудити.

- Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси», 1996. 208 б.
- 60. Шарифхўжаев М., Абдуллаев ©. Менежмент. Дарслик.
- Т.: Ўқитувчи, 2001. 704 б.
- 61. Энтони Р., Джеймс Рис Учет: ситуации и примеры.
- М.: Финансы и статистика. 1993.
- 62. Ўразов К.Б. Бухгалтерия хисоби ва аудит. Ш-кисм, Сарманд, СамИСИ. 2004. 227 б.
- 63. Бычкова С.М. Методы оценки аудиторских рисков.
- М.: //Ж. Аудитор. 2001. №7.
- 64. Веренкова А.А. Оценка эффективности системы внутреннего контроля организации на стадии планирования аудита. -М.: //Ж. Аудитор. 2001. №9.
- 65. Забродин И.П. Аудиторские процедуры проверки операций по капитальным вложениям. -М.: //Ж. Аудитор. 2001. №11.
- 66. Капустин А.А. Внедрение международных стандартов финансовой отчетности. -М.: //Ж. Аудитор. 2003. №4.
- 67. Маматов З.Т. Финансовая отчетность Коммерческих банков по международным стандартам бухгалтерского учета. //Ж. «Рынок, деньги и кредит» №12, 2001 й.
- 68. Маматов З.Т. Аудиторская деятельность в Республике Узбекистан. //Ж. «Аудитор» г. Москва №2, 2002 г.
- 69. Маматов З.Т. Модель аудиторского заключения в соответствии с НСАД в Республике Узбекистан. //Ж. «Аспирант и соискатель» г. Москва, №6, 2001 г.
- 70. Маматов З.Т. Молиявий хисоботнинг ҳалқаро стандартлари асосида дебиторлик ва кредиторлик қарзларини хисобга олиш. //Ж. «Бозор, пул ва кредит №6, 2002 й.»
- 71. Маматов З.Т. Ўзбекистонда аудитни ривожлантириш истиқболлари. //Ж. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси №7-8, 2002 й.»
- 72. Маматов З.Т. Мажбурий ва ташаббусли аудит. //Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси №9, 2002 й.
- 73. Маматов З.Т. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари. //Ж. Иқтисодиёт ва ҳуқук, №5, 2002 й.
- 74. Маматов З.Т. Молиявий хисоботни аудит килишда

услубий далилларнинг зарурлиги. //Ж. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», №4, 2004 й.

75. Маматов З.Т. Виды аудиторских выборки и методы оценки их результатов. //Ж. “Актуальные проблемы современной науки” Москва, №2, 2004 г.

76. Пардаев М.К., Исройлов Б.И. Факторный анализ результатов деятельности предприятий. // Ж. Экономический вестник Узбекистана. 2002. №10-11.

77. Хасанов Б.А., Махмудов А.Н. Аудиторлик фаолиятида тендерни ташкил этиш истиқболлари. –Т.: //Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2002. №1-2.

78. Хасанов Б.А. Внутренний аудит в системе управляемого контроля. –М.: //Ж. Аудитор. 2003. №2.

79. Хасанов Б.А. Система финансового контроля и внутренний аудит. –М.: //Ж. Аудиторские ведомости. 2003. №3.

**Маматов Зайнидин Тўлабаевич
Нажбиддинов Сувон Ўринович**

АУДИТ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус
таълим вазирлиги томонидан ўқув қўлланма
сифатида тавсия этилган*

Мухаррир:	А. Тилавов
Техник мухаррир:	С. Курбонов
Матн терувчи:	М. Асқархўжаева
Саҳифаловчи:	С. Курбонов

«Sano-Standart» нашриёти – Тошкент, 2014

Нап.лиц. № А1 245, 02.10.2013

Теришга 2014 йил 21 апрелда топширилди. Босишига 2014 йил 5 майда руҳсат этилди. Бичомни: 60x84 ^{1/16}. Офсет босма. Таъмс гарнитураси. Шартли б.т.15,35.

Нашр б.т. 16,50. Аддади 500 нусла. Буюртма № 10. Баҳоси шартнома асосида

**«Sano-Standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,
Юнусобод-9, 13-54. Тел/факс: (371) 228-67-73**

**«Sano-Standart» МЧЖ босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри, Широк кўчаси, 100-уй.
Телефон: (371) 228-07-94, факс: (371) 228-07-95.
E-mail: sano-standart@mail.ru**

“Sano-standart”
нашиёти

ISBN 978-9943-396-60-9



A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-396-60-9.

9 789943 396609